



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

**Бош редактор:**  
**Омон МАТЖОН**

**Редакцион коллегия:**

**Саид АҲМАД,**  
**Эркин АЪЗАМОВ,**  
**Эркин ВОҲИДОВ,**  
**Баҳодир ЖАЛОЛОВ,**  
**Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,**  
**Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,**  
**Олимжон ИСМОИЛОВ,**  
**Фёдор КАМОЛОВ,**  
**Муроджон МАНСУРОВ**  
**(бош редактор ўринбосари),**  
**Насриддин МУҲАММАДИЕВ**  
**(масъул секретарь),**  
**Хайриддин СУЛТОНОВ,**  
**Худойберди ТУХТАБОЕВ,**  
**Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
**Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,**  
**Урие ЭДЕМОВА,**  
**Уткир ҲОШИМОВ,**

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

(48)

1985

ЙИЛ,

ДЕКАБРЬ

12

ТОШКЕНТ  
«Ёш гвардия» нашриёти



## Қуёш чиқар қўшиқ айтгали...

Мен бағрингга қайтдим, онажон,  
Қайтган каби юртимга баҳор.  
Қара, бирам сулув кенг жаҳон,  
Жилмаймоқда бизга бахтиёр,  
Мен бағрингга қайтдим, онажон!..

Қайтган каби юртимга баҳор  
Бор шодлигим — сенинг ўзинг-да!  
Эригандай тоғлардаги қор  
Куй яратдим ҳар бир сўзингдан,  
Қайтган каби юртимга баҳор!..

Қара, бирам сулув кенг жаҳон  
Тутаётир бахт ва эзгулик.  
Менинг бахтим сенсан, онажон,  
Кўзларингни кўрмай қайғули, —  
Қара, бирам сулув кенг жаҳон!..

Жилмаймоқда бизга бахтиёр  
Тўлган бағринг каби қишлоқ ҳам.  
Юрагимда ажиб меҳри бор  
Ҳар бир сой ҳам, ҳар бир япроқ ҳам,  
Жилмаймоқда бизга бахтиёр!..

Мен бағрингга қайтдим, онажон,  
Кувончимиз дoston этгали,  
Энтикмоқда саодатли тонг,  
Қуёш чиқар қўшиқ айтгали, —  
Мен бағрингга қайтдим, онажон!..

## Илҳом

Гўзал ҳислар, пок туйғу билан  
Нурафшон тун бағрига кирдим.  
Олам ётар маст уйқу билан,  
Мен табиат бирла ўй сурдим.

Чўғдай ёнар бахмал осмонда  
Чаман-чаман очилган юлдуз.  
Ой самода олмос камондай,  
Ёғду сочиб турибди ёлғиз.

## Ойгул Суюндикова

Сув тагида ярқирар тошлар,  
Ярқирайди олтинранг япроқ!  
Бирдан шеърга айлана бошлар  
Юрагимни тўлдирган титроқ.

\* \* \*

Ой ҳам ботди маъюсгина жилмайиб менга,  
Жануб яна тонгни кутди майин ва дилбар.  
Менинг эса виро айтгим келмади тунга,  
Айни чоғда қуёшдан ҳам кутдим хушхабар.

Юрагимни сирли-сирли туйғулар ютди,  
Асир бўлдим тун ила тонг остонасига.  
Балким қайтмас олтин даврим қайрилмай кетди,  
Балким пешвоз чиқдим иқбол остонасига...

\* \* \*

Деразамдан тушар парча нур,  
Кўзларимдан уйқу қочади.  
Мен-ла яшаш истаб бир умр  
Хотиралар бағрин очади.  
Истасам ҳам, истамасам ҳам  
Яшаш истар аччиқ аламлар.  
Улар — тинчим бузғучи олам,  
Тундай оғир-оғир қадамлар.  
Мен улардан кечмоқ истасам  
Кўз ёшларим учар юлдуздай.  
Улар — қалбдан айрилмас чидам  
Ва ўй каби яшайди кўзда.  
Бу дунёда эзгулик бордир,

Бу дунёда мангу ҳарорат.  
Яшагандай туйғулар нодир,  
Яшагандай бахтли муҳаббат.  
Юрак эса қўшиққа ёрдыр,  
Унда яшар мунг ва ҳаяжон.  
Қўшиқсиз бу дунё бекордыр,  
Қўшиқ айтиб отаётир тонг.

\* \* \*

Термуламиз...  
Тонглар отади.  
Термуламиз...  
Қуёш ботади.  
Термуламиз...  
Кимдир очар ҳаёт китобин.  
Бу дам — кимнинг сўнги сўзидир.  
Термуламиз —  
Барча — барчанинг  
Ҳар қадами — Вақтнинг изидир.

\* \* \*

Унутар экансан аламларни ҳам,  
Унутар экансан кўз ёшларингни.  
Фақат унутишинг қийин бўларкан  
Унутишга етган бардошларингни.

\* \* \*

Тун бўйи адашиб юргим келади,  
Лекин шаҳар таниш, кўчалар ёруғ,  
Нимқоронғу хонам мен-ла тўлади,  
Шамоллар қолади кўтарганча туғ.  
Тушимга киради олис болалик...  
Осмонранг ариқлар хушнуд ва чопқир.  
Йўллар тикилади қуёшга тетик,  
Болалик юлдузга тушади асир.  
Жилмая бошлайди номозшомгуллар  
Елларнинг беозор ўпичларидан.  
Қизғиш уфқ ранги бирма-бир қулар  
Баланд дарахтларнинг уч-учларидан.  
Нур каби йўқолиб, қайтиб, югуриб  
Баргларда шивирлар шаббода изи.  
Бахтли эди сойлар бағрида кўриб  
Жануб осмонининг тиниқ юлдузин.  
Рухингдаги ёшлик туюлар абад,  
Фақатгина осмон, фақат сен ва тун.  
Йироқдир хиёнат, дабдаба, ҳасад,  
Кимнидир, ненидир кутасан беун...  
Боғларда оқшомги хаёлий ором,  
Далалар нафаси хушбўй. Ёз. Сунбул  
Сочли ой нурида ёнар беором.  
Шаҳарга элтувчи узун, текис йўл...

## Манзара

Сокин шилдирайди сойларда қўшиқ,  
Осмонда кўринмас на булут, на қуш.  
Фақат олисларда қизаради уфқ  
Уйғониб кетгандай кўриб ширин туш.

\* \* \*

Шу олис осмоннинг олис хаёли  
Мени бошлаб кетар аллақайларга.  
Россия бағрида кузак шамоли  
Айлана бошлайди сирли найларга.

Сулувлиги билан бахтиёр қайин  
Олтинранг кўйлагин кийиб олади.  
Урмон, сени ташлаб кетмоғим қийин...  
Арчага осилиб ўйлар қолади.

Урмон шовуллайди, тинглайди фақат  
Дўстимга айланиб қолган сўқмоқлар.  
Суратга туширар мени сукунат,  
Суратга туширар таниш япроқлар.

\* \* \*

Кузги ажиб қуёшли кунлар  
Маънос руҳинг енгил тортади.  
Унутилар ёмғирли тунлар —  
Бемор бугун уйга кетади.  
Қасалхона палатасида  
Бемор кўрган туш ила оғриқ.  
Унут бўлар куз нафасида,  
Улар — гўё тегмай ўтган ўқ.  
Уйга кетар, оппоқ халатлар,  
Улим ила ҳаёт кураши,  
Шу палата ва шу дарахтлар  
Хотиранинг бўлар оташи.

\* \* \*

Ёлғиз кезинг келар кенг ўрмонларни,  
Япроқлар шивирлар муқаддас эртак.  
Шовуллаб тўкилган ҳўл хазонларнинг  
Рухини қучоқлаб покланмоқ керак.

\* \* \*

Ғамли дамда одам керак одамга,  
Азот кўтаргучи бағрига босиб.  
Бир марта берилган ёруғ оламга  
Шукроналар айтиш, қилсин-да насиб.

Одам керак одамга бахтиёр дамда,  
Бахт ҳам имкон бермас олишга нафас.  
Айниқса, йўқотиб, топганинг дамда,  
Бахтни кўтармоқлик осон иш эмас.





X185





Султон  
Қолбек

## Гулжон

ҚИССА



Отам уйга кириб келиб, юзимдан ўпди. Гирдикапалак бўлиб унинг кетидан эргашиб юрган ойимнинг кўзлари жикқа еш. Ҳайрон тикилдим. Отам эшикка чиқиб кетди-да, кўп утмай қўлида ананас қовун билан қайтиб келди ва этигининг қўнжидан пичоғини олиб сўйди. Бир тиликни менга берди, иккинчисини ўзи еди, сўнг гурс-гурс юриб чиқиб кетди. Ойим қандайдир қопни кўтариб, унинг кетидан чиқди. Кўчада аллакимларнинг ғовур-ғувури эшитилиб турарди. Қовун жуда ширин экан. Маза қилиб, тўйгунимча едим. Бола эмасманми, ҳовлида не воқеа бўлаётгани билан ишим ҳам бўлмабди...

Шундан кейин отам қайтиб келмади. Орадан қанча кун ўтганини билмайман, лекин, ойим қўйнинг юнгини олаётганида ёки ўчоққа ўт ёқаётганида, аксириб юборсам: «Отангни ўйлаб ўтирган эдим, ҳақ рост, отанг соғ-саломат келаркан, ўғлим», деб мени эркалаб, бағрига босарди. Мен айна шундай пайтда аксирганимдан хурсанд бўлардим. Баъзан аксирган заҳотим атрофимга аланглаб, ёнимда онам йўқлигидан афсусланардим.

Ойимнинг «хўжайинимнинг йўлига» деб садақа берганини, «хўжайинимга» деб лўлиларга фол очирганини талай марта кўрганман. Шундан отамнинг қандайдир хатарли ерга кетганини дилим сезиб, хавфсирардим. Кейин болалар билан ёнғоқ, ошиқ ўйинларига қизиқиб кетганимдан ҳаммасини, ҳатто ўзимни, бутун борлиқни унутиб, қош қорайгунча чанг кўчада қолиб кетардим.

«Қора хат» келса хотинлар юзларини тимдалаб, сочларини юлиб, қўрқинчли йиғлашарди. Мен қоронғи кечаларда босириқ тушлардан дағ-дағ титраб, қичқириб уйғонардим.

Расмларни Х. ЛУТФУЛЛАЕВ ва  
А. ШОАЛИМОВ чизган

«Энди Орол тошмасми,  
Бизга нижу сочмасми!  
Бу дунёдан ўтдингми,  
Мени ташлаб кетдингми!»

деб диллари қора қон бўлганида даҳшатли чинқириқлар эртақлардаги аждарларнинг ўтли нафаси каби бутун фалакни куйдириб, тоғу тошларни зирқиратиб юборгудай бўларди.

Мен онаизоримнинг бундай ҳолга тушмаслигини, бизга «қора хат» келмаслигини истардим. Ҳатто, ҳар кун ухлаш олдидан ойим нима десалар, мен ҳам шуни такрорлардим. «Ё худо, ўз паноҳингда асра! Омонат жонини омон қайтар! Бизларни етим қила кўрма!»

Баъзан ойим уф тортаркан, ўзи ҳам сезмаган ҳолда:

Баланд чиқиб назар солсам ҳар ёққа-ей,  
Ёр қароси кўринмайди кўзимга-ей.

деб қўшиқ айтарди. Шунда у менга баланд қирларга чиқиб, оқ туманлар ичра суюкли отажонимни излаб юргандай кўринса, бошқа бир замон оппоқ кўйлагини ҳилпиратиб, яланг оёқ Орол ойдинларида югуриб кетаётгандай хаёлимдан ўтарди.

У пайтда биз колхоз қуриб берган уйда турардик. Уйимизнинг орқасида пахса билан қуршалган катта кўра бўларди. Беш юздан ортиқ қўй кечаси шу кўрага қамаларди.

Тонг отгунча ойим иккаламиз галма-гал деразадан қараб турамыз. Итимиз Олапар кўйларнинг ичида ётади. Кечалари уй билан кўрани айланиб, ҳуриб юради. Кундузи кўйлар ёйилиб юрганда, баланд тепаликларда ётиб мудрайди. Ойим уни: «Бу ақлли ит, шуни асраганимиздан бери биронта ҳам қўйимизни бўрига олдирмади», деб мақтарди.

Кўйларни Қизилсой, Қизилжар, Изёнлисой яйловларига ёямиз. Отам армияга кетгандан бери бир кун ҳам уйда қолганим йўқ. Унинг узундан-узун, йўғон таёғини судраб қўй боқаман. Ойим иккаламиз эрта саҳарда тушлик овқатимизни олиб, кўйларни ҳайдаб кетамиз-да, қош қорайган пайтда қайтиб келамиз. Ойим овқат пишириб олиб келгунча, Олапар менинг ёнимда ётади. Тоғорасига шар-р этиб овқат қўйилгандан кейин, кун бўйи ишлаб чарчаган одамдай эринибгина туриб, овқатини ичгач, кўйлар томонга кетади. Мен дадамнинг қора пўстинига ўралиб ўтириб, суяк ғажийман. Дадамнинг жойида ўтирганим учунми, ойим бундай пайтларда менга узоқ-узоқ тикилиб қолади. «Дадамнинг оғзидан тушганмисан-а? Оёқларинг бўталокникидай узун. Бурундан ҳам берган, — дейди кулиб. Яна: — Кўзларингга қарасам, баъзан, худди дадан тикилиб тургандай, юрагим шув этиб кетади! Одам ҳам шунчалик ўхшаркан. Фақат этинг ўзимга ўхшаган оқишроқ. Онанг айлансин сендан», деб қучоқлаб ўпади.

Кунлардан бир кун ойим кўйларни Қизилжаргача ҳайдашиб борди-да, менга топшириб, ўзи дадамнинг жийрон отига миниб, озиқ-овқат олиб келиш учун колхоз марказига кетди. Тушгача кўзим йўлда бўлди. Утлари қовжираган, чанг босган дала сарғайиб кетган ошиқлар достонидай мунгли ва сирли ястаниб ётарди...

Зерикдим. Олапар гўё сезгандай таёғимни олиб қочди. Мен қувдим. Иккаламиз обдан олишиб ўйнадик. Сўнг қир кўксында чўзилиб этиб хаёл сурдим. Қизилжар пастлигидаги оқ попукли қамишзор салқин шабадада бетиним тебранмоқда. Гала-гала

йилқи каби оппоқ булутлар яйлов довлари устидан аста учиб ўта бошлади. Улардан пастда бир бургут қалқиб айланмоқда. Мен унга узоқ қараб ётдим. У Қизилжар тепасидан кетмай қўйди. Бўйинини чўзиб қамишзорга тикилаётгандай, ердан нимадир излаётгандай эди. Одатда бургутлар бирор нарсани пайқамаса бир ерда бунчалик узоқ айланмайди. «Қамишлар орасида бўри бўлмасин тагин!» Олапарга қарадим. У ёнгинамда бемалол ухляпти. Дам кўзига, дам бурнига қўниб, ғиниллаб тинчлик бермаётган катта қора пашшадан бошини олиб қочиб менинг оёқларим тагига яширди.

Узоқдаги бир тепаликдан қуюн кўтарилди ва йўлнинг чангини осмонга совуриб айланиб ўтиб кетди.

Мен яна қамишзор томонга тикилдим. Кўйлар жар лабидаги янтоқзорга ёпирилди. Улар шундай ғуж тўпланишдики, ҳатто дамланган сувдек манамана пастга отилиб кетадигандай кўринди. Улар ўтганда аравайўлдан кўтарилган оппоқ чанг пастликдаги қамишзор устида ҳарир пардадек дарбадар қалқиди.

Чексиз қирлар ва бир ўзим... Яна хавфсирай бошладим.

Қамишзор устида айланаётган бургут аста-секин кўйлар тепасига яқинлашаверди. Орол томондан энди қора булутлар кўтарилиб, яйлов устини қоплаб, қуёш юзини беркитди. Шамол янада кучайди. Юзимга чирт этиб бир томчи ёмғир тушди. Шу пайт кўйлардан эллик қадамча наридан — жарлик лабидан нимадир лип этиб чиқди.

Кўзимни қаттиқ юмиб очдим. «Бўри!» Шу сўз миямга яшиндек урилиб, бир зум қотиб қолдим. Бўри тумшугини олға чўзиб, қулоқларини ётқизиб, итларга ўхшаб думини ликиллаганча, энг чеккадаги қора тўқлига яқинлашарди. Қўй бошини кўтариб, оғзидаги ўтини ҳам чайнамай тикилиб турди-да, бирдан орқага отилди. Кўйлар қирсоққа урилган денгиз тўлқинларидек ёпирилиб, қаросимага тушиб қолди. «Олапар!», деб қичқириб юбордим жон ҳолатда. «Олапар! Фуц! Фуц!»

Олапар бошини шахд кўтариб, у ёқ-бу ёққа аланларкан, бўрини кўрасолиб бир марта «воф» дедую тепадан пастга ўқдек отилди. Унинг бўйи икки ҳисса чўзилиб, думи ҳам узайиб кетгандек кўринди кўзимга. Жониворга қанот битгандай оёғи ерга тегартегмас учиб кетаётир. Кўйлар эса қий-чув бўлишиб, кўзлари олайиб, эс-ҳушсиз пўртана каби босиб келаётир. Олапар нима қиларкин? Бу ёввойи оқимни қандай кесиб ўтаркин? Кўйларга бўри олдин етармикин, Олапар олдин етармикин? Аммо ит шошмади, қайтмади ҳам. Гуркираб келаётган кўйларнинг устидан сакраб-сакраб ўтиб кетди. Унинг бундай дадил ҳаракатидан кейин мен ҳам жўшиб-тошиб кетдим. «Олапар! Узимнинг Олапарим! Ботирим, Йўлбарсим!» Дадамнинг таёғини баланд кўтариб унинг кетидан югурдим. Борганда қўлимдан нима келарди. Агар бўри Олапардан кўрқмаса, мандан қўрқмайди. Уша пайтда нега шундай қилганимга ҳалигача ўзим ҳам ҳайронман.

Бўри орқага қайтишини ҳам, қайтмасини ҳам билмай туриб қолди. Кетай деса, думбалари диркиллаган кўйларни кўзи қиймайди. Кетмай деса, бу ёқда ҳам кўппак, ҳам бир бола... У, «кўппак бўлмаганида-ку...» деяётгандай менга қараб-қараб қўйди. Кейин дам у ёққа, дам бу ёққа сакраб, тишларини қисирлатди. Елка жунларини тиккайтириб, ноилож орқага қайтди. Кетишидан Олапарни менсимаетгани

кўриниб турарди. Ит етиб борганида у бир сакраб, хириллаб, ҳар бири жимжилоғимдай келадиган тишларини шақиллатиб юзма-юз туриб олди. Лекин ит унинг дўқидан кўрқиб, думини қисиб орқага қочмади, елдай учиб бориб, уни кўкраги билан уриб, думалатиб, устига тушди. Чап қулоғини тишлаганча, қўйиб юбормади. Оғзи томоғига илинса борми, шу бўйи ғажиб ўлдирадди балки. Мен ўттиз қадамча берида туриб қолдим. Бўри жон жаҳди билан хириллаб ўзини нари тортар, ит эса қўйиб юбормай, бери тортар эди.

Олапар борган сари силтаб-силтаб, бўри қулоғининг каттароқ қисмини тишлаб олишга уринарди. Ерга босиб у ёқдан-бу ёққа юлқилайверди. Жон азобида кўзлари чақнаган бўри бор кучини йиғиб ўзини орқага тортди. Сирғалиб-сирғалиб жарнинг лабига борганида итнинг оғзидан бошини юлқиб тортиб оларкан, ўзини ўнглаётмай жарга тушиб кетди ва ўшанақаси судралиб қамишзор томон қочди. Боши, кўкраги қип-қизил қон. Бир қулоғи ярмидан юлинган. Олапарга қарасам, у бўрининг қулоғини ерга ташлаб, кўнгли айнигандай ўхчиб, оғзидаги юнглари тозалаётган экан. Сўнг бирдан пастга сакради. Олдинги оёқлари букланиб қилиб, тумшуғи билан суза-суза олға интилди. Бу пайт бўри қамишзорга кириб улгурган эди. Унинг кетидан қамишзорга уриб кетган Олапар бир замон бошқа ердан кўлмак сувларни шалпиллатиб, ёлғиз ўзи қайтиб чиқди. Адашиб қолган бўлса керак, мени кўриб, шу томонга қараб юрди. Мен уни ҳеч қачон бунчалик яхши кўрмаган эдим, ҳатто бўйнидан қучоқлаб олиб, йиғлаб юбордим.

«Олапар! Айанай сендан! Айиқ полвоим менинг!»

Ит Қизилжарни янградиб вовиллади. Қучоғимда ҳали ҳам бадани титрар, бўрини қўлдан чиқарганига изза бўлаётгандай безовталанар эди.

\* \* \*

Бусиз ҳам бошлиқларга: «Мен эплай олмайман, бирор эркак одамни қўйинглар», деб юрган ойим бўри воқеасидан кейин қўй боқишдан мутлақо бош тортди:

— Ўзи асрабди-да, ўшанда ўғлимни бўри майиб қилиб кетганида нима қилардим. Эсимга тушса, ҳамон юрагим орқамга тортиб кетади. Яхшиям олдида ит бор экан... Вой-вой-ей! Дадасига қайси юзим билан қарардим. Нима дердим?!

Ойим ёқасини тутаркан, яна кўзларига ёш тўлди.

— Бўрини таёқ кўтариб ўзи қувлабди-ку, сен буни бўри ейди, деб кўрқиб ўтирибсан! Йигит кишини бўри ермиди! Баракалла, жиян! «Эр йигит тоғасига тартади!» деганлари шу-да. Сен асил жияним экансан, — деди ферма бошлиғи Пиримбет тоғам.

Бу донги кетган мерган, ботир киши ойимга жуда ўхшарди. Тўладан келган, оқ-сарик, қора мўйловли, қора қош, қора кўз. Аммо бўйи ойимдан анча баланд. Жуда меҳрибон, мулоғим, софдил, ақлли одам эди.

Мен унинг гапидан руҳланиб, анча кўтарилдим. «Ҳақиқатан ўша кунни дадамнинг таёғини бошимга кўтариб қичқириб юбордим-ку. Бошқа бола бўлганида, йиғлаб уйига қараб қочарди. Бўри итини ўлдириб, қўйларини еб кетарди... Қани энди ўша бўри яна дуч келса! Олапар қулоғидан тишлаб турганида бошига таёқ билан уриб йиқитардим.

Иннайкейин одамлар: «Собир бўри билан олишиб уриб ўлдирибди, тоғасининг жияни-да!», деб мақ-ташарди.

Ойим ҳамон қўй боқишдан бош тортарди.

— Қўйинг, ака, бирор эркак одамга топширинг. Куёвингиз келганларидан кейин бир умр боқсам ҳам майли. Ишқилиб, омон қайтсинлар. Узлари бўлганида сизга гап қайтариб ўтирармидим, акажон. Бирор марта измингиздан чиққанмидим? — Ойим яна кўзига ёш олди. — Отамнинг ўрнига оталик қилган акамсиз...

— Тўғри, Гулжон! — Тоғам Гулсара дейиш ўрнига ойимни эркалаб доим шундай атарди. — Ҳеч қачон мени хафа қилганмассан. Дунё тургунча тургин, ҳеч кам бўлмагин. Менга қолса, муштдай боланг билан шу ерга сени бир кун қўярмидим. Эринг Холмурод келгунча уйда ўтирардинг. Уйинг куйгур уруш қулфати-да бу. Урнингга бошқа одам кўяй десам, эркаклардан ҳеч ким йўқ. Ҳаммаси урушга кетиб бўлди. Кўпларидан «қора хат» келяпти. «Куйганлар, куйганларга тегманглар» деганларидек «қора хат» олган хотинларга оғиз очишга юзим бормайди. Уларнинг берадиган жавоби ҳам маълум: «Синглингиз биздан ортиқми? Яхши кунларда қўй боқиб роҳатини кўрган одам ёмон кунга ҳам чидасин!», дейди. Уйлаб-уйлаб бошим қотди. Гулжон синглим, сингилгинам, не қилай? Шу кунлар, шу қийинчиликлар пешонамизга ёзилган экан, нима ҳам қила оларди. Чидаймиз-да, кўнамиз-да. Кимга осон бўляпти, дейсан? Қон кечиб жангда юрганларгами ёки бу ердагиларгами? Етти яшар боладан тортиб етмиш яшар қарияларга қадар жон олиб, жон бериб курашаётгани ўзингга маълум... Танинг соғ бўлсин, Холмурод эсон-омон келсин, бу кунлар ҳадемай ўтиб кетади.

Пиримбет тоғам дил-дилдан ечилиб улкан меҳр билан маъюс гапирарди. У ойимга ақл ўргатиб, далда бериш билан бир қаторда кўпдан бери ўзининг дилига йиғилиб қолган дардларини ҳам чертиб, синглиси билан ҳасратлашиб ўтиргандай кўринарди. Ойим дастурхоннинг четини дам буклаб, дам ёзиб, бошини қуйи солиб, индамай тингларди. Тоғам сўзида давом этди:

— Эртага синглинг Гулшанни юбораман. Холмурод келгунча, сен билан туради. Ўзим ҳам бир кун уйда бўлсам, бир кун шу ерда бўламан. Сени ёлғиз ташлаб қўймайман.

Тоғам чойини ичиб бўлди-да, пиёласини тўнтариб қўйиб, фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Отини ечар экан, бизга қарамай туриб, гўё ўзига гапирётгандек, деди:

— Сенларни Холмуроднинг қўлига эсон-омон топширсам, армоним қолмасди-я...

— У ҳар доим сизнинг келадиганингизни отингизнинг юришидан биларди. Суюбни кетарди. Энди бўлса, биз билан гапингиз ярашмайди. Кўчага келгандай бўлиб кетасиз. Биз сизни унингдек кутиб ололмаймиз... — Ойим тоғамнинг елкасига бошини қўйиб, пиқ-пиқ йиғлаб, рўмолининг учи билан кўзларини арта бошлади. Соғинча тўлиб кетган юрагини бўшатиб, ўқиб-ўқиб, босилди.

— Айланай сендан, Гулжоним менинг! Ҳам синглим, ҳам иним менинг! Йиғлама! Ҳадемай бахтли кунлар келади. Холмурод эсон-омон келган кунни сизларни қайтадан уйлантириб, яна янгитдан тўй қилиб бераман, — деди тоғам ҳазиллашиб.

Ушанда иккови ҳам кулиб юборишди. Чексиз меҳр мунгли кўнгиллаларга равшанлик киритди.



— Дадамлар қачон келадилар? — дедим мен кўзимни тоғамдан яшириб.

Ойим жим бўлиб қолди. Сезиб турибман: тоғам лабини тишлаб унга кўзини қисди ва мени бағрига тортди. Унинг қўли тегиши билан чидаёлмай йиғлаб юбордим. Ойим юзини ҳовучига босиб уйга кириб кетди.

— Ие, жиян! Сенга нима бўлди? Йигит киши ҳам йиғлайдими? Ана холос! Жияним ўзимга ўхшаган ботир, деб юрсам, ҳали шунақамидинг. Кўй, йиғлама! Сени кўриб оингнинг ҳоли нима кечади? Дадангни ўйлаб бир сарғайса, сенинг йиғлаганингни кўриб икки сарғаяди. Бундай қилма, жиян. Қайтаंगा уни овут, қувват бер. Сен энди шу уйнинг каттасан!.. Даданг ҳадемай келади...

Тоғамнинг олдида бўри қувлаган ботир эмас, қизларга ўхшаган йиғлоқ бола бўлиб кўринаётганимдан уялиб кетдим. Тоғам отига миниб кетгачина бошимни кўтардим ва теракка суюнган ҳолда анча вақтгача унинг кетидан қараб турдим. Тоғам биздан узоқлашгач, белбоғини ечиб қўлига олди.

Энди ўйласам, ўшанда ўша ботирнинг ўзи ҳам мендан яшириб йиғлаб кетаётган экан...

\* \* \*

Киш келди. Шафқатсиз изғирин шохлардаги сўнги тилла япроқларни қушдек чирқиратиб юлиб кетди... Бўғзигача қорга кўмилган ўт-ўлан ҳаёт билан видолашарди. Далалар олмос қиличдай совуқ...

Бундай пайтларда бизнинг элда одатда кунора тўй-йиғин бўлиб, улоқ, пойга, кураш каби ҳар хил томошаларнинг кети узилмасди. Бугун буларнинг ўрнини ташвиш, ғам, аза эгаллаган. Шу кунларда бизнинг ҳам кўнглимизга соя туша бошлади: дадамдан хат-хабар узилиб қолди. Ойимнинг қўли ишга бормади, кечалари уйқуси қочиб, деразадан кўчага тикилганча, хаёл сурадиган одат чиқарди.

— Ҳадеб ўйлайверасизми? Нима, сиздан бошқанинг эри кетмабдими? — деди ярим ҳазил, ярим киноя билан бир кун кечқурун Гулшан опам.

— Унинг қандай одамлигини билганингда, бундай демасдинг, — деди ойим Гулшанга.

— Ол-а! Роса мукангиздан кетган экансиз-да. Бунчалик экан, кўйларингизни ҳайдаб бирга кетаверинг эди. Урушдагиларга ҳам гўшт керак-ку, — дея Гулшан опам қотиб кулди.

— Олишса, ҳалиям кетардим, — деди ойим ўчоққа ўтин қалаётди.

Гулшан опам ойимга тикилиб қолди.

— Сиз барибир бахтлисиз... Мен-чи?.. Мен кимни кутяпман? Эрим савдогарлиги учун қамалиб кетди. Ундан жуда кўнглим қолган. Бир севиқлим йўқ бу дунёда. Мен ёлғизман...

— Сенга, нима бўлибди, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Ахир, мендан ўн ёш кичиксан. Чиройлисан.

— Поччам мени болдиз дейиш ўрнига доим «болқиз» дер эди, эсингиздами?

— Ҳа, эсимда.

— «Болқиз»лигимни тушунадиган поччамга ўхшаган биров учраса, шартта ёпишиб олардим, — деди Гулшан опам гапни ҳазилга буриб.

— Ҳа, жувонмарг, сени йўлдан урган шайтоннинг бўйни узилсин! Менинг эримни тортиб олишдан ҳам тоймайсан сен, — деди ойим ҳам кулиб ва ёнида ётган ёстиқни олиб ирғитди. Гулшан опамнинг қўлидаги коптокдай ип учиб келиб менинг бошимга

тегди. Мен ёлғондакам энди уйғонган бўлиб бошимни кўтардим. Икковига аланглаб, коптокни олиб эшик томонга улоқтирдим. Иккови ҳам менга қараб қотиб-қотиб куларкан, лунжимни осилтириб, танчанинг кўрпасини бошимгача тортиб ётиб олдим.

Эрталаб турсам, қор деганингиз уйилиб кетибди. Ҳали ҳам ёғар эди. Шу ҳолда сурункасига уч кун ёғди. Кетма-кет яна ёғаверди. Ҳеч бундай бўлмасди. Хашак тугаб, молларнинг оч қолиш хавфи кучая бошлади. Ойим ёрдам сўраб колхоз марказига борди. Лекин, ёрдамнинг тайини бўлмади. Чунки ҳамма ерда ҳам аҳвол шу эди.

— Ё тавба! Бу нимаси — ўнгимми, тушимми? — деди бир кун эрталаб ранги бўздек оқарган Гулшан опам. — Кўйлар бир-бирларининг юнгини юлиб ейишяпти!.. Ё тавба! Бу қандай кўргилик!

— Одамга ҳам, ҳайвонларга ҳам — осмондан офат ёғилганга ўхшайди, — деди ойим бир оз ўйлаиб ўтиргач. — Бир иложини топмасак бўлмайди. Кўйларнинг ҳаммаси қирилиб кетади... Гулшан, жоним, иссиқроқ кийиниб ол-да, жийронни аравага кўш!

Гулшан опам хўп дедию кийимларини кийиб чиқиб кетди. «Нимага, қаёққа борамиз?» деб сўрамади ҳам. Дадамдан хат келмай қолгандан бери биз ойимнинг айтганини икки қилмайдиган бўлган эдик...

Ойим қора бахмалдан пахта солиб тикилган тўнни, этигини кийиб, қўлда тўқилган кўнғир жун ўрмолини бошига ўради. Кираверишда осиглиқ турган арқонни белига ўраб боғлади ва токчадан ўроқни оларкан, менга гўё бир-икки ойдан бери энди кўриб тургандай тикилиб қолди.

— Болагинам! Бўталогим! Сочинг ҳам ўсиб кетибди. Дадангнинг, кўйларнинг ташвиши билан сенга қарашни ҳам унутиб юборганга ўхшайман. — Мени кучоқлаб, юзимдан ўпди. Оғир хўрсиндим. Ойим яна ҳам мулоим гапира бошлади: — Шу бозорда кўйларимиздан биттасини сотиб, яхши этик олиб бераман. Маз-за қилиб кийиб юрасан, бўп-тими?

Мен бўпти дегандай бош ирғадим-у, лекин очила қолмадим. «Этик кийганим билан дадам келиб қолармиди», дедим ичимда.

Улар кеч қайтишди. Обдан совуққотиб қийналганлари кўриниб турарди. Гулшан опам ўчоққа ўт ёқиб, овқат ҳаракатини қила бошлади. Ойим эса, ўриб келган қамишларини бир чеккадан болта билан майдалаб кўйларга сочарди.

Улар шу кун Қизилжарга биринчи бўлиб из солишган эди. Кейин бошқа чўпонлар ҳам шу издан бориб қамиш ўриб кела бошлади. Натижада қор топталиб, йўл тушди.

Ойим эрталаб отнинг тагини тозалаётди, Гулшан опам билан гаплашаркан:

— Шу қорда, йўлсиз қирда арава тортиш осонми. Жийрондан бошқа от бўлса, бир чақирим юрмай толиб қоларди. Жонивор-эй, қора терга тушиб, юлкиниб-юлкиниб тортишларини эсласам, жоним ачиб кетади. Поччанг уни жонидан ҳам ортиқ кўрарди. «Жийронга минсам, тахтга мингандай бўламан», дер эди. Ҳар улоққа борганида «Жийрон бугун икки оборди, уч оборди», деб оғзи қулоғига етиб келарди. Отиям худди ўзига ўхшайди — муғамбирликни билмайди, ҳалол ишлайди. Шунча миниб, аравага қўшиб бирон марта қамчи урган эмасман. Қамчини кўтармайди. Шундоқ ҳам ўзи керагидан ортиқ ҳаракат қилади, — деди у жийроннинг бўйнига қоқиб.



— Буни қаёқдан олгансизлар? — дея сўради бос-тирмада бошини юваётган Гулшан опам.

— Ҳазимизнинг биянинг боласи. Туғилгану уч кун ўтгач онаси ўлиб қолиб, ўзим қўлда сут бериб катта қилганман.

— Жонивор, жуда савлатли от.

— Обдан ҳолдан тойган вақти-ку бу. Поччанг миниб чиққанида «Мени кўр» деб юрарди. Ҳамма-нинг ҳаваси келарди. Кўз тегмасин деб поччангга билдирмай ёлининг орасига тумор тақиб кўярдим...

— Нега билдирмасдан тақардингиз?

— У ирим-сиримларни ёмон кўрарди.

— Поччам бечора жуда қизиқ одам-да. Мўйлови-ни бураб жилмайиб боқишлари кўз олдидан кетмайди.

Ойим индамай қолди. Жийрон тўй-тўйлаб, отман деган югуриқлар ичида жавлон уриб юрган бахтли кунларини эслаётгандай қор босган қирларга тикиларди.

Мен янги этигимни кийиб тайёр турардим. Чунки ойим бугун қамиш ўришга мени ҳам олиб боришга ваъда берган. Гулшан опам қўйларга қараб уйда қолди, мен ойим билан кетдим.

Ҳаво очик, кун совуқ эди. Оғзи атрофидаги туқларига оппоқ қиров қўнган жийрон узун ёлини ҳилпиллатиб йўртиб келаётди. Ҳар замон пишқириб кўяди. Филдираклар ерни гўё бир чеккадан синдириб бораётган каби гичирлайди. Туёқ остидан сачраётган қорлар қуёшнинг заиф нурида кумушдай йилтиллади...

Ойим менга ўша кумуш оламдек кулимсираб тикилди. Кўнглим учун шундай қиялпими, ҳайтовур чехраси тонгдек очик. Мен қўлимни кўтариб, «Чў-ў!», деб юбордим. Жийрон бирдан юлқиниб олға интилди. Ойим иккаламиз баробарига тахтадан орқага — араванинг ичига йиқилиб тушдик. Аввалига секин-аста, сўнг, ойимнинг ҳам кулаётганини кўргач, баралла кулиб юбордим. Жийрон менинг кулганимга қизиқсинаётгандай ёнига қараб-қараб қўйиб, аста йўғалаб борарди.

— Тиши йўқ, чол-чол! — деди ойим ёқамдан қўлини тақиб, қитиқлаб. Бунга сари мен араванинг ичида ағанаб, қотиб-қотиб кулдим.

Жийрон қамишзорга етгач, ўзи тўхтади. Уни аравадан чиқариб, бўш қўйдик. Жийрон олдинги оёқлари билан ерни тимдалаб, қорларни тушириб ўтлай бошлади. Ойим унинг изидан ўт аралаш қамиш ўришга тушди. Ер бўйлаб ётиб қолган қамишларни қордан тозалаш жуда қийин бўлса ҳам, олиш керак эди-да. Менинг оёқларим ачишиб, обдан совуқ қотдим. Ойимнинг қўллари сувда сузган ўрдакнинг оёқлари каби қизариб кетди.

— Бўлди, ойи, ойижон! Энди ўрманг, — дедим. Болалик-да. У ўрмаса, қамишни ким ўради? Қўйлар нимани ейди?

— Ҳозир, ўғлим, ҳозир бўламиз, — деди у. Юзлари илгаригидан ҳам қизариб кетибди. Менга ўгирилиб, жилмайиб кўяди. Қамиш аралаш қуруқ хашакларни тинимсиз ўраётди. Мен эса, қўлимни чўнтагимдан чиқаришга эриниб, жунжикиб турибман.

— Уғлим, сен совуқотадиган бўлдинг-а, нари-бери юриб тур! Баданинг қизийди, — деди ойим.

Менинг юришга ҳам ихлосим йўқ эди. Ойимнинг гапига кириб, бир оз нари-бери юрган эдим, сирпаниб кетиб йиқилиб тушдим. Қўлларим қорга ботиб, чўзилиб пиқ-пиқ йиғлаб юбордим. Ойим

югуриб келиб мени турғизди, қўлларимнинг қорини қоқиб, дастрўмоли билан бурнимни артди.

— Айланай, қулиним, кўзичоғим! Йиғлама! Ҳеч нарса қилмайди. Ҳозир иситиб кўяман.

У қўлларимни чопонининг ичига — қўлтиғига тақиб, мени қучоқлаб олди.

— Ойи, ойижон! — дедим мен эркаланиб. — Ойи, сиз ҳам чарчадингиз-ку, сизнинг қўлингиз ҳам совуқ қотди-ку. Энди сиз дам олинг, мен ўраман.

— Ҳа, бўпти, қўлинг иссин, кейин ўрасан. Мен дам оламан. Айланай сендан!

Тушда ўрилган қамиш устига ўтириб, гўшт билан зогора нон едик.

Жийрон қорга ағанаб тургач, бир силкиниб олиб, бўйинини аравага ишқай бошлади. Ойим ўроқни олиб, яна ишга киришди.

Кун ботаётганда ҳовлига кириб келдик. Гулшан опам уйдан югуриб чиқди. У, оғзи қулоғида, севинчи ичига сўғмас эди.

Нима бўлди экан? Дадам келяптимикин? Ойим қамиш устида оёқларини олға чўзиб, икки қўлини икки томонга тираганича Гулшан опамга тикилиб қолди.

— Опа, суюнчи беринг, суюнчи! — дер эди Гулшан опам ҳовлиқиб.

— Ҳа, нима бўлди? — деди ойим бир замон.

— Поччамдан хат келди.

Ойим қамиш устидан сирғалиб тушди-да, аравага суюниб туриб қолди. Шу пайт уйдан тоғам югуриб чиқди.

— Намунча ҳовлиқмасанг, шайтон! — деди у Гулшан опамни уришиб. Ойим ҳолсизланиб, ерга йиқилиб бораётганида тоғам уни тутиб қолди.

— Гулжон! Гулжон! Ҳазингни қўлга ол! — дер эди тоғам қўллари қалтираб ва ўз «қилмиши»дан довдираб қолган Гулшан опамга, сув олиб кел, деб буюрди жеркиброк.

Тоғам юзига сув пуркагач, ойим ўзига келиб кўзини очди. Тоғам билан Гулшан опам икковлашиб, қўлтиғидан тутиб уйга бошлади. Ҳаммалари мени унутиб юборишган эди. Мен аравадаги қамиш устида анграйганча қолавердим. Ойим унутмаган экан, остонадан ўтаётди, орқасига ўгирилди ва:

— Кел, болам! — деди лаблари пирпираб.

— Ия, сен эсимиздан чиқиб кетибсан-ку! — деб тоғам келиб мени аравадан кўтариб туширди.

Уйга киргач, «Гулшан опамнинг гапи ростмикан, ёлғон бўлса-чи?», деб ўйлаб, сўрашга ҳам кўрқиб, эшик ёнида индамай туравердим. Ойим ҳам шундай хаёлда бўлса керак, кўзларидан мўлт-мўлт ёш тўкилиб, дам тоғамга, дам Гулшан опамга хавфсираб қарарди. Ахир, олти ойдан бери хат келмаган эди-да.

— Гулжон синглим, бахтинг бор экан. Холмурод соғ-саломат экан, — деди тоғам босиқ овоз билан.

— Ростданми? — деди ойим йиғлаб.

— Рост, синглим, рост! — деди у чўнтагидан уч бурчакли хатни олаётди. — Мана, ўқинглар.

Мен тескари ўгирилиб, эшикка пешонамни қўйиб, оёқ-қўлларим титраб, юм-юм йиғладим. Гулшан опам хатни ўқигани сари кафтим билан эшикни силаб-силаб йиғлардим. Чопонимнинг икки енгги сувга ботирган каби ҳўл бўлди. Дадажоним, бор экансиз-ку, сизни жуда соғиндим, жуда соғиндим, келинг, келинг, дердим дилимда.

Дадам госпиталда экан. Қулоғи эшитмай қолибди; тили йўқ эмиш. «Яқинда бориб қоламан», деб ёзибди.

— Нима бўлса ҳам, майли, жони омон бўлса бўлди, — деди ойим.

— Уйга келгандан кейин балки соғайиб кетар, — деди Гулшан опам.

Тоғам қувватлади:

— Албатта, тузалади. Элга келиб, кўнгли жой топгач, қалоғи очилиб, тилга кириб кетади.

Уша кечаси ойим сандиқдан дадамнинг кийимларини олиб, ғижимиж жойларини кафти билан силлиқлаб, уйнинг тўрига илиб қўйди. Эрталаб ҳар кунгидан ҳам барвақт туриб, жийронни темир қашлағич билан қашлаб, тагини супирди. Кейин тахмондан чиройли ёпўғни олиб чиқиб, устига ёпиб, айилини тортди. Сандиқда ётган кумуш юган билан кумуш қўйишонни ҳам артиб-тозалаб дадам бор вақтдагидай жийроннинг бош томонидаги қозиққа илиб қўйди. Аравага эса, колхоздан бошқа от сўраб олди.

Ун беш кун ўтар-ўтмас жийрон кишнаб турган жойида ўйноқлай бошлади. Ойим уни томоша қиларкан, узоқ-узоқ хаёл сурар ва негадир кулимсираб, бўйнига уриб-уриб, ёлини бармоқлари билан тараб қўяр эди.

Гулшан опам қўйларга қамиш майдалаётиб:

— Поччам келгунча ичкиб қолманг тагин, — деди қиқирлаб кулиб.

Ойим индамади, жилмайиб қўлидаги куракни ҳадеб охурга уриб тозалайверди. Гулшан опам яна тегишди.

— Вой, опа, менга қаранг, — деди у, — поччам билан қандоқ гаплашасиз?

— Келаверсин-чи, бир гап бўлар.

— Нима деяётганингизни тушунмаса, бақрайиб турса, ўлдим десангиз ҳам эшитмаса... худонинг балоси-ку!

Иккови қотиб-қотиб кулишди. Мен ҳам негадир Олапарни кучоқлаб, кулавердим. Олапарнинг жони-га тегдим, шекилли, бошини қўлтиғимнинг тагидан тортиб олиб, қўра томонга қочиб кетди. Қор устига ўтириб қолдим. Ойимнинг юзлари қизариб, кўзларидан ёш чиқиб кетибди. У бошини хиёл орқага ташлаб, тиниқ осмонга, оппоқ қирларга тикилиб қолган эди. Билиб турибман: у ҳам мендек завқ билан кулмоқда. Гулшан опам негадир жимиб қолди. Қўлидаги болтасини ҳам, чопаётган қамишини ҳам қўйиб, дам менга, дам ойимга қараб жавдирарди.

У ўша тобда менга йиғламсираётгандай кўриниб кетди...

Кейин анчагача хомуш юрди. Биз ойим иккаламиз қамиш ўриб келаётганимизда ҳам мен унинг паришон, ўз ўйи билан банд эканини сездим.

Кечқурун тоғам аравада арпа олиб келди ва ойимга:

— Бу қўйларингга! — деди у энг тепада турган қопга кафтини қўйиб. Сўнг қўйнидан бир хат чиқарди. — Буниси сенга: Холмуроддан.

Ойим аравадан тушираётган бир боғ қамишни ердаги қамишлар устига отиб юбориб, югуриб борди. Хатни олиб, гўё дадамнинг сувратини кўраётгандай тикилди ва у қўлидан бу қўлига олиб, силаб-сийпаб тоғамга чўзди.

— Қани энди бунга кўзим ўтса... Садағанг кетай отам бечора ҳеч бўлмаса беш кун ўқитганида эди...

Ойимнинг саводи йўқ. Тоғам эскича оз-моз ўқиган. Янги ҳарфларни эса ўзича ўрганиб олган. У хатни ҳар галгидай ҳижжалаб ўқиб берди. Шундан икки жумласи ҳамон эсимда: «Уйга қайтишга рухсат беришди. Эртага поездга чиқаман».

Демак, дадам ҳозир йўлда келяпти. Балки бугун келар, балки эртага... Ҳа, менинг дадам келяпти, дадам! Менинг дадажоним!

Тоғам билан аравакаш чол овқатга қарамай: «Насиб этса, Холмурод келган кунни бир ўтиришамиз», деб аравага энди минаётганларида ойим: — Арпа оз-ку, — деди нолиб.

— Шуни берганга шуқр қилинг, келин, — деди аравакаш чол. — Бошқаларга қанчадан тегиши номалум. Сизга биринчи олиб келдик.

— Буни райком секретари ўзи аралашиб юриб қайси бир ташкилотдан зўрға ундирди. Бир-икки ҳафтага етса, у ёғини яна кўрамиз, — деди тоғам.

— Хашак-чи?

— Хашак йўқ...

— Анави қўйларни нима қиламан? — деди ойим айбдор кишидай ийманиб.

— Қанақа қўйлар?

— Ҳаром ўладиган бўлганидан кейин сўйдим.

— Барибир ҳаром ўлибди! — деди аравакаш чол.

— Сўядиган эркак киши бўлмагандан кейин тўғри қилибди. Тагин оғзингиздан гуллаб юрманг! — деди тоғам аравакашга.

Чол индамай тескари қаради. Юзи туршакдай тиришган, соқоли яккам-дуккам, бурни пучуқ, олакўз, қошлари ўсиқ, мўйлови шалвираган бу чол ғира-ширада кўзимга ёввойи одамга ўхшаб кўриниб кетди.

Улар сўйилган қўйларни аравага солиб олиб кетишди.

Овқатдан кейин биз узоқ гаплашиб ўтирдик. Барча гапимиз фақат дадам ҳақида бўлди. Ойим у билан танишгани, тўй, ундан кейинги йилларни айтиб адо қилолмасди. «Вой ўлмасам! Болалигим бор эканда! — деди у кулиб. — Ун уч-ўн тўрт ёшимда ҳам лолалар орасида ўтириб қўғирчоқ ўйнардим. Кечқурун гуллар тагига бекитиб қўйиб, эрталаб тагин олардим. Бир кунни туш пайтида саман отлиқ бир йигит менга қараб-қараб ўтиб кетди. Эртасига яна, учинчи кунни яна ўтди. Кечаси тушимга кирди. Шундан кейин бир неча кун йўқ бўлиб кетди. Ҳар кунни негадир қирга чиқиб қарайман: йўқ. Шу йўқдан йўқ! Эсимдан чиқиб ҳам кетди. Шундай юрганимда бир кунни у тўппа-тўғри уйимизга келди. Бу бундай бўлди. Булоқдан сув олиб келгани энди чиқаётган эдим, «Ув қиз!», деди биров. Ялт этиб қарасам... шу! Уша саман отида турибди. Негадир юрагим шув этиб кетди. «Мунча қўпол бу», дедим ичимдан ёқтирмай.

«Дадангизни айтворинг!», деди яна томдан тараша тушгандай. Шу пайт дадам ўзи чиқиб қолди.

«Холмуродвой, келинг», деди дадам.

«Ассалому алайкум!»

«Ваалайкум ассалом!»

«Эртага биззи уйга бораркансиз, дадам тайинлаб айтиб юборди».

У дадамга гапиратуриб кўзларини мендан узмай ялт-ялт қарарди. Мен улардан анча узоқлашиб кетганим учун бошқа гапларини эшитмадим. Фақат, сув олаётганимда, шилдираб оқаётган булоқ садоси саман дўнанининг кишнаган овозини эслатди менга. Уша-ўша, қачон сувга борсам, булоқ кишнаб тургандай туюлади. Қирғоғидаги турли рангдаги майда чиннигуллар кўзимга эртақлардаги каби гўзал кўринар, дилимдагини айтиб мен билан суҳбатлашар эди. Оппоқ бўлиб гуллаган ўриклар эсимга тушади. Қалбимнинг қаеридадир бир қўшиқ жаранглаётган-

Шариат бўйича, аёл киши сўйган мол ҳаром ҳисобланади.



дай, аммо уни ўзим топа олмай излаб, интизор бўлиб юргандай бир ҳис булоқ сувига қўшилиб жаранглайди... Кимнидир соғингандай, кўргим келгандай бўлади... Кейин билсам, у қўшни совхоздаги бир чўпоннинг ўғли экан. Ўзи чавандоз экан. Уч-тўрт кундан кейин у яна пайдо бўлди. Ўзидан ўзи хахолаб кулиб, отини у ёқдан-бу ёққа чоптирди. Эгарнинг устида тикка туриб, капалагимни учирди. Кейин менга яқинлашаркан:

«Ҳой қиз, исминг нима?», деди.

Вой кўпол-эй, деб ўйладим ичимда. Аммо индамадим.

«Эй, исминг нима, деяпман?», деди у яна қирғий кўзларини ўқдай қадаб.

Мен яна жавоб бермай, кўзиларим томонга қараб бепарво кетавердим.

«Ҳа, миям қурсин, энди билдим: сен гарангсан. Гапимни эшитмадинг, шундайми?»

Мен унга ялт этиб қарадим. Аччиқланиб, ўзинг гарангсан, деб юбораёздим. Лекин ўзимни тутиб қолдим.

«Ўҳ-ҳў! Кўзларинг чиройли экан! Ўзинг гўзал қиз экансан. Аммо бир ёмон жойи — тилинг йўқ экан. Соқов-соқов», — деди у бақириб. Оти ўйноқлаб, гулларни тобора янчиб ташлар эди.

Энди чидай олмадим. Жаҳл билан қичқириб юбордим:

«Ўзинг соқовсан, билдингми!»

«Ий-я! Тилинг бор экан-ку! Қулоқларинг ҳам туппа-тузук эшитяпти. Сен муғамбир қиз экансан. Билиб қўй, мен сени яхши кўраман!»

«Вой ордона қолгур, уятсиз! Сен ҳали шошмай тур, дадамга айтиб адабингни бердираман».

«Айтавер-айтавер. Айтиб уни кўндир!» У яна хахолаб кулди.

Мен изза бўлиб нима қилишимни, нима айтишимни ҳам билмай қолдим. Кўм-кўк ўтлар орасидан муштдай бир тош топиб, чираниб унга қарата отдим. Тош отининг сағрисига қарс этиб тегди. Саман дўнан сувлиғи билан олишиб, потирлаб уни олиб қочди. Аммо йигит зўр чавандоз экан, дарров гир-гир айлангириб қайтариб олди-да, менга томон чоптирди. Нақ олдимга етгандагина тизгинини кескин тортди. От олдинги оёқларини осмонга кўтариб, кўзлари ёниб, кишнаб юборди. Мен қаққайиб, ундан кўз узмай туравердим.

«Исминг нима?», деди у яна сал энтикиб, ҳамон оти билан олишаркан.

Мен индамадим.

«Айтасанми, йўқми?»

Мен яна жавоб бермадим. Аччиқланиб, тишимни тишимга қўйиб, безрайиб турардим.

«Шунақами? Бўлмаса, анави оқ кўзингни олиб кетаман. Уйга олиб бориб сўйиб ейман. Сен эса, кўзини йўқотганинг учун дадангдан калтак ейсан. Билдингми?»

«Қани, кўзимга қўлингни текказиб кўр-чи!»

«Э-э! Вой-вой-вой! Ҳали шунақами. Қўлингдан нима келади?»

«Тош билан уриб бошингни ёраман».

«Вой-вой бошим! Войдод бошим!... — деб бақирди у бошини ушлаб. — Майли қўлингдан келганини қилақол!»

У отини шамолдай учуриб бориб, булоқ бўйида майда гулларни териб еб юрган оқ кўзимни қочганига қарамай ердан илиб олди-да, қирдан ошиб кетди. Мен анча ергача кетидан югурарканман, ўпкам оғзимга тикилиб, энтикиб қолдим. Алашимга



чидаёлмай роса йиғладим. Узиниям бошлаб қарғадим.

«Илоё отингнинг оёғи синсин! Йиқилиб ўл! Ўғри, қашқир! Дадамга айтиб жонингни чиқартираман. Ҳали қараб тургин!..»

Кечқурун қўзиларимни қўрага қамаб қўйдим. Дадам кўк йўрғасига ем бераётди, қўзиларга қараб-қараб қўйди. Оқ қўзини суриштириб қолсам, деб хавфсираб, ғарамнинг ортидан мўралаб турдим. Аммо дадам оқ қўзининг йўқлигини пайқамади. Узим айтмадим. Негадир, айтсам, ўша йигитни уради, деб жоним ачиб айтмадим.

— Ҳа, жувонмарг! «Негадир» эмиш! Яширмай кўяқол. Сен уни ўшандаёқ яхши кўриб қолгансан, — деди кулиб Гулшан опам.

Ойим шу иш учун ҳозир ҳам уялаётгандай қизариб, кулиб пиёлага чой қуяркан, гапида давом этди:

— Эрталаб қўзиларимни лозазорга ҳайдаб борсам, оқ қўзим шу ерда юрибди. Бекитган қўғирчоқларимнинг ёнига чиройли қўғирчоқ ташлаб кетибди... Шундан икки йил ўтиб, учинчи йили унинг дадаси бизникига совчиликка борди... Бу ёғини ўзинг биласан. У пайтларда сенинг ҳам эсинг кириб қолган эди-ку.

Яна нималар ҳақида гаплашганларини эшитганим йўқ. Ухлаб қолдим. Қанча ухлаганимни билмайман, бошимдан қандайдир қуш учиб ўтгандай, юзимга шабадаси теккандай бўлди. Кўзимни очмасимдан олдин дадам ва унинг келаётгани ҳақидаги кечаги хабар эсимга тушди. Дилимни қувонч қамради. Ойим ўрнидан туриб, менинг бош томонимда кийинаётган экан. Шу заҳотиёқ уйқум қочиб, кўзим очилиб кетди. Одатда ойимнинг бир неча бор уйғотишларига қарамай, кўзимни очолмай ётардим. Кейинги кунларда қушдек енгил тортиб, ўзим туриб кетадиган бўлдим. Қаёққадир шошилаётгандай бўламан. Ойимда ҳам шу ҳиссиёт пайқалади. Уйдан чиқамизу Қизилжарга бир зумда етиб қоламиз. Гапларимиз ҳам бехато қовушаверади. Ойим бир иш буюрса, бутун ихлосим билан югуриб бориб бажараман. Айтишим шарт бўлмаса ҳам, «Ойи, олиб келдим» ёки «Ойи, бўлдим», дейман. Ойим ҳам очик: «Айланай боламдан, мана, ҳозир уйга кетамиз», дейди. Қамишларни аравага тез-тез ортамиз. Колхознинг ориқ кўк отига ҳам жуда мулоим гапирамиз. Бирон жойда дангасалиги тутиб қолса, «Юрақол жонивор, юрақол, о, айналай, кўк тулпор», дейди ойим. Мен ҳам уни мақтайман.

— Сен яхшисан. Сен энг чопоғон отсан, зўрсан.

Бу сўзларнинг ҳаммаси дилимиздаги қувонч ва дадамга бўлган меҳр-муҳаббатдан чиқар эди...

Шундай кунларнинг бирида мен чопонимнинг тугмаларини ихлос билан қададим-да, худди бир ёққа борадигандай этигимни кийиб, у ёқ-бу ёғини қайта-қайта артиб, дераза ёнига келиб ўтирарканман, кўчага мамнун, бахтиёр тикилдим.

Ойимнинг жийронни қашлаётди ўзича у билан гаплашаётган овози эшитилиб турибди.

— Сен менга кучингни кўрсатма. Катта бўлиб кетсанг ҳам барибир жийронтойсан. Қутлуғ тойсан, бахтли тойсан. Собиржоннинг дадасини кишнаб кутиб олгин. Уйнаб-ўйнаб кутиб олгин.

Ана, у жийронга гапиратуриб, бостирма деворининг йилтиллаб турган тешигидан гўё бир нарса ўғирлаётган одамдай кўчага қараб-қараб қўйди. Қўли эса, ҳадеб жийроннинг кўзини тимдалаяпти. От,

«нима қиялпсиз» дегандай, бошини бирдан кўтариб, унга тикилиб қолди.

Менинг ҳам кўзим шу кўчада. Лекин ички ҳаяжонимни ойимга сездиришга уяламан. Шу сабабли кўчага бир қарасам, ойимга икки қарайман. У ҳам шундай қиялпти...

Бу сиримизни айниқса Гулшан опамга билдиргимиз келмасди. Бу икковимизнинг дилимиздаги ягона сир. Лекин буни ҳар биримиз ўзимизча, бўлак яширардик.

Шу пайт Гулшан опам кўк отни аравага қўшиб ҳайдаб чиқди. Ойим ғилдиракка оёғини қўйиб юқори кўтарилди ва унинг ёнига ўтириб, кетди. Мен улар кетгач, йўлга бемалол тикила бошладим. Хаёл дарёсида оқиб, дераза тоқчасига қалаштириб ўтирган билакларимга бошимни қўйиб ухлаб қолибман. Кечаси кеч ётиб вақтли турганим учун бўлса керак, узоқ ухлабман. Бир маҳал жийроннинг кишнаган овози қулоғимга чалинди. Кўзимни зўрға очиб, бошимни кўтардим. Уюшган билакларимга оққан сўлакларим хомшувоқ тоқчага тушиб қуриб қолибди. Чопонимнинг енглари, кафтларим оппоқ чанг. Қарасам, ойимлар қамиш ортиб келишган экан. Дик этиб сакраб турмоқчи бўлган эдим, туролмай ўтириб қолдим. Оёқларим қонсирагандай озор бериб жимирларди.

Тушлик овқатдан кейин улар яна қайтиб кетишди.

Ойим ўша кунларда гўё молларнинг ем-хашагини тайёрлаб қўйиб, беш-олти кун бир ёққа кетишга шошилаётган кишидай елиб-югуриб ишларди. Балки дадам келиб, уч-тўрт кун келди-кетди кўпайса, шу кунларда қамишга боролмасак, қўйлар оч қолмасин, деб шундай қилаётгандир.

Шу кунни кечаси билан яна қор ёғди. Эрталаб қўрага кирсак, бир совлиқ туғиб қўйибди. Кўзисини дарров уйга олиб кирдик. У совуққотганидан титраб, оёғида туролмасди. Мен тушгача у билан овоза бўлдим. Кўрпачага ўраб ётқизиб иситдим, уйнинг ичида у ёқдан-бу ёққа кўтариб юрдим. Тушдан кейин Гулшан опам қўйларга ем-хашак, қамиш бериш учун уйда қолди-да, ойим билан мен Қизилжарга отландик.

Бу пайт қор тўхтаб, ҳаво очилиб кетган эди. Менинг аравага чиқишимни кўрган Олапар бир қирдан ошгунимизча кетимиздан эргашиб борди. Ойим уришиб, ҳайдаса ҳам кетмай туриб олди. Сўнг ойим аравадан тушаркан, қамчинини кўтариб дўқ урди:

— Кет! Кет, деяпман, қўйларга бор! Ҳа, яшшамагур, кет!

Олапар ноилож қайтди. Дам-бадам тўхтаб, орқасига қараб-қараб қирдан ошиб кетди.

— Ойи, Олапар ҳам бораверсин, — дедим мен ялиниб.

Ойим унамади.

— Дайдиб, ёмон ўрганиб қолади.

Қамишзорга яқинлашганимизда осмонда қалқиб юрган бургутни кўриб юрагим шув этиб кетди ва куздаги воқеа эсимга тушди. Аммо буни ойимга сездирмадим.

Кўк отни аравадан чиқариб ўтга қўйдик. Ҳаммаси шундан бошланди. Касофат қулоқларини динг қилиб, қамишзорга тикиларкан, ўзидан ўзи хириллаб қирга қараб қочди. Унинг кетидан қувлаб, сарсон бўлиб юрганимизда қош қорая бошлади. Ойим чопонининг этагини икки қўллаб кўтариб «Маҳ-маҳ!», деб яқинлашган сари у узоқлашаверди. Тепаликка чиқиб у ёқ-бу ёққа аланглаб бир оз тургач, қаттиқ кишнади-да, думини хода қилиб, дупирлатиб югуриб кетди.



Совуқ ҳавода юганининг шалдирашлари анчагача эшитилиб турди.

— Худое хунаринг бошингни есин! — деди ойим куюниб. — Энди нима қилдик?

Она-бола яёв йўлга тушдик. Тун совуғи бошланиб, юзларим ачиша бошлади. Ой нурида яна ҳам ёришган оппоқ қирлар хаёлдай чексиз. Қоқилиб кетсанг бутун олам жаранглаб кетадиган каби жимжит. Қизилжар оғуши муздай; сирли ва қўрқинчли. Қамиш ортилган арава узокдан денгиз қирғоғида синиб ётган қайиққа ўхшаб кўринади. Ҳар куни бундай пайтларда қамиш ортиб қайтаётган аравалар учраб турарди. Бугун аксига олиб бирон кимса учрамади. Ҳамма фронтдан бир кўлидан айрилиб келган Қодирларнинг уйига кетган бўлса керак.

Совуққотганимдан бошимни ичимга тортиб, ҳеч қаёққа қарамай, ойимдан қолиб кетмаслик учун жон жаҳдим билан юриб келавердим. Олапар бўри билан олишган жар лабига етганимизда ойимга урилиб, қулоқчиним кўзимга тушиб қолди. Уни юқори кўтариб қарасам, ойим тўхтаб қолган экан. У негадир қўлларини орқага чўзиб мени изляпти. Икки елкамдан тутиб ўзига тортаркан, орқага тисариларверди. Гўё биров мени олиб кетмоқчи-ю, бергиси келмай яшираётгандай эди. Қўллари, бутун танаси дағ-дағ титрарди. «Ё ҳақ! Узинг асра, ўзинг асра!» деди у, тили тутилиб. Мен унинг қўлтиғи тагидан кўрқа-писа секин олдга қарадим. Қарадим у ойимни кучоқлаб қичқириб юбордим. Қичқирганим шу бўлди, холос. Қўрқанимдан овозим чиқмай қолди. Ойим иккаламиз баравар қадам ташлаб, ажал бир қадам олға юрса, биз ҳам бир қадам, икки қадам юрса, биз ҳам икки қадам орқага чекинавердик. Кўзларидан ўт сочаётган қон талаб ажал тишларини шақиллатиб, тили билан лабларини ялаб, ютиниб, бостириб келаверди. Қарши туришнинг ҳам, қочининг ҳам иложи йўқ. Ажал тўғрилаб келгач, киши хазондек ожиз қалтираркан, холос...

Оч бўри у ёқдан-бу ёққа сакраб, қор сочиб, хириллаб бизни тирик мурдага айлантириб қўйди. Бир неча бор яқин келиб, қаршилик кўрсата олмаслигимизни пайқагач, иштаҳаси очилиб, иккиланмай ҳужумга ўтди. Иссиқ қон, титраб турган илиқ бадан ҳиди димоғига урилгандай тоқати тоқ гингшиб, борган сари яқинлашаверди. У билан орамизда тўрт қадамча масофа қолди. Бўри қонсираб, кўзларини ўйнатиб менга тикилди. Мен уни қулоғидан танидим. Уша — Олапар билан олишиб чиноқ бўлган бўри. У бир замон ойимнинг рўмоли ечилиб яланғочланиб қолган томоғига тикила бошлади. Ойим мени қўйиб юбориб, ажал билан бир ўзи юзма-юз туриб қолди. Мен ҳушсиз орқага тисарилавердим.

— Қоч... — деди ойим зўрға овоз чиқариб.

Унинг бу сўзи менга узоқлардан эшитилаётгандай бўлди. Шу пайт бўри ўқдек отилиб ойимга урилди. Ойим «Дод!» деганча чалқанчасига йиқиларкан, бўри унинг томоғига тумшугини тикиб, бирйўла оғзини тўлдириб, ғарчча тишлади ва хириллаб силтаб-силтаб юборди. Бўрининг кўкраги, оёқлари, юз-кўзи қонга бўялди...

Мен бу пайтда мутлақо ҳушсиз эдим. Хаёлимда гўё ойимга ёрдам бериш учун олға интилардим, оёқларим эса ҳамон орқага тортарди. Гўё бу ўнгим эмас, тушимга ўхшарди. Ҳа, босириқ туш кўряпман. Ўнгимда бундай бўлиши мумкин эмас. Мана, ҳозир, ҳозир уйғонаман. Аммо ҳеч уйғонолмапман. Жуда қийналяпман. Нафасим сиқилляпти. Юзларимга қон сачраяпти. Қўрқиб кетяпман, ойи! Ойижоним!

Қўрқманг, ҳозир, ҳозир бораман. Бу туш, фақат туш! Эртага дадам келади. У бўридан қўрқмайди. Сизни қутқариб олади. Ойижон! Ойижоним менинг!

Нафасим чиқмай, кўзларим юмилиб қолган эди. Мен бирон элас-элас биламан. Бир замон шув этиб қаёққадир — теран чуқурликка тушиб кетдим. Чопондек ёйилиб кетаётгандайман. Бир замон гуп этиб урилдим. Бошқа ҳеч нарса билмайман. Бечора ойимни ҳам, ўзимни ҳам унутдим. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ҳеч нарса кўрганим йўқ. Ҳатто ўзим ҳам йўқман бу дунёда...

Ҳушимга келгач, ўзимни тўшакда кўрдим. Гулшан опам бошимда ўтирибди. Кўзлари қип-қизил. Уй тўла одам. Ҳаммаси менга «Онандан ажралиб қолдингку, болам», дея оғир ғам билан йиғлаб қарашарди. Пиримбет тоғам эса пешонасига муштлаб хўнграрди.

...Кўк от уйга қочиб келгач, Гулшан опам хавотир олиб, нима қилишини билмай бизни кутиб ўтиравеибди. Шунда Пиримбет тоғам билан аравакаш чол келиб қолибди. Гулшан опамдан бизнинг ҳали келмаганимизни, отнинг ўзи келганини эшитгач, аравадан тушмай тўғри Қизилжарга боришибди. Булар яқинлашганда бўри жарликка тушиб қочиб кетибди. Ойимнинг бўридан қолган ярим-ёрти жасадини ҳамда мени жарда қорда кўмилиб ётган еримдан топиб олишибди...

Шундай бўлганига ҳеч ишонгим келмасди. «Ойи, ойижон!», деб йиғлай-йиғлай, тагин ҳушимдан айрилдим. Йўқ, мен туш кўрардим, холос. Тушимда ойим бостирма деворининг тешигидан йўлга қараб-қараб қўйиб, кулимсираб, жийронни қашлаётган бўлади. Сўнг яна бўрини, қонни кўраман. Қўрқиб, қичқириб тубсиз жарга йиқилиб кетаман.

Мана шундай иситма аралаш эс-ҳушсиз алаҳлаган қайғули кунларим менинг пешонамга «етим» деган тамға босиб ўтди.

\* \* \*

Оппоқ кумуш қирлар салтанатида довлонлар ошиб келаётган арава пастликка тушиб кўринмай кетди. Сўнг қайтадан олдинги қир кўксига чирмашиб чиқди. Пастликда отлар яна бир оз бемалол йўртиб ўтгач, биз томонга кўтарилар бошлади. Энди улар аравани бутун кучларини ишга солиб олға тортишмоқда. Шу пайт жийрон бирдан кишнаб юборди. Оғзидаги ўтлар ерга сочилиб кетди. Унинг овози дилларни зирқиратар даражада эди.

— Ҳа, жонивор! — деди кутиб турганлардан бири бўғиқ овоз билан. — Сени кийикдай сакратиб, икки чақирим наридан кутиб олсак бўлмасмиди.

— Гулжон, сингилгинам, шу кунни қанчадан-қанча орзиқиб кутган эдинг, — деб Пиримбет тоғам белбоғини ечиб юзига босди.

Арава бизга эллик қадамча қолганида аскарча шинелли, бошига пилотка қўйган одам ёнидаги аравакаш чолнинг елкасига қилини қўйиб, «тўхтат» дегандай бош ирғади ва, арава юришини пасайтираркан, ерга сакраб тушиб, биз томонга юрди. У кулимсираб келаверди. Диллари хонавайрон бўлиб турган кутувчилар ҳам беихтиёр унга пешвоз юришди. Шу пайт қандайдир ошмоқ нарса сонимга урилиб, юзимга қор сачратиб ўтди. Ялт этиб қарадим ва олдга ўқдай отилиб кетаётган Олапарни кўрдим. У тўппа-тўғри бориб, думини ликиллатиб, аскарнинг елкасига ташланди. Аскар кулиб унинг бошини силаётганида, кутувчилар сувдай тошиб унга ёпирилдилар. Олапар оёқлар орасидан урилиб-сурилиб

четга чиқиб қолди. Гулшан опам менинг қўлимдан етаклаб югурди. Мен ҳам югуриб кетяпман, йиглаб кетяпман. Оёқларим ерга тегаётганини ҳам, тегмай-ётганини ҳам билганим йўқ. Кишиларнинг қий-чувини эшитяпман, аскарни бири қўйиб бири олиб қучоқлаётганини кўряпман, холос. Нима деб сўрашиб, нима деб йиғлашаётгани менга қоронғи. Яқинлашганимизда одамлар бизга йўл берди. «Уғлингиз, ўғлингиз!» деганларини эшитиб қолдим. Гулшан опам мени олға ўтказди. Аскар — дадам мени даст кўтариб олиб, юзимга тикилди, яна бошқаларга ўгирилди, кулимсираб бош ирғайверди. Сўнг мени аравадаги адёл билан ўралган нарса устига ўтиргизиб қўйди. Бу унинг юклари бўлса керак. Юзимдан ҳам ўймай дарров ўтиргизиб, бошқалар билан бўлиб кетганига ранжиб, шунчалик йиглаб югурганимга уялиб ҳам қолдим. Лекин ўзим ҳамон йиғлардим.

Кейинчалик — улғайгач, дадам катталар олдига мени бағрига босиб, юзимдан ўпишга уялиб, ўзини базўр тутганини тушуниб етдим.

Мен дадамни ўшанда биринчи бор аниқ кўрдим... Уйласам, шунинг ўзи катта бахт экан. Ахир, менинг ёшимда етим қолиб, отасини бир умр кўролмайд ўтганлар қанча...

Гулшан опам дадамнинг бўйнидан қучоқлаб, қўйвормай, фарёд чекиб, ҳаммани қайта-қайта ҳўнгатди. Дадам уялгандан қизариб, кулиб, «бўлди-бўлди» деяётган каби елкасига қоқди. Гулшан опам унинг юзларига тикиларкан:

— Поччагинам-эй-й! Не кунларга тушганимизни билсангиз эди! — деди додлаб.

Дадам ҳали ҳам оқкўнгиллик билан:

— Бо-о... Бо-о! — деди кулиб; унинг овози ғалати чиқди.

— Ҳа, ҳа, ўша «болқиз»ийизман. Бугун заҳар ютганман. Вой бечора опам-эй-й!.. Ҳу-ху! — деб йиглаб, Гулшан опам бўм-бўш турган уйга югуриб кириб кетди. Унинг кетидан бошқа хотин-қизлар ҳам аста кириб кетишди.

Дадам бу қувонч йиғиси эмаслигини сезиб қолди, шекилли, бирдан кулгидан тўхтаб, атрофга аланглади. Одамлар унинг юзига қарай олмай, дастўмоллари билан ёшини артиш баҳонасида кўзларини яширишди. Баъзилари этикларининг ўкчаси билан қорни эзғиларкан, бошларини қўйи солиб тураверишди. Дадам жийронга, унинг устидаги ёпигига, бош томонида — деворда мўнгли йилтиллаб турган кумуш юган, қуюшқонга қаради. Ойим шу ерда уни чексиз соғинч билан кутиб, сарғайиб турганга ўхшади чоғи.

Дадам одамлар орасига яна бир бор кўз югуртираркан, югуриб уйга кирди. Ранги докадек оқариб қайтиб чиқди. Пиримбет тоғамга оғир сўроқ билан тикилиб қолди. Қуруқ суллеси турган тоғам қандай айтишини билмай унга яқинлашаркан, дадам қўлларини икки томонга ёзиб, бир нарсадан қаттиқ қўрқаётган каби орқага чекина бошлади. Кишилар эса, гўё сеҳрланиб қолгандай, аста-аста қалқиб тоғамнинг кетидан унга яқинлашаверди. Дадамнинг юзлари кўкариб, кўзлари олайиб кетди. Орқасига тисарила-тисарила, деворга урилиб туриб қолди. Кафтларини юзига босди. Қалтираб-титраб, аста-аста чўка бошлади. Ҳамдард маҳалла одамлари, қариндошлар тоғамнинг орқа томонида... ҳар ким турган жойида ўтириб қолган эди. «Чироғим, сабр қил! Тақдирнинг иродасига бўйсунмай илож йўқ», деб баъзи қариялар ўзларича тасалли бермоқда. Отам бошини чайқаб, ўрнидан турди. Гандираклаб

бориб, оёқлари чалишиб, ўзини тиклаёлмай қорга муккасидан йиқилди. Жони ачиб, юраклари эзилиб турган қариндошлар орасида бирдан қий-чув кўтарилди.

Дадам уйга кириб, анчагача ерга қараб индамай ўтирди. Бошқалар ҳам энди жим бўлишди. Баъзан шивир-шивир қилишади. Бировлар оёқларининг учи билан аста юриб дастурхон ёзиб, чой келтирди. Бир-бирларига чой узатишди. Аммо, ҳеч ким ичмади.

Мен эшикнинг ёнидаги бурчакда ҳамон типпа-тик турардим. Бир маҳал дадам ўрнидан туриб, кўчага чиқиб кетди. Мен одамларга сездирмай, секин бориб дерезадан ташқарига қарадим... Лекин фақат мен эмас, ҳамма катталар ҳам бўйинларини чўзишиб, қараб-қараб ўтиришган экан. Дадам тепаликдан пастга қараб тез-тез қадам ташлар, Олапар унинг олдига тушиб, бошини шалвиратиб лўкиллаб борар эди.

Қодир билан яна бир киши унинг кетидан бормоқчи бўлишган эди, уларни тоғам қайтарди:

— Бормайлар, майли, бир оз ўзини босиб, дилини бўшатиб келсин.

Аммо аравакаш чол гўё ҳеч нарса эшитмагандай, аста уйдан чиқиб, дадамнинг кетидан кетаверди. Чолнинг кетидан мен ҳам эргашдим. Кўнглим дадамга интизор талпинарди. Уни қучоқлагим, йиғлагим келарди.

Дадам музлар орасидан жилдираб оқаётган булоқ бўйида муккасидан тушиб, кўксини қорга бериб ётарди. У бизнинг яқинлашганимизни сезмади, шекилли, ўқ тегиб, жон азобида ётган одамдай, ҳадеб қорни ғижимлаб эзарди. Олапар унинг ёнгинасида бошини олдинги оёқлари устига қўйиб, тумшугини қорга тикқанича қимирламай ётарди. Кўзларидан ёш тўкилиб турарди.

Биз бир-бир босиб яқинлашдик. У бизни ҳамон сезганича йўқ. Чол дадамнинг ёнига ўтириб, кафти билан елкасига бир-икки қоққанидан сўнг у бошини кўтарди. Ун қадамча берида турганимча, мен уни, роса йиғлаётган бўлса керак, деб ўйлаган эдим... Йўқ, у йиғламабди, пешонасига қор ёпишиб қолибди, холос.

— Хотин ўлди — қамчининг сопи синди! Хотинга ҳам шунчалик оҳ-воҳми? Йигитмисан ўзинг, тур ўрнингдан! — деди чол.

Онам сўйган қўйларни ҳаром деган куни мен бу чолни жуда ёмон кўриб қолган эдим, ҳозирги сўзларидан кейин қаттиқ жирканиб, бир умр ундан кўнглим қолди.

Дадам унинг гапларини лабларининг қимирлашидан тушуниб етди, шекилли, икки елкасидан шартта ушлаб, ўзи билан бирга кўтариб турғизди. Кўзлари чақнаб, «Сен нимани тушунардинг» дегандай қаради. Чол кўрққанидан йўлбарс тишлаган қуён каби чўзилиб, тили сўзга айланмай, бақрайиб қолди. Олапар ўрнидан сакраб туриб кетди. Мен шоша-пиша ёнига югуриб бордим. Дадам мени кўргач, чолни силтаб ўзига тортиб туриб, «Йўқол кўзимдан!» дегандек итариб юборди. Чол қорга инқиллаб ўтириб қолди, шу заҳотиёқ орқасига ўгирилиб, аввал тиззаларини, сўнг оёқ учларини тираб турдию менга ҳам қарамай қочиб кетди.

Дадам пешонасидаги қорни бармоқлари билан сидириб ташлади-да, мени қучоқлаб бағрига босди. Сўнг қабристон томонга юрди. Оёқларимни осилтириб кўтариб кетаётганидан аввал жуда ўнғайсизландим. У бўйнимдан искаб, юзини юзимга босди.



Ота меҳри қанчалик иссиқ бўлишини, қанчалик қувват бахш этишини мен ўшанда илк бор англадим...

Шундан кейин ундан тортинмайдиган, унинг ёнида эркин юрадиган бўлдим. Ҳаёт эса, аста-секин ўз маромига тушиб борарди.

Гулшан опам уй ишлари ва қўйларга ем-хашак бериш билан банд бўлади, биз дадам иккаламиз ҳар кун икки марта қамиш келтираемиз. Баъзан Қизилжардан кеч қайтаётганимизда, «Ўша чиноқ бўри энди учраса, дадам пичоғи билан калласини чўрт узиб оларди», деб ўйлаб юрдим.

\* \* \*

Ниҳоят, баҳор еллари қирлар юзини силаб-сипалаб, ўпиб эса бошлади. Қор у ер-бу ердан эриб, ернинг бадани кўринди. Кўм-кўк, киприкдай майсалар ниш уриб, нафис ҳаёт нафаси анқиди.

Қўйларни яйловларга ҳайдайдиган вақт келган эди. Аммо дадам ўйлаиб қолди. Чунки ориқ қўйларни бирдан кўкка қўйиб бўлмайди. Уларга ҳеч йўқ ўн-ўн беш кун ем бериш керак. Ем эса — анқонинг уруғи. «Яхши от ёмон кунингга ярайди», деганларидек дадам жийронни сотишга қарор қилди. Бундан хабар топган от ишқибозларидан бири тўғри уйга келди.

— От сотиларкан, деб эшитиб келдим, — деди келган харидор.

«Ҳа, отимни сотмоқчиман», деган гапларни тушунтирди дадам.

— Шундай яхши отни нега сотасиз? Еки бирон айби борми? Бирон ёмон ҳунар чиқардимми?

«Сотиб қўйларга ем олмоқчиман».

— Қўйингиз кўпми?

Дадам кўрадаги қўйларни кўрсатиб, бармоқларини оғзига тикди.

— Колхоз қўйларига ем олиш учунми?

Дадам бош ирғади. Харидор ҳайрон бўлди. Пулни санаб бериб, отни миниб кетаётиб ҳам дадамга қараб-қараб, елкасини қисиб қўйди.

Ёмғирдан кейин эндигина кўк майса ўса бошлаган қирнинг бағрида жийрон дупира-дупир чопиб кетди. Ҳаво очик. У ер-бу ерда гала-гала кўкимтир булултар қалқиб юрарди.

Дадам жийроннинг кетидан узоқ қараб қолди. Унинг юзидан ачиниш, ноиложлик аломатлари аниқ сезилиб турарди.

Аммо иложи қанча, от кетди... Мен отхонада жийроннинг охурига тушиб олиб, роса йиғладим. Жийрон ҳақидаги ойимнинг гаплари ҳам эсимга тушди. Анчадан буён она соғинчи билан тўлиб юрган кўнглимни бугун яна бир марта шу баҳонада бўшатиб олдим.

Жийроннинг пулига бозордан арпа сотиб олдик. Қўйларни оз-моздан кўкка ёйиб, кечқурун ем бера бошладик. Натижада чиқин бўлмади. Қўзилатиш мавсуми ҳам яхши ўтди. Аммо ёшлигидан отга ўрганган дадам жийрондан ажралгач, уйга ҳам, кўчага ҳам сиғмай қолди. Бунинг устига саломатлигининг мазаси йўқ. Урушда юрган пайтлари қаттиқ шамоллаган экан. Шундан буён яхши соғайиб кетолмаган. Куну тун йўталади. Бошида эса ҳисобсиз майда осколалар бор. Уқтин-ўқтин мияси оғриб, кечалари инграниб чиқади.

Бундан ташқари ўнг ёнбошида ҳам ўқ қолган экан. Отда кўпроқ юрган кунлари суякка қадалиб у ҳам азоб беради. Контузия, операция пайтларида олинган учта наркознинг таъсири ҳали ҳам сезилади. Урушнинг бу азоб-уқубатлари уни ҳамон тўшакка

тортар, у эса бўй бермай гўё уруш йилларидагидай олға — меҳнат, ҳаёт сари интиларди.

...Ёз кунларининг бирида қимиз ичиб ўтиришаркан тоғам: «Жийронни олган одам сотар эмиш, аввалги баҳосининг устига икки юз сўм қўйибди», деган гап топиб келди.

Дадам суюниб кетди. Аммо унча пул қаёқда дейсиз. У яна ўйлаиб қолди.

— Мен сигиримдан биттасини сотиб пулини бераман. Бу ёғини ўзингиз тўғриланг, — деб тушунтирди тоғам.

Дадамга бу таклиф маъқул тушди. Орадан икки-уч кун ўтгач, кечқурун улар жийронни олиб келишди. Дадам унинг устига чиройли гилам ёпуғини ёпиб, охурга боғлаб қўйди ва тоғамга мана бу мазмундаги гапларни тушунтирди:

«Жийронни Гулжон уч кунлик пайтидан сут бериб катта қилган. Ёпуғини менга атаб атайлаб тўқиган эди. Булар Гулжоннинг кўзи...»

Иккови ҳам хомуш ерга қараб қолишди. Мен жийроннинг ёлидан ушлаб, бўйнига осилдим. Жийрон менинг бошимни, қулоқларимни ҳидлаб, лаби билан турткилаб, сўнг бошини қуйи эгиб турди. Мен унинг пешонасини, кўзларини силарканман, у кўзларини юмиб, тумшугини қўлтиғимга тикди. Мен ҳам унинг қулоғига бошимни қўйиб, бўйнидан қучоқлаб олдим.

\* \* \*

Ўша йили кузда мен биринчи синфга ўқишга бордим. Мактаб колхоз марказида эди. Уйга фақат шанба кунлари келардим. Бошқа кунлари тоғамнинг уйида тураман. Уларнинг уйи мактабга яқин. Кенжа қизи Лайлигул иккаламиз бир синфдамиз. Лайлигул сочлари жингалак, шахло кўз, юзлари оппоқ, тили бийрон, чиройли қиз. Менинг хаёлимда унинг бурни кичкина балиққа, қошлари учиб кетаётган қалдирғочга ўхшарди. Мактабга бирга борамиз, кечқурун бирга дарс тайёрлаймиз. Баъзан шанба кунлари яйловдаги бизнинг уйга ҳам бирга борардик.

Бир оқшомда кутилмаган ҳангома эшитиб қолдим. Мен ҳали ухламаган эдим. Ишдан кеч келган тоғамга овқат бераётиб, келиноним гап бошлади:

— Дадаси, Гулшан ҳақида ҳеч ўйлайсизми?

— Нима эди?

— Ахир, ёш, турмуш қуриши керак. Эри бўлса, қамалган бўйи дом-дараксиз кетди. Келганда ҳам Гулшан у билан туролмайди энди.

— Нега?

— Ундан кўнгли қолган.

— Балки... топишиб кетишар.

— Ким билади дейсиз. Бошда бўлмайдиган иш бўлди. «Яхши йигит», деб бечора қизнинг бошини айлантирдингиз.

— Мен уни зўрлаганим йўқ-ку.

— Билмаган одамнингизни мақтамаслигингиз керак эди.

— Узи-чи, ўзининг ҳам кўзи бор-ку, ахир!

— Узи ёш эди-да, юлдузи тўғри келмагандан кейин қийин.

— Ҳўш, энди нима дейсан?

— Ҳеч нарса... Анави армиядан бир қўлидан ажраб келган Қодир опасидан айттирган эди. Гулшан яқинига ҳам йўлатмади...

Тоғам индамай товоқдаги гўшт босилган хамирни ошаб-ошаб тамомлагач, қўлини сочиққа артиб, ёстиққа ёнбошлади. Янгам чой қуяётиб, яна бир гапнинг учини чиқарди:

— Маҳалламининг кампирлари, Гулшанни Холматга қўшиб қўйсақ ёмон бўлмасди, ҳар ҳолда ўзиники-ку, Собиржонга қараб, етимлигини билдирмас эди; бошқа бировга уйланса, ўгай она бечора боланинг бошида ёнғоқ чақади, дейишяпти...

— Сен нима дединг?

— Ҳеч нима.

— Индамаганинг яхши бўлибди. Ортиқча гапнинг кераги йўқ. Улар ёш эмас. Агар бир-бирларига кўнгли бўлса, ўзлари ҳал қилишсин. Гулжоннинг чироғини ёқиб ўтирса, қарши эмасман.

Уша кунни мен алламаҳалгача ухлай олмадим. Тоғамни ҳам, Гулшан опамни ҳам, кеннойимни, маслаҳат берган кампирларни ҳам ёмон кўрдим. Уйга борганимда негадир Гулшан опамнинг гапига кирмайдиган одат чиқардим. Аммо кампирларнинг, «бошқага уйланса, бечора боланинг бошида ёнғоқ чақади», деган гапларини эслаганимда, Гулшан опам кўнглимга яқин, меҳрибон туюларди.

Қишда ойимнинг бир йиллик маросимини ўтказдик. Гулшан опам шундан кейингина мотам кийимларини алмаштирди. Кўп ўтмай баҳор келди. Биринчи синфни битириб, ёзги таътилга чиқдим.

Тоғамнинг уйида эшитган гапларим кўнглимда ҳамон сарғайиб ётарди. Лекин ҳали янглик юз бергани йўқ. Фақат, Гулшан опам шу кунларда тўлишиб, илгаригидан ҳам чиройли бўлиб кетган эди. Мен унинг гулдор чит кўйлагини хаёлимда оқ, қизил гуллар ўсиб ётган булоқ бўйига ўхшатардим. Унинг овози, кулгиси ҳам худди ўша булоқдай тиниқ жарангларди.

Булоқдан энгашиб сув олаётганида, жийронни сувдан сакратиб ўтиб кетаётган дадамга қандайдир сирли тикилди. Унинг анордек қизариб кетган юзларига, қоп-қора қошларига беихтиёр қараб қолдим. Шу туришда у ойимга жуда ўхшаб кетди ва ойимдан ажралган қайғули кунлардан бирида йиғлаб ўтириб, «ўзим тирик юрсам, сени хор қилмайман», деган гаплари эсимга тушди. Негадир остонада ўтирган жойимдан учиб туриб у томонга югурдим. Ҳа, жуда қаттиқ югурдим. Тўғри бориб унинг бўйнидан қучоқлаб олдим. У мени юмшоқ тўшига босиб, меҳр билан «Жоним-жоним», деб юзимдан ўпди. Қалин, олчадай қип-қизил лаблари юзимга иссиқ босилди. Дилимга қандайдир ширин нарса қўйилиб кетгандай бўлиб, қувониб кетдим. Худди онамникидай, унинг сочларидан ҳам димоғимга қаттиқ ҳиди урилди. Эркаланиб бошимни орқага ташларканман, дўппим сувга тушиб кетди.

Сув уни шилдираб оқизиб кетаверди. Гулшан опам мени қучоқлаган ҳолда дўппига бир қўлини чўзди. Етолмади. Яна интилди. Ахийри, дўппига қўли тегартегмас муздай сувга ўтириб қолди. Менинг ҳам орқа тарафим сувга ботди. Гулшан опам ўзини тўхта-толмай кулаверди, кулаверди.

Мен эса, ойим ўлгандан буён ўшанда биринчи марта қаттиқ кулдим.

Гулшан опам ҳўл ва муздай билаклари билан мени қаттиқ қисиб, бўйнимдан, кўкракларимдан ҳадеб ўпарди. Қарасам, дадам отининг бошини буриб, биз томонга қараб жилмайиб кулиб турган экан. У яна бир оз шундай қараб туриб, қўйлар томонга от чоптириб кетди. Гулшан опам ўрнидан тураркан, кўйлагининг этагидан шариллаб сув оқди. Унинг кучоғида туриб: «Ойи! Ойижон!», дегим келди. Лекин айта олмадим.

Бир кунни тонг омасдан уйғониб кетдим. Тўлин ой деразадан юзимга нур сочиб турарди. Шундай

ёнимга қарасам, Гулшан опамнинг кўрпаси оёқ томонда ётибди: у ҳозиргина чиқиб кетганга ўхшайди. Кўйлагимни ҳам киймасдан ҳовлига қарадим, деразанинг синган кўзидан юзимга тоза ҳаво урилди. Жийрон аравага бошини тикиб беда чайнаб турибди. Ундан нарида қўйлар булутдек чўкиб ётибди. Дадам аравада йўқ. Тўлқин-тўлқин қирлар усти қуён ўтса кўрингудай ёруғ. Икки қир оралиғидаги қабристондан дадамнинг оппоқ кўйлаги аниқ кўринди: у ойимнинг қабри ёнида турарди. Гулшан опам сўқмоқ йўл билан яланг оёқ у томонга кетаётди. Дадамнинг ёнига етгач, бир зум қимир этмай бошини эгиб турди-да, сўнг дадамнинг енгидан тутиб, бери тортиди. Дадам жойидан кўзгалмади, қўлини тортиб ҳам олмади.

Яна бир оздан кейин дадам этиги билан яшил ўтларни кечиб, орқага қайтди. Гулшан опам ҳам унинг кетидан эргашди.

Арава ёнида тўхташди. Бир оздан кейин тескари қараб турган Гулшан опам бирдан дадам томонга ўгирилиб, унинг бўйнидан қучоқлаб, бошини кўксига қўйиб туриб қолди. Сидирилиб кетган рўмоли икки ўрми сочларига илиниб яғринида турарди. Дадам уни меҳр билан ўзига тортиб, сочларидан силади, иягидан кўтариб кўзларига тикилди. Ёноқларини сийпаларкан бошини чайқади. Гулшан опамнинг қўллари дадамнинг бўйнидан тушиб кетди. Астасекин орқага тисарилаверди. Сўнг уй томон югурди. Мен дарров кўрпага ўралиб олдим. Дераза олдида ўтиравериб оёқларим музлаб кетганини шундагина сездим.

Опам эшикдан киргач, типпа-тик анча турди. Дили ўртаниб кетаётгандай кўксини уқалаб, бошини доворга суяди. Сўнг осиглиқ турган ойимнинг расми олдига келди-да, тиз чўкиб пичирлай бошлади: «Опажон! Жон опажон! Мени кечиринг, мен хато қилдим. Бундай муҳаббатни мен хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Энди кўзим очилди. Жоним, опажоним менинг...»

Шундан кейин у ўз нарсаларини тез-тез йиғиштириб рўмолга тугди-да, менинг ёнимга келиб юзимдан ўпди. Пешонамга бир томчи кўзёши томди. Сўнг чиқиб кетди. Мен ўрнимдан туриб «опажон, кетманг» демоқчи бўлдим, лекин негадир журъат эта олмадим. Бекор кетяпти, деб ўйладим. Чунки ўшанда унинг ўз бахтини излаб юрганини қаёқдан билай мен...

У кетгандан кейин ойимнинг йўқлиги илгаригидан кўпроқ билина бошлади. Дадам ўзи кир ювиб, ўзи овқат пишириб юрди. Кун бўйи қўй боқиб, кечқурунлари ҳориб қайтарканмиз, уй кўзимга эгасиз, совуқ кўриниб, ҳувиллаб турарди. Дадам иккаламиз энди чинакамига етим бўлиб қолган эдик.

Шу зайлда орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Кунлар яна ҳам исиб, ўтлар қовжираб қолди. Қўйларни туш пайти сувга ҳайдаганда чанг кўтарила бошлади. Бу ҳол қўйларга, айниқса, ёш қўзиларга зарарли эди. Упкасини чанг олган қўзи яхши ўсмай, йўталадиган бўлиб қолади. Шу сабабли уларни сувга ҳайдашдан олдин шамол қайси томондан эсаётганини аниқлаб, елга қарши ҳайдаймиз. Натижада қўйлар булоққа баъзан у томондан, баъзан бу томондан ёпирилиб боради. Кўтарилган чангни шамол орқага ҳайдаб кетади.

Шундай кунларнинг бирида тандирдай қизиган дала, кўзимга қўйилган аччиқ тер, қўйларнинг дўл ёғаётгандай оёқ товушлари, чилла кўнғизларнинг чириллашлари бошимни гангитиб юборди. Чангдан





қочиб узоқда қолиб кетган Олапарга қараётганимда қулоғим шанғиллаб кетди. Узоқ шанғиллади.

Дадам тепаликда шабадага юз тутиб ҳордиқ чиқариб ётди, мен қўйлардан юқориқоққа бориб, булоқ сувига чўмила бошладим. Сочларимдан кўзларимга қуйилаётган сувни қафтим билан сидираётим узоқда — сўқмоқ бўйлаб келаётган бир аёлга кўзим тушди. Сувдан сакраб чиқиб, яхшилаб қарадим. Қарасам... Эҳ, ҳеч қачон ўшандагидай беғубор ва қаттиқ суюнган эмасман. Югуриб кетяпман, кетяпман... Гўё учиб кетяпман. Яқинлашганим сари Гулшан опам ҳам қадамни тезлаштирди. Охири югургилаб келиб, қучоқлаб олди: «Укажоним, эркатойим!»

У келиши билан уйимизга файз кириб, қозонтовоқ, кўрпа-тўшаклар тартибга тушиб, турмушимиз аввалги ҳолига келди. Дадам билан Гулшан опам ораларидаги муомала ҳам илгаригидай кўз қиймас иззат-ҳурмат доирасида қолаверди.

Кўп ўтмай мен ўқишга кетдим.

Қишки таътилда эса, сал бўлмаса эсимдан чиқаётган бир орзўйим рўёбга чиқди.

Ярим кечада Олапарнинг овозидан уйғониб кетдим. У гўё биров билан олишаётган каби ғазаб билан хирилларди. Қўйлар уй ортидан гур-р этиб ўтгандай бўлди. Бошимни кўтариб қарасам, дадам билан Гулшан опам деразадан кўрага тикилиб туришган экан. Дадам қўшоғиз милтиқни ўқлай бошлади. Урнимдан туриб, дераза ёнига бордим. Терлаган ойнани артмоқчи бўлган эдим, Гулшан опам «жим» деди. Дадам эшикни аста очиб, чиқиб кетди. Ойнага бурнимни тираб, кўрага кўз югуртирдим.

Қор қалин. Ташқари сутдек ёруғ. Қўранинг нариги бурчагида Олапар тишларини ялтилатиб хириллаб, рўпарасидаги учта бўрига бир ўзи ҳамла қилаётир. Бўрилар ҳам елка тукларини тикрайтириб, итга тикилиб қолган. Олға юрай деса, юраклари дов бермаяпти. Орқага юрай деса, Олапар ташланади. Шу пайт милтиқ отилди ва ўртадаги бўри ўмбалоқ ошиб, типирчилаб қолди. Олапар орқасига ялт этиб қараб, қочиб кетаётган бўрилардан биттасига оғиз солди. Шу пайт милтиқ иккинчи марта отилди. Кемтик жойдан сакраб ўтаётган учинчи бўри деворга хуржун бўлиб осилиб қолди. Олапар ўз улушига теккан бўрини деворга қисиб, қимир этказмай бўға бошлади. Дадам оёғидаги калиш билан тиззасигача қор кечиб уларнинг ёнига югуриб борди. Шу пайт Гулшан опам дадамнинг шинелини олиб, чопиб чиқиб кетди. Мен этигимни пайтавасиз кияқолдим. Ичи муздай экан. Эйтибор бермай, чопонимни елкага илдим-да, опамнинг кетидан чиқдим. Гулшан опам шинелни дадамнинг елкасига ёпди. Дадам кулимсираб бош ирғади. Олапар бўрини ҳамон бўғиб турарди. Гулшан опам «Отмайсизми?», деди имлаб. Дадам бош чайқади. Тушунарли. Олапар ўз рақибини ўзи ўлдирсин. Шунда ўзига ишончи ортади. Яна ҳам довжорак бўлади.

Кўзлари чақнаган бўри кўп ўтмай хириллаб, сўнг бир-икки қаттиқ юлқинди-да, нафаси чиқмай, кўзлари бақрайиб чўзилиб қолди. Олапар унинг бўғизигача кириб кетган тишларини аранг чиқариб олди. Дадам уни эркалаб бошини силади.

Мен ўлган бўриларни томоша қила бошладим. Бир замон юрагим шув этиб кетди. Орқага тисарилиб деворга суялиб туриб қолдим.

Гулшан опам хавотирга тушди.

— Нима бўлди?

— Бу ўшал..

— Қандай билдинг? — деди Гулшан опам овози титраб.

— Қулоғидан танидим.

Гулшан опам Олапар бўғиб ўлдирган бўрига яқин бориб энгашаркан, ёқасини ушлаб дадамга қаради. Унинг кўзлари ялт-ялт этиб кетди. Олмосдек дард менинг ҳам, дадамнинг ҳам дилига тигдек қадалди.

Дадам у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошлади. Биз совуқ қотиб уйга кириб кетдик.

Дадам бир замон майдаланган ўтинлар устида ётган болтани қўлига олди. Буни деразадан кўриб турар эдик, ҳайрон бўлдик. «Ярим кечада ўтин ёрармикан?» Йўқ, у чиноқ бўрининг тепасига бориб бирипас қараб турди-да, бирдан унга болта урди. Яна урди, яна, яна... Шинели елкасидан тушиб кетди. Тўхтовсиз чопаверди.

Ўшанда уни дунёдаги барча қонхўрлик, адолатсизликка қарши нафрат, айрилиқ доғи, соғинч, интизорлик, алам, ноиложлик туйғулари шу даражага келтирган экан.

Бўрининг танаси майда-майда бўлди. Ҳаммаёқ қонга бўялди. Дадамнинг уст-боши ҳам. Ердан муз, тупроқ сачрай бошлади. Аммо у борган сари қутуриб чопар, болта ҳавода шувуллаб, ой нурида ялт-юлт этарди.

Шу пайтдаги Олапарнинг куйиб-пишганини кўрсангиз эди. Эгасининг қайғусини тушунгандай дадамни гир айлини югураркан, дам ҳуриб, дам фингшиб, гоҳо кўкрагини музга босиб, ер бағирлаб, баъзан эса қор сочиб, юзларини тимдалаб йиғлаётгандай бошини қорга тикиб, ўзини қайга қўйишини билмай безовталанар эди. «Уша пайтда мен йўқ эдим. Эҳ, аттанг! Бирга бораи дедим, қўйишмади. «Уйга, қўйларга қара», деб ҳайдаб юборишди...», деяптими жонивор. Ким билади...

Жийрон от ҳам чидаб турулмади, шекилли, олдинги оёқлари билан депсиниб, ерни тимдаларкан, пировардида қаттиқ кишнаб юборди. Унинг овози ойдин кеча гумбазини жананглаб, муздай сеҳрлар салтанатини чинқиртириб юборди. Ер, осмон, тоғ — ҳаммаси ҳар тарафдан мунгли ва сирли акс садо таратди.

Бир замон Гулшан опамнинг овозидан чўчиб, ўзимга келдим. У бирдан «Ху-у-у!» деб йиғлаб юборди. Оппоқ бармоқлари билан юзини босиб, гўдак каби юм-юм йиғларди. Менинг қўлларим қалтираётир. Унга нима дейишимни, нима қилишимни билмайман. У бўғилиб, чидаёлмай, битта қўйлақда эшикка чиқиб кетди. Совуқни писанд қилмади. Сесканмади ҳам.

Ана, кучли довулга қарши юрган одам каби у қўлларини олға чўзиб, тебраниб, гандираклаб кетаётир. Оппоқ қўйлаги ялов мисол ҳилпираб, эртақлардаги фариштасимон учиб бораётир... Оппоқ оёқлари юзаси қотиб қолган қорга гоҳ ботиб, гоҳ ботмайди. Жуда чиройли кўринади.

Кўзларимга иссиқ ёш тўлиб кетди. Буғланиб турган деразадан у менга сувда оқиб кетаётгандай кўринди. Дадамга қўли тегиши билан шарт қучоқлаб осилиб қолди. Дадам шундагина чопишдан тўхтади. Болта ерга учди. Дадамнинг қўллари шалвираб тушди. Гулшан унинг кўкрагига бошини қўйган ҳолда алланималарни гапираркан, дадам қалбига шифо, таскин, қувват олаётгандай овунди. Бир қўли билан Гулшан опамни қучоқлаб узоқ-узоқ қирларга тикилди; иккинчи қўли билан унинг сочларини силаб бошлади.

Уша тобда улар мени унутиб юборишган эди.

Бир замон дадам нигоҳини узоқ қирлардан узиб, Гулшан опамга қаради. Шундагина унинг кўйлакчан, яланг оёқ турганини кўрди. Нимадандир кўрқиб кетган одамдай сесканди, сўнг энгашиб ердаги шинелни олди-да, Гулшан опамни ўраб, даст кўтариб олди. Гулшан опам эса, билакларини унинг бўйнидан ўтказди.

Жийрон ойдин кечада, оппоқ қор устида бир-бирларига жону дили билан қовушиб кетган икки инсонга сал ҳуркиброқ, безовталаниброқ қараб турарди.

Бир маҳал улар уй томонга юришди. Мен ўзимни ухлаганга солдим. Гулшан опам менга қарамай, эгнига ёпишган қорларни қоқиб, титраб-қалтираб юқори хонага кириб кетди. Бир замон эшик ғичирлаб очилди-да, уйга дадам кирди. У ҳам юқори хонага ўтди.

Мен ёлғиз қолдим. Уйқум қочди. Деразадан оппоқ қирларга, тиниқ осмонга, ярқираб турган тўлин ойга, юлдузлар чаманига тикилиб ётдим. Бир замон ўрнимда сал қимирлаган эдим, нимадир қулоғимга муздай тегди. Пайпасласам, ёстиқ кўзёшларим билан ҳўл бўлиб кетган экан.

Яна бир замон, Гулшан опамнинг қаттиқ тўлқинланиб, овози титраб шивирлаётгани қулоғимга чалинди. У сувга чўкиб кетаётган кишидай энтикиб-энтикиб гапирарди: «Жонгинам!.. Азизим!.. Сиз ажойиб одамсиз! Мен сизни Гулсара учун ҳам, ўзим учун ҳам суяман. Суяман... Жоним!..»

Мен деразадан ойга тикилиб, яна хаёл сурдим. Негадир ойдан кўз узгим келмасди. Унинг суддай покиза нурлари юзимга, ёстиғимга, кўкраklarимга

тушиб турарди. Бир замон ой кичкина бўлиб, коинот қаърига сингиб кетди. Уйқу элтиб бораётган экан. Ухлай қолай дейман-у, ойни кўзим қиймайди. Ундан ажралгим келмайди. Кўзларимни катта очиб оламан. Ой жойига келади. Лекин бир зумда яна узоқлаша бошлайди. Нима ҳақда ўйлаётганимни унутиб қўяман. Қайта эслашга ҳаракат қиламан.

Тўғрироғи, ўша тобда ой нурлари билан дилимга қуйилиб турган ойм ҳақидаги ширин ўйлардан ажралгим келмасди.

Беш кунлик ойга ўхшаган тилла зираги хаёлимда сув юзида, гул юзида, қор юзида ёки бошимдаги оқпар ёстиқ устида қизғиш шуъла сочиб ўтади. Бу қадрдон ҳис-туйғулар олис-олисларда қолиб кетган онажонимнинг иссиқ меҳрини юрагимга олиб келади ва мени овутади, аллалайди...

Ахийри, қаттиқ ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонган замоним ҳаммаси яна эсимга тушди. Ойни ҳам, оймни ҳам гўё тушимда кўргандай бўлдим.

Гулшан опам юзлари қизариб, ҳар кунгидан ҳам очилиб кетибди. Юриш-туришларида қушдек енгиллик, мамнунлик, бахтиёрлик сезилади. Пиёла-чойнак, кўрпа-ёстиқ, хуллас, ҳамма нарсани қўлидаги тилла узугидай силаб-сийпалаб йиғиштирарди.

Менинг уйғонганимни кўриб ёнимга югуриб келди.

— Қалай, калла пишдимми, а? — У меҳр билан очиқ куларкан қўлимдан тортиб турғизди. Мен кериша бошладим. У қучоқлаб бағрига босди ва юзимдан ўпди. — Айнанай тойчоғимдан. Ўзимнинг тойчоғим...

Мен ҳам уни жуда-жуда яхши кўриб кетдим. Бирдан қичқиргим, «Ойи, ойижон!» деб юборгим келди.







## Алвон дастурхон

### ДОСТОН

Олти бола эдик,  
 жўжабурдек жон,  
 Демак, бу — ҳар кун и олти бурда нон.  
 Яна ака-ука тутинганлар бор,  
 Кўшни болалари — қимтинганлар бор.  
 Отамиз чопони қолди қозиқда,  
 Тамаки хушбўйи энди узокда,  
 Энди уйимизга тўкиб салобат.  
 Радио тўлқини кирарди:

«Диққат!»

Гарчи, уруш биздан йироқда эди,  
 Уруш руҳимизда бормоқда эди.  
 Иссиқ қонимизда борарди уруш,  
 Жажжи жонимизда борарди уруш,  
 Қақшатқич жанг кезар нафратимизда,  
 Жанг билан ғам кезар нафасимизда,  
 Чуқур «ух»имиздан ўрларди тутун,  
 Аланга олмасдан ёнгандек ўтин.

\* \* \*

Ёдимда...  
 Оқ қоғоз — нон каби азиз,  
 Дафтар деб газетга ишио ёзганмиз,  
 «Беш» баҳо олинган кун — уйда байрам,  
 Шодликни сакрашиб кўрардик баҳам,  
 Қайнарди қозонда биз суйган таом —  
 Димлама лавлаги, савзи ва шолғом.  
 Бир кун ёлғиз қолдим.  
 Очиқ эшикдан  
 Гарчиллаган қизил нўрим этикда  
 Уйга кириб келди бир шаддод хотин,  
 Ҳар икки бармоқнинг бирида олтин.  
 Авради:  
 — Бир дафтар олиб чиқ, — деди, —  
 Кимирла, тирмизак, вақтим зиқ, — деди.  
 Мана, эвазига кулчасини ол,  
 Хоҳласанг ақчасин чўнтагингга сол.  
 Кўрқмагил, онангдан олганман руҳсат,  
 Ўзи кўк бозорда кутмоқда навбат.  
 Уйладим, гап, ахир, кулчада эмас,  
 Яхшилик қилмаган инсонга элмас.  
 Балки юбормоқчи фронтга мактуб,  
 Ота ё акаси илҳақдир кутиб.  
 Балки фарзандига  
 ҳадыя этар...

### Гулчехра Жўраева

Энг баланд токчадан олдим бир дафтар,  
 Ва уни бағрига яширган ҳамон  
 Орқага қарамай йўқолди меҳмон.  
 Онам келганида югурдим пешвоз,  
 Танти ишларимдан мақтандим оз-моз.  
 — Вой ўлай, — дедию бўзарди юзи,  
 Шўримиз қурипти, не қилдинг, қизим,  
 У дафтар қатида бор эди талон,  
 Қошкийди ўшасиз нон берса дўкон!  
 Қотма вужудидан сирғалди дармон,  
 Яхшиям суяди онамни тахмон,  
 Жой солиб устма-уст тахладим лўла,  
 Барча деразани очдим бир йўла.  
 Шаббода ўрнига гармсел эсди,  
 Бодбезакни елиб, иссиқни кесдим,  
 Пойгакдаги хумдан олган бўлдим сув,  
 Аммо илиқ эди ёвғон каби у.  
 Дастийў, офтобага чопдим қуёндай,  
 Аксига шошганда топилмас «лаббай»...  
 Муздек сув текканда юзи-қўлига,  
 Жиндак қон югурди ранги-рўйига,  
 Чуқур-чуқур эснаб тортаркан енгил,  
 Қўзёши томчилаб ёришди кўнгил.  
 Наздимда арқондек қошлар қораси  
 Қуюлиб туташди яна ораси.  
 Қайданам дилимга диёнат келди,  
 Диёнат қилиб мен, хиёнат келди.  
 Не қилсам онамнинг кўнглин ололсам,  
 Уша нон-қоғозга айлана қолсам.  
 — Дафтар орасига қўймас эдим-ку, —  
 Ўзини койишдан тинмас эди у.  
 Айбим эвазига кутдим шапалоқ,  
 Ахир борми гуноҳ бундан оғирроқ!  
 Волидам тушунди кўнглим оқлигин,  
 Ниятим эзгулик,

халис,

поклигин,

Бошини тутганча у хаёл сурди  
 Ва бирдан ўрнидан сапчиди, турди;  
 — Сўзла, кийимини, қандоқ уст-боши, —  
 Дедию илди у кавушин шошиб.  
 Мен эсам эшикка боқардим бот-бот,





Расмни Ҳ. СОЛИҲОВ чизган

Қайтиб келармикан ўша шум, шаддод.  
Онам сўзларини кўчада илғаб,  
Баланд токчадаги дафтарни чоғлаб,  
Келганини билсам,

бўлардим абжир,  
Эшик халқасига солардим занжир.  
Шомда қайтди онам,

кўзида ҳадик,  
Тўпписи қудуққа тушган боладек  
Нигоҳи умидсиз,

ҳорғин  
бенажот,  
Мен эсам эшикка боқардим бот-бот,  
Бедарак кетди у,  
қайтмади беор,  
Ҳаётда алдандим мен шунда илк бор.  
Ўша кун кашф этдим ёмон инсонни,  
Кўзимга тик боқиб, сотган имонни.

\* \* \*

Бозордек бу уйга чўкди сукунат,

Онадан бошланар экан кайфият,  
Оқшомги таътилда йўқ эди шодлик,  
Туршакли\* шўрвани шопириб ичдик.  
Майли, нонсиз қолсак,

розимиз минг бор,  
Она дийдориға оч қолиш —  
душвор,

Онам оёқларин чиқдим уқалаб,  
У мамнун сийларди мени эркалаб,  
Онам бизга эди энг яқин ўртоқ,  
Қалбимиз сасига соларди қулоқ.  
Биз билан ўйнарди қувламачоқ ҳам,  
Ҳориган чоғида биз овунчоқ ҳам.  
Лабидан учмаган ҳеч қачон қарғиш,  
Биримиз оғрисак — эзарди ташвиш.  
«Дардингни олай» деб ардоқлар эди,  
Бағрига сиққанча қучоқлар эди.

\* Гўшт ўрнига туршак ишлатиладиган таом.

Билмадик, туймадик муштин зарбини,  
Севарди меҳнатни,

меҳнаткаш мардни.

Гужумдек чайирди

у — деҳқон қизи,

Тарсиллатиб ўтин ёрарди ўзи.

Кечни тонг қиларди,

тонгни эса кеч,

Аммо ҳориганин билдирмасди ҳеч,

Биз ҳам эмас эдик

эзилмас терак,

Кучимиз етгунча берардик кўмак.

Кўча ишларига

жавобгар акам,

Уйнинг юмушига

қарарди опам.

Биримиз ҳовлида — кичкина фаррош,

Гулзорга сув қуйиб, ювар эдик тош.

Уймакор эшиклар, қўш-қўш дераза,

Яланган нуқрадек ялтирар — тоза!

Биримиз кўчадан хас-хашак топиб,

Иғғиб келар эдик ўчоққа таппи.

Менинг ошхонада ўтар ҳаётим,

Чинни синдиришда чиққанди отим.

(Бор-ўйғи — қўлимдан тушганди стакан,

Битта пиёлаю бир сопол лаган!)

Челаклаб сув ташир тўлган ҳар сафар,

Икки хум лиммо-лим тўлгунча қадар.

Сувга ҳам тизилар нон каби навбат,

Хафтада бир-икки сув берилар пайт.

Хуллас, барча ишни бажариб «беш»га,

Бир кўрпа остида ётардик кечда.

Онам сўзлаб берар аччиқ ўтмишин,

Муаллим чоғида бошдан кечмишин:

Отда аранг қочиб қутилганини...

Босмачи ўқ узиб, қутурганини...

Онам севар эди шёврни азалдан,

Уғитин бошларди доим ғазалдан,

Навоий, Нодира, Бобуру Фурқат

Ва ўзин байтларини ёд айтар фақат,

(Онам босиб ўтди саксон довонни,

Ҳамон қўлдан қўймас «Ёшлик девонин»)\*

Туғилган кунимда одат — ҳар сафар

Китоб дўконига қилардик сафар.

Бугун меҳрибоним беҳад фаромуш,

Эртанинг ғамида у хаёл сурмиш,

Мижжа қоқмай чиқди онам бечора,

Топмоқ керак эди яшашга чора.

Чамамда шайланди бозор бормоққа,

Икки кўйлагини тугди сотмоққа.

(Минг афсус — бириси эди зардўзи,

Қаттароқ бўлганда киярдим ўзим...

Онам авайларди уни «пуф-пуфлаб»,

Балки шу боисдан хўрсинди «уф»лаб...

Эгнига оларди тўй-байрамларда,

Эслайман, ёқарди у дадамларга...)

Негадир юрагим азобда эди,

Кори-ҳол бўлмоқдан безовта эдим,

Онам аҳволига қаттиқ ўқиндим,

Ҳамроҳ бўлмоқ учун жуда ўтиндим...

\* \* \*

Бозорга йўл олдик.

Дилимда ният,

\* Шоир Эркин Воҳидовнинг ғазаллари кўзда тутилади.

Қўлимга олганман каттакон сават.

Жазира.

Гумбазлар — улкан бир тандир,

Муздайин қудуққа ташлангин,

тан дер,

Аланга юзингни нақ ялар эди,

Гугурт чақилмасдан ўт олар эди.

Иссиқ ҳаво ютиб тақиллар томоқ,

Гоҳ юрган йўлингда элитар мудроқ,

Шунда оро кирар жонингга — яхоб,

Мошдайин очириб кўздан қувлар хоб.

Мадрасанинг очиқ дарвозасидан

Салқин ел эсарди тош ҳавзасидан.

Ўтган-кетган бунда бирпас тиклар рост.

Равоқдан тўкилар чирқилдоқ овоз:

Дарахт қидирарди меҳмон қушчалар,

Оёқлари куяр ерга тушсалар,

Елкангга мингандек қуёш боласи

Орқангни куйдириб борар шуъласи.

Қизлар кўйлагининг гуллари рангпар

Ўғирлаб қочипти саратон — хумпар.

Чинор соясиди ўтириб чоллар

Қантдек оқ яхтагин ечиб «кўкчой»лар...

Танлари анжирдек қора жужуқлар,

Сочлари жамалак жазжжи пучуқлар,

Шоҳруд ёқасида қуришар йўин,

Музқаймоқ ўрнида ғажиб бодиринг,

Кўнги косасидек

ним «Лабиҳовуз» —

Осмон сув ҳўплайди кечаяо кундуз

Бир умр яшайди шундай меҳри тоб

Бобо Бухорога ошиқ офтоб.

Ёнингдан ўганда файтунлар елиб,

Елпигичдай елпир отининг ёли.

Тоқи Заргарондан ўтган қайроқ йўл,

Шишага қарсиллаб тушган каби дўл,

Туёқлар зарбидан чарсиллаб кетди,

Лайлаклар чириллаб инни тарк этди.

Кетимга қарасам,

саройдан,

хайҳот,

Елдай учиб келар чақнаб дулдул от,

Онам мени тортди йўл ёқасига,

Мен эса онамни йўл орқасига,

Тошқиндек чопқиллар байир тобора,

Иккимиз жой танлаб эдик овора,

Панага ўтмоққа этганда қарор,

«Қоч!» —

деган хитобни эшитдим сўнг бор,

Қайсарлик қўлимни узди-ю ёҳу

Бу ёғи не кечди,

менга қоронғу...

Нашатир ҳидидан сесканиб кетдим,

Тушимда юргандек ўзни ҳис этдим.

Фаранг рўмолчасин олиб бир келин

Юзимни сийпалаб артарди секин.

Қулоққа чалинар аранг турфа баҳс:

Пайдо бўлган эмиш бир номаълум шахс.

Турқидан ўхшармиш танноз аёлга,

Бадкорлиги келмас асло хаёлга,

Ўғриликка тушиб саройга хотин

Ечмоқчи бўлибди бировнинг отин,

Пардози исига асаби қўзиб,

От тепиб қочибди арқонни узиб.

Ажабо, бу аёл — балки ўшадир,

Афтидан ўшанга жуда ўхшайдир,





Ранг-баранг ноз-неъмат, нонларга,  
Лекин

Юрагим эзилар ўқ теккан мисол

Ўша кечмишларим —

Урушга тимсол.

Қирқ йилдир —

халқимиз нон қучоғида,

Фароғат,

роҳатнинг шан ардоғида.

Энди ҳар биримиз —

битта хонадон,

Камида ҳар кун —

олтмиш дона нон,

Олти хонадонни боқаркан тўкин  
Бу, демак, элимиз ризқи бус-бутун.

Патирлар юзида сочиқ седана

Тақдирга битилган юлдуздек ёнар,

Унинг чўкирлари дил доғи каби

Ўтмишни эслатар, титрайди лабим:

Хаёлда тикланар

энг баланд токча,

Ўша тулки хотин узатган ақча,

Ризқимиз паттасин учирган дафтар

Ва дафтар балоси ёғдирган хатар.

Кўзимга кўринар.

алвон дастурхон,

Қон билан бўялган

бир тоғора нон.

Кўринар онамнинг кемтик бармоғи,

Акам тиззасининг бужур ямоғи...

Фарзандим тингларкан

қулоғин олмай,

Гоҳида инониб,

гоҳи инонмай,

Шунда дастурхондан

келади бир сас:

«Бу — аччиқ ҳақиқат,

бу эртак эмас!»

Хаёлда тикланар меҳри уммонлар,

Нон каби муқаддас ширин забонлар,

Ташвишлар тобланган буюк ҳамият,

Ҳамият туфайли енгилган кулфат.

Пайваста елқалар — қоя ва қалқон,

Она сути мисол беғубор виждон,

Ёвузлар тўпидан ярадор дунё

Фақат шу имондан топди мўмиё!

\* \* \*

Булут тутса кўкни қуяди ёмғир,

Тутун тутса кўкни бало ёғадир,

Болаликда қолди шундай тассавур,

Ўшандан ёв кўрдим дудни бир умр.

Ва мурғак дилимга тугдим тугунчак —

Мовий осмон учун курашгум бешак!

Атрофга боқаман —

Дориломон кун,

Тўкинлик, шодликка ошиён —

Бугун

Эслатиб қимматга ундирган қадрин,

Титратса бахтдан маст киборлар қалбин...

Токи тўғри йўлдан тойишни эмас

Бахт учун курашга қасд қилсалар, бас!

Ииқилган инсонни кўтарса ердан,

Шикоят этмаса юмуш теридан,

Қимнингдир дилида қатлам-қатлам муз,

Қимнингдир тилида қатлам-қатлам туз,

Эриса, ўрнида чақнаса қуёш

Ва битта ёқадан чиқаришса бош,

Барака топ, дейман, кўрмагил завол,

Топганинг — нон бўлсин, еганинг — ҳалол!





Зулфиқор

## Пора

ҲИКОЯ



едицина институтининг кичик ўқитувчиси Эргаш Усмоновга пора таклиф қилишди: икки ярим минг сўм — бир тахлам бели синмаган йигирма бешталик. Давлат банкасининг муҳри бузилмаган — ифбатли қиздек беғубор ўрам. Порани эрталаб, тахминан соат ўн бирларда олиб келишди. Хотини ишда эди, ўғли — мактабда Унинг ёлғиз қолганини сезишган, шекилли, ярамаслар! Эргаш қабул комиссияда уч ҳафта тиним билмай ишлаган. Чарчаган. Йиқилиб қолаётган. Охири, атиги бир кунгагина ҳордиқ чиқаришга зўрға рухсат олган эди. Оббо, азаматлар-эй!

— Эргаш ака, қозонда ош бор, иситиб ерсиз, — дея хотини эшикни кулфлаб, ишга жўнаган эди.

Уйда ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ. Сукунат. У маза қилиб ухлаб ётган эди. Маза қилиб... Соат ўн иккиларда уйғонасану ётган ўрнингда мириқиб тамаки тортсан, кейин ошалаб-ошалаб ошни туширасан, диванга узала тушган кўйи оёғининг учи билан телевизор мурватини босасан, «Фан ва турмуш» журналини ўқийсан, хуллас, кўнглинг нимани тусаса, ўша билан машғул бўласан. Бачкана экан-ку, дейсизми? Қайдам. Лекин ҳамма ҳар хил ҳордиқ чиқаради-да. Эргаш эса айнан шундай дам олишни яхши кўрар эди. Эргашнинг уйда майкачан юришларини кўз-кўз қилмоқчи эмасмиз, албатта. Шунчаки омади гапни айтдик-кўйдик, холос.

Мириқиб ухлаганга нима етсин.

Бирдан эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Эргаш янги қўнғироқларининг товушини эшитса, жини кўзиб кетар эди. Ҳар сафар қўнғироқни таг-туғи билан суғириб олмоқчи бўларди-ю... Эскиси яхши эди: дастаси силкитилса — бас, остонада худди кучук ғиншинаётгандек товуш чиқарарди. Мана бу электр қўнғироқнинг товуши эса... ўликни ҳам гўрида тика турғазиб юборади!

— Ким у?

— Бизникилар. Қўрқманг, босмачилар эмасмиз.

Эргаш «кўзча»дан ташқарига мўралади. Бўйинбоғ таққан, шляпали битта

эркакка кўзи тушди. Уни қаерда кўрган эди?.. Ҳа, институтда. Эргашнинг юраги орқага тортиб кетди. Ноилож эшикни очди-да:

— Кечирасиз, майкачан эдим... Ҳозир кийиниб оламан. Киринг, кираверинг, — деди.

— Мени кечирасиз, албатта, сизни уйғотиб юбордим, шекилли.

Ҳақирилмаган меҳмон ошхонага кирди. Атрофга синчиклаб разм солгач, стулга ўтирди. Зум ўтмай, Эргаш ҳам кийиниб ошхонага кирди. Меҳмон деворда осиглик турган ёғоч ҳайкалчага ишора қилиб:

— Узингиз ясаганмисиз? — деб сўради.

— Йўғ-э, ўғлим... Микеланжело бўлмоқчи. — Эргаш томоғини қириб, меҳмонга юзланди; — Хўш, хизмат?

Меҳмон кўзойнаги орқали Эргашга тикилди. Мезбон ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Жин ургур-эй, кўзбойлоқчими, нима бало?!

— Эргаш ака, сиз ҳеч кўрқманг. Утиринг. Мен ҳозир кетаман.

— Нега кўрқар эканман?!

— Кўриниб турибди-ку, кўрқяпсиз.

— Кўйсангиз-чи, зиғирча ҳам кўрқаятганим йўқ.

— Майли. Келинг, мақсадга ўтайлик.

Меҳмон яна Эргашга тикилиб қолди. Кўзлари кўкимтир, шилпик. «Ҳайвонот боғи, — дея хаёлидан ўтказди Эргаш. — Ҳайвонот боғи? Нега ҳайвонот боғи эсимга тушди?» Айтмоқчи, у яқинда ҳайвонот боғида кўзойнакли илон билан оқ сичқонни кўрган эди. Нақл қилишларича, ўша илон ўлжасини аввал сеҳрлаб кўяр экан... Туф, қаёқдан ҳам хаёлига ўша махлуқ келиб қолди!

— Қанақа мақсадга?

— Қалам-қоғоз топиладими?

Эргаш жавонни титкилаб, қоғоз-қалам топиб келди.

— Эзинг, Эргашжон ака. Демак, гап бундай: Шермухамедов Шерзод Абдуллаевич. 1966 йилда туғилган. Даволаш факультетининг иккинчи группаси.

— Хўш, нима бўпти?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мана шу йигитча сизларнинг институтингизга кириши керак. Эртага имтиҳон, сиз унинг «яхши» баҳо олишига ёрдамлашиб юборасиз, холос. Холис хизматингиз эвазига икки ярим минг сўм — сизники.

Эргашнинг кўз олди қоронғилашди. У гўё алоқ-чалоқ туш кўраётгандек эди. Дарҳақиқат, бу кишида қандайдир ёвуз бир қудрат мавжуд, шекилли. Ана, у Эргашга бамайхотир тикилиб турибди.

Нима қилмоқ керак? Зинапоядан улоқтириб ташласинми ёки милицияга кўнғироқ қилгани маъқулмикан? Балки, ҳиқилдоғидан бўғиб, тегишли жойга элтгани яхшидир?.. Эргаш энди ростакамига кўрқиб кетди. Қандайдир фожиа рўй берадигандек, ўзини кўярга жой тополмай қолди. Меҳмоннинг кўйдирган калладек иршайиб туриши Эргашни саросимага солиб қўйди.

— Мунча менга қараб бақраясиз? Ишонмаяпсизми?.. Наҳотки товламачига ўхшасам?! Менга фақат сизнинг розилигингиз зарур, холос. Табиийки, икки ярим минг сўм сизники бўлади. Агар рози бўлсангиз, «тўқсон бир-ўн бир-ўн саккиз»га кўнғироқ қилинг. Мен сизга ҳиссангизни қачон, қаердан олишингиз мумкинлигини ўша заҳотиёқ айтаман. Келишдикми? Нега индамайсиз? «Ҳа»ми ё «йўқ»ми?

Эргашдан садо чиқмади.

— Эргашжон ака, сизнинг аҳволингизни тушунаман, албатта. Лекин бу ишнинг ҳеч қийин жойи йўқ; фақат имтиҳон пайти кўз-қулоқ бўлиб турсангиз — бас. Ҳатто Шерзод ўз кучи билан «аъло» баҳо ҳам олиши мумкин. Сиз эса ноҳақлик рўй бермаслиги учун назорат қилиб турсиз. Тағин мени тўзоқ кўйяпти, деб ўйламанг. Кўнғилингизни тўқ қилинг: мен ҳалол қиморвозман. Балки, икки ярим минг сўм пулим борлигига ишонмаётгандирсиз?.. Мана у. — Меҳмон кўйиндан бир ўрам бели синмаган йигирма бешталикни чиқарди. — Мақтанчоқлик қилаётганим йўқ. Бу пуллари тирноқлаб йиғмаганман. Мен шунчаки ўртада турган бир одамман, холос. Аҳолига холис хизмат, дегандек... Уйлайманки, баҳонада сизнинг ҳам ҳожатингизни чиқараман. Ахир, сизга мўмай пул таклиф қилаётган битта мен эмас-ку, тўғрими?.. Авваллари ҳам олган

бўлсангиз — ўтган ишга саловат, олмаган бўлсангиз — отангизга балли! Порахўрларни, юлғичларни кўргани кўзим йўқ.

— ...

— Сиз юлғич эмассиз. Мен сизга таклиф қилаётган пул эса — пора эмас.

Эргаш аста-секин ўзига кела бошлади. У суҳбатдошига бошдан-оёқ синчиклаб назар ташлади. Қизиғи шундаки, меҳмон гапираётган пайтда у ғамгин хотиралар гирдобига ғарқ бўлган эди.

— Нима бўлмасам?

— Бу сизнинг ҳалоллигингиз учун арзимас тўхфа.

— Нима учун?!

— Мунча ўзингизни гўлликка соласиз, аҳмоқ эмассиз-ку, ахир!.. У бола биринчи синфга боргандан бери дўхтир бўлишни орзу қилади. Қизиқиши чакки эмас. Лекин иншо ёзишга сал нуноқроқ. Уйингизга келишимнинг асосий сабаби ҳам — шу. Мен ҳозироқ жавоб қайтаришингизни талаб қилаётганим йўқ, албатта. Аввало, бафуржа ўйлаб кўринг. Бир қарорга келсангиз, кўнғироқ қилинг. Телефон номерини эслаб қолдингизми: «тўқсон бир-ўн бир-ўн саккиз». Хайр, саломат бўлинг.

Меҳмон кетди. Ташқарида лифтнинг эшиги очилиб ёпилди. Эргаш эса, ўтирган жойидан жилмади.

Кўчадан машина моторининг гувиллаши эшитилди. Эргаш балконга югуриб чиқди. Машина бурилишда кўздан ғойиб бўлди.

Эргаш ётоқ бўлмага кириб ўзини диванга ташлади. «Бемаънилик! Яхшиси, ухлаш керак». У кўрпага бурканиб олди. Уйку қаёқда энди, қулоқлари шанғиллай бошлади. «Нима қилмоқ керак?.. Э-э, шунга ҳам ота гўри — қозихонами, ахир, осмон узилиб тушгани йўқ-ку! Яхшиси, ўрнингдан тургин-да, бет-қўлингни юв, сочингни тара...»

Эргаш душхонага кириб чўмилди. Лекин барибир кўнғили ёришмади.

«Ўпкамни сал босиб олсам бўлар эди... Ер ютсин ўша пуллари ҳам!.. У ҳақиқатан иғвогар бўлса-чи? Пақ этиб тўзоғига илинсам-а! Худо сақласин-да, ишқилиб. Тўзоққа тушсам — тамом, тўзоқдан кейин — қамоқ: қафасдаги бул-булдек сайра-аб... Бўлди-е, ҳадеб ўшани ўйлайвермаслик керак».

— Хўш, бугун нима қиламиз энди?

Негадир Эргашнинг юраги ҳаприқа бошлади. У шоша-пиша кийиндию ҳовлига тушди. Кўёш сахийлик билан олов пуркам-моқда. «Тушдан кейин нима бўлар экан?» Серкўёш ўлқанинг ёз кунлари маълум-ку, оғайни: асфальт билкиллайди, бекатларда автобус кутаётган йўловчилар симёғоч соясига тизилишиб олишади, газли сув автоматлари тўхтовсиз ишлайди, трамвай, троллейбусларда юриш азобга айланади... Ҳар кун и аҳвол шу — то кузаккача.

Эргаш йўловчилар билан лиқ тўла келган уч-тўртта автобусга чиқишга беҳуда уринди-да, охири ҳафсаласи пир бўлиб, такси тўхтади. Такси бўш экан. Лекин юз метрча юр-юрмас шофёр яна иккита одамни машинага чиқариб олди.

— План, азизим, план куяди, — деб қўйди у газни босаётиб.

Шофёр одамшаванда йигит чиқиб қолди. Об-ҳаводан бир оз нолигач, қоп-қора, жингалак сочларини қўли билан тараб кўйиб, латифа айта бошлади. Латифа айтишга устаси фаранг экан, қурмагур! Анави икки йўловчининг ичкалари узилаёзди кулавериб. Эргаш кўчаларни томоша қилиб жимгина ўтирар эди. Шофёр негадир ички кўзгудан унга назар ташлади: қараса, Эргаш хўмрайиб ўтирибди. Шофёр айтилавериб сийқаси чиқиб кетган беҳаё латифани мароқ билан... Ниҳоят, Эргаш ҳам беихтиёр хоҳолаб юборди... Такси метрога тушила-диган жойга келиб тўхтади. Манзилга етиб келишди. Чақимчи «98» рақамини кўрсатиб турар эди. Бояги икки йўловчи бир-бирини танимас экан, ҳар қайсиси бир сўмдан узатди. Охири Эргаш ҳам чўнтагига қўл солдию бармоғига илинган қоғоз пул ўрнига бир сиқим сариқ чақа чиқарди-да, эринмай санади. Жингалаксоч ҳам сабр-тоқатли экан — кўзларини жавдиратиб ўтираверди. Ниҳоят, Эргаш роппа-роса ўттиз уч тийин санаб шофёрга узатди. У чақаларни тезлик узатгич ёнидаги қўтичага зарда билан ташлаб қўйди-да:

— Сариқ чақаларингиз билан автобусда юрсангиз бўлармиди, — деди.

Сўнг машина орқасидан қуюқ қора тутун буриқситиб жўнаб кетди. «Латифа эвазига садақа йиғар экан-да, ярама! Шошма,



номери неччи эди?.. Ҳа-а, йигирма тўрту тўқсон саккиз... Ишхонангга кўнғироқ қилиб бир додингни бермасамми, кўппак!»

Лекин Эргаш ҳеч қаёққа кўнғироқ қилмади, ҳатто беш дақиқа ўтар-ўтмас жингалаксоч йигитга раҳми кела бошлади. Бир бечора жонини жабборга бериб латифа айтсаю эвазига ўттиз уч тийин олса... алам қилмайдими?!

Эргаш марказий хиёбон бўйлаб кетди. Эрталабки воқеа деярли эсидан ҳам чиқди — хаёли қочди. Эҳ, бу Тошкентнинг куйдирмажон қизлари! Устига устак, кийимлари ҳам кўзини қамаштиради-я! Уҳ, ана битта жонон келяпти: оёқларини кўринг... Беихтиёр пойига йиқилгинг келади. Бай-бай-бай! Енидаги дугонаси ҳам чакки эмас... Ие, қиё боқишди-ку! «Кечирасиз, яхши қиз, мен... мен...» «Ҳеч қиси йўқ, шунақаси ҳам бўлади». Дод, дейсан-да, до-од!

«Бугун негадир шўхлик қилгим келяпти. Файратим жўшган. Тўйиб ичсаммикан?.. Жин урсин ўша ичкиликни ҳам! Бундай иссиқда нақ ёндириб юборса керак ўзиям. Кейин бир ҳафта эзилиб ётасан... Кўнғироқ қилсаммикан? Балки, кераги йўқ-дир?»

У ЦУМга кирди. Бўлмаларни эринмай айланди. Охири телевизор сотиладиган бўлмага келиб тўхтади: «Ҳап, сеними!» кўғирчоқфильми намойиш қилинаётган экан. Бир нечта бекорчиўжа телевизор танлаш баҳонасида телеэкранларга тикилиб туришибди.

— Сал сурилинг, ахир, ўртоқ!

Эргаш ортига ўгирилдию кўзойнак таққан қарияга кўзи тушди. Кулгиси қистади. Нарироққа — бошқа телевизор рўпарасига борди: иккинчи программада диктор аёл «Янгиликлар»ни ўқиётган экан. Қозоғистон ғаллакорлари зафар кучишибди; кейин инглиз ишчиларининг муаммолари, АҚШ маъмуриятининг навбатдаги найрангбозлиги, Африка қитъасидаги қайсидир мамлакатда ҳарбий тўнтариш рўй бергани... айтилди. Охири об-ҳаво маълумотлари билан таништирилди: «Республикада ҳаво очик бўлади. Кучсиз шамол эсади...»

«Янгилишмасам, йигирма йилдан буён шу қозоғга қараб гапирари. Жонига тегмадимикан?»

«Янгиликлар»дан кейин ҳужжатли фильм бошланди: дафн маросими... қиролми, шоҳми вафот этибди. Эҳтимол, амрдрдир. Қайдам. Унинг тасарруфидаги юрт ҳам унчалик катта эмас, шекилли. Лекин улуси мусулмон экан — азадорларнинг ҳаммаси салла ўраган, тиловат қилишяпти. Ҳукмдор унчалик машҳур бўлмаса-да, дабдаба билан дафн этилмоқда. Мана, ҳукмдорга яқин кишилардан бири тобутнинг олдида келяпти. Қотмагина, етмишни қоралаб қолган чол. Унинг юзидан: «Ниҳоят, давру даврон сурадиган пайт ҳам келди, худого шукр!» деган маънони уқиш мумкин эди. «Қизик, у дунёни эмас, бу дунёни ўйлайди-я! Эҳ, салтанат!»

Эргаш негадир пора ҳақида оғир ўй-хаёлларга — хира пашшадек таъбни тирриқ қиладиган ўй-хаёлларга ғарқ бўлмади. Гўё суюқоёқ жувон йўл-йўлакай қарашма қилиб ўтдию кўздан йўқолди, лекин у аллақерда лоп этиб йўлингни тўсиши, қўлтиғинга кириши мумкин.

«Хотинимга нима дейман?.. Олайми, олмайма? Хотинимдан бирор жўяли гап чиқармикан?»

Пешинга яқин Эргаш нонушта қилмаганини эслаб қолди ва анҳор ёқасидаги ошхонага кирди. Лағмон, обинон, бир чойнак чой олиб, шошмасдан овқатлана бошлади.

Мана, Эргашнинг хаёлида чир-чир айланаётган бизбизак.

Баҳорда у ўттиз тўққизга кирди; мартнинг саккизинчисида туғилган кунини нишонлашди. Хотин-қизлар байрами кунни туғилган, начора. Онаси уни туққунча икки кеча-кундуз азоб чеккан, у пайта сана кимнинг эсига келибди, дейсиз! Ўттиз тўққиз йил муқаддам қишлоқ дояси — Салтанат момо узлуксиз тўлғоқ тутаетган Холиданинг қил устида турган ҳаётини сақлаб қолиш ғамида эди. Доя кампир дори-дармоную табобат илми билан эмас, ширин сўзи билан ёрдам берарди холос, албатта. Ниҳоят, аёзли тонг саҳарда фарзанд дунёга келди: «Суюнчини чўзаверинг — ўғил бўлди!» Эҳ-ҳе, ундан кейин қанча сувлар оқиб кетди-ю!.. Қишлоқ четидаги кулбада истиқомат қиладиган ҳожатбарор кампир ҳам беозоргина оламдан ўтиб кетди. Уша фариштали кулба қаерда?.. Бузилиб кетган. Ҳа, умуман, ўша қишлоқ ҳам йўқ энди: ҳамма янги жойга кўчирилди, ГЭС бунёд этилди, қишлоқ эса сувомбори остида қолди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Эргаш туғилган



Салтанат 85а

ҳовлию тенгқурлари билан устига чиқиб ўйнайдиган бобоёнғоқ ўрнида ҳозир кўзни қамаштирадиган кўм-кўк сув ҳавзаси. Беш йилча бурун Эргаш ҳамкасблари билан бирга «табиат қучоғи»га — киндик қони тўкилган жойларга саёхат қилди. Палов дамланди, қавоб пиширилди, латифабозлик... Қисқаси, роса мириқийди. Лекин у мана шу ажойиб кўл остида туғилганини ҳеч кимга айтмади. Умуман, шу пайтгача бу ҳақда бирова ёрилмаган эди. Бундан ташқари, дунёга кечроқ келганини ҳам ҳеч кимсага айтмаган эди. Кечроқ... Ҳазилми?! «Ҳазил»нинг сабаби оддийгина: у онасининг қорнидан ёруғ дунёга боши билан эмас, орқаси билан тушган экан. Бу гапни онасидан эшитган. «Ҳеч илдам-илдам иш қилганини кўрмадим-да, ўғлим! Уйлайвериб зерикмайсанми? Аслида, ҳаммасига ўзим айбдор — сени сал ҳаяллаб туққанман», деб койир эди бояқиш.

Эргаш онасига бир фарзандчалик меҳр қўйган эди. Онаизори оламдан ўтганда унинг юрак-бағри куйиб кетди. Отаси вафот этганда эса, гўр бола экан. У пад-и бузрукворини эс-эс билади, холос. Қачонки, ўзинг ҳам ота бўлсанг — бошинга фарзанд ташвиши тушсаю бирданги суяган тоғиндан айрилиб қолсанг, жуда алам қилар экан кишига. Эргаш ўттизга кирганда онасидан айрилди.

«Онам ҳаёт бўлганда қандай йўл кўрсатар эди?.. Олавер, сен олмасанг, бошқа биров илиб кетади, дермиди?»

Онаси вафотидан кейин Эргаш анчагача ўзига келолмай юрди; айрилиққа чидаёлмасан керак, деб ўйлаган эди. Лекин, у чидади. Одамзод чидар экан.

«Икки ярим минг сўмининг дарагини эшитса, биринчи хотиним Зайнаб нима деган бўлар эди?»

Дарвоқе, бир пайтлар Эргаш Усмонов ҳаётида қизиқ воқеалар рўй берган. Ушунда онаси ҳаёт эди. Эргаш йигирма уч ёшида институтни битирди, икки ой ҳарб санъатидан сабоқ олгач, Бурҷмуллага жўнади. Уйланиш керак, олға! Қишлоқнинг энг кўзга яқин йигити — Эргаш. Бўй этган жононалар сероб: тиқ этса, рўмолларини ўрашади, хушторим келди, деб ҳаёл қилишади-да. Эргаш бўлса, универмагнинг сотувчиси Зайнабга элакишиб қолди. Аёл Эргашдан тўрт ёш катта. Унинг нимасига ишқивоз бўлди — Эргашнинг ўзи ҳам билмайди. Хотин кишининг минг хил мақр-ҳийласи бор, деганлари тўғри экан. Зайнаб Эргашни илсиз боғлаб олди гўё.

«Нима, қариган чоғимда юзимни ерга қаратмоқчимисан?! Онаси ўпмаган қизлар қуриб кетибдими!.. Уларга қараб бир томоқ қиргин, шабадасига ўзлари учиб келишади... Танлаганингни қара — туф-э! Унинг кимлигини биласанми? Отнинг қишқаси-ку! Э худойим-эй, шапқур ўғлимга ўзинг инсоф бер!»

Лекин онаизорнинг кўзёшлари ҳам Эргашга таъсир қилмади. Тўй бўлди. Эргаш дастлабки ой чаманзордаги асаларидек хушҳол ашади. Кейин Зайнаб аста-секин Эргашнинг сувалсини янгитдан қорди: дастлаб, моҳир хунарманддек лойни обдан пишитди, кейин дидига мос ҳайкал ясади-қўйди.

«Зайнаб очикдан-очик «Олгин!» демас эди, албатта. Бироқ, мўмай пулни қўлдан чиқармаслиги турган гап. Бирор баҳона ўйлаб топган бўларди, қурмағур!»

Эргаш Зайнабга уйландию ишлари ҳам юришиб кетди. Олам ям-яшил бўлиб кўринар эди кўзига. Одамларга фақат ширин сўз айтгиси келар эди... Эҳ, Зайнаб! Бундай хотинлар шайтонга ҳам дарс беради — одамнинг этагидан кириб қўйнидан чиқади. Ҳатто норози бўлиб қизиникига кетиб қолган Холдида хола ҳам бир кунни ҳовридан тушиб уйига қайтдию остига қадам босиши биланоқ оғзи очилиб-иб қулаб тўшаёзди. Ҳовли ёғ томса ялагудек топ-тоза, нураган деворлар тикланган, сувалган, хитойи чинни идиш-товоқлар қимматбахо жавонга дид билан терилган; дорда олтига антиқа эрлар костюми осилди... Эргаш ҳам хийла тўлишибди, бир гапириб бир қулади.

«Бу матаҳлар қаёқдан бино бўляпти?», деб сўради кунларнинг бирида Эргаш. Зайнаб нозу карашма билан эрининг бўйнига осилди ва яқинда «Жигули» олажақларини айтди.

— Лекин... — дея чайналди Эргаш.

— Жонгинам, қора кунларга асраб қўйган жамғармамиз-чи? Уларни ҳозир сарфламасак, қачон ишлатамиз!

— Ахир, бизнинг маошимиз унчалик кўп эмас, «Жигули»га етадиган пулни қаердан топамиз?

— Келинлик сепим-чи, азизим?!

«Уша лаънати пулдан воз кечсам-чи?... Лекин барибир бошқа

бирон қорни каттанинг ўғли ўқишга кириши мумкин-да. Натижада калтафаҳм дўхтир пайдо бўлади. Эҳтимол, мен ёш, иқтидорли йигитнинг бахтига зомин бўларман? Агар у иншони ўз кучи билан «яхши» баҳога ёзса-чи? Ким билсин, балки «аъло»га ёзар? Унда нима қиламан? Пулни давлат ҳисобига ўтказаманми?»

— Зайнаб, нима учун ҳомиладор бўлишни истамайсан? Ахир, энди ўн етти яшар қизалоқ эмассан-ку?! Қанийди, биттагина ўғилчам бўлса...

— Яна бир оз шошмайлик, Эргашжон. Шошиб нима қиламиз; ўйнаб-қулсақ-чи!

Эр-хотин Усмоновлар райондаги мартабали кимсаларнинг уйига тез-тез меҳмондорчиликка бориб туришар эди. Яширишнинг нима ҳождати бор энди. Эргашга кўнгилхуш зиёфатлар ёқарди, албатта. Чунки уларнинг ҳурматини ўрнига қўйишар эди-да.

Афсуски, севги достонининг умри қисқа экан. Кимдир тегшли жойга «юмалоқ хат» ёзибди, натижада Усмоновларнинг ҳамтовоқлари «қопқон»га тушди. Маълум бўлишча, семизликни кўтаролмай қолган бир гуруҳ бойвачалар шаҳар ташқарисидаги чорбоғда кўнгилхушлик қилишаётган экан. Аянчлиси шундаки, бузуқ аёллар сафида Зайнаб ҳам бор эди...

«Тенгдошларим аллақачон мансабдор бўлиб кетишган. Мен-чи? Кичик ўқитувчиман, бир юзу олтмиш сўм маошга тирикчилик — тирриқчилик қилиб юрибман... Бироқ, «оч қорним — тинч қулоғим» бўлгани дурустмикан?.. Хўш, қулоғим тинч бўлиб нима каромат кўрсатяпман?! Бошқалар билиб ишларини қилишади, қулоқлари ҳам тинч. Семиришгани-чи!»

Эргаш қандай қилиб хотинининг ишонасига келиб қолганини билолмай ҳайратланди. Зулфия касалхонада тиш дўхтири. Эргаш баъзан ҳазиллашиб уни «тиш суғиргич омбир» деб атар эди.

Бугун Зулфиянинг мижозлари камроқ экан. Эргаш Зулфиянинг хузуридаги бемор чиқиб кетгунча йўлакда кутиб турди-да, сўнг ичкари кирди. Стол устини тозалаётган Зулфия анграйиб туриб қолди. Узига келгач:

— Тинчликми? Бирга бир нарса бўлдимми? — деб сўради.

— Э йўқ, шунчаки, меҳмонга келдим.

— Хуш келибсиз! Сизни қаёққа ўтиргизсам экан-а?.. Узингиз ҳам озиб-ёзиб энди қадам ранжида қиялсиз. Қани, мана бу ёққа ўтиринг — тўрига!

Эргаш баланд ўриндиққа чиқиб ўтирди.

— Ҳа-а... Худди баланд тўнкада ўтиргандекман, оёғим ҳам ерга тегмаяпти.

— Нима бўлди?

— Мунча ваҳима қиласан; ҳеч нарса бўлгани йўқ. Кўряпсан-ку, бамайлихотир дам олиб ўтирибман.

— Елгонни эплаган одам гапиради... Ишонангизда бирор кор-қол рўй бердимми?

Эргаш миқ этмади.

— Зулфия, тушимга онам раҳматли кирибдилар. Ҳалати бўлиб кетяпман... Балки, қайнонамни кўриб келармиз, а? Зора енгил тортсам.

— Майлингиз. Узим ҳам сизга айтмоқчи эдим. Фақат индинга борамиз, келишдикми?

— Нега индинга?

— Индинга мен маошимни оламан. Қуруқ бормаймиз-ку. Утган сафар онам, кишмиш ола келгин, деган эдилар.

— Бозорда нечча пул экан?

— Килоси беш сўм, шекилли.

Эргаш атайлаб гапни узоқдан бошлади. У қайнонаси ўтган гал Тошкентдан кишмиш олиб келишларини илтимос қилганини биларди, албатта. Бундан ташқари, ҳозир чўнтагида ўн сўмдан ортиқ пули йўқлиги ҳам унга равшан. Демак, у айна пайтда Зулфиянинг: «Майли, ўша пулни олаверинг», дейишини истар эди.

Хонага ҳамшира қиз мўралади: Зулфияни бош врач йўқлаётган эмиш.

— Ҳозир келаман, — дедю Зулфия ташқарига йўналди.

Эргаш ёлғиз қолди. У оёқларини қулайроқ жойга қўймоқчи бўлиб беихтиёр тишни пармалайдиган машинанинг мурватини босиб юборди: нақ тепасида осилиб турган қурилма вағиллаб бошлади.

«Мана, Эргашжон, юзингдаги ғубор сидирилиб тушди, асл башаранг кўриниб қолди: ҳалол одамман, бировнинг ҳақини

емайман, деб бақирар эдинг-ку?! Лекин сенда ҳам нафс бор экан».

У Зайнабнинг партўшақларини эслади. Ҳа, қонингни ўша айнитган. Қолаверса, бошқалар ҳам олади-ку. Олганда қандоқ! Бешала панжасини оғзига тиқадиганлари бор. Уларнинг рўзғорлари бут. Уларни ҳамма ҳурмат қилади. Ёки ёлғонми?..

Кўриниб турибдики, а н о в и к и м с а — йирик амалдор. Панд бермайди. Ахир, ким ўзининг оёғига болта уради?! Узинг гувоҳ бўлдинг — икки ярим минг сўм оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетяпти. Сени-чи?.. Яқинда ўғлинг мактабни тугатади. Институтга киради. Ҳозирги ёшларнинг талаби ўзингга маълум: жинси, магнитофон.. Пешона теринг билан топгин, дейсанми ўғлингга? Бобирнинг тенгдошлари пешона тери билан топяптими?... Йўқ, албатта. Жин урсин, ҳали ҳаммаси олдида. Ишқилиб омонлик бўлсин-да... Лекин қайнонанинг анчадан буён мазаси йўқ, билиб бўлмайди иссиқ жон — бирор қор-ҳол юз бериб қолса, нима қиласан? «Қора кунлар»га атаб қўйганинг борми?

Илмий иш ёзгин. «Ҳечдан кўра, кеч» деган гаплар бор...

Бу ёқда эса — нақд икки ярим минг сўм. Ҳазил гапми! Биратўла ҳамма ташвишдан қутуласан-қўясан... Арзимаган баҳо учун икки ярим минг сўм таклиф қилаётган одам камида миллионер бўлиши керак, албатта.

Тўғри, пул — қўлнинг кири. Лекин сенинг ҳам бошқаларга ўхшаб яшагинг келади. Уғлинг энди ўн бешга қадам қўйди, хотининг эса келинига сеп йиғишга киришган аллақачон. Илгарилари битта жавон ҳам кўрмана ўрнига ўтаверар эди. Ҳозир бўлса, чет элларда тайёрланган баланд-баланд ойнаванд жавонлар совға қилинмаса, ҳисоб эмас... Ахир, ер қимирласа, устиларингга босиб тушади-ку, дейдиган мард йўқ.

Йигирма яшар йигит бўлганимда, бир тийин ҳам олмас эдим. Лекин мен қирққа кирдим! Қирчиллаган пайтим. Саман от миниб юлдузни бенарвон урадиган ёшдаман. Қани ўша саман?.. «Сабр қил, сабрнинг таги олтин». Мана сенга олтин!

Ректор институтни комиссия босса, «Танишинглар: Эргашбой — умидли ёшларимиздан!», дейди ҳанузгача.

Хўш, оқибати нима бўлди? Ошқозон касалини орттириб олдинг, холос. Устига устак, курсдошларингга ҳасад қиласан. Фақат ҳасад қилсанг гўрга эди. Қандайдир ошқовоқмияларнинг дадаҳонларию амакиҳонлари ёрдамида юқори мартабаларга эришиб олгани сенга алам қилади.

Омадсизлигинг билан анави лаънати пулнинг нечоғлик алоқаси бор?.. Бу ўринда умумий алоқадорлик шундан иборатки, иззат-нафсинг таскин топмаган эса-да, жилла курса, жигилдонингга таскин бермоқчисан. Шахсий машина сотиб олишни хоҳлайсан. «Пул бўлса, чангалда шўрва». Ҳаёлпараст ёшларгина бойликдан нафратланиши мумкин. Тўғри, бойликдан нафратланиш лозим. Шунинг учун бойликни аямай совуриш керак. Совуриш учун эса... аввал бойликка эга бўлиш даркор...

Эргаш хоҳолаб юборди. Нега у бунчалик хуноб бўлди? Ўзини синаб кўрдими? Виждонли инсон эканини яна бир карра исботламоқчи бўлдими?

Афсуски, юқоридаги саволларимиз жавобсиз қолади.

Хонага Зулфия кирди. У эрига синчиклаб назар ташлади-да:

— Хўш, қандай қарорга келдингиз? Эҳтимол, менга ҳисоб бериб ўтиришингизнинг ҳожати йўқдир? Ахир, мен аёлман. Кўнгилчанлик қилиб, нотўғри маслаҳат бериб қўйишим мумкин. Сиз эркаксиз — ўзингиз мардона ҳал қилинг... Энди мендан яширмай қўяқолинг, ахир, менинг олдимга бекорга келганингиз йўқ. Биламан, мендан ў ш а н и сўрамоқчисиз, — деди секингина.

Эргаш излаб-излаб топган дурдонасига тикилиб қолди.

— Тўғри айтасан, ҳожати йўқ. Ахир, мен эр кишиман! — Эргаш ёш боладек беозоргина жилмайди. Жилмайдию бирдан-нига енгил тортди.

Кўнгли худди кечагидек равшан эди унинг.







Рустам  
Назар

## Балиқчи

Қармоқ ташлаб кун бўйи  
Офтобда куйди Холиқ.  
Тута олмади лекин,  
Ақалли битта балиқ.

Йўлда этишди кулги:  
— Эй, балиқчи, қани ов?  
— Кетди қармоқдан чиқиб,  
Икки қарич эди-ёв!

Ким кўрса — тиржаярди,  
Бўш келмасди Холиқ ҳам.  
Ҳар жавобиди пича  
Каттаярди балиқ ҳам.

Ундан, ниҳоят, уйда  
Сўрадилар:  
— Қани ов?  
— Кетди қармоқдан чиқиб,  
Бир қулоч келарди-ёв?!

## Ниначи

Икки яшар сингилчам  
Ниначига боқар лол.  
— Бу нима? Бу нима? — деб  
Ёғдиради жўн савол.

Сўрайверар қайтариб,  
Тушунмайди ҳеч вақо.  
Наҳот, шунча эси наст,  
Зеҳни йўқдир мутлақо?

Оддийгина ниначи  
Нима деган гап, ахир —  
Бизга ҳатто ракета  
Эмас жумбоқ, эмас сир!

Жўраларим олдида  
Гоҳ уялиб кетаман.  
Менга бундай сингилнинг  
Кераги йўқ, нетаман?!

Лекин бувам ҳовримни  
Сал тушириб қўярлар.  
Килмишимни бутунлай  
Ноҳақликка йўярлар:

— Ҳозир йўқ-да эсингда,  
Қолган эдинг лол, мулзам —  
Ниначини кўрганда  
Икки ёшда ўзинг ҳам!



## Укам ва Колумб

Олиб бордим укамни  
Кўшни қишлоққа.  
Чиқмаганди аввал у  
Уйдан ҳеч ёққа.

Тикиларди суқланиб  
Учраса неки.  
Ҳайрат билан завқининг  
Йўқ эди чеки.

Югурарди нигоҳи  
Нурдек ҳарёнга.  
Қарар эди анграйиб  
Ҳатто осмонга.

Бахтли эди ушбу чоқ,  
Шод эди укам —  
Американи очган  
Колумбдан ҳам.

## Сумалак

Яйраб қанот қоққандай  
Гулзор узра капалак —  
Қизча жўшиб куйларди:  
«Сумалак, эй, сумалак!»  
Чала-чулпа билса ҳам  
У қўшиқнинг сўзини —  
Қам сезмасди доврўқли  
Хонандадан ўзини!  
Наврўз эди. Онаси  
Қишлоқдан шод қайтганда,  
— Мен сизларга сумалак  
Келтирдим! — деб айтганда.  
Акалари косани  
Тез олдилар ўртага.  
Бир-биридан қизғаниб,  
Талашдилар жўрттага!  
Қизча эса тош қотди,  
Содир бўлди ажиб ҳол —  
Ҳеч нарсага тушунмай  
Ўтирарди карахт, лол.  
Чапиллаган оғизлар  
Келтирарди гашини.  
Лабларини тишлаб у  
Ҳам қилганди бошини.  
Қизча хомуш, жим эди,  
Билмасди не дейишни —  
Истамасди қўшиққа  
Нон ботириб ейишни!!



Фёдор Михайлович Достоевский

# Маъсума

ХАЁЛИЙ ҲИКОЯ

## МУАЛЛИФДАН



датдаги «Кундалик»<sup>\*</sup> ўрнига бу сафар қисса ҳавола этаётганим учун ўқувчилардан узр сўрайман. Утган ой чиндан ҳам асосан шу қисса билан банд бўлганим сабабли ўқувчилар айбситмай, илтифот қиларлар деган умиддаман. Энди ҳикоя ҳақида. Хаёлий деб атаганим билан ўзим уни энг ҳаётий ҳикоя деб ҳисоблайман. Аммо, шу ўринда, айниқса, ҳикоя шаклида мавҳумлик борки, бунни аввалдан изоҳлашни лозим топдим.

Гап шундаки, бу — ҳикоя эмас, кундалик ҳам эмас. Бундан бир неча соат илгари ўзини деразадан ташлаб, жонига қасд қилган жувоннинг эри ҳолатини тасаввур қилиб кўринг: стол устида хотинининг жасади; эсанкираган эр ҳали эс-ҳушини йиғиб ололмаган; «хаёлини бир нуқтага жамлаш», содир бўлган воқеанинг маънисига етиш учун у хонадан-бу хонага сарсари юради. Қолаверса, ваҳима касали, ўзи билан ўзи гаплашиш хасталиги ҳукм ўтказа бошлаган. Ўзи билан ўзи гаплашиб, гўё содир бўлган ҳодисани баён қиляпти, аслида эса воқеани ўзи учун ойдинлаштиряпти. Гаплари, дастлаб изчилдай туюлса-да, бир неча ерда ҳам мантиқ, ҳам туйғу жиҳатдан қарама-қарши фикрларни айтади. Ўзини оқлаб, уни айблади, алоқасиз баҳоналарни рўқач қилиб, тушунтиришга киришиб кетганда ҳиссиёт ва фикр тўмтоқлиги, айни чоқда, бунга зид ўлароқ, туйғу теранлиги аён бўлади. Аста-секин воқеани ўзи учун «ойдинлаштиради» ва «хаёлини бир нуқтага тўплайди». Хотиралари уни охир-оқибатда ҳақиқатга олиб келади; бу ҳақиқат унинг онгини ҳам, қалбини ҳам шубҳасиз юксакликка кўтаради. Ҳатто охирига бориб ҳикоя оҳанги бошланишидаги тартибсизликка нисбатан анча ўзгаради. Ҳақиқат ҳеч бўлмаганда шу бечоранинг ўзига ойдинлашади, аниқлашади.

Гап шу ҳақда. Албатта, бир неча соат давом этадиган ҳикоя жараёнида узуқ-юлуқлик ҳам, оралатиш ҳам, пойма-пойлик ҳам учрайди: дам у ўзига ўзи гапиради, дам гўё кўринмас тингловчига, қандайдир ҳакамга мурожаат қилади. Умуман, ҳаётда ҳаммаша шундай бўлади. Агар унинг гапларини стенограф яширинча эшитиб ёзиб олганда эди, мен тавсия этаётган ҳикояга нисбатан тўмтоқроқ, ғадир-будирроқ баён юзага келиши, бироқ руҳи эҳтимол ўшандайича қолиши мумкин эди. Стенограф ёзиб олган (мен албатта унга қайта сайқал берган бўлардим) деган фараз ҳикояни хаёлий қилиб турибди. Зеро, бу ҳол санъатда илгари ҳам учраган: масалан Виктор Гюго «Улимга маҳкум этилганнинг сўнги кўни» деган дурдонасида қарийб шу усулни қўллаган, гарчи стенографни назарда тутмаган бўлса-да, ундан ҳам баттарроқ тахминга — ўлимга маҳкум этилган одам фақат сўнги кўнида эмас, ҳатто умрининг сўнги соати, дақиқасида ҳам кундалик ёза олади (ва бунга вақти етарли) деган ақл бовар қилмас фаразга асосланган. Агар ўшандай мавҳумликка йўл бермаганда эди, у ёзиб қолдирган асарлар ичидаги энг ҳаётий, энг ҳақгўй асар ҳам дунёга келмаган бўларди.

<sup>\*</sup> «Ёзувчи кундалиги» назарда тутилаётган бўлса керак. Ф. М. Достоевский 1873—74 йилларда «Гражданин» журналига муҳаррирлик қилиб, ҳар ойда «кундалик»ларини эълон қила бошлаган. 1876—77 йилларда яна давом эттирган. «Маъсума»нинг ёзилиш вақти худди шу даврга тўғри келади. (Тарж.)

Мен киму у ким эди



озирча у шу ерда, менга бирмунча осонроқ, дам-бадам келиб термуламан; эртага олиб кетишади — ёлғиз қоламан — унда ҳолим нима кечади? У ҳозир катта хонада. Устига мовут қопланган қарта ўйналувчи икки стол бирлаштирилиб қўйилган, у шу стол устида ётибди,

эртага тобут келади, оппоқ ёғочдан ишланган оппоқ тобут; дарвоқе, гап бу ҳақда эмас... Мен у хонадан-бу хонага юра-юра воқеани ойдинлаштирмоқчиман. Олти соатдан бери ойдинлаштираман дейман-у, хаёлимни бир нуқтага тўплай олмайман. Фақат юраман, юраман, юраман... Воқеа бундай бўлган. Мен бир бошдан, тартиб билан (тартиб!) айтиб берай. Жаноблар, мен адабиётчи эмасман, бунни ўзингиз сезиб тургандирсиз, шундай бўлса ҳам, фаҳмим етганини айтиб бераман. Мени исканжага олиб турган даҳшат ҳам шунда, яъни ҳамма нарсага фаҳмим етади!

Агар билишни истасангиз, аниқроғи, бошидан бошлайдиган бўлсак, бу шундай гап: яъниким, бир мураббия «уйга қатнаб ҳам, бошқа ерга кўчиб бориб ҳам дарс бера олади... ҳоказо, ҳоказо» мазмундаги хабарни «Голос»да эълон қилиш учун етарли маблағга муҳтож бўлиб, буюмларини гаровга қўйгани келган эди. Воқеанинг муқаддимаси — шу. Мен уни аввалоги бошқалардан фарқламадим ҳам: ҳамма қатори келади, кетади. Кейинроқ, фарқлайдиган бўлдим. У ўртадан хиёл тикроқ, оқ-малла сочли, хипчагина эди; менинг олдимда ўнғайсизланганиданми, сал беўхшов ҳаракат қиларди (назаримда у бегонага рўпара келганда ҳаммиша шу ҳолга тушарди; чунки агар судхўр<sup>1</sup> эмас, оддий одам сифатида қаралса, унга менинг бошқалардан фарқим йўқ эди). Пулни олардию шу заҳотиёқ орқасига ўгирилиб жўнаб қоларди. Чурқ этиб оғиз очмасди. Бошқалар кўпроқ беришни талаб қилиб, талашади-тортишади, ялинади... бу эса... йўқ, дим-дим. Берганини олади... Мен чалғиб кетяпман, шекилли... Ҳа, мени энг аввало унинг буюмлари ҳайратга солди: тилла суви югуртирилган кумуш зирак, алмисоқдан қолган, одам тақиб юришга номус қиладиган медальон, хуллас бир қақага қиммат буюмлар. Гаровга қўяётган нарсаларини ярим тангадан ошиққа баҳоламаслигини ўзи ҳам билади, аммо мен кўзларига қараб, буюмлар унинг ўзига бебаҳо эканини сезардим. Зирак, медальонлар отанасидан ёдгорлик эканини кейинроқ билдим. Бир марта уни масхаралагандай бўлдим. Бунни ўзим ҳам кутмаган эдим. Чунки, одатим бўйича, мен мижозларим олдида ўзимни сипо тутаман; мулоқим бўлиб оламан, кам гапираман, аммо жиддийликни, қатъиятни йўқотмайман. «Қатъият, қатъият, қатъият!» — менинг иш услубим шунга асосланган. Бир куни у тўсатдан куён терисининг юлиб, юлқиланган эски қолдигини (ҳа, ҳа, айнан қолдигини) келтиришга жўрват қилганда, ўзимни тутолмай, қандайдир аччиқ гап айтвордим. Воҳ, отагинам! Ўша заҳоти лов этиб ёниб кетди. Кўзларидан — катта-катта, ўйчан, кўм-кўк кўзларидан учқунлар сачрагандай бўлди. Шунда ҳам бир оғиз сўз айтмади, матоҳини олдию чиқди-кетди. Ушанда мен илк бор уни бошқа мижозларимдан фарқлаб, айрича хусусиятларини кашф этдим ва у ҳақда бошқачароқ, ҳа, айнан бошқачароқ фикрга келдим. Ҳатто маълум таассурот ҳам уйғонди менда — унинг ёшлиги, жуда ҳам ёшлиги, худди ўн тўрт ёшли қизалоқдай экани (ҳолбуки, ўша дамда у уч ойи кам ўн олтида эди) таассуротим ахлитлигини таъмин этди. Дарвоқе, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим, таассуротим бутунлиги ҳам бундан эмасди. У эртасига яна келди. Кейин билишимча, у мана шу бир парча тери билан Добронравовга ҳам, Мозерга ҳам йўлиққан экан. Улар тилладан бошқа нарсани гаровга олишмайди, шунинг учун

<sup>1</sup> «Гаровга нарса олиб қолиб пул қарз берувчи» маъносига қўлланилди. (Ред.)

бу қиз билан гаплашиб ҳам ўтиришмабди. Мен эса унинг ҳатто нақшли чиганоғига (алмисоқдан қолган) ҳам рози бўлиб олиб қолган эдим. Олишга олиб қолиб, кейин ўзим ҳайратга тушган эдим: мен — тилла ва кумушдан бўлак ҳеч нарсани гаровга қабул қилмайдиган одам унинг нақшли чиганоғига пул берибман-а! Қиз ҳақидаги иккинчи фикрим ўшанда уйғонган, аниқ эсимда.

Бу сафар у Мозерникида ишини битиролмай, яна менга бosh эгиб келган эди. Ҳавасга ишланган муштугининг кўриниши чакки бўлмаса-да, тилла билан муомала қиладиган биздай одамларнинг ўлчовида ҳеч нарсага арзимасди. Кечаги исёндан кейин яна келгани учун уни жиддий киёфада қаршиладим. Жиддийлигим — қуруқ ниқоб. Унга икки сўм узатаётиб, бир оз ҳаяжон билан гап отишдан ўзимни тутолмадим: «Мен фақат сиз учун шундай қиляпман, Мозер бунақа нарсани сира олмайди». «Сиз учун» деган сўз маълум маъно ағлатиши учун алоҳида ургу бердим. Шу гапдан кейин бир чимдим кулга айландим. У эса... «сиз учун»ни мен истаган маънода тушуниб, яна лов этиб ёнди, лекин индамади, пулни қайтариб ташламади, олди. Муҳтожлик одамни нималарга мажбур қилмайди. Унинг лов-лов ёниши!.. Мен бир сўз билан игна санчиб олганимни сездим. У чиққач, тўсатдан ўзимни ўзим саволга туддим: наҳот унинг устидан голиб чиқиш учун икки сўмгина кифоя бўлса? Ҳе-ҳе-ҳе! «Икки сўмми? Икки сўмми?» Аниқ эсимда: мен бунни икки қайта айтдим. Кейин кулимсираб, саволга ўзим истаган, кўнглимни йийтадиган жавоб топдим. Жуда яйраб кетган эдим ўшанда. Аммо қабиҳ ниятим йўқ эди: ўйлаб, бир мақсад билан қармоқ ташлаган эдим, уни синамоқчийдим, чунки хаёлимда шу қизга тегишли айрим фикрлар бехос ўралашиб юрарди. Бу — у ҳақдаги учинчи алоҳида фикрим эди.

...Хуллас, ҳаммаси ўшандан бошланди. Табиийки, мен ҳар томонлама ўйлаб, сўраб-суриштириб, унинг келишини жуда бетоқатлик билан кута бошладим. Унинг тез орада келишини кўнглим сезган эди. У келгач, беқиёс бир илтифот билан одам доирасида суҳбатга берилдим. Мен бу соҳада дурустгина тарбия олганман, керак маҳалда муомалам билан ҳамсуҳбатимни ром қила оламан. Ҳм... ана шунда мен унинг ниҳоятда меҳрибон ва муштипар эканини аниқладим. Меҳрибон ва муштипар қизлар кўп қаршилик кўрсатолмайдилар, майларини буткул бериб қўймасалар-да, суҳбатга чап бериб кетолмайдилар; гапга хасис бўлганлари билан саволингизга қисқа-қисқа жавоб берадилар. Савол қанча кўп бўлса, ўзингизнинг шўрингиз — жавоб борган сари қисқараверади. Шубҳасизки, у ўшанда менга бор гапни тушунтирмади. «Голос» ҳақида ҳам, бошқа масалалар ҳақида ҳам мен кейинроқ билдим. У сўнги умидда бор буд-шудини гаровга қўйиб газеталарда қайта-қайта эълон беради, дастлаб, табиийки, бир оз тақабурлик билан бошлаган эди. Яъниким, «мураббия иш ахтаряпти, бошқа ерга кетиши ҳам мумкин, шартлар хат орқали маълум қилинсин», кейин: «ҳамма нарсага розиман; ўқитишга ҳам, надималикка ҳам, уй-рўзғорга қарашга ҳам, хасталарни боқишга ҳам кўнаман, тиқшини биламан» ва ҳоказо, ҳоказо. Бу ёғи маълум... Бу гаплар эълонларга бирин-сирин қўшилиб, охири, пичоқ суякка тақалганда, ҳатто «маошсиз, фақат нон эвазига» ишлашга ҳам кўнди. Шунда ҳам жой тополмади! Шунда мен уни сўнги марта синамоқчи бўлдим: ўша кунги «Голос»ни олиб бир эълонни кўрсатдим: «Ҳеч кими йўқ жувон, ёш болали оилада мураббиялик қила олади. Кексароқ бева эрканикида бўлса — яна яхши. Рўзғор ишларингизни енгиллатиши мумкин».

— Мана, кўрдингизми, эълон эрталаб чиқди, кечгача жой ҳам топади. Эълонни, шунақа ёзиш керак!

У яна лов этиб ёнди, кўзларидан учқун чакнади, шарт ўгирилди-да, чиқиб кетди. Бу қилиғи менга жуда-жуда ёқди. Қолаверса, мен энди кўрқмасдим, ниятимга етишимга амин эдим: муштугини барибир ҳеч ким қабул қилмайди. Ҳолбуки, муштуғи қўлдан кетган. Учинчи куни ранги



оқарган, саросимага тушган ҳолда келди: уйда бир гап бўлганини тушундим, дарҳақиқат бўлган экан. Нима гаплигини ҳозир айтаман, аввал башанглигим билан кўзи олдида қандай қад ростлаганимни эслайин. Ҳа, бирдан менда шунақа ният пайдо бўлди. Гап шундаки, у икона олиб келди (журъатини қаранг!). Ҳа, эшитинг! Эшитинг! Ушандан бошланди ҳаммаси, мен бўлсам, боятдан бери калаванинг учини тополмаяпман. Гарангсишимнинг боиси — мен ҳар бир майда-чўйдани, ҳар бир чизиқчани эсламоқчиман. Хаёлимни бир ерга йиғмоқчиман, эплаёлмаяпман. Бу чизиқчалар, чизиқчалар...

Биби Марям иконаси. Гўдак кўтарган Биби Марям — уй тўрига қўйиладиган, қадимий, нақшлари тилла суви югуртирилган, кумушдан ишланган икона. Нархи олти сўмлар чамаси туради. Иконанинг қадрли эканини билиб турибман, у Биби Марям тасвирини зарҳал нақшидан чиқармай узатди. «Нақшиндор қопламани қолдириб, Биби Марям тасвирини олиб кетаверинг, ҳар ҳолда, икона — икона-да...», дедим.

— Иконани гаровга олиш таъқиқланганми?

— Гап таъқиқланган ё таъқиқланмаганида эмас. Балки у ўзингизга...

— Майли, чиқарақолинг унда.

— Бўпти, шундоғича қолақолсин, мен уни ҳов анави ерга — санам қутиси ёнига қўйиб қўяман, — дедим бир оз ўйлагач, — бошқа иконалар билан жинчиноқ ёнида (дўконни очишим билан жинчиноқни ёқиб қўйиш одатим бор) туради. Ун сўмни қўртдек санаб олаверинг.

— Ун сўм керак эмас. Беш сўм етади. Мен пулингизни тўлаб, албатта қайтариб оламан уни.

— Ун сўм керакмасми? Икона шунчага арзийди лекин, — дедим.

Бу гапдан кейин қизнинг кўзлари чақнаб кетди. У гапирмади. Мен ичкарига кириб беш сўм олиб чиқдим.

— Сиз ҳеч кимдан нафратланманг, мен ҳам бу ҳолга кўп тушганман, бундан ҳам баттарроқлари бошимдан кечган. Судхўр бўлиб қолишим... ўша азоблардан кейин...

— Учингизни жамиятдан оляпсизми? А? — деди қиз ачиқ кесатиқ билан гапимни бўлиб. Истеҳзосида ҳам маъсумалик бор эди (унга мен ҳамма қатори бир одам эдим, шу сабабли айтган гапи самимий чиқди.) «Ана холос!» — дея ўйладим мен. — Аста-секин феъл-хўйинг кўринаяпти — янгича феъл. Бор экансан-ку!»

— Биласизми, — деб гап бошладим ўша заҳоти ярим ҳазил, ярим сирли оҳангда, — «Мен аслида ёвузлик уруғини сочмоқчи бўлиб, лекин оқибатда эзгулик меваларини етиштирувчилар жамоатининг бир заррасиман».

У зўр қизиқиш билан, ҳатто болаларча қизиқиш билан ялт этиб менга қаради.

— Тўхтанг... Бу кимнинг фикри? Қаердадир эшитганман.

— Бошингизни қотирманг. Мана шу гаплар билан Мефистофель Фаустга ўзини таништиради. Фаустни ўқиганмисиз?

— Уқи... ўқиганман-у, сал безътиборроқ...

— Демак, умуман ўқимагансиз. Албатта ўқиш керак. Лабларингизда яна истеҳзо кўряпман. Сиздан илтимос, мени жуда дидсиз деб ўйламанг, судхўрлигимни яшириш учун ўзимни Мефистофельдай кўрсатмоқчи эмасман. Судхўр судхўрлигича қолади. Биламиз...

— Қизиқ экансиз... Бу гап хаёлимга ҳам келгани йўқ.

У «билимдон эканингизни кутмаган эдим» демоқчи эди, лекин айтмади, айтмаса ҳам хаёлидагини ўқидим; мен унинг кўнглини топган эдим.

— Ҳар соҳада ҳам, — дея таъкидладим мен, — яхшилик қилса бўлади. Мен ўзимни назарда тутаётганим йўқ, менинг қўлимдан аҳмоқликдан бўлак иш келмайди, лекин...

— Албатта, ҳамма ерда яхшилик қилса бўлади, — деди у менга яшин тезлигида нигоҳини ташлаб. — Айнан ҳамма ерда, — деб яна таъкидлаб қўйди.

О, эсимда, ҳар бир дақиқаси эсимда! Яна бир нарсани қистириб кетишим керак: бу ёшлар, бу дилбар ёшлар қанақадир ақлли, ғалат фикр билан суғорилган: гапни айтмоқчи бўлишса, бирданига чехралари ҳаддан ташқари

самимият ва соддалик нурига тўлади. «Мана, мен сизга ақлли ва нодир фикрга тўла гап айтдим!» Йўқ, бошқаларда кўрингани каби манманликдан пайдо бўлмайди бу нур (асло!), ёшлар ўзларининг айтганларини беҳад қадрлайдилар, унга ишонадилар, уни авайлайдилар, ўзгалар ҳам худди шундай авайлайди, деб ўйлайдилар. О, самимийлик! Мана шу билан ғолиб чиқишади-да! Қиздаги самимийлик эса ғоят ёқимли эди.

Едимда, ҳеч нимани унутганим йўқ: у чиқиб кетгач, узил-кесил ҳал қилдим. Уша куниеқ у ҳақдаги қолган маълумотларни миридан-сиригача билишга киришдим. Билиб олдим ҳам. Аввалги маълумотларнинг барини уларникида хизмат қиладиган, бир неча кун бурун ўзим томонимга оғдириб олганим Лукерьядан эшитган эдим. Янги маълум бўлган сирлар шу қадар дахшатли эдики, бу аҳволда кулги қандай юрагига сиққанига, қандай қилиб Мефистофель сўзларига қизиқиши мумкинлигига ҳали-ҳали ақлим бовар қилмайди! Ёшликнинг қудратими бу?! Мен у ҳақда айнан шуларни ғурур ҳам шодлик билан ўйладим, чунки бу ерда яна олижаноблик ҳам бор-да: ўзи ҳалокат чохида тургани ҳолда, Гётенинг буюк сўзларидан кўзларидан нур порляпти. Ёшликда бир томчи бўлса ҳам, хоҳ у биздан тесқари томонга оғиб турсин, олижаноблик бор. Мен уни, фақат уни назарда тутаяпман. Энг муҳими — ўшанда қудратимга мутлақо ишониб, унга ўзимники деб қарадим. Мутлақо ишонган онларингизда бу фикр шаҳвоний маъно касб этаркан.

Менга нима бўляпти? Шунақа эзмалик қилсам, фикримни қачон бир нуқтага тўплайман? Тезроқ, тезроқ, э, худойим, ахир, гап бошқа ерда-ку!

## II

### Совчилик

Унинг сир-асрорини бир сўз билан айтадиган бўлсам: ота-онаси уч йил аввал ўлиб кетиб, бетайин холалари қўлида қолган экан. Тўғрироғи, уларни бетайин дейиш озлик қилади. Бир холаси бева, бири биридан кичик олти боласи билан қолган, яна бир холаси — қари қиз, қурумсоқ, расво хотин. Иккала холаси ҳам расво. Қизнинг отаси чиновник ўтган, мирзалардан бўлган, дворянликка амал-тақал қилиб эришган одам экан. Хуллас, ҳаммаси менинг фойдамга. Ҳар ҳолда, мен юқори табақа вакилиман, ажойиб полкнинг истеъфодаги штабс-капитаниман. Насл-насабим тоза дворянлардан, бировага муҳтожлик ерим йўқ, ҳоказо, ҳоказо... менинг ниятим холаларининг диққатини тортиши турган гап. Бу қиз холаларига уч йил чўрилиқ қилган. Шунда ҳам имтиҳондан ўта олган, кундалик меҳнат азобидан юлқиниб чиқиб имтиҳондан ўта олиш унинг олижанобликка, юксаликка интилишидан далолат эди. Ахир, мен нима учун ўйланмоқчи эдим? Э, ўзим ҳақимдаги гапларга тупураман, бу ҳақда — кейин... Гап бу ерда эмас! У холаларининг болаларини ўқитган, тикадиганларини тиккан, охир-оқибатда киргина эмас, шу нимжонгина гавдаси билан эгилиб, пол ҳам ювган. Бу азоблари эвазига... холаларининг калтагидан боши чиқмаган. Калтак билан қаноатланмаган маразлар уни сотишгача бориб етишган. Туф-э! Ифлос тафсилотларни тушириб қолдираман. Буларнинг ҳаммасини кейинроқ ўзи менга айтиб берган. Унинг аҳволини йил давомида қўшни семиз баққол, шунчаки баққол эмас, икки дўконни бор баққол обдан кузатган. У аввалги икки хотинни ура-ура ўлдириб, энди учинчиси илинжида эди. Ифлос кўнгли шу қизни тусабди: «Мўмингина, камбағалликда ўсган экан; мен бўлсам, етимларимнинг ғамини еб ўйланаман». Чиндан ҳам етимчалари бор эди. Элликни уриб қўйган бу баққол қизга совчи қўйиб, холалари билан тил бириктура бошлаган. Қиз — даҳшатда! Худди шу вақтда «Голос»га эълон бериш мақсадига менга йўлиққан. Холаларига ялиниб-ёлвориб, ўйлаб кўриш учун жичча вақт беришларини сўраган. Жичча вақт беришган, бошқа бир дақиқа ҳам қўшишмаган. «Ўзимизга егулик нарса йўқ, текинтомоқлардан безормиз...», деявериб қулоқ-миясини еб юборишган. Мен буларни билардим. Уша кун эрталаб қиз келиб кетгандан кейин антиқа бир қарорга келдим.

Кечқурун баққол ярим сўмлик ширинлик олиб уларникига кирган ва қиз у билан бирга ўтирган бир пайтда ошхонадан Лукерьяни чақиртирдим-да, қизнинг қулоғига шипшит, зарур гапим бор, дарвоза олдида кутаман, дедим. Қилган ишимдан кўнглим тўлди. Умуман ўша куни ўзимдан ўзим беҳад мамнун эдим.

Дарвоза ёнидаёқ унга — Лукерья орқали чақиртиганимдан ҳайратга тушган қизга мақсадимни тушунтирдим, унинг ризолиги мен учун бахт эканини айтдим. Иккинчидан, бу ҳаракатимдан — дарвоза ёнида турган «ҳамма гапдан бохабар» одамнинг дангал тақлиф қилишидан ҳайрон бўлмаслигини сўрадим. Алдамаётган эдим — чиндан ҳам дангалчи эдим. Ҳе, тупурдим! Мен фақат тарбия кўрган одамнинг сиполиги билан эмас, энг муҳими, янгича оҳангда гапирдим. Нима, буни тан олиш гуноҳми? Мен ўзимни ўзим айбламоқчиман, айблаяпман ҳам. Мен барчасига про ва сонга айтишми керак, айтаман ҳам. Мен бу дамни кейинчалик ҳам роҳат билан эслар эдим, гарчи тентаклик бўлса ҳам, биринчидан, айтарли иқтидорга эга эмаслигимни, ҳавас қиладиган даражада ақлли эмаслигимни, ҳатто, хушфезлликдан узоқлигимни, бир қақага қиммат худбин (бу ибора аниқ эсимда: кела-келгунча ўйлаб топиб, кўнглим хотиржам бўлган эди) эканимни ва бошқа масалаларда анчайин кўнгилсизликларга сабаб бўлишим мумкинлигини ҳеч қандай хижолатсиз, тараддудсиз, дангалга айтдим. Буларнинг бари ўзингизга маълум алпозда — алоҳида бир мағрурлик билан айтилди. Албатта, камчиликларимни олижаноблик ила маълум қилгач, «буларнинг ўрнига мана бу-мана бу яхшиликларим ҳам бор», деб фазилатларимни баён қилишга тушмадим — бунга фаросатим етарли. У дамда мен унинг ниҳоятда кўрқаетганини кўриб турардим. Кўриб-билиб туриб, ҳеч нимани юмшатмадим, аксинча, баттар кучайтирдим: қорни тўқ бўлишини, лекин хилма-хил либослару театр, зиёфатларга йўл йўқлиги, орадан вақт ўтиб мақсадимга эришгач, балки булар ҳам амалга ошиши мумкинлигини очиқ айтдим. Гапларимдаги қатъий оҳанг ўзимни ҳам мафтун этарди. Шу ишга қўл урган эканман, яъни, судхўрликни бўйнимга олган эканман, бунга бир шароит мажбур қилаётганини, қолаверса, бир мақсадим борлигини сўз орасида қистириб ўтдим. Шундай дейишга ҳаққим бор эди: чинданам бир мақсад, маълум бир шароит туфайли қилаётган эдим бу юмушни. Тўхтанг, жаноблар, мен умрим бўйи бунақа юмушдан нафратланганман, нафсиларимни айтганда, ўз-ўзига сирли иборалар билан баён қилиш кулгили туюлса-да, «жамиятдан ўч олаётганим» чин эди, чин эди, чин эди! Шу боис унинг «ўч олаётганим» ҳақидаги эрталабки қочирими ўринсиз эди. Яъни, биласизми, агар мен унга тўғридан-тўғри: «Ҳа, жамиятдан ўч оляпман», десам, хаҳолаб юборарди, умуман, бу жавобим кулгили чиқарди. Бошқа ёққа ишора қилиб, сирли ибора билан тасаввурни ўғирлаш мумкин экан. Ундан ташқари бу пайтда мен ҳеч нимадан кўрқмас эдим. Семиз баққолга нисбатан ўлсам ўлигим ортиқлигини, дарвоза олдида халоскор сифатида келганимни яхши билардим. Буни тушунардим. О, қабиҳликни одам аъло даражада тушунади! Бу қабиҳлик эдимми? Қандай ҳукм чиқариш керак? Ахир, ўша пайтдаёқ уни севмас эдимми?

Тўхтанг. Ҳиммат ҳақида унга, шубҳасиз, ярим оғиз ҳам гап айтмовдим, аксинча, о, аксинча: «Марҳамат нурига сиз эмас, мен йўғриламаман» дедим. Ўзимни тутолмай, кўнглимдаги бу гапларни очиқ айтиб юбордим; юзининг бир учиб тушганига қараганда, гапим телбанамо чиққан эди. Умуман олганда эса, узил-кесил ғалаба қозондим. Тўхтанг, бу ифлосликларни эслаётган эканман, тўнғизлик қилганимни ҳам ёдга олай: мен қизнинг рўпарасида турардим, бошимда эса хаёллар чарх уради. Бўйинг баланд, келишган эркасан, одоблисан, ва... ниҳоят, мақтанишдан ташқари, бип-бинойисан... Каллам шу гаплар билан банд эди. Шубҳасиз, у шу ердаёқ — дарвоза ёнидаёқ хўп деди. Лекин... лекин хўп дейишдан олдин, шу ерда — дарвоза ёнида узоқ ўйга толганини унутмаслигим керак. Шу қадар

кўп, шу қадар кўп ўйладики, тоқатим тоқ бўлиб, «Хўш!» деб юборишдан ўзимни тутолмадим; шунчаки «хўш» эмас, киборларча «Х-ош, нима дейсиз?», деб сўрадим.

— Шоширманг, ўйлаб олай.

Чехраси шу қадар жиддий эдики, ўйларини ўқиб олишим ҳеч гап эмасди! Аммо мен ундай қилмадим. Кўнглим ранжиди: «Наҳотки мен билан баққолни солиштириб, танласа», деб ўйладим. О, мен унда тушунмас эдим! Ҳеч нарсени, ҳеч нарсени тушунмасдим! Едимда, кетаётганимда Лукерья мени йўлда тўхтатди. «Ойимтиллага ўйланаётганингиз учун худо сиздан марҳаматини аямайди, жаноб, фақат, ҳиммат қилаётганингизни ўзига айта кўрманг, у жудаям мағрур қиз», деди шоша-пиша.

Мағрур эмиш! Ўзим ҳам мағрурларни ёқтираман. Мағрурлик қачон ярашади?.. Бошқаларга нисбатан қудратлироқ эканингни билиб турганингда, тўғрими? О, пасткаш, бесўнақай одам! О, мен қандай мамнун эдим. Уша дарвоза ёнида мени ҳайрон қолдириб, узоқ ўйга ботиб турганда, хаёлига: «Ҳамонки, бахтсизлик у ерда ҳам, бу ерда ҳам бор экан, энг ёмонини танлаганим маъқул эмасми? Семиз баққолни танласам, маст ҳолда тезроқ уриб ўлдириб, мени бу азоблардан биратўла қутқаргани дуруст эмасми!» деган каби фикр келиши мумкинмиди? Хўш! Нима деб ўйлайсиз, шу фикр хаёлига келиши мумкинмиди?

Ҳа, ҳозир ҳам тушунмайман, ҳеч нимани тушунмайман. Ҳозиргина қизнинг икки бахтсизликдан энг ёмонини, яъни, баққолни танлаши ҳақидаги хаёлга бориши мумкинлигини айтдим. Уша пайтда у учун ёмонроғи ким эди — менми ё баққолми? Савдогарми ё Гётедан мисол келтириб гапирадиган судхўрми? Шу ҳам саволиш! Саволга бало борми? Нимага тушунмайсан: жавоб стол устида ётибди-ку! Саволинг нимаси! Тупуриш керак менга! Гап менда эмас. Дарвоқе, гап мендами, мендамасми, нима аҳамияти бор энди? Мана шуни фаҳмлаб ололмаяпман. Ундан кўра ухлаганим маъқул. Бошим оғрияпти.

### III

## Одамлар орасидаги ўзим ҳам ишонмайдиган олижаноб одам

Ухлаёлмадим. Ухлаш қаёқда, бошим лўқиллайди. Буларнинг ҳаммасини — ифлосликларнинг барчасини англаб етгим келади. О, нопоклик! О, мен уни қандай ботқоқдан чиқариб олдим! Ахир, буни тушуниши, илтифотимни қадрлаши лозим эди-ку! Менга турли хаёллар, айтилик, ўзимнинг қирқ бирда эканим, унинг энди ўн олтига тўлгани ҳақидаги хаёл жуда ёқарди. Мана шунга мафтун эдим, тенгсизлик ҳисси ширин эди, оҳ, жуда ширин эди.

Мен, мисол учун тўйни al'anglais<sup>1</sup> фақат иккаламиз ва яна икки гувоҳ иштирокида қилиб (гувоҳларнинг бири шубҳасиз Лукерья бўларди) ўша заҳоти вагонга ўтириб, Москвагами (айтмоқчи, воқеа ўша ерда бўлган), бирон меҳмонхонагами жўнаш ниятида эдим. У қаршилик билдирди, руҳсат бермади, натижада мен холалари хузурига қиз узатувчи қариндошлар хузурига боргандай илтифот билан бордим. Ён босдим унга, холаларининг иззатини ҳам жойига қўйдим. Мен яна бу махлуқларга юз сўмдан пул бердим, устига яна ваъда қилдим, шубҳасиз, бу пасткашликдан озор чекмасин, деб унга лод-мим демадим. Пулни олгач, холалари ипакек эшилиб қолишди. Сеп ҳақида тортишув бўлди: унинг ҳеч вақоси йўқ эди, ўзи ҳам ҳеч нимани хоҳламасди. Мен унга ҳеч нима керак эмас, дедим. Сепни ҳам бўйнимга олдим, мендан бошқа яна ким сеп қиларди? Келинг, ўзим ҳақимдаги гапларга тупурайлик. Баъзи ғояларим билан уни ўша дамнинг ўзида таништиришга улгурдим, ҳеч бўлмаганда умумий жиҳатларидан бохабар бўлсин, дедим. Балки шошқалоқлик қилгандир-

<sup>1</sup> «Ҳам оқлашим, ҳам қоралашим» маъносига (лотинча).

<sup>1</sup> Инглизчасига (франц.).



ман? Энг муҳими, ўзини тутишга қанчалик уринмасин, у аввал-бошиданоқ бағримга муҳаббат билан отилиб кирди; кечалари қайтганимда ҳаяжон билан, ғўдақлигини, болалигини, ўйларини, ота-онасини гапириб берарди. Аммо мен бу завқ оташини дарҳол совутардим. Менинг ғоям шундан иборат эди. Унинг ҳаяжонларига сукут билан жавоб қайтарардим, албатта. У иккимизнинг тамоман бошқа-бошқа одам эканимизни, менинг турган-битганим жумбоқ эканини тез фаҳмлаб етди. Энг муҳими, мен шу «жумбоқ»қа зўр бердим. Балки шу жумбоқни ечиш учун ҳам мен бу тентакликни кашф қилган эдим. Дастававл, остона ҳатлаши билан қаттиққўлликни татиди. Хуллас, ўшанда мамнун юрган ҳолда ўзимга хос тартиб турларини яратдим. О, бу тартиб ҳеч бир зўриқисиз, ўз-ўзидан яралди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди, уни шафқатсиз шароит талабига кўра яратдим, ахир ўзимни чўқитиб қўёлмасдим-ку! Тартиб ҳақиқатга зид эмас эди. Йўқ, сиз охиригача эшитинг, одамга гуноҳ ортишдан олдин, сабабини билиш керак... Эшитинг!

Нима десам экан, сўз билан тушунтириш жуда оғир. Узингни оқлай бошласанг — тушунтириш оғир кечади. Биласизми, ёшлар кўп нарсдан, масалан, пулдан ҳам нафратланади, мен эса пулга муккамдан кетган эдим. Пул устига ўлгимни ташлаганим сайин у нафасини ичига ютаверди. Катта кўзларини жавдириб қолаверди. Ёшлар — олижанобдиллар, аниқроғи, яхши ёшлар ҳам олижаноб, ҳам шиддаткор, шунданми, сабр-тоқатсиз, сал нарсага лов этиб ёнишадую нафратларини яширишолмайди. Мен эса кенгликни истардим, кенглик уруғини унинг юрагига сепмоқчи эдим. Таъбир жоиз бўлса, юрак кўзи билан кенгроқ қарашга ўргатмоқчийдим. Тубан бир мисол келтирай: хўш, мен қандай қилиб бундай феъл-атворли одамга гаров ҳазинамини тушунтира олардим? Шубҳасизки, агар тўғридан-тўғри бу ҳақда гап бошласам, шуғулланаётган юмушим учун узр сўрагандай бўлардим. Шунинг учун ўзимни мағрур тутдим, қарийб сукут билан гапирдим. Сукут билан гапиришга суягим йўқ менинг, бутун умрим сукут билан гапиришда ўтди, бошимга тушган мудҳиш савдоларни ҳам сукут билан енгдим. О, ахир мен қандай бахтсизликларни бошимдан кечирмадим! Мени кўрагимдан итариб, худди кераксиз матаҳдай итқитиб ташлаган эди, унутиб юборишган эди, буни ҳеч ким, ҳеч ким билмайди! Кутилмаганда ўн олти ёшли бу оймтилла разил одамлардан мен ҳақимдаги ярамас гапларни эшитиб, ҳамма нарсдан хабар топдим, деб ўйлабди, эзгуликлар одамнинг фақат кўрагидагина қолганини эса фаҳмламабди. Мен эса сукут сақлайвердим, аиниқса, у билан бирга бўлганимда тилим калимага келмасди. Кечаги кунга қадар шундай давом этди. Нима учун сукут сақладим?... Мағрурлигим туфайли, албатта. Мен бу одам тўғрисидаги бор ҳақиқатни, унинг кўнглидаги яширин эзгуликларини тубан одамлар ҳикояси орқали эмас, балки ўзим англаб етишни истардим. Уйимга бошлаб келар эканман, мен ундан тўла ҳурмат, эътибор кутган эдим. Мен унинг бошимдан кечирган азобларим эвазига тиз чўкиб ибодат қилишини хоҳлаган эдим — шунга арзирдим. О, мен ҳамиша мағрур бўлганман, ҳеч қачон ўртамеънага тоқат қилмаганман, ё ҳаммасига эришини, ё ҳаммасидан биратўла воз кечишни истаганман. Яримта бахтга тоқат қилолмаганим, яхлит, бутунига интилганим сабабли ҳам, «ўзинг билиб ол ва қадримга ет» қабилида иш тутишга мажбур эдим. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, агар мен унга тушунтиришни, айтиб туришни бошласам, ялтоқлансам, ҳурмат қилишини сўрасам — гадодан нима фарқим қолади?... Дарвоқе... дарвоқе... нима учун мен буларни гапирялман ўзи?

Тентаклик, тентаклик, тентаклик ва яна тентаклик! Ушанда мен унга ёшларнинг олижаноблиги жуда гўзал, аммо бир чақага арзимаслигини икки оғиз сўз билан очқ ва шафқатсизларча (шафқатсизлигимни таъкидлагим келади) тушунтирдим. Нима учун бир чақага қиммат? Шунинг учунки, ёшларга ҳаммаси осондай туюлади, олижанобликларингил кўлга киритилган, яъни ҳаётнинг ҳали аччиқ-чучугини татимай туриб, ҳаётдан олган дастлабки таассуротлари асосида юзага келган; меҳнат исканжасига тушишгач, аҳволларини бир кўрамиз. Арзон олижаноблик ҳамиша енгилтак бўлади. Ҳатто ҳаётини ҳам арзон-гаровга бериши мумкин, чунки қони қайнаб, кучи ошиб-тошиб

ётибди, кўнгли гўзалликка жон-жаҳди билан интилади! Қани, оғир ва сокин, жарангсиз, ҳашамсиз, ғийбатларга тўла, заррача шухрат келтирмайдиган, аммо қурбонлик талаб этувчи олижаноб жасоратни олайлик-чи. Хўш, бу жасоратни татиб кўринг-чи?... «Йў-ўқ», дея рад этасиз. «Ёр юзидаги барчадан номуслироқ бўлганингиз ҳолда жамоага аблаҳ сифатида кўрсатилган ёруғ юзли одам, қаердасиз?», дейишга ҳақлимизми? Ҳа. Чунки мен бу жасоратни бир умр кўтариб ўтйман. У аввалига мен билан астойдил баҳслашди, кейин жим бўла бошлади, охири нафасини ютди, кўзларини даҳшат билан очиб тинглади. Кўзлари катта-катта эди... Шу аснода мен унинг кўзларида сокин, ёқимсиз, ишончсиз бир кулгини кўрдим. Ана шу кулгисини билан мен уни уйга олиб кирдим. Тўғрироғи, унинг бошқа борадиган жойи йўқ эди...

## IV

## Нуқул режалар, режалар

Ушанда ким биринчи бўлиб бошлади?

Ҳеч ким. Биринчи қадамданоқ ўзи бошланди. Мен уни қаттиққўллик билан уйга етаклаб кирдим, дедим, аммо қаттиққўлликни илк одимдаёқ ўзим юмшатдим. Қаллиқлик чоғидаёқ, судхўрлик билан шуғулланиши лозимлиги тушунтирилган, у эса индамаган эди (буни эслаб қолинг). Энг қизғини, бу ишга астойдил киришувди. Албатта, уй, жиҳозлар ўша-ўша эди. Уйим икки хонали: бири катта зал, озгина қисминигина касса эгаллаган; иккинчиси ҳам кенг-мўл, ётар-турар жойимиз шу ерда. Жиҳозларимнинг мазаси йўқ, ҳатто холалариникидан ҳам хароброқ. Шамчироқли иконам залда, касса ёнида, хонамдаги жавонда (калити менда туради) бир неча китоб ва дафтарлар турибди; яна тўшак, стол, стуллар... Емоқ-ичмоғимиз учун Лукерья учовимизга (мен уни оғдириб олган эдим) кунда кўпи билан бир сўм ажратажагимни айтиб, «Уч йилда ўттиз минг жамғаришим керак, тежаб-тергашга мажбурман», деб тушунтирган эдим. У қаршилик билдирмаган эди, шунда ҳам мен кўнлик ҳаражатни кўпайтириб, бир сўму ўттиз тийин деб белгиладим. Бунинг ёнига театр қўшилди. Қаллиқлик даврида театрга сира бормаймиз деган эдим, бироқ, қароримни ўзгартириб, ойда бир марта борадиган, борганда ҳам юмшоқ ўриндиклардан жой оладиган бўлдим. Уч марта бирга бордик, «Муҳаббат узидан қувшишни, назаримда, яна «Сайроқи қушлар»ни кўрдик, шекилли (О, тупуриш керак бунга, тупуриш!). Жимгина бориб, жимгина қайтардик. Нима учун, нима учун илк қадамимиздаёқ сукутнинг раво кўрдик. Ахир, дастлаб ораимизда низо бўлмаган эди-ку? Сукут нимаси! Эсимда, у менга тез-тез кўз қири билан қараб қўярди, мен буни сезардим, сезатуриб баттар сукутга берилардим. Тўғри, сукутга у эмас, мен жон-жаҳдим билан ёпишдим. У биринчи марта ўзини тутолмай бағримга ташланганда ҳам совуқ муомалами ўзгартирмадим. Чунки унинг эхтирослари ҳам жазовали эди; лекин мен чинакам бахт лозим эди. Мен ҳақ эдим: ҳар бир тўлқиндан кейин эртасигаёқ орада низо чиқарди.

Тўғрироғи, буни низо дейиш ҳам қийин. Чунки жанжалимиз ҳам сукутда ўтарди — унинг қарашларида борган сайин «исён ва мустақиллик»ка мойиллик кучаярди, аммо ниятларини амалга оширишга ожиз эди. Ҳа, бу маъсума чехра кундан кунга дағаллашарди. Ишонсангиз-ишонмансангиз, у мендан жиркана бошларди. Мен буни яққол ҳис қилиб турардим. Баъзан ички тўлқинларини жиловлай олмай ўзидан кетишига шубҳа йўқ эди. Мисол учун айтсам, кечагина пол қувишдан боши чиқмаган оймтилла бугун ночорлик ботқоғидан қутулиб камбағаллигимдан бурнини жийрадиган бўлиб қолди! Туршиш-турмушимиз покиза, керак жойда ҳашамга ҳам ўрин бор, айтмоқчиманки, менинг уйимда қашшоқлик эмас, тежамкорлик ҳукмрон эди. Мен илгарилари ҳам эринг саришталиги хотиннинг кўнглини банд этади деб ҳисоблар эдим. У менинг қашшоқлигимдан эмас, тежамкорлигимни бахиллик ҳисоблаб, «аниқ мақсади борлигини, қатъий иродасини кўрсатмоқчи», деб нафратланарди. Театрдан кутилмаганда



ўзи воз кечди. Мазаҳли чимирилишлари бешбаттар кўпайди... Мен эса сукутни кучайтирдим, сукутга зўр бердим.

Ахир, ўзимни оқламайман-ку! Бу ерда энг муҳими қарз кассаси. Илтифот қилинг: мен аёлнинг, айниқса, ўн олти ёшида, эркакка бутунлай бўйсунуши мумкин эмаслигини билардим. Аёлларда ўзига хослик йўқ — бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат, ҳатто ҳозир ҳам бу мен учун исботсиз ҳақиқат! Залда ётган бўлса нима қилибди; ҳақиқатни ҳақиқат дейиш керак, бу ерда Милль ҳам ожиз. Маъшуқа эса (О, маъшуқа!), кўнглини олган қимсаннинг барча камчиликларини, ҳатто ёвузликларини илоҳийлаштиради.

Уша қимса ёвузликларини ювиш учун арзирли баҳона топа олмайди, аммо маъшуқа унга фатво беради. Бу олиҳимматлик, аммо ўзига хослик эмас. Аёлни фақат таассуб бадном этади. Қайтарсам нима бўлибди, стол устини нимага иллаб кўрсатяпсиз? Стол устидаги ўзига хос демокимисиз?... О-о!

Билиб қўйинг: унинг муҳаббатига ўшанда ишонган эдим. Ахир, бўйинига осилиб олган эди-да. Демак, севарди, аниқроғи севишни истарди. Ҳа, шундай эди: севишни истарди, муҳаббатини изларди. Энг муҳими шундаки, бу ерда у фатво топиб бериши лозим бўлган ёвузликнинг ўзи йўқ эди. Судхўрлигимни айтяпсизми? Буни ҳамма гапирди. Судхўр бўлсам нима? Олижаноб кишилар шу ишни ўзига эп кўрган экан, демак сабаби бор. Биласизми, жаноблар, гоёлар бор... Яъни, биласизми, агар ўзга гоё айтилса, сўз билан ифода қилинса, жуда аҳмоқона чиқади. Узимдан ўзим уялиб кетаман. Нимага? Ҳеч нимага. Чунки биз ярамас одамлармиз, ҳақиқатга чидаёлмаймиз, агар гапимни ёлғон десангиз, билмадим, қандай одам эканмиз. Мен ҳозир «олижаноб кишилар» дедим. Кулгилими, лекин гапнинг чини шу! Ахир, бу ҳақиқат, яъни ҳақиқатлар ичра энг олий ҳақиқат-ку! Мен бу кассани очишга ўзимни ўзим таъминлаш ҳуқуқига тўла ҳақли эдим: «Сиз мени четга турб чиқардингиз, сиз одамлар, ҳа, сиз мени жирканч сукутингиз билан ораларингиздан ҳайдадингиз. Сиз томонга эҳтирос ва шиддат билан интилишимга жавобан бир умрга ранж-алам қайтардингиз. Шундай экан, энди мен қалн девордан тўсиқ қилиб олишга, ўша ўттиз мингни тўплаб, Қримданми, Жанубий соҳилданми ер-мулк сотиб олиб, умримнинг қолган қисмини тоғларда, узумзорларда, энг муҳими, сизлардан узокроқда, аммо сизларга кек сақламасдан, кўнглимдаги олий мақсадим билан, юракдан яхши кўрадиган аёлим билан, худо берса, оилам билан, ён қўшнилардан ёрдамимни аямасдан яшашга тўла ҳақким бор». Яхши ҳамки, бу гапларни энди овоз чиқариб ўзимга ўзим айтяпман, агар илгарироқ унинг қулоғига куйганимдами, бундан беаънироқ иш бўлмасди. Менинг мағрурона сукутим ҳам, жимгина ўтиришларимиз ҳам айнан шундан. Ахир, у тушуна олармиди? Ун олти ёш — ёшликнинг биринчи погонаси — у менинг ваз-қарсонларимни, азоб-қубатларимни англашга қодир эмас эди. Тўғрилиқ, ҳаётни билмаслик, болаларча арзон имон, «гўзал қалблар» хусусидаги кўр-кўрона тушунча, энг муҳими, судхўрлик кассаси (холбуки, миждларимга нисбатан ёвузлик қилмас эдим, меъёридан ошиқча олиб қолмаслигимни ўзи яхши биларди, кўрган эди!) ҳақиқатга олиб борувчи йўллари тақа-тақ беркитиб ташлаган эди. О, бу ёруғ оламдаги ҳақиқат нақадар даҳшатли! Бу малак, бу маъсума, бу осмон — мустабид эди, қалбимнинг чидаб бўлмас даражадаги шафқатсиз мустабиди, ситамгири эди! Агар буларни айтмасам, ўзимга ўзим тўхмат қилган бўламан! Сиз менинг севгимга ишонмаяпсизми? Ким шундай деб айта олади?... О, бу шўри-фавго, тақдир ва табиатнинг истеҳзога тўла шўри-фавгоси эди! Бизга қарғиш теккан, одамзоднинг ҳаёти (жумладан, меники ҳам) қарғиш остида қолган. Мен қаердадир янгилишганимни тушуниб турибман-ку! Қаердадир мўлжални тўғри ололмадим. Ҳаммаси аниқ-равшан эди, режаларим ҳам осмон каби покиза эди: «Қаттиққўл ва мағрур, бировнинг рўйи таскинига муҳтожлик йўқ, сукут билан азоб чекиш». Шундай эди, алдамадим, сира алдамадим! «Бунга кейинроқ ўзи гувоҳ бўлади, бунинг олижаноблик эканини ўзи кўради (аммо, сезолмади),

қачондир билса, олижаноблигимни ўн чандон ошириб баҳолойди ва қўлларини кўксига қўйиб худонинг зорини қалайди.» Режам шу эди. Лекин мен бу ерда ниманидир унутдим ёки ниманидир тушуриб қолдирдим. Ниманидир амалга оширолмадим. Бас, етар! Энди кимдан узр сўрайман?... Тамом бўлди, тамом бўлди — тан олиш керак. Э, одам, қаддингни тут, ерпарчин бўлма! Айбдор сен эмассан!..

Хўп, яхши, мен рост гапни айтаман. Ҳақиқат билан юзма-юз бўлишдан чўчимайман: у айбдор эди, айбдор у эди!..

## V Маъсуманинг ғалаёни

Орамиздаги низо бундай бошланди: ҳеч қутилмаганда у пулни ўз хоҳишига кўра берадиган, буюмларни меъёрдан ортқ баҳолайдиган бўлди, бу ҳам етмагандек, мен билан икки марта баҳслашди. Ён босмадим. Шу пайт оёғимиз остидан капитаннинг беваси чиқиб қолди.

Бева кампир медальонни, яъни, марҳум эрининг совғасини, демакки, қадри ёдгорлики олиб келди. Уттиз сўм бердим. Минғирлаб, ерз-дод қилиб буюмни асрашимизни илтимос қилди — асрамай нима қилардик. Хуллас, беш кундан кейин яна пайдо бўлиб, саккиз сўмга ҳам арзимайдиган биллакузукка алмаштириб беришни сўради. Мен, шубҳасиз, рад этдим. Ушанда бу айёр кампир хотинимнинг кўзида меҳр кўрганми, ҳар ҳолда мен йўғимда келиб муддаосига етишди — у медальонни биллакузукка алмаштириб берибди.

Бундан хабар топишим билан қатъий гапимни айтдим. У тўшак устида ерга тикилганча ўтирар, ўнг оёғининг учини ликиллатиб, гиламчани уриб-уриб қўярди (бу унинг маънодор ишораси), лабларида истеҳзо қотган эди. Шунда мен, овозимни мутлақо кўтармасдан, пул меники эканини, ҳаётга ўз кўзларим билан боқишга ҳақким борлигини, уни уйга таклиф қилганимда, ҳеч нарсани яширмаганимни хотиржам бир аллозда эслатдим.

У эса бирдан сапчиб турди, аъзойи бадани титради, кейин — нима деб ўйлайсиз — депсина бошлади: шу туриши ваҳшийлик эди, тутқаноқ эди, тутқаноғи тутган эди унинг. Мен ҳайратдан қотдим: бу қилиқни сира қутмаган эдим. Аммо ўзимни йўқотмадим, ҳатто қимирламадим, ўша хотиржам овозда бундан буён юмушларимга аралашши ҳуқуқидан маҳрум этажамимни маълум қилдим. У башарамга қараб туриб хахолоди-да, уйдан чиқиб кетди.


Гап шундаки, менсиз уйдан чиқишга унинг ҳаққи йўқ эди. Тўйдан олдиноқ шунга келишган эдик... Кун бўйи қайлардадир санқиб, кечқурун қайтди, лекин чурқ этмадим.

Эртасига эрталабдан яна ғойиб бўлди, индинига ҳам. Кассани беркитиб, холалариникига бордим. Тўйдан кейин улар билан борди-келдини йиғиштириб қўйган эдим-у, остоналарини ҳатлашга мажбур бўлдим. Холалари гапларимни диққат билан эшитиб, «Сизга ҳали бу ҳам кам», деб мазаҳ қилишдан тойишмади. Кулги бўлишимни билардим. Уша заҳоти кичик холасига — қари қизга юз сўм ваъда қилиб оғдириб олдим, йигирма бешини нақд санаб бердим. Икки кундан кейин у уйимга хунук хабар билан келди: «Поручик Ефимов деган одам — сиз билан бир полкда хизмат қилган офицер сувни лойқалатиб юрибди». Ҳайратда қолдим. Бу Ефимов деганлари полкда разиллик қилгани етмагандай, бир ой муқаддам гаровга нарса қўйиш баҳонасида кетма-кет икки марта уйимга келиб, хотинимга шилқимлик қилган эди. Ушанда унга, уйимга қайта қадам босмагин, деган эдим, лекин иш бу даражага бориб етиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Шунчаки суллоҳ деб ўйловдим-да. Мана энди ўша суллоҳ билан пинҳона учрашаётган эмиш. Хотинимнинг холаси, бу иш уларнинг эски танишлари, полковникнинг беваси Юлия Семеновна раҳнамолига амалга ошганини маълум қилиб турибди: «Хотинингиз ўшаникига қатнапти», деди у.

Бу тафсилотларни қисқартираман. Бу иш охир-оқибатда менга уч юз сўмга тушди. Аммо икки кун ичида мақсадга эришдим: қўшни хонада туриб, қия очик эшикдан хотинимнинг Ефимов билан zendez-vous гувоҳ бўлиш, гаплари-

<sup>1</sup> XIX аср инглиз файласуфи, утилитаризм тарафдори назарда тутилган бўлса керак. (Тарж.)

<sup>1</sup> Ишқий учрашув (французча).





ни эшитиш имкониятини қўлга киритдим. Бу воқеага тайёргарлик кўраётган пайтимда, бир кун аввал, жуда қисқа давом этган, аммо мен учун ниҳоятда муҳим ҳодиса юз берди.

Кечқурун хонада у ёқдан-бу ёққа юрди, тўшаққа ўтирди, менга тикилиб, масхаралаб тиржайди, оёқ учларини питирлатиб гиламчага тап-тап урди. Унга қараб туриб, дафъатан калламга бир фикр урилди: ўтган ой давомида, тўғрироғи, ўтган икки ҳафта мобайнида феъл-атвори жуда ўзгариб кетди: қандайдир асовлик, ҳужумкорлик — беҳаё дея олмаيمان — аммо бетартиблик, изтиробга мойиллик пайдо бўлди. Буларни сиртига чиқармасликка ювошлиги сабаб эди. Изтироблари чегарадан чиққан бўлса-да, ўзини зўрлаб ушлаб турганини, ўзидан ўзи ҳазар қилаётганини сезмаслигини мумкин эмас эди. Бунақалар бир қутурмасин, қутурса — жиловлаб бўлмайди. Шунақа пайтда улар айтадиган, қушоқдан чиқиб кетадиган гапларни эшитиб қулоқларингга ишонмайсан. Қалбан бузуқликка одатланганлар эса, аксинча, юмшатадилар, қабиҳликларни ҳам бартартиб, илтифот билан юзага чиқарадилар, ана шу разилликларида устунлиқ қилиш даввоси бўлади.

Уша қуни у асовлик билан арқонни узди:

— Дуэлга чиқишга кўрққангиз туфайли полкдан ҳайдаб юборганлари ростми? — деб сўради у кутилмаганда; кўзларидан эса ўт чақнади.

— Рост, офицерларнинг қарори билан полкни ташлаб кетишимни сўрашди. Сал аввалроқ истеъфога чиқаман деб ўзим ҳам ариза берган эдим.

— Кўрқоқ сифатида ҳайдашганми?

— Ҳа, улар шундай айб қўйишди менга. Лекин дуэлдан бosh тортишимга сабаб кўрқоқлик эмас. Мени ҳақорат қилишмагани ҳолда дуэлга қақирсам бемаънилик бўларди. Мен уларнинг мустабидона қарорига буйсунмадим. Билиб қўйинг (шу ерга келганда ўзимни туюлмадим), ўз ҳатти-ҳаракати билан бундай мустабидликка, оқибатларини билатуриб қарши бориш, ҳар қанча дуэлга чиқишдан ҳам кўпроқ жасорат, мардлик талаб қилади.

Мен ўзимни тута олмадим, шу гапларим билан гўё ўзимни оқлашга уриндим; унга эса худди ана шу — янада тиз чўкиб, хўрланишим керак эди. У ғазаб билан кулди.

— Уч йил Петербургда дайдиларга ўхшаб тиланчилик қилганингиз, билъярд столлари тагида ётиб қолганларингиз ростми?

— Мен Сеннада, Вяземскийнинг уйида ҳам ётиб қолардим. Полкдан кейин жуда кўп ҳақоратли, тушкун онлар бўлди, аммо руҳан чўкмадим, чунки қилғилигини ўшанда биринчи бўлиб ўзим айблаган эдим. Тушкунлигим боиси — ўшандаги аҳволимдан умидсизликка берилиш оқибатида ақлим ва иродамнинг ожизланиб қолганидан эди. Буларнинг бари ортда қолди...

— О, сиз эндиликда кўзга кўринган одамсиз — пулдорсиз!

Яъни, бу судхўрлигимга истеҳзоли ишора эди. Мен ўзимни қўлга олишга улгурдим. Унинг мени янада ҳақоратлашга олиб боровучи тушунтиришларимга чанқоқ эканини сездим, бунга эришишга йўл бермадим. Мижознинг кўнғироғи айна муддао бўлиб, залга чиқдим. Орадан бир соат ўтгач, у тўсатдан кийинди-да, уйдан чиқаётиб шундай дед:

— Ҳар ҳолда, сиз булар ҳақда тўйдан олдин оғиз очмаган эдингиз!?

Мен жавоб бермадим. У чиқиб кетди.

Хуллас, эртасига чунтагимда тўппонча билан қия очик эшик ортида туриб тақдиримнинг қандай ҳал этилаётганига диққат билан қулоқ тутиб турардим. У ясан-тусанда ўтирарди, Ефимов эса унинг рўпарасида қийшангларди. Хўш, нима бўлди, ўзим сезмаган ҳолда, нимани ўйлаган бўлсам (номусим ҳаққи гапираман бунини), нимани кўнглим сезган бўлса, кутган бўлсам ўша юз берди. Билмадим, тушунарли қилиб сўзлаяпманми, йўқми...

Бўлган воқеа мана бундай: эшик ортида туриб уларнинг суҳбатига бир соатча қулоқ тутдим; олижаноб, юксак ҳис-туғу ёгаси бўлган аёлнинг бузуқ, қалби нопок, бераҳм ҳайвон билан олишувига гувоҳ бўлдим. Бу масъума, бу камгап, бу содда жувон шунча гапни қаердан билади, деб ҳайратга тушдим. Оқсуякларнинг сеvimли комедияларини тўқувчи зукко муаллиф ҳам бузуқ ишларга ҳиммат

камарини боғловчиларга нисбатан нафрат уйғотувчи бундай масхарали саҳнани ўйлаб тополмаган бўларди. Унинг гапларида, сўзларида қанчалар шуқуҳ, тезкор жавобларида қанчалар ўткирлик, мулоҳазаларида қанчалар ҳақиқат, айна чоқда қизларга хос соддалик бор эди! Мальюн Ефимовнинг сеvги изҳорига, қилиқларига, гапларига жавобан кўзларига қараб мазаҳ қилиб куларди. Муддаога осонлик билан, бир ҳуруждаёқ эришиш ниятида келган Ефимов ўнинг қаршилик қилишини кутмаган экан, дарров тиз чўкди. Мен дастлаб унинг хатти-ҳаракатини «Бузуқ, аммо оқила мавжудотнинг нархини ошириш мақсадидаги ноз-финоқ», деб ўйлашни мумкин эди. О, йўқ, ҳақиқат қуёш янглиғ порлаб, шубҳаларга ўрин бермади. Менга нисбатан бўлган ғайритабиий ва шиддатли нафрати туфайли, тажрибасиз бу жувон мана шундай учрашувга журъат қилиши мумкин эди, аммо эркекнинг пинҳона муддаоси сув юзасига қалқиб чиққач, унинг кўзи очилди. Бу мавжудот қандай қилиб бўлмасин мени ҳақоратлаш қасдида бетоқат тўлғаниб, ҳатто тубанликдан ҳам ҳазар қилмади, аммо бетартибликка чидаб беролмади. Айнан уни, кўкрак сутидай покиза, бокира, олий мақсади бор жувонни Ефимов ёки унга ўхшаш бирор бошқа оқсуяк маҳлуқ йўлдан оздирар олармиди? Аксинча, у фақат масҳара бўлди. Хотинимнинг қалбиде бор ҳақиқат уйғонди ва юрагидаги аччиқ истеҳзо юзага чиқди. Қайтараман, бу масҳарабоз охир-оқибат бутунлай таслим бўлди, тумтайиб олди, саволларга ҳам бехуш жавоб қайтара бошлади. Уч олиш қасдида хотинимни ҳақорат қилиб қўймай деган кўркув қамраб олди вужудимни. Яна такоррайман, ғаройиб томошани қарийб ҳайратсиз кўрдим. Мен гўё таниш воқеага дуч келгандай эдим. Мен гўё у билан учрашиш ниятида йўлга чиққандим. Тўппонча олволганимга қарамай, мен ҳеч нимага ишонмай, ҳатто айбномаларга парво қилмай келдим — бу айна ҳақиқат. Шундай экан, мен уни бошқача тасаввур этишни мумкинмиди? Хўш, нима учун севдим, нима учун эъозладим, нима учун уйландим унга? О, менга нисбатан нафратининг нақадар улғулигига, айна пайтда, ўзининг қанчалар бокиралигига ўша онда амин бўлдим. Шартта эшикни очиб, бу масҳарабозликка чек қўйдим. Ефимов сапчиб тушди. Хотинимнинг қўлидан олиб, ташқарига етакладим. Ефимов дарҳол ўзига келди — жаранглаб, яйраб кулди.

— О, илоҳий эр-хотинлик ҳуқуқига монелик қилолмайман, олиб кетинг, олиб кетинг! Аммо билиб қўйинг, — деди у изимдан, — олижаноб одамларнинг сиз билан олишувчи бемаънилик бўлса ҳам, аёлнингиз ҳаққи-ҳурмати хизматингизга тайёрман... Агар журъат қилолсангиз, албатта...

— Эшитяпсизми?! — дедим хотинимга, остонада бир нафас тўхтатиб.

Уйга етгунча чурқ этилмади. Мен уни қўлтиқлаб олган эдим, бунга қаршилик билдирмади. Аксинча, у беҳад ҳайратда эди, аммо ҳайрат пардаси уйга етгач дарров кўтарилди. Уйга кириб стулга ўтирдию менга бақрайиб тикилди. Унинг рангида ранг қолмаган эди; лаблари шу дамда истеҳзога мойиллик билан чимирилса-да, кўзларида олишувга дъват этувчи қатъийлик, улғуворлик бор эди; Назаримда, дастлабки дақиқаларда тўппончадан отиб ўлдиришимга қаттиқ ишонган эди. Аммо мен индамай тўппончани чўнтақдан чиқариб, стол устига қўйдим. У бир менга, бир тўппончага қараб қўйди. (Тўппонча унга таниш эди. Шу дўконни очганимдан бери ўқлоғиқ турди. Кассани очар чоғимда катта итларни ҳам, Мозерга ўхшаб бақуваат малайларни ҳам ушламасликка қарор қилдим. Мижозларимга эшикни ошпаз хотин очади. Бироқ, бу ҳунар билан шуғуланувчи одам ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя чораларини ўйлаб қўймаса бўлмайди, шу сабаб тўппончам ҳаминша ўқлоғиқ турарди. У уйимга келган дастлабки кунлардаёқ, тўппончага қизиқиб қолди, сўраб-суриштирди, мен ҳатто тўппончанинг тузилишино қурилишини тушунтириб бердим. Ҳатто ўзи ҳам отиб кўриб, мўлжални бехато уришига ишондим. Бунини унутманг.) Унинг қаршидаги кўркувга эътибор бермай, ярим ечинган кўйи тўшаққа чўзилдим. Соат ўн бирдан ошган. Мен ўлардай ҳолдан тўйган эдим. У жойида яна бир соатча қимирламай ўтирди, кейин шамни ўчириб, кийимларини ечмай девор томондаги диванга ётди. Биринчи марта бошқа ётди — буни ҳам эслаб қолинг.



## Мудҳиш хотира

Энди бу мудҳиш бир хотирот...

Барвақт уйғондим. Хона ёруғ, чамамда, соат саккизлар бор эди. Фикрим тиниқлашиб бирдан уйғондим кузларимни катта очдим. У стол ёнида тўппонча ушлаган ҳолда турарди. Уйғониб, унга қараб ётганимни сезмади. Бир маҳал тўппончанинг оғзини менга тўғрилади. Кўзимни юмиб, ўзимни ухлаганга солдим.

У тўшагимга яқинлашиб, тепамда туриб олди. Мен ҳамма нарсани эшитиб ётардим; хонада сукунат ҳукмрон. Ногаҳон титроқ бир ҳаракат сезилди — ўзимни тутолмай кўзларимни очдим: у кўзларимга тикилиб турар, тўппонча эса қарийб чаккамга тиралган эди. Кўзларимиз тўқнашди. Нигоҳлар тўқнашуви бир нафасдан ошмади. Ўзимни мажбурлаб кўзимни юмдим, энди нима бўлса ҳам қимир этмайман, деб бор қувватим билан ўзимни мажбурладим.

Умуман, баъзан шунақа бўлиб туради; қаттиқ ухлаган одам бирдан кўзини очадию атрофга аланглайди-да, бир сония ўтмай, яна бошини ёстиққа ташлаб қаттиқ уйқуга кетади, уйғонгандан кейин сўрасангиз, ҳеч нимани эслаёлмайди. Бирдан кўзимни чирт юмиб уйқудаги одамдай қимир этмай қолганимда ухлаётганимга, ҳеч нимани кўрмаётганимга у аниқ ишониши мумкин эди. Чунки уйғоқ одамнинг мазкур дақиқаларда хотиржам ётишига ақл бовар қилмасди.

Ҳа, ақл бовар қилмас эди. Аммо у ҳақиқатни билиши ҳам мумкин-ку. О, инсон онгининг самовий қудратига минг-минг офарин! Ярим лаҳзада бошимни қанча хаёллар, қанча ҳислар тўлқини кезиб чиқди. Демак, у ҳақиқатни билган бўлса — айёрони кўз юмиб ётганимни билган бўлса (буни сезардим), унда мен ўлимга тайёр эканим билан уни енгиб ташладим, энди қўли қалтираши турган гап! Аввалги қатъийлиги эндиги таассуроти билан тўқнашиб парчаланиши тайин. Чўққидагиларни қандайдир куч пастга, тубсиз жарга тортиб туради, дейдилар. Назаримда, тўппончани қўлга олишга улгуриш жуда кўп қотилликлару жонига қасд қилишларга сабаб бўлади. Бу ҳам тубсиз жарлик, нишаблик — сирғанмаслик мумкин эмас, нимадир сизни тепкини босишга ундайди. Аммо ҳамма нарсани кўрганим, унинг қўлидан ўлим топишга ризо эканимни билиш уни қияликда тутиб қола оларди...

## Иккинчи боб

### Мағрурлик уйқуси

Лукерья, уйимда ортиқ яшамаслигини, бойвуччани дафн этгач, чиқиб кетажagini маълум қилди. Бир соат ибодат қилмоқчи эдим, лекин беш дақиқадан нарига ўтолмадим. Уйлаб ўйимга етолмайман, бошим оғрияпти. Тавбаним нима фойдаси бор, ибодат қилдинг нима-ю, қилмадинг нима — барибир гуноҳкор бандасан! Яна ажабланарлиси шуки, сира уйқум келмаяпти, ҳолбуки, беҳад оғир ғам-ситамлардан сўнг, дастлабки руҳий портлашлардан кейин одамнинг уйқуси келади. Айтишларича, ўлимга маҳкум этилганлар сўнгги тунда қаттиқ ухлар эканлар. Табиатан шундай бўлиши керак, йўқса одамнинг иродаси дош беролмай, синиши мумкин. Диванга ётдим, барибир ухлламадим.

Мен, Лукерья, ёлланган ҳамшира — уч киши бўлиб олти ҳафта мобайнида туну кун касал боқдик. Пулни азмадим, аксинча, унга сарф қилгим келаверди. Доктор Шредерни чақириб, ҳар келишига ўн сўмдан тўладим. У хушига келгач, кўзига камроқ кўринишга интилдим. Буларни баён этишимнинг нима ҳожати бор?! У оёққа тургач, хонамдаги стол ёнига оҳистагина яқинлашиб, жимгина ўтирди. Бу столини касал ётганида атайлаб сотиб олган эдим. Кейинроқ

Сукунат... Бирдан чаккамга, сочларимга совуқ темир тегди. Жон сақлашингга имонинг комил эдими, деб сўрашингиз мумкин. Худо олдида жавоб бергандай сизга ҳам тўғриси айтмай: ҳеч қандай умидим йўқ эди, юздан бир имкониёт билан тирик қолишимнигина билардим, холос. Нима учун шай эдинг, дейсизми?.. Сиз ҳам бир сўроғимга жавоб беринг: суюкли маҳбубам чаккамга тўппонча тирагандан кейин яшашнинг нима қизиги қолар эди. Бундан ташқари, мен бутун вужудим билан бир нарсани аниқ ҳис қилиб ётардим: аини чоқда кечаги кўрқоқ билан — кўрқоқлиги учун ўртоқлари томонидан ҳайдалган ўша кўрқоқ билан олишув — ҳаёт-мамонт жанги борарди. Мен буни билардим, агар ухламаётганимни фаҳмлаган бўлса, у ҳам биларди.

Энди сиз, нима учун уни ёвузликдан асраб қолмадинг, деб сўрашингиз мумкин. О, кейинчалик мен бу лаҳзани эслаганимда этим музлаб, саволга жавоб излаганман. Қалбим мавҳум бир умидсизлик чоҳида эди: ўзим жон таслим қилардим, шу аҳволда кимни қутқара олардим, ахир? Қолаверса, бировни қутқариш истаги бўлганми, йўқми — сиз қаердан биласиз? Нималарни ҳис қилганимни ким билиб ўтирибди...

Сезгиларимнинг жизганга чиқяпти. Лаҳзалар ўтди, лекин ҳамон сукунат ҳукм сурарди. У эса тепамда ҳамон тик турибди... Қалбимда бирдан ялт этган умид уйғондию шошиб кўзимни очдим: у хонада йўқ эди! Урнимдан турдим. Ҳа, мен ғалаба қозондим, у эса мағлуб бўлди!

Ошхонага чиқдим. Одатда самовар биринчи хонага келтирилиб, у чой қуйиб берарди. Бу гал ҳам мен жойимга жимгина ўтириб, узатилган чойни олдим. Беш дақиқалардан сўнг унга қарадим. У ҳам менга тикилиб турар, ранги оқариб кетган эди. Унинг рангсиз лабларида истеҳзо, кўзларида эса, журъатсиз савол пайдо бўлди. Афтидан, биладимикан, кўрдимикан деб ўйлапти, шекилли. Мен хотиржамлик билан ундан нигоҳимни олдим. Чойдан сўнг кассани беркитиб бозорга тушдим-да, темир каравот билан парда харид қилдим. Уйга қайтгач, каравотни хонага ўрнатиб парда билан тўсиб қўйишни буюрдим. Бу каравот унга аталган эди, аммо ўзига бу ҳақда оғиз очмадим. У каравотни кўриб қаммасини кўрганимни, ҳаммасини билишимни англаганига шубҳам йўқ. Тунда тўппончани одатдагидай яна стол устида қолдирдим. У ўзининг янги ўрнига ётди. Тунда алаҳсирай бошлади, эрталаб эса иситмаси кўтарилди. У олти ҳафта турмай ётди.

гаплаша бошладик, лекин оддий мавзудан четлашмасдик. Мен, албатта, атайин эзмалиқдан, ёйилиб гаплашишдан қочардим. Унинг хурсанд экани сезилиб турарди. Бу қилиғи менга табиийдек туюларди. «У узил-кесил мағлуб бўлганидан бениҳоя изтиробда, — деб ўйлардим, — демак, ўтган ишларни унуттиш, кўникиш учун имкон бериш зарур». Шу аснода сукот сақлардик, аммо мен ҳар дақиқа ўзимни келажакка тайёрлардим. Назаримда, у ҳам тайёрланарди, ўзи ҳақида энди нималарни ўйлаётганини билгим келарди.

Яна бир гапни айтмасам, юрагим тошиб кетади: касал ётганида унинг тепасида туриб қанча фиғон чекканимни, қанча азобларга тоқат қилганимни биров билмайди. Фиғонларим фақат ўзимга маълум, ҳатто Лукерьянинг нолаларини ҳам қалбимга яширганман. Мен хотинимнинг ҳеч нарсани билмай ўлиб кетишини тасаввур этолмасдим. Аниқ ёдимда, аҳволи бир оз яхшиланиб, сиҳати тиклана бошлагач, анча хотиржам бўлдим. Устига устак, келажакимизни қўятуришга, маълум муддат орқага суришга, ҳозирги аҳвол ҳақида қайғуришга аҳд қилдим. Ушанда, ажиб бир ҳолатга тушдим, буни ўзгача ифода этишим мушкул; мен ғалаба нашидасини сураётган эдим, шу ҳақда ўйлашимнинг ўзиёқ мени номаълум ҳисларга чирмаб ташларди. Қиш шу зайлда ўтди. О, мен беҳад хурсанд эдим, умримда ҳеч вақт кўнглим бунчалик хуш бўлмаган эди.

Биласизми, ўша воқеага қадар — хотиним билан ора-мизда ҳалокат юз бергунгача менга нисбатан муста-бидларча ноҳақлик қилинган эди. Ўртоқларим мени ёмон

кўришарди; ҳолбуки, кўп ҳолларда сизга илоҳий туюлган, сиз сиғинадиган нарсани айни чоғда атрофингиздаги ўртоқларингизни кулдиради. О, мени ҳеч қачон, ҳатто мактабда ҳам яхши кўришмаган! Мени ҳамма вақт, ҳар жойда ёмон кўришган. Мени Лукерья ҳам ёқтирмайди. Полкдаги воқеа, гарчи мени яхши кўрмасликларининг оқибати эса-да, тасодифан содир бўлган эди. Буларни эслашимга сабаб: ёнингдан булут каби сузиб ўтиб кетиши мумкин бўлган турли сабабларнинг бемаъни йириклашуви, юз бермаслиги мумкин бўлган тасодиф туйғайли ўлиб кетишдан баттарроқ ранж-алам йўқдир. Ҳар ҳолда, зиёли одам учун бундан ўтадиган хўрлик мавжуд эмас. Қуйидаги воқеа рўй берган эди ўшанда.

Театрда, танаффус пайтида емакхонага чиқдим. Гусар А — в икки ошнаси билан бирданига ёпирилиб кирдию жамоа орасида, овозини баралла қўйиб — бу ерда офицерлар кўп эди — полкимиз капитани Безумцевни даҳлизда жанжал кўтарди, деб гапира бошлади. Гап орасида, «Афтидан, капитан фирт маст», деб қистириб ўтди. Уларнинг бу мавзудаги гаплари узоққа чўзилмади, чунки Безумцевнинг мастлиги ёлгон бўлиб, даҳлиздаги «жанжал» жанжал дейишга ҳам арзимас эди. Гусарлар бошқа мавзуга ўтиб тинчишди. Аммо бу ҳангома эртасигаёқ полкимизга етиб бориб, миш-миш бошланди. Яъниким, гусар А — в капитан Безумцев номини булғаётганида емакхонада полкимиздан фақат мен бор эканман, мен унга танбех бериб тўхтатмабман. Хўш, нима учун мен танбех беришим керак? Безумцевда кимнингдир алами бўлса, бу унинг шахсий ишлари, мен аралашиб нима қилдим? Офицерлар эса, бу шахсий масала эмас, полкка бевосита алоқадор эди, деб туриб олишди. Уларнинг айтишича, емакхонада полкимиз офицерларидан биргина мен бўлганим учун ҳам жамоага, жумладан, барча офицерларга полкимиз шаънига, қолаверса, ўз гурурига доғ тегишидан унча ғашим келмаслигини исботлаган эмишман. Бу хулоса билан келишим мумкин эмас эди. Шунга қарамай, вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали кеч эмаслигига, хатоимни тўғрилашга, А — в билан муносабатимни ойдинлаштириб олишимга имконим борлигига шайма қилишди. Мен буни хоҳламадим — рад этдим. Сўнг ўша заҳоти истеъфога чиқдим. Бор гап шу. Мен полкни мағрурона, аммо руҳан чилпарчин бўлган ҳолда ташлаб чиқдим. Иродам заифлашиб, ақлан тубанликка шўнғидим. Худди ўчакишгандай ўша пайтда синглимининг эри Москвадаги шинамгина мулкимизни, жумладан, менинг озгина улушимни ҳам буткул соғуриб юборди; мен бир чақасиз қолдим. Хусусий хизматга ёлланишим мумкин эди, лекин офицерлик либосини ечиб қандайдир темир йўлга ишга боришни ўзимга ор билдим. Уят бўлса — уят, шармандалик бўлса — шармандалик, тушкунлик бўлса — тушкунлик-да, қанча баттар бўлса шунча яхши, дедим. Мана шу «баттар»ини танлаганимдан кейинги уч йилдан фақат қайғули хотиралар қолган, холос. Бунинг ичида Вяземскийнинг уйи ҳам бор. Бир ярим йил муқаддам Москвада бадавлат кампир — чўқинтирган онам вафот этишидан олдин сира қутилмаганда меросхўрлар қаторида менга ҳам уч минг сўм мерос қолдирди. Мен ўшандаёқ ёзуғимни билиб олдим. Одамлардан тиланчилик қилиб юрмай, судхўрлик билан шуғулланишга аҳд қилдим. Пул бор, режам бор — бир бурчакни ижарага олиб эски хотиралардан йироқда янги ҳаёт бошлаш керак. Қолаверса, қайғули ўтмишим, бутунлай барбод бўлган номус-орим мени ҳар дақиқа, ҳар соат исканжага олиб турарди. Шундан аҳволда уйландим. Бу тасодифми, йўқми — билмайман. Аммо уни уйга бошлаб кираётганимда, дўстни олиб кирапман, деб ўйловдим. Чунки чин дўстга жуда-жуда зор эдим. Бироқ, мен бу дўстни ҳали шакллантириш, ҳали мағлуб этиш — қайириб олиш лозимлигини аниқ-равшан билган эдим. Ун олти ёшли қизга, нотўғри фикрларга кўмилиб ётган гўдакка ҳамма гапни бирданига тушунтириш мумкинмиди? Йўқ! Айтайлик, тўппонча билан боғлиқ ўша ҳалокатли, тасодифий воқеа рўй бермаганда ўзимнинг қўрқоқ эмаслигимга, полкдошларим қўрқоқ деб ноҳақ айблашганига қандай ишонтира олардим! Бахтимга, ўша ҳалокат айни вақтида юз берди. Тўппончага чаккани хотиржам тутиб, буткул ўтмишимдан қасос олдим. Бундан ҳеч ким хабар топмаса-да, лекин у билди. Менга шуниси керак эди, чунки у менинг борлиғим — орзуим, келажагим





эди. Менга ундан бошқанинг кераги йўқ, зеро, у келажигим учун тайёрланаётган ягона одам. Унинг ҳақиқатдан хабар топиши, ҳеч бўлмаганда, ғанимлар сафига барвақт ўтганини билиши мен учун катта гап эди. Бу фикрдан фахрим тошарди. Энди унинг кўзига аблаҳ бўлиб эмас, балки ғалати одам бўлиб кўринаман; юз берган воқеадан кейин бу фикр мени аввалгидай ғашимга тегмади. Ҳар ҳолда, ғалатилик айб эмас, аксинча, вақти келиб аёлнинг феълига ўтиради. Хуллас калом, ечимни атайин орқага сурдим. Бўлиб ўтган воқеа хотиржамлигим учун етиб ортарди, орзуларим учун ранглар тўлиб тошган эди. Орзуларимга ранг етарли, дедим, у эса кутиб туради, дедим: асли, расволик ҳам худди шунда — хаёлпарастлигимда.

Бутун қиш ниманидир кутиш билан ўтди. Узининг столчасига тирсақларини тираб ўтирган чоғида уни ўринча кузатишни хуш кўрардим. У уйдаги майда-чуйда юмушлар билан ўзини овутарди, кечалари жавонимдаги китоблардан олиб ўқирди. Жавондаги китобларнинг саралиги ҳам, назаримда, менинг фойдамга хизмат қиларди. У деярли ҳеч қаерга чиқмасди. Ҳар куни овқатланиб олгач, қош қораймай туриб сайрга бошлардим, тоза ҳавода юрардик, аввалгидек озгимизга талқон солиб олмасдик, албатта. Мен ўзимни бир-биримизга маъқул оҳангда гаплашаётгандай қилиб кўрсатишга уринардим. Аммо, зоҳирий кўринишимиз билангина «ширин суҳбат» қурардик, холос. Мен ўзимни атайин шундай тутардим, унга вақт бериш керак, дердим. Қизиқ, мен-ку унга зимдан қарашни хуш кўраман-а, нима учун у менга қарамайди, деган ўй бутун қиш бўйи бир марта ҳам хаёлимга келмади. Мен бунинг ҳадиксирашдан деб билдим. Қолаверса, касалликдан кейин унинг кўринишида қувватсизлик, журъатсиз бир маъсумалик аниқ зоҳир эди. Йўқ, кутгин, дедим ўзимга ўзим, «унинг ўзи дафъатан олдинга келади...»

Бу фикр менинг кўнглимни чоғ қилди. Очиғини айтсам, баъзан ўзимни ўзим атайин руҳан эзардим, гўё ундан хафа эканимга ўзимни ўзим ишонтирмоқчи бўлардим. Бу маълум муддат давом этди. Менинг нафратим қалбимга илдиз отиб, мустаҳкамланиши мумкин эмас эди. Бунинг шунчаки ўйинлигини сезиб турардим. Ушанда қаравоту парда олиб келиб, никоҳни ўзимча бузганим билан, уни ҳеч қачон жиноятчи сифатида тасаввур қилолмасдим. Дастлабки куниеқ — ҳали қаравот олмаёқ унинг гуноҳидан ўтишни лозим деб тоган эдим. Бир сўз билан айтилса, бу менинг ғайриоддийлигим; аммо хулқий қоидаларга қаттиқ эдим. Кўзим олдида у шунчалар мағлуб этилган, енгилган эдики, беихтиёр раҳимин келарди, айни чоқда хўрлаш гоёси дилминий яратарди. Орамиздаги тенгсизлик ёқарди менга...

Шу қиш мобайнида бир неча марта атайин савоиб иш қилдим. Иккита қарздан буткул кечдим, бир бечора аёлга гаровсиз пул бериб юбордим. Бу ишларни хотиним билсин учун қилмадим. Аммо аёлнинг ўзи деярли тиз чўкиб миннатдорлик билдиргач, меҳрибонлигим ошкор бўлди. Назаримда, аёлга яхшилик қилганимдан у мамнун бўлди.

Апрель яриллаб, баҳор нафаси келиб қолган эди. Қўшқаватли деразаларнинг кўча томони олиб ташланган, хоналар қуёшнинг ёрқин шуълаларига йўғрилди. Аммо қаршимда қалин булут қатлами турганидан, ақлимни қоронғилик пардасига ўраётганидан беҳабар эдим. Мудҳиш ва машум қатлам эди бу! Қатлам қандай йўқолди, кўзим қандай очилди, ақлим қандай пешланиб, воқеаларни қандай фаҳм эта бошладим? Тасодиқ юз бердимки, ҳал қилувчи куннинг келиши бирдан тезлашдики ёки қуёш нурлари ўтмаслашиб қолган идрокимни уйғотдимми? Йўқ, идрок мутлақо алоқасиз бу ерда. Юрагимда ўла бошлаган томирчалардан бири тўсатдан тирилди, бир титрадию ҳаётга қайтди, қалбимдаги зимзиёликни, зимзиёда яшириниб ётган, мени йўлдан ураётган мағрурлик шайтонини ёритди. Бу кутилмаганда, оқшом арафасида, овқатдан кейин, соат бешларда содир бўлди... Ўрнимдан сапчиб турдим...

II

## Қора қатлам тўсатдан йўқолди

Мақсадга ўтишдан аввал, эътиборингизни бошқа бир нарсага тортаман.

Бир ой муқаддам унда ғалати ўйчанлик пайдо бўлганини, ҳа, ҳа, сукут сақлаш эмас, айнан ўйчанлик пайдо бўлганини тўсатдан сездим. У тикиш билан машғул эди; бошини эгиб ўтирарди, тикилиб турганимни билмас эди. Ана шу дамда унинг беҳад озиб қолгани, рангида ранг қолмагани, лабларидан қон қочгани — буларнинг бари ўйчанлигига кўшилиб мени фавқулудда саросимага солди. Аввал эътибор бермаганим, айниқса, тунлари енгил йўталиб қўйиши энди кўнглимда гулгула уйғотди. Унга ҳеч нима демай доктор Шредерни қақиргани кетдим.

Шредер эртасига келди. У докторни кўриб, бир менга, бир Шредерга ҳайрон бўлиб қаради.

— Мен соппа-соғман, — деди жилмайишга ҳаракат қилиб.

Шредер уни дурустроқ ҳам кўрмади (умуман, доктор халқи баъзан ҳаддан ташқари лоқайд бўлади), қўшни хонага чиққанимизда буларнинг ҳаммаси касаллик оқибати эканини, баҳорда денгиз томонга борилса ёки чорбоққа чиқилса дуруст бўлажагини айтди. Хуллас, тайинли маслаҳат бермади. Шредер кетгач, у менга қаттиқ тикилиб туриб: — Мен соппа-соғман, — деди яна.

Шундай дедию қизариб кетди. О, бунинг энди фаҳм этилман: у ҳали ҳам эри эканимдан, ҳақиқий эр каби парвона бўлаётганимдан уялган. Мен галварс ўшанда бунинг ройишга йўйганман (қора қатлам!), холос.

Ниҳоят, орадан бир ой ўтгач, апрелнинг қуёшли кунларида, соат бешларда, ҳисоб-китоб билан ўтирган чоғимда, қўшни хонадан унинг овози эшитилди: у шикаста овозда... хиргойи қиларди. Бу янгилик мени ларзага солди — ҳали-ҳали ўзимга келолмайман. Шу пайтгача унинг ашула айтганини эшитмаган эдим. Унинг овози асабиyroқ туюлса ҳам жуда ёқимли, соғлом, жарангдор эди. Қўшиқ эса жонсиз эди. О, йўқ, бунинг мунгли қўшиқ деб бўлмасди (қандайдир романс эди у), аммо унинг овози алланечук дарз кетган, синган, гўё ашуланинг ўзи хаста-ю, овози унга жон киритишга ожиз. У хиргойи қиларди, бирдан овози кўтарилдию узилди — хаста овози ачинарли тарзда узилди, йўталиб олиб яна секин-секин, аста-аста хиргойисини бошлади.

Ҳаяжонимдан куладилар, барибир ҳеч қачон, ҳеч ким ҳаяжонланишим боисини тушуна олмайди. Йўқ, ҳали унга ачинмас эдим. Мендаги туйғу мутлақо бўлакча эди. Дастлабки дақиқаларда даҳшатли ва ғалати, оғриқли ва ҳатто қасосга мойил туйғу, таажуб ва ҳайратда қотдим: «Нима, менинг борлигимни унутдимми? Менга эътиборсиз куйлаши нимааси!»

Вужудимни изтироб исканжасига топшириб, жойимдан жиламай ўтирдим, кейин бирдан ўрнимдан туриб, нима қилаётганимни ўзим ҳам билмаган ҳолда шляпамни олиб ташқарига йўл олдим. Қаёққа, нима учун отланганим ўзимга ҳам номаълум эди. Лукерья пальтомни узатди.

— Ашула айтяптими? — деб сўради Лукерьядан беихтиёр.

Лукерья тушунмади, ажабланиб қаради: шу тобда менга тушуниш чиндан ҳам! мушкул эди.

— Биринчи марта ашула айтяптими?

— Биринчи марта эмас, сиз йўқлигингизда баъзан айтарди, — деб жавоб берди Лукерья.

Ҳаммаси аниқ эсимда: зинапоядан паства тушдим, кўчага чиқдим, кейин бошим оққан томонга юрдим. Муюлишга бориб тўхтадим, атрофга алангладим. Одамлар оқими орасида қолган эдим... Извошчини қақириб, «Полиция кўпригига ҳайда», дедим. Сўнг бирдан фикримдан қайтиб унинг қўлига бир танга тутқаздим.

— Сени безовта қилганим учун, — дедим извошчига, маъносиз кулиб.

Юрагимда тўсатдан қандайдир завқ уйғонди. Қадамимни тезлатиб, уйга қайтдим. Қалбимдаги дарз битган, узилмай-узилмай деб турган торлар бирдан созланиб, жаранглади. Энтикиб кетдим; кўз олдимдаги қора қатлам йўқоларди, йўқоларди! Мен боримда мени унутиб куйлабди. Энг қўрқинчли ва аниқ-равшан ҳақиқат шу эди. Бунинг юрагим сезиб турарди. Қалбимдаги шавқ тобора ўт олиб, қўрқинчини сиқиб чиқарарди.

О, тақдирнинг шўри-ғавғоси! Ахир, бутун қиш бўйи вужудимда шу шавқдан ўзга ҳеч нима йўқ эди, бўлиши ҳам



мумкин эмасди-ку, мен қаерда эдим? Мана шу қалбим билан яшар эдимми? Зиналардан югуриб чиқдим, бироқ ичкарига шитоб билан кирдимми, билмайман. Оёқларим остига тўлқин урганини, ўзимни гўё дарё узра енгил сузиб юрганимнигина эслайман. Хонага кирдим: у ўша жойида бир нимани тикиб ўтирарди, қўшиқ айтмасди. Мен томон қизиқишсиз, югурик қараб олди, буни ҳатто қараш деб ҳам бўлмайти, одатда хонага бирор кимса кирса мана шунақа одатий, эътиборсиз ҳаракат қилинади.

Мен мясия айнинг одамдай тўғри келиб унинг ёнига ўтирдим. У қўрқиб кетгандай менга тезгина қаради: мен эса унинг қўлини олиб нимадир дедим, лекин нималиги эсимда йўқ, тўғрироғи, нимадир демоқчи бўлдим, аммо ўша аҳволда бир сўзни эплаб айтишга қурбим етмас эди. Овозим ўзимга бўйсунмай, сўзларим чала-ярим отилиб чиқарди. Ҳа, нима дейишни билмас эдим, нуқул энтикардим, холос.

— Гаплашиб... олайлик... биласанми... нимадир дегин... — Тўсатдан отилиб чиққан бу сўзлар тентакнамо эди, тан оламан, бироқ, ўша топда ақлли гап айтадиган аҳволда эмас эдим.

У юзимга қарадио сесканиб кетди, ўзини четга олди, кўзларида қатъий ажабланиш зоҳир бўлди. Ҳа, ажабланишида қатъийлик бор эди. У менга катта-катта кўзлари билан боқарди. Бу қатъийлик, бу қатъий ажабланиш мени бир ҳамладаёқ буткул мажақлаб ташлади. У индамаган бўлса-да, бу ажабланишида, «Ҳали сен муҳаббат астапсанми? Муҳаббат керакми сенга?», деган савол жарангларди. Мен бу сўзларни ўқиб олдим, ҳаммасини ўқидим. Аъзойи баданимга титроқ югурди, ўзимни тутолмай оёқлари остига шилқ этиб тушдим. Ҳа, мен оёқлари остига қуладим. У ўша заҳоти сапчиб тушди, аммо мен бор кучим билан қўлларидан ушлаб қолдим.

Рухий тушқунлигимни яхши англаб турардим, жуда яхши англардим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг юрагимдаги шавқ шу қадар қайнардики, ҳатто ўлиб қоламанми деб ҳам ўйлардим. Мен — бахтдан маст бўлган, лаззатдан ҳушини йўқотган одам — унинг оёқларини ўпдим. Ҳа, ҳа, бу беҳисоб, беҳудуд бахт эди, руҳий тушқунлигимни англаган ҳолда бахтга йўғрилган эдим. Мен йиғлардим, ғўлдирар эдим, аммо гапиролмасдим. Ундаги қўрқув ва ҳайронлик ўрнини бирдан қандайдир ташвишли фикр, фавқуллода савол эгаллади; энди менга ғалати, ҳатто ёввойи қараш қилди, у ниманидир тезроқ тушуниб етиш истагида кулимсиради. Оёқларини ўпаётганимдан ҳаддан ташқари уларди, оёқларини тортиб оларди, мен ҳозиргина оёғи турган ерни ўпардим. Аҳволимни кўриб уятдан кула бошлади. (Уятдан қандай кулишларини кўрганмисиз?) Асадан қўллари титради. Буни кўрдим. Аммо мулоҳазага чоғим келмади, довдираб, нуқул севишимни, бир умр тиз чўкиб уни алқашга тайёр эканимни айттардим... «Кел, кўйлақларингдан бир ўпай...» Билмадим, эсимда йўқ... бирдан у титраб кетди, уввос тортиб йиғлай бошлади; мен уни қўрқитиб юборган эдим, тутқаноғи тутди.

Уни кўтариб тўшакка олдим. Хуружи қўйиб юборган, қаддини кўтариб эзгин бир аҳволда тўшакка ўтирди-да, қўлларини ушлаб, тинчланишимни сўради: «Узингизни қийнаманг, бас, етар, тинчланинг». Узи эса йиғини бошлади. Кечаси билан ёнидан жилмадим. Овози хаста эканини, буни яқингинада ўзим эшитганимни, икки ҳафтадан сўнг Булонга, денгиз соҳилига олиб кетажамини, кассани ёпиб Добронравовга сотажамини, ҳаммаси янгитдан бошланажани, энг муҳими — Булонга кетажамини қайта-қайта таъкидладим. У индамай, ҳадик аралаш эшитиб ётди. Гапирганим сари ҳадиғи орта борди. Мен учун булар муҳим эмас эди. Унинг оёқлари остида ётиш, оёқларини ўпиш, оёқлари турган ерни ўпиш, унинг қаршисида тиз чўкиб ибодат қилиш истағи бутун қудрати билан вужудимга ҳукм ўтказарди. «Сендан бошқа ҳеч нимани, ҳеч нимани сўрамайман, менга жавоб берма, бор-йўқлигини билманг ҳам майли, фақат бурчакдан ўғринча қарашимга изн бер, мени бирон бир буюминга, майли, кучукчанга айлантдириб ол...». Бу гапни неча қайта такрорладим. У эса йиғи билан жавоб қайтарди:

— Мени шу қўйи ташлаб қўясиз деб ўйлабман.

Бу гап унинг бўғиздан беихтиёр отилиб чиқди; қандай

айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. О, унинг сўзлари юрагимни пичоқ янглиғ тилиб юборди!

У ҳаммасини тушунтириб берди: у ёнимда, кўз олдимда эди, бундан умдим уфқи ёришиб турарди, бахтим ҳам беҳад эди. О, ўша кеча уни жуда толиқтирдим, буни билиб турсам-да, ҳаммасини қайта қуришни бетўхтов ўйлардим. Тун оққанда бутунлай ҳолдан тойди, ухлашга кўндирдим. У тезда қаттиқ уйқуга кетди. Алаҳсирамикан деб кутдим, бир оз алаҳсиради. Тун бўйи дам-бадам унга қараш учун ўрнимдан турардим, оёқ учида юриб тепасига келардим. Уч сўмга сотиб олган темир каравотга, ундаги тўшакка, тўшакдаги бу бечора, хаста хилқатга қараб юзларимни юлиш даражасида афсус-надомат чекардим. Тиз чўкардим, аммо (унинг рухсатисиз!) ухлаб ётган чоғида оёқларини ўпишга журъат этолмасдим. Ибодат қилгани тиз чўкардим-у, тез орада туриб кетардим. Лукерья ошхонадан чиқиб, мендан тез-тез хабар оларди, мен унга кириб ётавериши мумкинлигини, эртага бутунлай ўзга ҳаёт бошланишини айттардим.

Мен шундай бўлишига кўр-кўрона, телбаларча ишонар эдим. О, шавқ, фақат шавқ бодасидан лаззатланардим мен! Сабрсизлик билан эртанги кунни кутардим. Энг муҳими, баъзи бир белгиларга қарамай, фалокатга ишонмас эдим. Кўз олдимдаги қора қатлам йўқолган бўлса-да, идроким тиниқлашмаган. Идроким узоқ вақт, то бугунги кунгача тиниқлашмади. Қандай тиниқлашин, ахир, у тирик эди, у менинг рўпарамда, мен эса унинг қаршисида эдим. «Эрталоб ўйгонганда ҳаммасини айтман, у ҳаммасига шоҳид бўлади». Менинг ўша топдаги фикр-ўйларим оддий, равшан эди, шавқим ҳам шундан ўт оларди! Муҳими — Булон. Нимагадир Булон бор-йўғимизни ҳал қилади, Булонда тақдиримиз ўзгача чирой очади, деб ўйлардим. «Булонга, Булонга!» дея дуккулларди юрагим. Мен тонгни телбаларча орзиқиб кутардим.

III

## Ҳаддан зиёд тушунаман

Ахир, бу воқеа бир неча кун, беш кун, атиги беш кун аввал — олдинги сешанбада бўлган эди! Яна озгина вақт, яна заррача чидаганда мен атрофимиздаги қоронғиликни тарқатиб юборардим! Наҳотки, тинчлана олмади? Ахир, эртаси кунни бир оз саросимага қарамай, гапларимни кулиб эшитган эди-ку... Кейин беш кун мобайнида ўзидан-ўзи уялиброқ юрди. Қўрқарди ҳам, жуда-жуда қўрқарди. Баҳслашиб ўтирмайман, тентакларга ўхшаб ўз гапимга ўзим қарши ҳам бормайман: ахир, шу вазиятда қандай қилиб қўрқмасин? Ахир, бир-биримиздан бегоналашиб қолувдик-да, Аммо мен унинг кайфиятига эътибор бермадим, чунки янглик барқ уриб келмоқда эди!.. Хатога йўл қўйганим тўғри, минг-минг мартаба тўғри. Балки бир эмас, кўплаб хатога йўл қўйгандирман... Эртасига (яъни, чоршанба кун) ўйғонишимиз билан хатога йўл қўйдим: уни бирданига ўзимга дўст деб билдим. Мен шошилдим, беҳад шошилдим, бироқ тавба қилишим зарур эди, истиғфор келтириш ҳар нарсадан зарурроқ эди. Мен ҳатто бир умр бўйимдан яширган сирларимни ҳам ошкор этдим. Бутун киш унинг муҳаббатига умид боғлаганимни очиқ айтдим. Судхўрликка онгим тушқунлиги туфайли худбинларча ружу қўйганимни тушунтирдим. Ушанда театр емакхонасида чиндан қўрқганимни, аммо дуздан эмас, ўз феълидан, ўз бадгумонлигимдан қўрқганимни, аниқроғи, вазиятдан лол қолганимни, гусарни дузлга чақиритиб бошқаларга бемазни бўлиб туюлмасмикан, деган хаёлда гумонсираганимни, қўрқоқлигимни бўйинига олмай ҳаммани, ҳатто уни азобга қўйганимни, уни азобга қўйиш учун ҳам уйланганимни айтдим. Умулан, гапларимда тартиб йўқ эди, гўё иситма аралаш валақлардим. Унинг ўзи қўлларимдан ушлаб, бас қилишимни сўрарди: «Сиз ошириб юборяпсиз, сиз ўзингизни қийнапсиз». Кейин кўзёши бошланарди, тутқаноғи тутишга оз қоларди! У хотираларимга нуқта қўйиб, гапирмаслигимни илтижо билан сўрарди.

Унинг илтимосларига кам эътибор берардим. Ахир, олдинда баҳор, қуёшли Булон! У ерда бизни қуёшли кунлар кутяпти — буларни гапирмай бўладими! Кассани ёпиб, ишни Добронравовга оширдим. Чўкинтирган онамдан

қолган уч мингдан ташқари бор-будимизни муҳтожларга улашдик. Булонга бориб келган, пешона тери билан тирикчилик қилишни таклиф этдим. У таклифимни жавобсиз қолдирди, фақат, жилмайиб қўйди, холос. Унга оғирлигим тушаётганини кўрдим. Мени буни кўрмайдиган даражада тентак ва худбин деб ўйламанг. Мен ҳаммасини сўнгги чиқиқасигача кўрдим, кўрганда ҳам бошқалардан аниқроқ кўрдим; менинг барча изтиробларим шундай қафт устида эди.

Мен унга ҳамма гапни айтдим. Йиғлаганимни ҳам... Тўғри, баъзан гапни чалғитдим, баъзи нарсаларни эслатмасликка ҳаракат қилдим. Нима учун, ҳеч нимани кўрмаганмисан, деясиз? Агар бу содир бўлмаганда ҳаммаси қайта тириларди. Ахир, учинчи куни сўхбатимиз чоғида, китоблар ҳақида гап кетганда Жил-Блаз билан архиепископ Гренадский орасидаги можарони эслаб, кула-кула айтиб берган эди-ку! Кулгиси худди қаллиқлик давридагидек (О, у онлар!) мунис, мулойим эди, бунда менинг кўвончимни чамалаб бўлмасди. Архиепископ можаросини эшитиб ҳайратга тушдим: қаранг, ўша қишда дурдона асардан лаззат олишга, руҳий хотиржамлик ва бахтли онлар топа билибди-да! Демак, у шу ҳолда ташлаб қўйшимга ишонч ҳосил қилиб, овуна бошлаган экан. «Мени шу кўйи ташлаб қўясизми, деб ўйлабман», деди у сешанба куни. О, ахир бу қизалоқларнинг ўйи-ку! Демак, у ҳамма нарса шу ҳолда қолишига ишонган, тўла ишонган, яъни, у ўз столида, мен ўзимникида ўтираман, шу зайлда олтмиш ёшимизга қадар ёлғиз яшаймиш... Бирданга, ҳеч қутилмаганда мен тиз чўкаман, мен — муҳаббатга муҳтожман! О, бу менинг хатоим, бу менинг ожизлигим эди!

Унга шавқ билан қарашим ҳам хато эди; ўзимни тутишим лозим эди, чунки шавқим уни кўрқувга соларди. Ахир, мен ўзимни тутиб олдим-ку, оёқларини бошқа ўпладим-ку! Ҳатто бирор марта бўлсин унга...эр эканимни шаъма қилмадим, бу нарса ҳатто хаёлимга ҳам келмади. Мен фақат ибодат қилдим, ҳа, ибодатдан бошқасини ўйла-масдим. Ахир, бутунлай гапирмаслик, сукут сақлаш ҳам мумкин эмас эди! Гапларидан лаззат олишимни, унинг ўзимга нисбатан чексиз, ҳа, чексиз билимдон ва етуқ эканини ҳам яширмадим. У қизариб кетди, нуқул аҳволга тушиб, «Ошириб юборяпсиз» деди. Ана шунда, мен аҳмоқ ўзимни туюлмай, эшик ортида писиб унинг олишувини — бокиралик билан махлуқ орасидаги олишувни тинглаганимни, болаларча оқкўнгил бўлган ҳолда ақли, зарофати менга беҳад лаззат бағишлаганини айтиб юбордим. Унинг вужуди титраб кетди, яна ошириб юборяпсиз демоқчи бўлди-ю, бирдан чехрасига қайғу югурди, юзини қўллари билан тўсиб хўнграб юборди... Мен яна ўзимни туюлма-дим, яна йиқилиб оёқларини ўпа кетдим. Утган сешанбадаги каби тутқаноқ билан якунланган бу воқеа кеча кечкурун содир бўлди. Эрталаб эса...

Эрталаб?! Тентак, эрталаб — бугун, бугун — эрталаб-ку. Яқинда, ҳа, яқинда эди...

Яхшилаб тинглаб, уқиб олинг: яқинда (кечаги жазавадан кейин) чойга ўтирганимизда у ўзининг хотиржамлиги билан мени лол қолдирди. Ҳа, шундай бўлди. Мен эсам туни бўйи кечаги воқеа туфайли кўрқувдан типирчилаб чиққан эдим. Бирдан у менга яқинлашди, тиз чўқди, қўлларини қовушти-риб (яқинда, яқинда-я) ўзининг жиноятчи эканини, буни яхши билишини, қилмиши қиш бўйи азоб берганини, азоб исканжасидан ҳали ҳам қутулмаганини... олижаноблигимни чексиз қадрлашини айтди: «Вафодор хотинингиз бўлман, сизни эъозлайман...». Шунда мен сапчиб туриб уни телбаларча қучоқлаб олдим! Упа кетдим, юзларидан, лабларидан ўпдим, узоқ айрилиқдан кейин қайтган эр мисол ўпдим. Шундан кейин нимага кетдим-а, икки соатгагина... хорижий паспортлар орасидан... Э, худо, беш дақиқагина, беш дақиқа олдин қайтсам бўлмасмиди? Дарвозамиз олдидаги оломон, уларнинг нигоҳлари... Э, худо!

Лукерьянинг айтишича (о, мен энди Лукерьяни сира қўйиб юбормайман, у ҳаммасини билади — бутун қиш бўйи у билан бирга бўлган, энди менга ҳикоя қилиб беради), мен уйдан чиққач, қайтишимга бор-йўғи йигирма дақиқа қолганда хонамизга кирган, бойвуччадан ниманидир сўра-моқчи бўлган, нималиги эсимда йўқ, кириб қарасаки, унинг

иконаси (хов ўша, гаровга келтирган, Биби Марям тимсоли) ғилофдан чиқарилган, стол устида турибди, бойвучча худди ҳозиргина сажда қилгандай аҳволда. «Сизга нима бўлди, бойвучча?» «Ҳеч нима, Лукерья, боравер... Тўхта Лукерья». Сўнг яқинлашиб ўпибди. «Бахтимисиз, бойвучча?» «Ҳа, Лукерья» «Аллақачонлар сиздан узр сўрашлари керак эди... Худога шукр, ярашиб олдинглар». «Яхши, Лукерья, бор, боравер, Лукерья», деб жилмайибди, жуда ғалати жилмайибди. Шу даражада ғалати жилмайибдики, Лукерья ўн дақиқадан сўнг хабар олиш учун яна изига қайтибди.

«У шундай дараза олдида, тирсаги билан деворга суяниб, бошини қўлига қўйиб, ўйланиб турган экан. Жуда қаттиқ ўйга толганди қўшни хонага кирганимни, тикилиб қолганимни сезмади. Қарасам, жилмаяётганга ўхшади... жилмайгандай бўлди. Унга қараб туриб-туриб секин хонадан чиқдим. Энди ўзимча ўйга толгандим, дараза очилгани эшитилди. «Бойвучча, ҳали ҳавонинг заҳри бор, шамоллаб қолманг», дегани кириб, қарасам — дараза рафида тик турибди. Бутун бўй-баста билан менга орқасини ўгириб турибди. Қўлида — Биби Марям. Юрагим узилиб тушди, жонҳолатда: «Бойвучча, бойвучча!», деб қичқир-дим. У овозимни эшитди, ўгирилмоқчи эди, ўгирилмади, ташқарига қадам қўйди, Биби Марямни кўкрагига босганча ўзини даразадан ташлади».

Мен фақат бир нарсани яхши эслайман; дарвозадан ҳатлаб ўтганимда у ҳали совуб улгурмаган эди. Ҳамманинг кўзи менда. Аввалига бақираётган эдилар, кейин бирдан жимиб қолдилар. Оломон икки томонга сурилиб йўлак очилди ва... уни Биби Марямни қучоқлаган ҳолда кўрдим. Ғира-шира эслайман, жимгина унга яқинлашдим, узоқ тикилдим, чекинаётган оломон ичиде кимдир менга нималардир деди. Лукерья шу ерда экан. Мен билан гаплашганмиш. Фақат мешчан ёдимда: у нуқул тошдаги қонни кўрсатиб: «Оғзидан бир ҳовуч қон чиқди, бир ҳовуч! Бир ҳовуч!», деб бақирарди. Мен, афтидан, қонга бармоғимни теккиздим, қонга беланган бармоғимга қара-дим (бу эсимда), мешчан эса нуқул, «Бир ҳовуч, бир ҳовуч!» деб бақирарди.

— Бир ҳовучинг нимаси! — деб қайнаб кетибман; бор кучим билан унга ташланибман.

О, ваҳшийлик, ваҳшийлик! Англашилмовчилик бу! Ақлга тўғри келмайдиган ҳол бу!

#### IV

### Атиги беш дақиқагина кечикдим

Нотўғрими? Ҳақиқатга тўғри келмайдими?.. Бу аёл нимага ўлди?

Унинг нима учун ўлгани муаммо. У менинг муҳабба-тимдан кўрқди, қабул қилсамми, қилмасамми, деб ўзидан ўзи жиддий сўради, охири саволига жавоб тополмай, ўлимни раво кўрди. Биламан, биламан — бош қотиришнинг ҳождати йўқ: ваъдаларни керагидан ортиқча бериб юборди, ваъдага вафо қилолмаслигидан кўрқди — бу равшан нарса. Бу ерда ниҳоятда мудҳиш бўлган бир неча вазият бор. «Ҳар ҳолда, у нима учун ўлди?», деган саволга ўрин бор. Бу савол бетиним такрорланяпти. Агар у шу ҳолда қолишни истаганда мен уни шу ҳолда қолдирардим. У эса бунга ишонмади — мана гап қаерда! Йўқ, йўқ, мен алдаяпман, гап бу ерда эмас. Масала оддийроқ, мен билан ҳалол муносабатда бўлиши керак эди, севадиган бўлса, бутун жону тани билан севиши лозим эди, баққолга инъом этиши мумкин бўлган севги менга мутлақо керак эмас эди. Ифбатли, бениҳоя покиза бўлгани учун ҳам мени алдаб юришни истамади. У севги ниқоби остида ярим севги ёки чорак севги билан мени лақиллатишни хоҳламасди. Ҳаддан ташқари бокира эди — мана гап қаерда! Қалб кенглигини жорий этмоқчи эди, эсингиздами? Ғалати фикр...

У мени ҳурмат қилармиди? Буни ўлардай билгим келяпти. Мендан нафратланармиди, йўқми? Уйлашимча нафратла-масди. Таажжубланарлиси шундаки, мендан нафратла-нармиди деган савол бутун қиш бўйи калламга келмабди. Мен унинг нафратидан ҳоли эканимга сўнгги дақиқагача ишонардим. Ана шунда мен унинг нафратланишини



тушундим. Абадул абад, умрбод англадим! Ох, майли эди, бир умр нафратланса ҳам майли эди, мен учун тирик бўлса, тирик юрса бас эди! Яқиндагина юрувди-ку! Қандай қилиб деразадан ташлади, сира ақлим бовар қилмаяпти. Ҳатто беш дақиқа олдин ҳам бунни тасаввур эта олмасдим. Лукерьяни чақирдим. Энди уни сира қўйиб юбормайман, сира! О, биз ҳали тил топишимиз мумкин эди. Биз фақат қиш бўйи даҳшатли равишда бегоналашиб қолдик, ахир, яқинлашувимиз мумкин эди-ку? Яна меҳр нуқтасида учрашиб, янги ҳаёт бошлашимиз мумкин эмасмиди? Мен олижанобман, у ҳам. Учрашув нуқтамиз шундан иборат! Яна икки кунгина чидаса, яна бир неча сўз билан ҳаммасига тушуниб етарди.

Муҳими — бу ҳодиса оддий, ёввойи, жоҳил ҳодиса — ана шуниси алам қилади. Шундан дилим оғриydi! Беш дақиқа, бор-йўғи беш дақиқа кечикдим! Беш дақиқа олдин келганимда ҳаммаси булут каби сузиб ўтиб кетарди, бу иш кейин хаёлидан кўтариларди. Ҳаммаси унинг тушуниб етиши билан яқунланарди. Энди эса яна бўш хоналар, яна ёлғизлик... Ана, соат калгири тикиллаяпти, унга нима, раҳм-шафқат деган нарсани билмайди. Энди ҳеч ким йўқ — ранжу аламмим ҳам шу!

У хонадан бу хонага сарсари кезаман. Биламан, биламан, айтмай қўяқолинг, тасодифдан, беш дақиқа кечикканимдан зорланишим сизга кулгили туюляпти. Аммо аён ҳақиқатни тан олгингиз келмаяпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг: у ҳатто бошқалар каби «ҳеч кимни айбланган» деган икки энлик хатча ҳам қолдирмабди. «У билан сен ёлғиз қолган эдинг, деразадан итариб юборгансан», деб ҳатто Лукерьяни сарсон қилишларини наҳот ўйлаб кўрмаган бўлса! Агар ҳовлидаги тўрт киши унинг деразада Биби Марямни қучоқлаб турганини, сўнг ўзини ташлаганини кўришмаганда, айбсиз бўлишимизга қарамай, тоза саргардон қилишарди. Ахир, одамларнинг туриши, ҳодисага гувоҳ бўлгани ҳам тасодиф-ку! Йўқ, буларнинг барчаси лаҳза, ғайришуурий лаҳза. Ногаҳонийлик, бежилов хаёл! Хўш, икона қаршисида ибодат қилган бўлса нима? Бу — ўлим олдида тавба қилди, деган гап эмас-ку! Ҳаммаси бир лаҳзагина давом этган. Балки қандайдир ўн дақиқа ичида — деворга суяниб, бошини қўлига қўйганча жилмайган пайтида бир қарорга келгандир. Калласига шу хаёл урилгану боши айланиб, бу қарор қаршисида ўзини тутта олмаганми?

Хоҳ истанг, хоҳ истаманг, бу ерда қандайдир тушунмовчилик бор. Мен билан яшаш мумкин эди. Камқонлик бўлса нима қипти? Камқонликдан, силласи қуриб ҳаётини қувватнинг тугаганидан дейсизми? Йўқ, у киши билан чарчади — мана гап қаерда...

Кечикдим!!!

Тобутда ётганда бунчалар хипча, бурни бунчалар сўппайиб қолмас! Киприклари камон ўқлари каби... Йиқилиши ҳам беозоргина бўлган — ҳеч ери синмаган,

ёрилмаган. Фақат шу — «бир ҳовуч қон». Яъни, бир қошиқ дегани. Ич-ичидан қалққан. Ажиб фикр: кулмаслик мумкин бўлганда эди? Уни олиб кетишгач, унда... о, йўқ, олиб кетиш мумкин эмас! О, ахир, мен олиб кетишлари лозимлигини биламан, мен телба эмасман, алаҳсираётганим ҳам йўқ, аксинча, ақлим ҳеч маҳал ҳозиргидай ойдинлашмаган. Мен бир нарсани ҳазм қила олмаяпман: яна уйда ҳеч ким қолмайдими, яна ҳайҳотдай бу хоналарда гаровга қўйилган буюмлар билан ёлғиз яшайманми? Алаҳсираш, алаҳсираш... мана алаҳсираш қаерда! Мен унинг силласини қуритдим, мана гап қаерда!

Энди қонунларингизни бошимга ураманми? Энди одатларингиз, таомилнингиз, ҳаётингиз, давлатингиз, динингизни сариқ чақага олмайман. Майли, мени сизнинг ҳақамингиз сўроқ қилсин, майли, мени ўша судга — очиқ судингизга бошлаб боринг, ҳеч нимани тан олмаслигимни ўша ерда ҳам айтаман. Ҳақамингиз: «Жим бўлинг, офицер!», деб кичқиради. Мен эса унга: «Мени қулоқ осигга мажбур этувчи қудратинг қани? Нима учун бу зимзиё жаҳолат мен учун ҳамма нарсадан қадрли бўлган нарсани мажақлади? Қонунларингизнинг менга нима кераги бор? Менга энди бегона булар!», деб бақираман. О, энди менга бари бир!

Ожиз, ожиз! Жонсиз у, эшитмайди! Сенга қандай жаннат яратиб берардим — билмайсан. Жаннат қалбимда эди, чор атрофини жаннат билан ўрардим. Сен мени барибир севмас эдинг, хўш, нима қипти? Ҳаммаси ўша ҳолда бўларди, ўша ҳолда қоларди. Дўстга гапириб бергандай гапирардинг менга: бир-биримизнинг кўзимизга тикилиб қувонардик, кулардик. Шундай яшардик. Бошқани севиб қолсанми? Майли, рози эдим! Сен у билан юриб кулардинг, мен бўлсам, қўчанинг бу бетида туриб кузатардим... О, фақат бир мартагина кўзини очса, ҳаммасига рози эдим! Бир лаҳза, фақат бир лаҳза (!) менга қараса эди, худди яқингинада олдимга келиб, вафодор хотин бўламан, деб қасам ичаётгандай бир қараса эди! О, бир қарашдаёқ ҳаммасини англар эди!

Жаҳолат! О, табиат! Ер юзидаги одамлар ёлғиздирлар — алам қиладигани шу! «Майдонда тирик жон борми?», деб кичқиради рус паҳлавони. Паҳлавон бўлмасам-да, мен ҳам кичқираман, ҳеч ким жавоб бермайди. Қуёш оламга жон беради, дейдилар. Қуёш чиққанда унга бир қаранглар: ахир, у ўлик эмасми? Ҳамма нарса ўлик, ҳамма ерда жонсиз мурдалар. Фақат одамларгина тирик, атрофини сукут ўраб олган — Ер шундан иборат. «Одамлар, бир-бирингизни севинг!» Буним ким айтган? Кимнинг ўгити? Соат калгири унсиз, нафратни қўзғатадиган даражада тикиллайди. Тун оғди — соат икки. Бошмоқчалари каравоти тагида турибди, гўё бекасини кутяпти. Йўқ, жиддий айтяпман, эртага уни олиб кетишса, мен нима қиламан?

1876 йил





Мансаб билан баландмас одам,  
Мансаб одам билан мухтарам.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Жамол Шаропов

# Мисқоллаб топиб, ботмонлаб сочиш...



ир донишманд иккинчисидан сўради:

- Қайси хислат одамни паст мартабадан аъло даражага кўтаради?
- Ақл ва тамиз.
- Қайси нарсалар одамга алам ва пушаймон келтиради!

келтиради!

- Ҳазаб, такаббурлик ва ноҳўя ҳаракат.
- Қандай одамларни ақлли ва қандай одамларни зийрак, деб атаймиз!

— Бир ишга киришишдан аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйлаб, сўнг у ишга киришган одамни ақлли, кейин келадиган воқеаларни олдиндан сезиб, унинг чора ва тадбирига киришган одамни зийрак, деб атаймиз.

Халқимизда шундай одат бор: одамлар бирон бир раҳбарга меҳр қўйишса, уни ёқтириб қолишса ўша кишига нисбатан ўз ҳурматларини «ота», «бува» сўзлари билан ифода этишади. Фақат ёшлар, тенгқурлар эмас, ёши бир жойга бориб қолганлар ҳам унга «раис ота» ёки «раис бува», «ота» деб мурожаат этишади. Халқ ким ўзининг одамию ким четдаги одам эканлигини дарров пайқаб олади. Халқ кўпчиликка қайишадиган одамни юрагига яқин олади. Уларни юқорида айтганимиздек, кўпчиликнинг «ота»си, «бува»си деб билади.

Республикамизда ана шундай халқнинг меҳрини қозонган «раис бува»лар, отахонлар кўплаб топилди. Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси Абдусмад Тиллабоев, Ворошилов район, Карл Маркс номидаги колхознинг раиси Қодирқул Султонов қирқ йилдан бери шу лавозимда ишлашади, иккиси ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Иккиси ҳам халқ ичидан етишиб чиққан, оддий деҳқон фарзанди, ўта камтарин ва адолатпарвар. Улар одамларнинг ғам ва ташвишлари, орзу-умидлари билан яшайдиган меҳнаткаш, эртани кўрабиладиган, ҳалол, ростгўй, талабчан ва қатъий сўз кишилардир. Шунинг учун ҳам колхозчилар уларни қадрлашади, ҳурмат қилишиб «ота» дейишади.

Ҳозир иккисининг ҳам ёши етмишдан ошди. Улар колхозчиларга бир неча марта: «Иззат-ҳурматларинг учун раҳмат, колхозда мендан ҳам яхши раҳбарлик қиладиган ажойиб кадрлар бор, шулардан бирортасини раисликка сайлайлик, майли мен маслаҳат бериб юраман» дейишди. Йўқ, ҳамқишлоқлари рози бўлишмади. «Ҳали бардамсиз, ўзингиз бош бўласиз» деб кўнишмади.

Хўш, нега шундай! Чунки, бу отахонлар бутун умрларини ҳалол яшаб келмоқдалар. Ўз ҳаракатлари, фазилатлари билан бошқаларни ҳам шундай яшашга даъват этишади. Ана шу ҳалолликлари, эл ташвишини ўзининг ташвиши, ўзининг қайғуси деб билганликлари учун ҳам кишилар ўртасида обрў орттиришди. Бу обрў уларга бирданига эмас, мисқоллаб-мисқол келди. Улар мисқоллаб тўплаган бу обрўларини бир номаъқул ҳаракат, беўрин гап билан тўкиб қўйишлари, четдаги одамга айланиб қолишлари мумкинлигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўзни, ҳар бир ҳаракатини донишмандларга хос йўриқ билан қилишади. Халққа бўлган меҳрининг ўзи уларни донишмандга айлантирган.

Андижон область Ленин районидаги машҳур «Правда Востока» колхозининг раиси бошқа жойга ўтадиган бўлиб қолди. Бу хабарни эшитган колхозчилар «ўзимизнинг олдинги раисимизни қайтариб берасизлар», деб илтимос қилишди.

Зокиржон Собиров «Правда Востока» колхозига узоқ йиллар раислик қилиб, унинг шўҳратини оширишга ҳамқишлоқлари қатори ҳисса қўшган. Кам қувватли, майда хўжаликларни бирлаштириш осон бўлмади. Зокиржон ака кўпни кўрган, оғир уруш йилларида одамларга бош бўлган кексаларга маслаҳат солди, қўлдан иш келадиган, оёғининг тагидан ўт чақнайдиган

ёшларга ишонди. Каттани ака, кичикни ука, деди. Сен билан Сиз бир оғиздан чиқишни ўйлади... Ҳеч кимнинг айбини кўпчилик олдида юзига солиб, шахсиятига тегадиган гап қилмади, дилини ранжитмади. Нарӣ борса «палончидан қаерингиз кам, виждонингиз азобланмайдими!» деб койирди. Узини билган, ўз қадрига етган кишига раиснинг шу гапи кифоя эди.

Олтиминчи йилларга келиб «Правда Востока» колхози ҳар жиҳатдан юксалди. Ишлаб чиқариш илгорларидан бир неча киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, деган шарафга мушарраф бўлишди. Раиснинг кўксига ҳам қаҳрамонлик нишони яқиради. Энди Зокиржон акани кексаю ёш ҳурматлаб «раис бува» деб аташадиган бўлишди.

Область партия комитети халқ меҳрини қозонган рансга кўшни колхозни кўтаришда ёрдамлашишни илтимос қилди. Шундай донгдор колхозни, ҳар бири юрагига яқин бўлиб қолган одамларни ташлаб, планлар бажарилмай, экономикаси чўкиб қолган хўжаликка ўтиш ҳар кимга ҳам хуш ёқмайди. Лекин «Эл севган ерда азиз», деган гап бор. Қолаверса, партия унга ишонч билдирапти. Қандай қилиб йўқ дейди. Зокиржон ака шуларни ўйлаб, рози бўлди.

Ушунда ҳам колхозчилар «бўшатадиган раисимиз йўқ, Зокиржоннинг айби нима», деб оёқ тираб олишганди. Мана энди ўн минг кишилик колхоз аҳли хўжаликнинг қарор топган меҳнат ва шон-шўҳрат анъаналарини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш мақсадида собиқ раисларини қайтариб беришларини талаб қилишяпти. Бундай ҳурматга ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди...

Узоқ эмас, тўрт йил олдин бир колхознинг ҳисобот-сайлов йиғилишида иштирок этишимга тўғри келди. Хўжаликнинг олдинги раҳбарлари кўзбўямачилик, ошна-оғайнингарчилик билан шуғулланиб, коллективга катта зарар етказишгани учун жавобгарликка тортилган. Уша йиғилишда янги раис сайланиши керак экан. Лекин «Бизга бунақа раис керак эмас», деб райком тавсия қилган номзодни колхозчилар қабул қилишмади. Суриштириб билсам, қишлоқ Советининг котиблигидан область ижроия комитети раисининг ўринбосарлигигача кўтарилган ўша одамни колхоздагилар жуда яхши билишаркан.

Қаранг, совхоз директори, райижроком раиси, райком секретари, область ижроия комитетида ишлаган кишини ўртамиёна колхоз раислигига халқ қабул қилмаса. Нега шундай бўлди!

Халқда «ўзингдан кўр» деган гап бор. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам кишининг ўзидан. Яхши одамни ҳеч қачон биров кўкрагидан итармайди, камситмайди. Уша киши ҳам аслида ёмон одам бўлмагандир. Бир пайтлар уни ҳам одамлар ўз одамимиз, деб билишган. Унинг ҳам қандайдир миқдорда мисқоллаб топган обрў-эътибори бўлган. Лекин у раҳбарлик лавозимларига кўтарилгач, ана шу обрўни ушлаб қололмади. Ботмонлаб сочди. Ундаги худбинлик халқ ишончини ичдан емира бошлади. Мансабни шон-шўҳрат тожи деб ўйлади, одамлар қалбига йўл топиш, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, ҳузурига илтимос билан келган кишиларни диққат билан эшитиб, ҳожатини чиқаришга ярамади. Димоғдорлик, манмансираш уни боши берк кўчага олиб кирди. Раҳбар сифатида бошқалар олдида қарздор эканини унутди. Одамларни алдаш уят эканини ўйлаб ҳам кўрмади. Узича «бу ҳурматлар, иззат-икром ва обрў менга бир умрлик, ҳамма менга хизмат қилиши керак, бошқаларнинг айтганини қилишим шарт эмас» деган хом хаёлга борди. Натижада бу одам кўпчиликка сингмай қолди. Ўткинчи бир кишига айланди. Юқорига иззат-ҳурмат, олқиш ва қарсақлар билан кўтарилган бўлса, мансабдан танқид ва партиявий хайфсанлар билан пастлатилди. Мана, энди район партия комитети тавсия қилишига, ҳар қанча уринишига қарамай колхозчилар уни раисликка сайлашмади, залдан мулзам бўлиб, боши эгик чиқиб кетди...

Сариосиё район, Ленин номидаги колхоз бир пайтлар илгор хўжаликлардан ҳисобланарди. Кейинги йилларда раҳбарлар тез-тез алламини, таниш-билишлик, ошириб ёзиш ва кўзбўямачилик авжига чиқиб, хўжалик ўтириб қолди. 1982 йилда район партия комитети колхознинг олдинги шўҳратини тиклаш ниятида районда масъул лавозимда ишлаётган

Эшдавлат Сафаровни раисликка тавсия қилди. Колхозчилар районда ишлаган раҳбарга катта умид боғлашиб, уни раисликка сайлашди. Сафаров эса хўжаликни оёққа турғизиш ўрнига аτροφига қўлидан иш келмайдиган, жиноятчи ва хиёнатчи таниш-билишларини тўплаш, тезроқ бир нарсалик бўлиб қолиш пайдан бўлди.

Илгари колхозда етиштирилган мева ва сабзавотни район тайёрлов идорасига топширувчи бўлиб ишлаган, вазифасини сунистеъмол қилиб, жиноий ишга қўл урганлиги учун район халқ суди томонидан уч йилга озодликдан маҳрум қилинган Бўри Абдурахмоновни колхоз бош агрономлигига, икки марта жиноий жавобгарликка тортилган Урол Йўлдошевни галлачилик бригадаси бошлиқлигига кўтарди. Узига яқин бўлган Маматбой Турдиевни ер тузувчи, Хайдар Бўтаевни бош бухгалтерлик лавозимида маҳкам ушлаб, қинғир ишларга бирга қўл уришди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларида таъкидланганидек, таниш-билишчилик, ошна-оғайнингарчилик бор жойда ўзаро талабчанлик, муросасизлик, иш учун фидойилик йўқолади, қалбакилик, алдамчилик, кўзбўямачилик авж олади. Юқоридоғи хўжаликда ҳам худди шундай бўлди. Оқибатда янги раис ишончини оқламаётгани, кўпчилик олдида обрўсини йўқотиб, жиноятчиларга шерик бўлаётгани ҳақида район ва область партия комитетларига шикоятлар туша бошлади. Афсуски, колхозчиларнинг бундай оғохлантиришларига етарли эътибор берилмади. Шундан кейин кишилар республика газета редакцияларига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Текширишда фактлар тўла тасдиқланиб, ўз обрўсини йўқотган, ишончини оқламаган раисга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан хайфсан берилди.

Бир нарсага ҳайрон қоласан киши: нега энди ўқиган, ҳамма нарсага ақли етадиган айрим раҳбар кадрлар ўз обрўсини ерга уришади, ишончи топширилган жойда ҳалол ишлаш, меҳнат билан ўзини кўрсатиш, кўпчиликнинг ҳурматини қозониш ўрнига, нопок йўл тутишади, ўзини бадном қиладиган ишларга қўл уришади, ёки шундай одамларга ҳомилийк қилишади! Наҳотки, шундай раҳбарлар лавозим ўзига хос сино эканини ўйлашмаса!!

Шундай ҳам бўладик, қуйи ёки ўрта звенода яхшигина ишлаб юрган, хулқ-одоб ва ишга муносабати билан бошқаларга ибрат бўлиб, кўпчиликнинг меҳрини қозонган кадрлар юқори раҳбарлик лавозимида кўтарилса, сал вақт ўтмай юриштириши, одамлар билан ишлаш ва муомаласи тубдан ўзгаради. Унда қўрслик, калондимоғлик, манманлик ва ҳавойилик аломатлари кўрина бошлайди. Энг хавфлиси — одамлар билан учрашиш, уларнинг илтимосини эшитиш, ёрдамлашиш, ҳожатини чиқаришда ўзларини олиб қоча бошлайдилар. Масъулиятни бошқаларга юклаш, фақат ўз манфаатини ўйлашдек худбин кайфиятга ўралиб қоладилар.

Хоразм область дорихоналар бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Ражабовнинг тақдир худди шундай бўлиб чиқди. Раҳбарликка кўтарилиш учун у озмунча ҳаракат қилдими! Урта мактабни битириб, институтга киришга интилди. Беш йил кўзининг нуруни тўкиб, машаққат билан ўқиди. Бизнингча, унга таълим берган устозларидан бирортаси «Яхши яшайман, юқори мансабларга кўтариламан, десанг нопок йўлни танла — аτροφингга ошна-оғайни тўпла, сунячиқ изла, ўзингдан пастдагиларни, қўл остингда ишлаганларни менсима», деб сабоқ беришмагандир. Яна ким билади, дейсиз...

Қолаверса, унинг касби камтарлик, ҳалоллик, самимийлик ва инсонпарварлики тақозо қилади. Гоҳо кимнингдир ҳаёти унинг бир оғиз «бор» ёки «йўқ», деган сўзига боғлиқ бўлиб қолади. Балки, институтни битириб келган дастлабки йилларда шулар ҳақида ўйлагандир, ҳузурига илтимос билан келган кишиларнинг ҳожатини чиқариб, дардига малҳам бўлгандир.

Лекин область миқёсидаги раҳбар даражасига кўтарилгач бундай фазилатлар уни тарк этди. Аниқроғи, машаққат билан кўтарган тошни осонгина ташлаб юборгандек, мисқоллаб йиққан обрўсини, қисқа вақтда йўқотди. Бошқа одам бўлиб қолди. «Нима қилсам ҳаққим бор, мен айтаман, бошқалар бажаради. Шундай экан, даврингни суриб қол», деган тўхтамага келди. Энди у камтарлик, инсонийлик, касб ҳурмати ҳақида эмас, кўпроқ обрўсининг ошиши, бошқалардан яхшироқ яшаш, бойлик орттириши ва қўл остида ишлайдиганларни ўзига бўйсиндириб олиши ҳақида ўйларди. Оқибатда, коллективда носоғлом иқлим вужудга келди. Бошлиқнинг «ҳурмати-



ни сақламаган», айтганига кўнмаган, айбини юзига солган софдил кишилар унинг рақибига айланди. Ушандай кишиларни аввалига кабинетига чақириб, қўрқитиш учун пўписа қилган, айримларининг танобини тортиб қўйган бўлса, бора-бора бундай «бетга чопарлар» билан кўпчилик олдида гаплашиб, ҳақоратлаб, шахсиятига тегадиган гапларни ҳам тортинмай айтадиган бўлди. Айримларининг устидан тўхмат уюштириб текширишлар ўтказтирди ва жиноий иш кўзгатишгача бориб етди.

Мана, коллективга тадбиркорлик билан раҳбарлик қиладиган, ўз ибрати билан бошқаларга намуна бўладиган бошлиқнинг қилмиши. Ражабов шунчаки ўз обрўсини тўкиб қолмасдан, шифокор, деган муқаддас номга иснод келтирди. Маълумки, одамлар шифокорларнинг ҳузурига жуда катта илжиб билан боришади. Узларининг ҳаётини уларга ишонишади. Шундай касб кишиларига бошлиқ бўлган олий маълумотли кишининг ўз манфаатини биринчи ўринга қўйиши, ноёб доридармонларни таниш-билашлар орқали пуллатиб, таъмагирилик билан кун кўриши жуда аянчли...

Еки бошқа бир манзара. Яқинда чўлдаги бир собиқ райкомнинг биринчи секретари устидан кўзгатишган жиноий иш ниҳоясига етди. Бир ўзи эмас, у билан бирга ўнлаб ёш, умидли кадрлар ҳам қора курсига ўтирди. Кимдир уни «олтин бош» деб таърифлаган эди. Уша «олтин бош» раҳбарнинг қўпол, такаббур, мансабпараст, бунинг устига маънавий нопок эканини кўплар биларди. Таажубки, ана шундай халқдан четдаги одам райкомнинг биринчи секретарлигига тавсия қилинганда обком бюросида ҳам, район партия комитети пленумида ҳам ҳеч ким қаршилик кўрсатмади, камчилик ва хатолари ҳақида лом-мим дейишмади. Аксинча ҳаммалари юксак лавозим, улуғ мартаба билан уни табриклашди. Кимлардир катта чинорнинг шохи бўлган бу одамнинг ҳурматини қозониш, марҳаматидан манфаатдор бўлиш учун соясига салом берди.

Аслида у ҳурмат шохсупасига ўз ақли, меҳнати, обрў-эътибори билан эмас, таниш-билишлари, шахсий садоқати туфайли кўтарилганди. Шунинг учун ҳам бошқаларни кадрламаслик, бировнинг меҳнатини менсимаслик, айниқса, фикрига қўшилмаган, айтганини қилмаган кадрларга нисбатан ғаразгўйлик, қасоскорлик иллатлари унинг қон-қонига сингиб кетганди. Бу қусурлар маъсул вазифага кўтарилганидан сўнг янада илдиш отди. «Ишонган тоғим бор, менга ҳеч ким теголмайди, нимани хоҳласам шунини қиламан», деган фикрга борди.

Бир ҳисобдан шундай тўхтамга келишига асоси бор эди. У совхозда директор бўлиб ишлаган пайтларида бош мутахассислар билан чиқишолмай қолди. Қишлоқ ҳўжалигини яхши билмагани ҳолда агроном, бош инженер ва ирригаторга нотўғри кўрсатмалар бераверди. Аввалига раҳбарнинг обрўсини сақлаб, индамаган мутахассислар кейинчалик ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилишди. Бундай муносабат педагогдан чиққан директорнинг иззат-нафсига теғди. Гапни икки қилган, ақл ўргатмоқчи бўлган кишиларни қувғин остига олди. Албатта, совхоз бошланғич партия ташкилоти, коммунистлар бунга бефарқ қарай олмадилар. Директорнинг раҳбарлик фаолиятидаги нотўғри хатти-ҳаракатлари аввалига яхшилик билан тушунтирилди. Тўғри хулоса чиқармагач, бу масала коммунистларнинг муҳокамасига ҳавола қилинадиган бўлди.

Кўпчилик дарё, унга бардош беролмаслигига кўзи етган директор ўзини оқимдан четга олишга ҳаракат қилди. Кўринмас қўллар уни қўшни райондаги бақуватроқ ҳўжаликка ўтказиб қўйди. Уртадаги гап-сўзлар босилгунча юввош-мўмин, одамлар билан юмшоқ муомалада бўлиб юрган директор «қорлар ёғиб, излар босилиши» билан яна эски кайфиятига қайтди. Ҳаш-паш дегунча атрофига таниш-билишлари, қариндош-уруғлари ва хушомадгўйларни тўплаб олди. Маҳкамачилик, дўқ-пўписа, қўрқитиш ва камситиш унинг асосий қуролига айланди. Лекин бундай йўл билан одамларнинг ҳурматини қозониш, обрў орттириш мумкин эмаслигига ақли етмади. Бойлик орттириш, дабдабали ҳаёт кечириб йўлда ҳеч нарсадан, ҳатто вазифаларни, серунум ерларни сотишдан ҳам тўймади. Совхознинг кассасига кўз олайтирди, маънавий нопоклиги ошкор бўлиб, оёғи осмондан келишига бир баҳя қолганида яна ўша ҳолийси жонига ора кирди. «Инсоф қилгинлар, ҳали ёш, жувонмарг бўлиб кетмасин», деб ўртага тушди.

Буни қарангки, қилмишлари учун партиядан ўчиб, жа-

вобгарликка тортиладиган «ёш раҳбар» сувдан қуруқ чиқиб, бошқа райондаги совхоз директорлиги курсисига бориб қўнди.

«Олтин бошни» ҳимоясига олган, уни ўтда ёнмайдиган, сувга чўкмайдиган кучга айлантириб, ҳар қандай шароитда омон сақлаб қолишга қафолат берган ўша суяничи эса катта йигинларда поклик, ҳалоллик, халқ ва партия ишига содиқлик, Фидойилик ҳақида одамларни лол қолдириб гапирарди. Юрдошлик, маҳаллийчилик, таниш-билишлик ва ошна-оғайнигарчилик жамиятимизга ёт эканини ақли донолик билан тушутирарди. Амалда эса бунинг тескарисини қиларди.

Шундай қилиб, ҳамма нарсани — обрў-эътиборни ҳам, инсонийлик ва лавозимни ҳам бошқалар орқали қўлга киритса бўлади, деган тўхтамга келган тарбиясиз раҳбар учинчи совхозда ҳам бир йилча ишлар-ишламас қаромат кўрсатди. Планлар барбод берилди, совхоз катта иқтисодий зарар кўрди, кўп йиллардан бери шу ерда ишлаётган кадрлар тарқалиб кетди.

Муруватни қаранг, битта совхозни бошқаролмаган, одамлар билан чиқишиб ишлолмаган, кўпчиликнинг ишончини йўқотган одам каттагина район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланди.

Райком секретарлиги масъулиятли вазифа, унга жуда катта ваколат берилади. Шунга яраша у билмидон, одамларни умумий ишга сафарбар эта билиш қобилияти, принципаллиги, ишчанлиги, қатъийлиги, камтар ва камсуқумлиги, айни пайтда хато ва нуқсонларга муросасизлиги билан бошқаларга ўрнатиб бўлмоғи лозим. Кундалик ўзгаришларни кузатиб бориш, ҳаёт илгари сураётган муаммолар моҳиятини тушуниб, фан-техника ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга одамларни даъват этиш ҳам унинг ваколатига кирди. Хуллас, райком биринчи секретарининг ҳар қуни бажариши шарт бўлган ишларидан ташқари, ҳаёт кўндаланг қилиб қўядиган қанча ташвишлари бор.

У ана шулар ҳақида ўйламади, ўйлашга, бу вазифаларни бажаришга ақли ҳам етмасди. Шунинг учун бошқаришнинг ленинча принципаларидан, КПСС Устави талабларидан чекиниб, ўзи билганча иш тутди. Коллективчилик, топширилган иш-учун шахсий жавобгарлик, ташаббус ва янгиллики ҳис этиш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини омилкорлик билан қўлланиб, ишдаги хато ва камчиликларга танқидий ёндошиб, ўртоқларча танқиддан тўғри хулоса чиқариш унутилди. Узини ҳамма нарсани билладиган тадбиркор, жилла бўлмаса донишманд ҳисоблади. Такаббурлик, кибор-ҳаво, маъмуриятчилик, таъқиб ва фикрига қўшилмаганлар билан курашиш янги секретарь фаолиятининг бош йўналишига айланди. Раҳбарлигининг бундай «услуга»га кўзбўямачилик, алдамчилик, ошириб ёзиш, ёлғончилик жуда мос тушди. Уч йил давомида районда қишлоқ ҳўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича планлар амалда бажарилмагани ҳолда, қоғозда анча ошириб кўрсатилди, йўқ тонналар, процентлар пайдо бўлди.

Райком секретарининг бундай «тадбиркорлиги» район активларидан бир қисмининг ундан эътиқодини қайтарди. Одамлар энди унинг гапларига ишонмайдиган, фикрига қўшилмайдиган бўлиб қолишди. Буни сезган секретарь «қаттиқ қўллик»ни кучайтирди. Гапига кирмаган, асоссиз кўрсатмаларни бажаришдан бош тортган раҳбарлар ва мутахассислардан қасос олиш йўлига ўтди. Район партия комитети аппаратидан тортиб, совхоз директорлари ва бош мутахассисларгача икки-уч мартадан алмаштирилди. Уларнинг айримлари «ишончини оқламади, обрўсини йўқотди, лавозимига муносиб эмас» деган баҳоналар билан вазифасидан олиб ташланди.

Узоқ йиллар Мирзачўлда ишлаб, кўп ёшларга устозлик қилган Усмон акадек тадбиркор деҳқон, принципал коммунист ҳам унга ёқмай қолди. Сабаби директор секретарининг нотўғри кўрсатмаларини бажаришдан бош тортиб, бундай қилиш яхшиликка олиб бормаслигини унга ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Бу эса унинг иззат-нафсига теғиб, қандай бўлмасин Усмон акадан қасос олиш пайига тушди.

— Кўрсатгани нега бажармадингиз! — деди беда билан маккажўҳори аралаштириб экилган майдонга қўлини қилич қилиб. — Сизга «чигит экинг» деб айтгандим-ку.

— Эртага, қишда молаги нима берамиз! Гўшт ва сўтни яна одамлардан сотиб оламизми!

— Пахта плани тўлса, чорвангизнинг иши осон.

— Уч йилдан бери шундай дейсиз, — Усмон ака ортиқча чидолмади. — Бу йил ҳам планинг бажарилишига кўзим



етмайди. Бунақада ҳаммамиз хонавайрон бўламиз.

Директорнинг гапи бошлиқнинг ҳамиятига тегди.

— Нима қилишни райком билади. Сиз топшириқни бажаринг. Ҳурмат қилса иззатга...

— Еш бола эмасман, оқибати нима бўлишига кўзим етганидан шундай қилдим. Шунча йил ҳалол ишлаб, қариганимда бадном бўлишни хоҳламайман.

— Ундай бўлса совхозни бўшатиб қўйинг.

— Аввало онам директор бўласан, деб туққан эмас. Қолаверса, айримларга ўхшаб манасабни тилаб ҳам, сотиб ҳам олганим йўқ. — Усмон ака зардасиз, аммо ботадиған қилиб гапирди. — Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Лекин директорликка мени сиз эмас, область партия комитети тавсия қилган. Бўшатиш ҳам ўшаларнинг ихтиёрида.

— Ҳозирча районга мен хўжайин, хоҳласам ишлайсиз, бўлмасам...

— Райком дегани ёлғиз сиз эмас. Кўп ҳам ҳаддингиздан ошаверманг. Одамда андиша ҳам бўлиши керак.

— Бешинчи билан иккинчи совхознинг директорлари ҳам сизга ўхшаб осмондан келганди. Ўзи насибангиз кўтарилгани ростга ўхшайди.

— Сизга ўхшаб имонини сотиб, юртни алдаб юргандан кетган ҳам маъқул. Ўзи сиз билан ишлаш қийин экан.

— Менга қара, — секретарнинг кўзларида ўт чақнади. — Ёшингни ҳурмат қилсам, иззатни билмаган инсон экансан. Бурнингдан ип ўтказиб, шундай ўйнатайки, дунёга келганинга минг пушаймон бўлгин.

— Сенсираманг, ўғлим тенги одамсиз. Айби борнинг оёғи қалтиради. Айбим бўлса жазо берарсиз. Лекин шахсиятимга тегишингиз, иззат-нафсимни оёқ ости қилишингизга йўл қўймайман. Эсингизда бўлсин, бу ҳисобли дунё. Вақти келиб ҳаммаси учун жавоб берарсиз.

Усмон ака бошқаларга ўхшаб бошлиқнинг дўқ-пўписасидан қўрқиб, ялиниб-ёлвормади, индамай ишдан бўшаб ҳам кетмади. Дилида борини райком бюросида, кўпчилик олдида рўйи-рост гапирди.

— Мана кўрасизлар бу одамнинг қилмишлари район аҳолиси учун қимматга тушади. Лекин кеч бўлади, кўпларнинг тинчи бузилиб, бошига ташвиш тушади, — деди.

Худди шундай бўлди. Эндиликда обрўсини йўқотган раҳбар лавозимдан четлаштирилиб, партия сафидан чиқарилдигина эмас, устидан жиноий иш қўзғатилиб, қамоққа ҳам олинди. У биргина ўз обрўсини тўкиб, номини булғаб қолмади. Коммунист раҳбар деган номга ҳам доғ туширди. Шу ўринда

унга ҳомийлик қилиб, пешонасини силаган, орага тушиб, уни жазодан сақлаб қолган, бир совхоздан иккинчисига ўтказиб, район партия комитетининг биринчи секретарлиги лавозимига-ча кўтарган суюнчиғининг кўнгилчанлиги, меҳрибончилиги ва сахийлиги қанча қимматга тушганлигини эслатмоқчи эдик. У битта такаббур ва ёлғончи, порохўр ва носоғлом юртдошини қўллаб-қувватлаб, юқори мансабларга кўтараман, деб қанча софдил, коммунистик ғояларга эътиқодли одамларни ранжитди, не-не машаққатлар билан ўқиб, камолга етаётган мутахассис кадрларнинг ноумид, ноҳақ, ёмонотлиқ бўлишларига, бир районнинг тўрт йил давомида экономикаси орқага кетиши, юзлаб, минглаб кишиларнинг азият чекишига сабабчи бўлди.

Халқ орасида «Қуш уясида кўрганини қилади» деган гап бор. Масалага ана шу халқона фикр нуқтаи назаридан қаралса, юқоридаги каби диёнатсиз раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари айрим эътиқоди суст бўлган ёш кадрларга «намунан» бўлмаслигига ким қайрилиб бера олади! Бундай «намунан» эса жамият учун жуда қимматга тушади. У гўё ўсимликка илашиб олган зарпечак. Бу зарпечак илдизи билан қуритилмас экан, кўпаяверади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари материалларида республикамиз ижтимоий ҳаётидаги ана шундай «зарпечак»ларга аёвсиз бўлиш кераклиги ўқтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қароридан шундай дейилди: «Таниш-билишчилик, кадрларни юртдошлик, қариндош-уруғчилик белгиларига қараб танлаш ходимларни раҳбарлик лавозимларига пухта ўйламай шоша-пиша кўтариш, шунингдек, ўз обрўсини тўккан шахсларни аҳамияти баравар ишга ўтказиш фактлари қатъиян тугатилсин. Ҳамма жойда КПСС Устави талабларидан, партия турмуши ва коммунистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекинмиш ҳолларига коммунистлар ва меҳнат коллективларининг аъзолари муносиб баҳо берадиган вазият вужудга келтирилсин».

Бугунги ёшларнинг аксарияти ҳар томонлама етук, билимдон кишилардир. Коллективдаги ҳар бир яхши-ёмон ҳодиса бевосита уларнинг кўз ўнгида рўй беради. Шундай экан, мансабпарастлик, шахсий бойлик орттириш, сохта обрў ва шон-шўҳрат йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган айрим раҳбарларнинг қилмишлари фош этилаётганлиги ёшларга катта сабоқ бўлиши муқаррар. Буни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумидан кейин республикамиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳам яна бир марта исботлаб турибди.



Эркин Мадраҳимов

## Сўнмас

# бир ҳайрат

Биринчи ўзбек кинооператори Худойберган  
Девонов ҳаётидан лавҳалар

## Панорбува



адам маҳрам маҳкамасида девонлик қилаётган Нурмуҳаммад оға алланималарни оққа кўчириш билан банд бўлиб, хийла ҳаяллаб қолди. Бир вақт икки-уч бола ҳузурига чопқиллаб кирди.

— Суюнчи беринг, Нурмат оға, суюнчи! Рўзика опамларнинг кўзи ёриди. Уғил! Уғил!

Нурмуҳаммад оға суюнганидан довдираб қолди. Аранг ҳушини йиғиб, болаларга бир тангадан суюнчи берди. Сўнг ишларини апил-тапил йиғиштирди-да, уйга қараб югурди...

Бу воқеа 1879 йилда, августнинг учинчи куни рўй берган эди. Чақалоққа Худойберган деб ном қўйишди. У оилада уч яшар Онажондан кейинги иккинчи фарзанд эди. Нурмуҳаммад оға ўз даврининг анча билимдон ва маданиятли кишиларидан эди. Уғлига хат-савод ўргатди. Унинг рус тилини ўрганишга бўлган саъйи-ҳаракатини қўллаб-қувватлади, ўша пайтлар Хивада очилган рус-тузем мактабига топширди.

Йиллар ўтди. Худойберган эр етди. Тиниб-тинчимас, удли-шудли йиғитча аввал савдо ишлари, сўнг соатсозлик билан шугуллана бошлади. Лекин... кутилмаганда унинг кўз олдига янги бир олам намоён бўлди...

Кўзнинг ўрталари эди ўшанда. Худойберган Хивадан йигирма беш чақиримча келадиган Шўркўлга балиқ овига борди. Бу ер улкан гужумларию тармева боғлари билан машҳур оромгоҳ бўлиб, ажойиб хушҳаво маскан эди. Бир вақтлар хон Европадан ёллаб келтирган йигирма-ўттиз хонадондан иборат немис бинокорлари шу ерни танлаб истикомат қилишаётгани ҳам бежиз эмасди.

Қоронғу туша бошлади ҳамки, ов бароридан келмади. Худойберган қармоқларини йиғиштирди. Шу пайт унинг рўпарасидаги қамишлар орасини ёриб қайиқ сузиб чиқди.

— Ҳа, йиғитча, ов қалай бўлди! Битта-яримта ушладингми! — Худойберганининг қаршисда табассум қилиб сариқ юзли, малласоч чол турарди.

— Узим шунчаки, дам олгани келгандим, — деди Худойберган ярим белигача сувда турган кўйи. «Ўзингиз-чи, ота, кўп тутдингизми!» демоқчи бўлди-ю, ёнгинасига келиб тўхтаган қайиқ ичига кўзи тушиб:

— Уҳ-хў! — деди биланглаб ётган хийлагина балиқча ҳавас билан тикиларкан. — Роса қийратибсиз-ку!

— Бугун иш юришмади. Кеча кўп тутгандим! — Чол Худойберганга қўл чўзди: — Қани чиқ, қиргоқчаа обориб кўяман...

Улар қамишзор оралаб аста сузиб кетишди. Йўл-йўлакай танишиб ҳам олишди: «Асли немисман, исмим Вильгельм Пеннер. Панорбува десанг, қишлоқда ҳамма танийди», деди чол. Қиргоқча чиқишгач, уйга таклиф қилди:

— Шошмаётган бўлсанг, бизниқига марҳамат, Худойберган. Сенга бир мўъжиза кўрсатаман. — Панорбува балиқларни халтага солаётиб кулимсиради.

— Қанақа мўъжиза, — қизиқсинди Худойберган.

— Расм оладиган оппарат!

— Опарат! Опарати на!

— Борсанг кўрасан-да!

Панорбува уйга кириб, уч оёққа ўрнатилган, устига қора мато ёпилган қўти-фотоопаратни кўтариб чиқди. «Қуёш ботмасдан олдин сени бир расмга тушириб қўяй, а!», деди у аппаратини девор тагига ўрнатаётиб. Кейин Худойберганини аппарат қаршисига — курсига ўтказди.

— Мундоқ, сал кулиб ўтир... Оғзингни юм... Яхши, кўзингни оч... Ҳа, ҳа, жуда яхши... — Панорбува қора мато тагига бошини тикиб олиб, уч оёқ устидаги антиқа қўтичига шиқирлатиб нималарнидир жойлар, кексалигига қарамай эпчил ҳаракат қиларди. У «Иягингни сал кўтариб, мана бу ерга қараб тур» дея думалоққина ойначани кўрсатди. Кейин тезгина ойнача қопқоғини олди-да, лабларини қимирлатди, тешикни ёпди. Сўнг деди:

— Эртага келсанг расмингни оласан. Тўғри уйга келавер.

Худойберган кўлга яқин жойда боғлоқлик турган тўриқ оти ёнига кетаётиб ҳам, не кори ҳол кечганига тушунолмади: «Тавба, нима гап ўзи! Алдамаяптими бу одам!»

Шу кеча уйда ҳам ороми бўлмади. Эртаси тушгача уй ишлари, бозор-ўچار юмушларини елиб-югуриб бажарди-да, Оқмачитга отланди.

Панорбува ваъдасининг устидан чиқиб, бир неча сурат тайёрлаб қўйган экан. Худойберган уларга ҳаяжонлиниб тикилар, ҳайратидан шошиб қолган эди.

— Мен ҳам ўргана олармиканман бу опаратда расм олишни, — қизиқиб сўради бир пайт у.

— Албатта! Ҳафсала қилсанг ўрганасан, — деди Панорбува. — Жуда ҳам ўргангинг келяптими!

— Ургатсангиз жон дердим-а! — тортиниб деди Худойберган. — Хивада бундай зот ҳам, уни биладиган одам ҳам йўқ. Бўлса-ку, дарров шоғирд тушардим-а!

Биргина Хива эмас — Хоразм воҳасининг ҳеч қаерида йўқ эди бундай «антиқа зот» — фотоопарат ҳам, сурат олишни биладиган мўъжизакор ҳам. Хонликда фақат Панорбува эди унинг соҳиби. Шу босиб бобонинг этагини тутиш керак. Панорбува ҳам иккиланмай розилик берди...

Худойберган қувонганидан уйга қандай келганини билмади. Келганда аллақачон қоронғу тушган, оила аъзолари жамулжам эди. Уғилларининг ҳаяллаб қолганидан Рўзика билан Нурмуҳаммад оға безовта бўлиб ўтиришарди.

— Қаерларда юрибсан, гиргиттон! — сўради она. — Айтмай ҳам кетибсан борадиган ерингни.

— Сўраманг, опа, мана буни бир кўринг аввал! — Худойберган қўйнидан бир даста сурат чиқарди, бирини отасига тутқазди: — Мана бу болани танийсизми! — деди юзларида қувонч барқ уриб.

— Нима экан ўзи бу! — суратни қандил ёруғига туттаётиб сўради ота. Сўради шу захоти хангу манг бўлиб қолди! Қўлида ўғлининг сурати турарди! — Во ажаб! — деди беихтиёр тўлқинлиниб Нурмуҳаммад. — Сенинг суратинг-ку бу, ўғлим! Ким чизди!



## Туғма истеъдод

Ҳали-ҳали эсимда, 1931 йилда Ўзбекистоннинг биринчи фотографи ва оператори Худойберган Девонов менга каналларни тозалаш ҳақида ҳикоя қилувчи «Кўза» кадрини кўрсатган эди. Сувни «қутқариш...» Лекин аввал Девоновнинг ўзи ҳақида бир-икки оғиз сўз...

Худойберган Девонов. Мен уни биринчи марта Хивага келганимда кўрганман. Едимда: хоразмча ялтироқ тўнда, белига кенг белбоғ боғлаб олган эди. Кўзлари самимий боқар, бир қарашдаёқ кишига завқ бахш этарди. У бизни ош дамлаб, меҳмонга чақирди.

Бу ош бўлакча эди, ҳатто таъми ҳам бошқача. Бундай ошни тайёрлаш сирларини фақат Хоразмда билишади.

Меҳмондорчиликдан сўнг Девонов бизни «студия»сига таклиф қилди. У оқ чойшабда ажойиб кадрларни кўрсатдики, бу кадрлар бугунги кунда ҳам ўзининг қимматини йўқотмаган. Ҳозирда бундай кадрлар бошқа ҳеч қаерда йўқ.

Девонов революциягача Хива хонининг шахсий фотографи бўлган эди. Аср бошларида у Петербургга боради ва «Патэ» аппаратини сотиб олади. Қизиғи шундаки, Девонов ана шу катта яшиқни кўтарганича Хивага олиб келади. Шундай қилиб, Хивада илк миллий кинематограф пайдо бўлади.

Девонов кадрларни эрмак учун туширмаган. У қадимий халқ ҳаётидаги ўзгаришларни, янги ҳаётнинг юзага келишини кино кадрларга муҳрлаган эди. У эски тузумнинг мудҳиш томонларидан кўз юммади, ҳаёт қанчалар оғир, халқ қанчалар эзилаётган бўлса, шуларнинг барчасини — ҳақиқатни кадрларга туширди. Чунки келажакка ёруғ юз билан қараш учун ўтган воқеаларни, ўтган даврни қандоқ бўлса, шундайлигича акс эттириш керак эди. Утмишда содир бўлган воқеаларнинг барчасини эсда сақлаб қолиш мумкин эмас. Лекин унутмасликка хотира заифлик қиладиган воқеалар ҳам экранда муҳрланиб қолади. Улкан воқеалар кичкина кутича ичидagi плёнкаларда акс этиб туради-я. Бу ҳақда Девоновнинг ўзи ҳам кўпларга такрор ва такрор гапириб берарди. Уша пайтдаги суҳбатларимиз мазмунини, нима ҳақда гаплашганларимиз ёдимда йўқ. Лекин у менга кўрсатган кадрларни ҳамон эслаймам.

...Ерга букчайган юзлаб кишиларнинг елкалари кўзга чалинади. Уларнинг қўллари қавариб, қадоқ бўлиб кетган. Белкураклар тупроқни юқорига отади. Бу оби-ҳаёт учун курашдир. Одамлар канал тозалашаётганди. Бу иш ҳаминиша кишининг тинкасини қуритади-



Рўзиканинг ҳам севинчи беҳад эди:

— Вой, бу сен-ку, болам!! Сен-ку, бу, Худойберган, — дерди у нуқул суратдан кўз узолмай. — Ким ясади бунни, а! Худди ўзи... Вой, тавба...

Суратлар сингилларининг ҳам қўлидан қўлига ўтиб кетди. Бибижон бир суратни ушлаб зингилаганча қўшниларниқига югурди...

Худойберган ҳамон ҳаяжонини босолмаётган ота-онасига бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. «Шу антиқа опоратда расм олишни ўрганаман мен ҳам!» деди сўнг қатъий...

...Бир куни Панорбува унинг елкасига қоқиб деди:

— Ихлосинга, ғайратинга қойил, йигит. Бу ҳунарни ўрганишни ҳеч ким истамаган эди. Бу ҳунар эмас, турган битгани гуноҳ дейишарди мулларлар... Узим билан тупроққа олиб кетаман чоғи, деб қўрқандим. Хайрият, мард йигит экансан, туппа-тузук суратчи бўлиб чиқдинг. Оқ йўл сенга, Худойберган!

Панорбува ҳамма асбоб-анжомларини унга ҳадя қилди. «Мен қаридим, энди ўзинг ишлайвер», деди. Худойберган икки қўлини кўксига қўйиб ўстозига таъзим қилди.

Йигирма беш баҳорни кўрган истеъдодли, ўтюрак йигитнинг мустақил суратгирлик фаолияти 1903 йил кўкламидан бошланди. Хонлик тузуми даврида бу қанчалик қахрамонлик, жасорат эди. Унинг бу иш билан мустақил шуғулланиши осон бўлмади. Дин пешволари суратгирлик ишини кори гуноҳ деб, ёш Худойберганни йўлдан қайтаришга уриндилар. Бу тўдага қозикалон — Салим охуннинг ўзи етакчилик қиларди. Бир куни у Худойберганни якка учратиб, насихат қилган бўлди:

— Бу ишингни қўй, йигит, — деди у ёш суратгир елкасидаги «уч оёқли» аппаратдан кўз узмай. — Гуноҳга ботаётганингни биласанми ўзинг!

— Йўғ-а! — Худойберган ўзини соддаликка солди. — Қандай гуноҳга, тақсир!

— Қандай гуноҳ эмиш... Худонинг ғазабига учрайсан-а, билдингми! — бидилларди Салим охун. — Суратга тушган кишилар рўзи маҳшарда сендан жон талаб қиладилар. Шунда қаердан уларга жон топиб берасан! Тополмайсан, охири худонинг ғазабига учрайсан. Энди тушунгандирсан!

Худойберган «шундайми» дегандай, елка қисди. Йигитнинг мазох қилаётганини Салим охун хаёлига ҳам келтирмас,

афтидан, гапларимга қулоқ осяпти, деб ўйларди. Йигит эса бир сўз билан унинг кутганларини чиплакка чиқарди.

— Не бўлса бўлар, — деди Худойберган қатъий. Сўнг киноя билан қўшиб қўйди: — Худонинг ғазабига учрагунча олиб турай-чи, кейин бир гап бўлар...

Худойберган шундай деди-да, жўнаб қолди. Салим охун унинг ортидан тўнғиллади:

— Ҳали шундайми!! Диндан чиққан кофир!

Худойбергани бундай хуружлар чўчитолмади, у севган касбини ҳавас ва иштиёқ билан давом эттираверди. Сал вақт ичида воҳа қишлоқларининг манзараси, шаҳар кўринишлари, ҳамшаҳар кишилар акс эттирилган юзлаб фотосуратлар яратди. Чиғирда сув чиқариш, ҳўкизлар билан ер ҳайдаш, даққионусдан қолган дастгоҳларда ип йигириб бўз тўқиш, канал ва ариқлар қазииш каби халқнинг машаққатли меҳнати биринчи марта ёш Худойберган олган суратларда тасвирланди. Дин пешволари жон-жаҳди билан уни кофирликда айблашларига қарамай, тобора Худойберганнинг обрўси ортар, шўхрати олис-олисларга тараларди.

## Петербург сафари

Тўриқ от минган чопарнинг бемаҳал ташрифи Нурмуҳаммадини ҳам, Рўзикани ҳам қаттиқ қўрқитиб юборди. Нурмуҳаммадининг «На гап ўзи, йигит! Омонликми!» дейишига ҳам қарамай, чопар ҳадеб, «Пўтагроп ўғлингиз қани! Худойбергани қани», — деб сўрайверди.

— Уғлим шу ерда... уйда, — деди Нурмуҳаммад довдираб, — омонликми, ука! Ё бирон нарса бўлдимми!

— Уғлингизни ҳазрат Санд Мўхаммадраҳимхон йўқлаптилар! Узинг бирга олиб кел, деганлар. Тез қақиринг, ўғлингизни!..

«Улгай эдим, на иш қилиб қўйди экан болам», деганча Рўзика Худойберган расм чоп қилаётган ичкари ҳўжра томон югурди. Ҳўжрага етмай йўл-йўлакай қақирди:

— Худойберган, ҳой Худойберган... Буёққа чиқ, болам. Хон чопар юборибди, буёққа чиқ!

Худойберган югуриб чиқди. Пешайвон устунига суянганча ҳушидан кетгудай бўлиб турган онасига кўзи тушиб, шошиб қолди.

— Ҳа, опа... на гап бўлди сизга!

ган, сермашаққат иш ҳисобланади. Одатда канал яхшигина тозаланса ва чуқур қовланса, ундан сув равои оқади... Бу кадрларни бир умр эслаб қолдим. Ҳеч кимга, шу жумладан ўзимга ҳам, қачонлардир сув ҳақида фильм яратаман, деб сўз бермаган эдим. Уша пайтда ҳар бир ўзбек учун сув жуда ям азиз эди. У ана шу сув учун фидо бўлишга ҳам тайёр эди. Ниҳоят, шундай вақт келдики, сувни махсус резервуарларда сақлайдиган бўлишди.

Вақт ўтиши билан мен ҳам «Кўза» фильмини суратга олдим. Унда деҳқонга ёрдам бериш учун келган биринчи экскаватор акс этади. Ушанда бу камқувватли, «озингина» машина бизга жуда гигант бўлиб кўринган эди. Ҳа, бунга анча бўлди.

У жуда ақлли, маълумотли киши эди. Бизга унинг иштиёқ билан олган расмлари ва киноплёнкалари эсдалик бўлиб қолди.

Москвадаги ҳўжжатли фильмлар марказий студияси уни махсус муҳбирликка қабул қилиб олди. Девонов Хоразм бўйича ягона хроникачи эди. Унинг Москва учун тайёрлаган асарлари Иттифоқ экранларидан ва журналларидан ўрин оларди. Чиндан ҳам унда туғма истеъдод бор эди. Биз ҳамон Девонов туширган кадрлардан — то хон ҳовлисида тортиб, ёш Хоразм республикасининг биринчи қадамигача, бу элнинг урф-одатларигача ўз ифодасини топган кадрлардан фойдаланамиз. Унинг сақлаб қолган бир неча ажойиб кадрларини архивда ардоқлаб асраймиз. У пайтда ҳеч ким Девонов каби ажойиб кадрлар олмаган эди.

У ўзининг энг яхши фильмларини ҳали суратга олмай орамиздан кетди. Лекин менимча, у энг истеъдодли операторлардан эди. Бу ҳақда ёзиш ҳам оғир: ёвуз ажал 1940 йили уни орамиздан бевақт олиб кетди.

Бизнинг биринчи учрашувимиздан сўнг мен унинг олдига тез-тез бориб турдим. У расм солишни ҳам, воқеаларни ҳикоя қилиб беришни ҳам ўрнига қўяр эди. У сахий, иродали ва ниҳоятда самимий эди. Унинг портретига қаранг. Унинг нуруний сиймосига боқиб тўймайди киши. Ҳозир Урганчда унинг номидаги кинотеатр бор. Хивада ҳам.

Биз Тошкент киностудиясида унинг ҳақида фильм яратдик. Мен ҳам унинг ҳақида ўзимнинг яна бир эсдалик фильмини яратиш орзусидаман.

Малик ҚАЮМОВ,

Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

— Чопар... чопар юборибди хон, — дудуқланди она. — Шўримиз қуримаса эди, болам, шўримиз...

Худойберган зумда кийиниб ташқарига чиқди. Дарвоза олдида «илоё омонлик бўлсин!» деганча ташвишланиб турган отасига, «опорат ўлсин эди, болам, опорат ўлсин», деганча қарғанаётган онасига тасалли бериб, чопарнинг ёнида пиёда йўлга тушди.

Чопар «тез юр, йигит, ҳаяллаб қолдик», дея қистайвергач, шу дамгача ўзини тутиб келаётган Худойберганнинг ҳам кўнглига шубҳа оралади. «Расм олаётганим учунмикан! Расм олиш гуноҳ эмиш... Расмга туширган кишиларим рўзи маҳшарда мендан жон талаб қилармиш... Салим охуннинг иши эмасмикан, бу! Дини исломга шаккокликдир, бу ишинг деб, хира пашшадай ёпишиб олди менга, имонсиз».

Худойбергани саройга, тўппа-тўғри хоннинг базмхонасига бошлаб киришди.

Зиёфат авжида эди. Вазиру вазаро, сарой аъёнларининг кайфиятлари аъло.

— Кел, йигит, кел, — Санд Мухаммадраҳимхон (Феруз) унга илтифот кўрсатди.

Худойберган остонада тик қотганча хонга таъзим қилди: — Йўқлатган экансиз... Чопиб келдим...

— Ҳа, бир гап чиқиб қолди... Қани, қани олдин берроқ кел. — Хон унга даврадан жой кўрсатди. Аъёнлар сурилишиб унга ўрин бўшатишди. — Утир, йигит, утир.

— Қуллуқ, тақсир! — Худойберган остонада чўккалади. Унинг наздида зиёфат руҳи гўё бирдан сўниб қолгандай туюлди. Кўнгли нимадандир ғаш тортиб «охири бахайр бўлсин» деб қўйди ичиди.

— Хўш, ҳалиги... Худойберганмиди отинг, — тагин мурожат қилди унга хон. Йигит «шундай» дея бош эгди. Даврадагилардан ҳам «Ҳа, ҳа, Худойберган» жавобини олгач, давом этди: — Қалай, расм олиб юрибсанми! Ҳали сендан бошқа пўтагроп чиқмади, а, Хивада! Балли! Балли! Қалай, ҳалиги... яхши ўрганиб олгандирсан, а!

Худойберган бу гапларнинг пичингми ёки чин эканини тездан тушунолмади, иккиланиб қолди. Ердан кўзини узмай жавоб берди.

— Нима десам экан, олий ҳазрат... Шу... билганча олиб юрибман. Расмларим ҳам ёмон чиқмаяпти.

— Мен-чи! Мен қандай чиқарканман расмга олсанг, — аъёнларга қараб кулимсиради хон. — Мендан яхши чиқармакан, ё ёмон чиқармакан! — хон соқолларини тутамлаб илжайди.

Худойберган ҳамон довриаброқ жавоб қилди:

— Ёмон чиқмас, тақсир...

Феруз мақсадга кўчди:

— Гап бундай, йигит. Яқинда бир гуруҳ амалдорларимиз Исломуҳжа бошчилигида Петербургда — оқпошшо Николай ҳазратлари ҳузурига сафарга отланишади. Сени ҳам қўшиб юбормоқчиман. Икки-уч йилдан буён «пўтагроп» деб ном чиқариб юрибсан. Петербургда борадиганларни расмга олиб келасан. — Хўш, нима дейсан!

— Сиз амр қилсангиз... — Худойберган қутилмаган илтифотдан довриаброқ қолаёзди. — Бош устига, ҳазрат. Қачон десангиз мен тайёр сафарга.

— Жуда яхши! — хон шу гап учун чақиртиргандим, дегандек мамнун бош силкиб қўйди. — Бўлмасам, хабар биздан.

— Ажаб бўлғай! — туриб таъзим қилди Худойберган. —

Ижозат берсангиз...

— Ижозат!

— Қуллуқ!..

1907 йилнинг кеч кузи. Хива хонлигининг бош вазири Исломуҳжа бошлиқ бир гуруҳ вакиллари Амударё бўйлаб кемада Чоржўй томон йўлга чиқишди. Бу ердан поездга ўтиришди-да, аввал Ташкентга, у ердан эса Петербургда етиб келишди. Ингирма тўққиз баҳорин кўрган сураткаш йигит — биринчи ўзбек фотографи Худойберган Девонов Хива уламоларининг Петербургдаги сафарлари, оқпошшо, олий мансабдаги бошқа амалдорлар билан бўлаётган учрашувлар, музокара ва зиёфатларни суратга тушира бошлади.

Петербургда эканликларининг учинчи кунини хивалик меҳмонлар шарафига берилган кечки зиёфатдан кейин Худойберган учун қутилмаган воқеа рўй берди. Қоронгу тушгач, мезбону меҳмонлар қўшни хонага ўтишди. Тўрадан деворга тутилган оқ матога қараб, ўриндиқларга ўтиришди. Электр чироғи ўчиб,

орқа томондан тушган нур оқими матода ажойиб манзара яратди: деворда кишилар югуриб юришар, бир-бирлари билан чаққон, ғайри табиий ҳаракатлар қилиб суҳбатлашар, подшо-нинг извошга чиқаётганию, унга қўшилган отларнинг бир қизик чопқиллаши акс этаётган эди!

— Ажабо! — Бу қандай мўъжиза! — ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди меҳмонлар.

Худойберганнинг лабларидан эса беихтиёр бир гап чиқиб кетди:

— Суратни ҳаракатлантирадиган машина ҳам яратишибди-ми, а! Қойил-э...

Шу-шу Худойберганнинг ороми бузилди. Уша кунини аллақандай аппарат олдида турганча суратларга «жон киритаётган» ёш рус йигитининг ёнидан жилмади. У билан дўстлашиб қолди. Хивалик меҳмонлар қайтиш тарадудини кўриб туришгани кунини Худойберган Исломуҳжа ҳузурига пайдо бўлди.

— Рухсат берсангиз Петербургда бир неча ой қолмоқчи эдим.

— Нечун! — Дабдурустан айтилган бу гапдан таажжубланди вазири.

— Суратни ҳаракатлантириб кўрсатадиган опоратни ҳам ўргансам деган эдим. Икки-уч ойда ўрганиб, юртимга шундай бир опорат олиб борардим. Ахир, бундай опорат йўқ-ку биз томонларда, — вазирга ўткир кўзларини тикди Худойберган, — ўтиниб сўрайман, тақсир... Исломуҳжа ўта қизиқувчан, янгилликка ўч одам эди. Бир дам ўйлиниб туриб розилик берди.

— Майли, ундай бўлса, — деди юзига майин табассум югуриб Исломуҳжа, — қийналиб қолмайсанми бир ўзинг! Бу ёт эл, ёт ер, ахир!

— Қийналсам ҳам розиман... ўрганиб борсам бўлди. — Худойберган қолишга изн берилганидан қувониб кетди. — Русчани сал-пал биламан-ку, эпларман.

Исломуҳжа ҳамшаҳарининг қўлини юмшоқ, лекин забардаст кафтига олиб маҳкам қисди. Унга икки-уч ойга етадиган пул нийом этди.

...Ҳаракатлантирувчи фотокиноаппарат — «Патэ»ни ўргангунча икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Худойберган Хоразмга 1908 йилнинг бошларида «Патэ», телескоп, граммофон, фотоаппарат, сурат чоп қиладиган қоғоз ҳамда талайгина ленталар олиб қайтиб келди.

Воҳа бўйлаб яна гап-сўз оралаб қолди:

— Худойберган Петербургда бир опорат келтирган эмиш, одамларни деворда юритиб кўрсатармиш.

— Деворда-я! Йўғ-э!

— Ҳа! Суратга олиб опоратига қўйса деворда юриб кетишаверармиш...

— Астафурулло! Бало чиқди-я бу йигит!..

Худойберган Петербург шаҳридан келтирган киноленталарни бозорларда, маҳалла ва гузарларда кеч кириши билан намойиш қила бошлади. Сўнг ўзи ҳам элдошлари ҳаёти, деҳқончилик ишлари, Хива манзараларини лентага олиб, уларни ҳаракатлантириб кўрсатишга дадил бел боғлади. Бу — ўзбек киносини яратиш йўлида қўйилган биринчи ва қўтлуғ қадам эди.

## Шоир ҳузурда

Худойберган оғир ўй-хаёллар оғушида паришонхотир қадам ташлар, қаватида эса «Патэ»ни қўлтиқлаганча шоғирди Полвон келарди. Улар қишлоқдан қайтишаётган эдилар. Устозининг хаёлини ногаҳонда овоз бузди:

— Хударган ака, қани, бизниқига марҳамат.

Улар Мехтаробод кўчасидан — Аваз Утарнинг уйи олдида ўтаётган эдилар. Кўчанинги ўнг томонидаги пастакина, қўш табақали кўримсиз эшик олдида кулимсираб турган шоирга кўзлари тушиб, бирдан тўхтаб қолишди.

— Э... э... Авазбек. Ассалому алайкум, — деди Худойберган чаққон бориб шоир билан кўришаркан, сўнг кечирим сўради: — Алаштирманг\*, шоир... Бу... хаёллар билан бўлиб, кўрмай қолибмиз...

— Алашмаси йўғ-ов... Лекин дим ўйлиниб кетаётганингиздан роса чарчаганмисиз дедим, — Аваз эскидан кадрдон дўстига меҳр билан тикилди ва уйга тақлиф қилди: — Қани, кининг, бир пиёла чай ичиб ўтинг энди.

\* Алаштирманг — айбга буюрманг



Аваз ўттиз бир ёшда бўлиб, ўрта бўй, қошлари қалин, кўзлари теран, юзи хиёл юмалоқ ва оппоқ, қоп-қора соқол-мўйлови ўзига ярашган, эғнида эса ўша пайтда зиёлилар ўртасида расм бўлган қатор тугмалик оқ камзул кийган эди. У шоирлар ўртасида катта шахрат ва эътибор қозонган, Муҳаммадраҳимхон уни сарой шоирига айлантириш учун кўп уринган, ҳатто 1905 йилда туздирган «Мажмуатўш-шуаро» тўпламига ҳам бир неча ғазалларини киритиб, «умидбахш, шоири тоза» деб атаган эди. Бироқ, Аваз саройдаги ноҳақлик, физқу фасод, маншатпарастликини кўриб хон шаънига бир неча аччиқ сатрлар битган, эвазига Феруз уни «жинни бўлди» деб эълон қилган ва шахар ташқирисидаги қабристонлардан бирида занжирбанд этган эди. Шу-шу Аваз оғир дардга мубтало бўлди. Аммо руҳи сўнмади. Қайтага хонлик истибодди, жабр-зулм, дин ва унинг ҳомийларини аёвсиз фош этувчи, эрк ва адолатни улугловчи янги шеърлар, ғазаллар битди. Унинг жасорати, ғазалларидаги исёнкор руҳ Худойбергани ҳам ҳайратда қолдирган эди. У ўзидан беш ёш кичик, аммо улкан талант соҳибини бошга кўтаргудек ҳурмат қилар, эъзоларди. Мана, ҳозир у баланд шипли, кенг айвондаги супага ёйилган дастурхон атрофида шоирдан ҳавасманд кўзларини узолмай ўтирибди.

— Саётга бориб пахта теримини кинога олдик, ҳосил бу йил ҳам яхши эмас, — деди Худойберган қишлоққа сафари ҳақида гапириб. — Мункиллаб қолган деҳқонлар белларига этак тутиб, пахта териб юришибди. Роса ҳоридик Полвонбой билан кинога туширамиз деб. Пахта терими-ку эртага тугайди, лекин халқни замона чарчатди, Авазбой... Шу хаёллар билан кўрмай қолибмиз-да, Сизни...

Аваз ҳам гўё худди шуни кутиб тургандек, гап мавзунини бузилган замонага бурди.

— Кишилар не қиларини билмай ҳайрон, — деди ўпкаси тўлиб шоир. — Исфаидиёрнинг эса ҳарамдан боши чикмай қолди. Деҳқончилик ўлда-жўлда. Каналларни лойқа босиб кетган, отизлар қақраб ётибди. Бунинг устига, янги-янги солиқлар... Элниг тинкаси қуриб кетди-е!..

Ичкарида кимдир йўталди, кейин айвоннинг ўнг томонидаги хона эшиги очилиб, останада ҳассага суянганча Утарбобо кўринди. Аваз даст туриб отасининг истиқболига шошилди. Уни хона бўсағасидан суяб ўтказиб, супага бошлади. Худойберган билан Полвон ҳам ўринларидан сапчиб туришди.

— Ассалому алайкум, Утарбобо! Соғ-саломатмисиз! — деди Худойберган чолнинг қоқсуяк қўлларини оларкан. Сўнг ўзини танитди: — Ман Нурмаат девоннинг ўғлиман, Утарбобо... Хударганман.

Бобо нурсиз кўзларини йигитга тикди.

— Хударганмисан... Эшитганман сани болам, эшитганман. Авазбек оғзидан қўймайди сани... Одамларни расмга олиб, деворларда юришиб кўрсатади деб, мақтагани-мақтагани... Ничик, отанг соғми, болам! Рўзика омонми!

— Шукр, Утарбобо...

Саксон ёшли Утарбобо аввал Оллоқулихон, сўнг Муҳаммадраҳимхоннинг роса жабрини тортиди. У Хиванинг машҳур сартароши ҳамда таниқли табибларидан эди. Шеърят ва мусиқани, шатранж ўйинини жон-дилидан севар, кексайиб қолганига қарамай ўгли Авазнинг ижодини ҳам кузатиб борарди. Айни чоқда ёшлар дилидагини билгандай, бобо ҳам Исфаидиёрдан нолиб қолди:

— Кўп хон кўрдим, лекин бундай каззоб хонни ҳеч кўрмадим. Ҳаммасидан ҳам ҳайвон, лаънати чикди бу, — деди бобо афсус-надомат билан бошини чайқаб...

Аваз отасига қулоқ осиб анча ўтирди. Сўнг аста ғазал бошлади.

Фигонким, мунъадам бўлди жаҳондин айшу роҳат ҳам,  
Йўқолди ушбу оламдин бари иззат, адолат ҳам.

Халойиқ молу-мулки юз тутуб торожу яғмоға,  
Бўлиб хон нафсига қурбон бари номусу иффат ҳам.

Ададсиз хонадонлар чўлғониб мотам либосига,  
Бўлиб жон қасдига мойил ҳукумат ҳам, сиёсат ҳам.

Нетонг, бўлса Аваз пайваста исён баҳрига ғаввос,  
Дилида қолмади сабру сукун ҳам, тобу тоқат ҳам!

Аваз ғазални тугатаркан, унинг ҳар бир сатридаги исёнкор руҳ халқнинг фалакни тутган нолаасидек жаранглар, ҳамон қулоқлар остида акс-садо берарди. Таъсирланиб кетган Худойберган беихтиёр сўзга оғиз жуфтлади.

— Баракалла, иним, элниг дилидаги гапларни ёзибсиз. Бу оташини сатрлар мазлумлар ноласи, эзилган, инсонлиги топталган оддий меҳнаткашнинг афғону фарёди... Жуда боллабсиз, Авазбой!..

Кун кетди. Офтобнинг сўнги нурлари пешайвон оша ҳовлига мўралаб гулларни алвон рангларга бўяётган, кузнинг ўрталари эсада аллақардан оромбахш, салқин шабада турди. Худойберган Утарбобо билан Авазни «қўйинг, бошқа кунни туширарсиз», дейишларига ҳам қарамай гулзор ўртасида битта-битта суратга олиб қўйди. Полвон устози Худойбергани бобо билан бирга эсдаликка, деб суратга туширди...

## Инқилоб тасвири...

...Чоржўйдан келаётган қўшинлар сафидаги норғул, зиёлинамо йигит отряд ичида шундоқ кўзга ташланиб турарди. Унинг эғнида на қизил аскар кийими ва на елкасида милтиқ бор. У босмачилар билан бўлаётган йўл-йўлакай олишувлар, отишма-чопишмаларни терлаб-пишиб гоҳ суратга, гоҳ кум тўзонлари ичида қолиб кинога туширар, сўнг аппаратларни ўзига бириктилган шатак аравачага шошиб ортарди-да, зумда отрядга етиб оларди. Бу йигитни Худойберган Девоннов, деб таништиришган эди жангчиларга!

— Биз-ку, босмачини кўргананок «ур-ҳо-ур!», «чоп-чоп!» деб, пақа-пақ отишга тушамиз, лекин унинг иши қийин! — дейишарди баъзилар Худойберган ҳақида гап очиб, йўл-йўлакай. — Гоҳ аравада, гоҳ пиёда сурату кинога олиб, изимиздан лўкиллаб юргани-юрган бечора.

Дйримлар эса аския қилишарди.

— Худойберган опоратнинг матосини бошига ташласа ёки камирасини босмачига тўғриласа бўлди — пулемётнинг оғзи қаратилгандай «дод, ўлдик», деб ура қочишади босмачилар.

— Қочирсам бўлдими, ахир! — гапни илиб кетади Худойберган кулиб. — Бунинг устига, ҳаётда қўлимга бирон бир совуқ қурол ушламаган, ҳатто умримда битта чумчуқ отиб кўрмаган бўлсаму босмачилар мендан қочиса-я...

Худойберган Девоннов Исфаидиёрхон таъқибидан қочиб икки йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкентда турди. Мана энди, «Аврора» зарблари Хоразм осмонида ҳам момақалди-роқдай гулдираб ҳаётбахш садо бергач, кураш билан ўз юртига қайтмоқда эди. Худойберган ота юртни, ундаги барча юракка яқин бўлган кишиларни жуда соғинган эди. Қани энди ҳозир Хивага салобат бахш этиб турган обидалару кўкка устун бўлган нақшинкор миноралар ёнида тезроқ бўла қолса...

«Элдошларнинг истибодга қарши кураши айни алангаланган бир пайтда, жаҳолат билан беллашув майдонида улар билан яқин ҳамдаму ҳамроз бўлолмасанг, курашнинг олдинги жабҳаларида шердай нара тортмасанг, эр йигитлигиндан не наф, — йўл-йўлакай ўйлаб борарди у. — Ушанда, агар борсанг ғазабнок хон билан қонхўр Жунанд икки ямлаб бир ютишга шай туришган бўлса, бормасанг виждонинг қийналса, дилдин, йигитлик ғуруринг ўртанса... Тошкентда нима иш қилдим! Ҳунарим билан одамларга, юртга хизмат қилдим. Етишиб чиқаётган ёш киночиларга тажрибаларимни ўргатдим. Юртимга ёрдам беринг, деб неча марта Туркомиссия ёшулликларига учрашдим. Лекин... Бу ишлар барибир оз эди-да. Мен асли воҳада — воқеаларнинг ичида бўлишим, элниг манглайига нимани битилган бўлса бирга баҳам кўришим, юртнинг ўтидан кириб, сувидам чиқишим керак эди. Бироқ, ҳалиям кеч эмас: юртимни хонлик истибодидан биратўла озод қилишга, Русияда, Туркистонда, бўлак мамлакатларда бўлгани каби, менинг воҳада ҳам инқилоб қўеши чинакам порласин, деб ҳал қилувчи курашга отланган халоскорлар сафида боряпман. Унутилмас бу воқеаларни ленталарда тарих қиялман. Бундай қутлуғ йўлдаги ҳаётий лавҳаларни, янги ҳаёт, янги тузум учун бўладин фидоийликларни фото ва киноленталарга кўчириш ҳали олдинда. Ҳали менинг бу ҳунарларим элдошларимга жуда ҳам керак бўлади, уларнинг турмушида гўё сув ва ҳаводай асқотади...»

...Қирнинг изғирини юз-қўлларни аёвсиз чимчилайди, наштардай ботиб, кўзлардан ёш тириқратади. Лекин Чоржўйдан келаётган отряд ҳамон йўлда. Олдинда — командир Николай



Александрович Шайдаков, бошқа ҳарбий-сиёсий лашкарбоширлар, улар изидан отлик жангчилар, элликака яқин тўп ва пулемётларни шатакка олиб кетаётган бир нечта арава боряпти.

Отряд Питнак қиридан ошиб, Ҳазорасп мавзеига қадам қўйганида қор майдалай бошлади. Кўп ўтмай теварак-атроф оппоқ оқарди-қолди. Отряд Ҳазораси қальасидан ҳам, Боғот ва Янгиариқ қишлоқларидан ҳам ўтиб, Хивага яқинлашиб қолди ҳамки, қор тўхтамади. Қизил аскарлар 1920 йил 30 январь кунни Дешон қальанинг Ҳазорасп дарвозасидан жангсиз, сира ҳам қаршилика учрамай шаҳарга — Ичон қальага тантанавор кириб боришди.

Худойберганнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб кетай деди. Элдошлари жангчиларни қучоқ очиб, қувонч билан кутиб олаётган дамларни бўзчининг моқисидек югуриб гоҳ у кўчада, гоҳ бу кўчада аввал суратга, кейин эса кинога туширарди. Нуруллабойдаги тантанани кинога олаётганида узоқдан «Устоз... Устозим...» дея чинқирган овоз эшитилди, сўнг овоз эгаси даврани ўқдай ёриб ўтиб, Худойберганни қучоқлаганча ҳўнграб йўғлаб юборди. Бу — Полвон эди.

— Бормисиз, устоз! Омонмисиз! Мунча соғинтириб қўйдингиз, — Полвон ҳаяжондан қалтирар, шодлигидан нима қиларини, ўзини қаерга қўйишни ҳам билмас эди. — Худого шукр, сизни кўрадиган кунларимиз ҳам бор экан, устоз. Соғиниб ўлаёзган эдик.

— Узинг нечиксан, Полвонбой! Уй ичинг омонми!.. Мана, сизларга чинакам ҳуррият олиб келдик, — кулимсираганча шоғирдидан кўз узмасди Худойберган. — Бизнинг уйдан хабаринг борми!

— Бор, устоз, бор. Уйингиз тинч. Ҳамма соғ-саломат, — Полвон энди ўзини тўтиб олган эди. — Панорбувадан бериб юборган хатларингизни ўқиб бир севиндик, бир севиндик... — Полвон бирдан сергак тортиб сўради.

— Бикажон бийим... қанилар! Омонмилар!

— Омон. Соғ-саломат, — далда берди Худойберган, — Тошкентда қолди. Яқинда келади Бикажон ҳам.

— Хайрият! — енгил тортиди Полвон. Кўринмаганига қўрқиб кетибман...

У шу заҳоти устознинг қўлидан аппаратни олиб, Нуриллобойдаги шодиеналарни ўзи суратга тортди...

Худойберган ўн икки йил ичида кино олгани бир ёну 1920 йилнинг январь ойи охири ва февраль ойи бошларида ҳамшаҳарларининг истибодга қарши курашини акс эттириб кинога олгани бир ён бўлди. У бу мушкул ишни гўё катта, жанговар топшириқни адо этаётгандай, келажак авлодлар олдида улкан масъулият, буюк бир жавобгарлик туйғуси билан бажарди. Узининг ишидан шунча йилдан сўнг бир оз бўлса-да кўнгли таскин топгандай, қониққандай бўлди. Иккинчи февраль — инқилоб галабаси кундаги халқ шодиенаси, Саид Абдулланнинг тахтдан туширилиши дақиқалари ҳам Худойберган олган фото ва киноленталарда тарих бўлиб қолди...

## Хужжатлар нима дейди!

1925 йилнинг июнида Хоразмда «Ўзбек давлат киноси»нинг округ бўлими, 1926 йил ноябрида эса кинопрокат ташкил этилдию Худойберган учун янги истиқбол очилди. Худойберган Девонов «Ўзбек давлат киноси»дан дастлабки топшириқлар олди, студия билан яқиндан алоқа боғлади. Кўп ўтмай Ўзбек киносининг, 1926 йилдан бошлаб эса «Совкино» — Бүтуниттифоқ фотокинематография жамиятининг актив кинооператор-мухбирларидан бири бўлиб қолди. Ана шу йилларда ва кейинроқ Худойберган Девонов «Ишчи аёллар», «Шўркўл», «Кўза», «Чигир», «Тузкон», «Хоразм далаларида» каби сюжетлар яратди. Бундан ташқари Худойберган Девонов «Ўзбек давлат киноси» ва «Совкино» студияларининг топшириқлари асосида Хоразм меҳнат аҳли ҳаёти акс эттирилган кўплаб киноленталарни суратга олди.

Мана, «Ўзбек давлат киноси» дирекциясига Хоразм вакиллиги юборган бир неча хат ва телеграммалардан намуналар:

«...Яқин кунларда Хивада касаба союз Советларининг съезди иш бошлайди. Ўзбекистон КП(б) округ комитети ва округ ижроия комитети съезд ишини кинога туширишни илтимос қилишяпти. Кинооператор Худойберган Девонов ўз аппарати билан бепул

кинога олиб бермоқчи. Иложи бўлса, тездан плёнка жўнатишингизни сўрайман...

«Ўзбек Давлат киноси»нинг Хоразм округи вакили ЧЕЧИКОВ, 1926 йил, 7 декабрь, Хива шаҳри».

«...Кеча мен сизга Девонов суратга туширган иккита плёнка-негатив жўнатган эдим. Агар бу иш талабга жаавоб берарли даражада суратга олинган бўлса, Девоновга жўнатилган ўша плёнка ўрнига янгисини юборишингизни сўрайман.

ЧЕЧИКОВ. 1927 йил, 29 май».

1927 йил 27 апрелда Хоразм округ сиёсий давлат бошқармасига ёзилган хатда эса шундай дейилади:

«Ўзбек давлат киноси» учун Хива шаҳри ва унинг атрофларида қуйидаги кўринишларни суратга олишга ижозат беришингизни сўрайман:

1. Биринчи Май байрами;
2. Дала сўғориш ишлари;
3. Кустарь усулда пилла ишлаб чиқариш;
4. Кустарь тегирмонлар иши;
5. Хиванинг катта масжиддан туриб суратга олинган умумий кўриниши.

Эпизодлар оператор Девонов томонидан 300 метрлик плёнка ҳажмида суратга олинади.

«Ўзбек Давлат киноси»нинг Хоразм округ вакили».

«Давлат сиёсий бошқармасининг Хоразм округ бўлимига Хива шаҳри

Хива шаҳрида Халқаро ёшлар кунининг байрам қилинишини Коммунистик Ёшлар союзи Хоразм округ комитетининг буюртмасига асосан суратга олишга ижозат беришингизни сўраймиз. Кинога тушириш Хива шаҳри ва Биродарлар қабристонинда оператор Девонов томонидан 90—100 метр плёнка ҳажмида амалга оширилади.

«Ўзбек Давлат киноси»нинг Хоразм округ вакили. 1927 йил, 1 сентябрь».

1928 йил охирларида А. Н. Ольгин «Ўзбек давлат киноси»нинг Хоразм округ вакили қилиб тайинланди. Унинг номига 1929 йил 29 апрелда Тошкентдан олинган телеграмма:

«Киномухбиримиз Худойберган Девоновга Биринчи май намоёнлигини суратга олишни топширинг. Негатив тезлик билан Тошкент шаҳар кинофабрикасига жўнатилсин.

«Ўзбек давлат киноси».

Худойберган Девоновнинг жўшқини ва қайноқ кинооператорлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бундай ҳужжат — телеграммалар давлат архивларида кўплаб сақланмоқда.

Мен ўзбек халқининг суюкли фарзанди ҳақидаги мазкур лавҳаларни таланти кинорежиссёр Соли Давлатовнинг «Худойберган Девонов» деб аталган ҳужжатли фильмдаги бир эпизод тасвири билан яқунлашни маъқул кўрдим.

...Экранда йигирма беш ёшлар чамасидаги хушрўй қиз кўринади. У Хоразм миллий кийимида. Бошидаги дўнгалак таҳяси — хоразмча дўпписининг икки чаккасига товус пати қистирилган. Кўзлари қақноқ, тўладан келган юзлари тиниқ ва бокира...

Дикторнинг овози: «Бу сурат бундан олтмиш йил олдин туширилган. У Худойберган Девоновнинг рафиқаси Бикажон Отажонова»

Сўнг экранда 85 яшар мўътабар, юзларини тарам-тарам ажинлар босган нуруний кампир пайдо бўлади. У ҳам Бикажон Отажонова. Момо ҳовлига қўйилган курсида ҳассасига суянганча сўзлайди.

— Қани энди, ўзлари бўлсалар, сизларни зиёфат қилар эди, қўй сўяр эди, топганини олдингизга қўйиб, қовурдоқ этарди, — момо аста курсидан туриб, яшнаб турган боғ томонга ишора қилади.

— Ина бу ерда, гулзор орасида сўри бор эди. Айвон бор эди. Шу ерда ўтирар эди. Танбури бор эди. Ҳар турли йўлга чертар эди, ҳайрон бўлиб қолаверардингиз... У сўнмас бир ҳайрат эди...



Норбой Худойберганов

# Нега шеър ёзасиз?

Бир қарашда бу ерда баён этилган фикрлар ҳеч қандай эътироз туғдирмайди, лекин аслида улар ниҳоятда маҳвум бўлиб, ҳаёт ҳақиқатини чинакам шеърый воситалар орқали очиб бермайди. Майли, лирик қаҳрамон ўз юрагига «дунёда кўргансан аҳли риёни» деб мурожаат этсин. Аммо қандай аҳли риё назарда тутиляпти! Лирик қаҳрамон нимадан мулзам бўлиб, нималарга лол қолибди? У қандай меҳнат туғрисида сўз юртияпти! Асл маъно деганда нимани тушуниш керак!..

Битта тўртликда шунча ечилмаган жумбоқлар, англаб бўлмайдиган маъмуликлар мавжуд. Шундай экан, нега у шеърининг юксак намунаси деб баҳоланяпти! Сўзбоши муаллифи Нормурод Нарзуллаев Шамси Одилни эллик ёшга тўлгани билан муборақбод этиб, мазкур тўппан ўқувчиларда «яхши таассурот қолдиради», деб башорат қилади.

Тўппамдаги биринчи шеър «Мақсад» деб аталади ва унда жумладан, шундай дейилади: «Мақсад она сути каби лазиз, пок. Гўё кузда, шох учиде қолган нок... Меҳри тортиб, унга кесак отиб, ололмайин гоҳи ташлаб кетасан... Ғайрат бўлса, тирмашасан, шохдан шохга ўтасан. Охир нокка етасан».

Қандай мақсад она сути каби лазиз, пок! Нима учун у шох учиде қолган нокка ўхшайди! Бу саволларга шеърдан ҳеч қандай жавоб тополмайсиз, қандай мақсад нима учун нокка қиёс қилинганини асло тушунолмайсиз. Шамси Одил «мен олий мақсадини назарда тутяпман, унинг қадр-қимматини кўрсатиш учун нокка ўхшатыпман», дейиши мумкин. Бироқ, поэтик ўхшатишлар ҳам ҳаётий бўлиб, реал ҳақиқатнинг бизга илгари кўринмаган қирралари, аломатларини ёритиши лозим эмасми! «Мақсад» шеърда эса ҳеч қандай аниқ, муҳим мақсаднинг ўзи йўқ. Иккинчи шеър «Каттақўрғоним» деб аталади ва унда шундай дейилади: «Юрак кўрим-қасидамда шараф-шонингни мақтайми! Ва ё ҳуснинга хол бўлган узумингни ё пахтаингни! Жавоҳир сандиғидурсан, ҳазинанг мадҳин атайми! Гўзалсан, олтинистон, боғу Бўстон Каттақўрғоним».

Бу ерда ҳеч қандай ноаниқлик йўқ, мақсад ҳам, фикрлар ҳам тўғри, лекин мазкур сатрлар қалбнингизни тўлқинлантириб, онгу тафаккурингизни бойитмайди. Негаки, мақсад ва фикрларнинг аниқлигини таъминлашнинг ўзи шеър яратиш учун етарли эмас. Шеърда шундай аниқ мақсаду фикрлар кашф этилиши зарурки, улар ўзларининг ғоявий ўткирлиги, ҳаққонийлиги, бадий етуқлиги билан кўзга яққол ташланиши, дилмизда яшириниб ётган дарду аламлар, изтироблар, қувончу шодликларни намоён қилиши лозим. «Каттақўрғоним»даги тўғри фикрлар эса бетақдор поэтик образ яратишга хизмат қилмайди. Улар ўз-ўзича қолиб кетаверади. Ҳа, Каттақўрғонни «жавоҳирлар сандиғи» дейиш мумкин, унда узум ва пахта етиштирилиши ҳаммага аён, бироқ Самарқанд ё Бухоро ёхуд Хивада-чи! Уларда пахта ва узум етиштирилмайди! Уларни «жавоҳирлар сандиғи», деб аташ мумкин эмасми!..

Ахир, ҳар қандай аниқ мақсад эмас, балки халқимиз дилини тўлқинлантираётган, кўпчиликни ташвишга солаётган, ижтимоий-маънавий тараққийга халақат бераётган муаммоларгина поэтик образлар орқали ифодаланса, ижодий муваффақиятга эришиш мумкинлиги сир эмас-ку! Ҳолбуки, фақат Шамси Одилгина эмас, балки кўпгина назмчилар масаланинг шу жиҳатига эътибор бермайдилар. Масалан, Барот Исроилнинг «Сўқоқ сойи» шеърда куйидагича фикрлар баён этилган: «Шилдирайди тошдан тошга бош уриб, шўх боладек ўйноқлайди тош суриб. Чўққилардан тушиб келар куйлаб сой. Тонг отгунча кучоғида тўлин ой. Соё бўйда олча, терак шивирлар, тоғ қушлари ўз тилида чуғурлар». Бу ерда айтилган барча гапларни тўғри деб эътироф этайлик, бироқ улар орқали Сўқоқ сойи ўзининг тақдорланмас суратию сийрати билан гавдаланмайди-ку! Аммо аслида муайян жой, муҳит, қаҳрамон қиёфасини чизишининг ўзи етарли эмас. Поэтик образда шундай сеҳрли, аниқ, салмоқли маъно ўз ифодасини топсинки, у бизнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтирсин, чуқурлаштирайсин, кимгадир, нимагадир муҳаббатимизни орттириб, нимагадир, кимгадир қарши курашга отлантирсин! Акс ҳолда маҳорат билан яратилган образлар ҳам ўз кучини

**Ш**

оир, аввало, нима учун шеър ёзаётганини билиши поэтик. Бемақсад, бемақсад ёзилган шеър, қалб ҳароратидан маҳрум асарлар эса ён дафтарда қолгани маъқул. Бу гап асло янгилик эмас. Аммо, ҳануз бунга амал қилинмаётир. Ҳатто, бугунги кунда бундай назмбозлик намуналари алоҳида тўппамлар ҳолида ҳам эълон қилинмоқда. Мана, шулардан бири — «Самарқанд гуллари» тўппами. Шамси Одилнинг қарийб йигирма беш йил мобайнида ёзган шеърларидан таркиб толган бу тўппамга шоир сўзбоши ёзган. Шамси Одил шаънига талай мақтовлар ёғдириб, унинг шеърларида «Ватанга, партияга, тутилган ерга, буюк Ленин ғояларига меҳр туйғуларни, саломли ва таъзимли (!) миннатдорлик сатрларига кўзингиз тушади. Бу хусусият Шамси Одил шеърларининг ўзлиги ва ўзагидир», деб ёзади. Бир қарашда бу шоир учун фазилат бўлиб кўриниши мумкин. Ахир, шоир бўлгандан кейин у, албатта, одамни, Ватанини, партияни улуғлайди-ку! Ҳа, улуғлайди, бироқ ижодкор бўлмаган одамлар ҳам тутилган диёрини, партия ва халқни улуғлайди, бунинг учун шоир бўлиш шарт эмас. Ватанини, элини севиш, ҳурмат қилиш ҳар бир гражданинг бурчи. Шоир ўз Ватани, халқини шундай тараннум этиши керакки, унинг эл-юртига айтадиган сўзлари таъсирчан, ҳаққоний, оригинал поэтик образларга сингдириб юборилсин!

Сўзбошида Шамси Одилнинг қандай образлар яратиб, қандай ғояларни ёритгани, ўқувчиларга қандай салмоқли, фойдали сабоқ бериб, нечоғлик завқ-шавқ бахш этгани туғрисида лом-мим дейилмайди. Шамси Одил умумий йўсинда мақталади, фидойи ижодкор деб кўкларга кўтариллади. Унинг фидокорлигини кўрсатиш учун қуйидаги мисралар келтирилади:

Юрагим, юрагим, мен сенга иқро,  
Дунёда кўргансан аҳли риёни...  
Мулзам ё лол бўлиб қолсанг-да, гоҳо,  
Меҳнатдан топгансан асл маънони.



йўқотади. Афсуски, Шамси Одил каби Барот Исроиел ҳам онгу тафаккуримизни бойитиб, юракларимизни «жизиллатиш» ҳақида бор қотирмайди, аксинча ҳаммага маълум фикрларни шеърый шаклга солиб баён этаверади. Бир шеърда «Фақат англай олдим фарқини шунинг: ҳар кун бошланаркан янгидан ҳаёт», иккинчи шеърда «Қўлга созини олу, қани чалгин, ҳей, демакки, ҳаммамиз куй бандалари», деса, бошқа бир шеърда эса, Юлдуз исмли қизга «Доим порлаб кўнда юр, ҳар тонг тўймай қарарман. Сенга боқиб бир умр илҳомланиб юрарман», деб муурожаат этади.

Мен ҳар бир шеърда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бутунлай янги ғояни ёритиш керак, деб даъво қилолмайман. Чунки, бундай оригинал ғоялар ҳатто жуда катта истеъдод соҳибларининг бақувват асарларида ҳам кам учрайди. Бироқ, шунинг унутмаслигимиз лозимки, истеъдодли шоирларимизнинг бўш-роқ асарларида ҳам қандайдир «ярқ» этиб кетадиган жонли мисралар, ибратли топилмалар бўлади. Зеро, улар нима учун шеър ёзаётганларини яхши билишади. Бинобарин, ҳар бир қаламакш ҳам, шеър ёзишга киришаркан, «Менда истеъдод борми, ўзига хос шоир бўлиб етишармиканман, оригинал поэтик образ яратиб, ўқувчилар қалбини тўлқинлантира оламанми!» деган саволларни ўз ўзига бериши, улар устида обдан бош қотириши шарт. Афсуски, Шамси Одил ё Барот Исроиелга эмас, балки ўнлаб қаламакшлар ўн, ҳатто йигирма йилдан буён назмбозлик билан шугулланади-ю, аммо ўшундай саволларни ўз олдига кўндаланг қилиб қўймайди. Аини чоқда, деб ўқувчилар, мунаққидлар, барча ёзувчилар шоирликка даъвогарларга: «Нима учун шеър ёзасиз!», «Шеър ёзиб, халқимизнинг маънавий тақомилига кўмаклаша оласизми!», дейишимиз сўз санъати тараққиёти учун сув билан ҳаводек зарур. Биз эса, уларнинг олдига бундай талабни қўйиш ўрнига шеър ёзиш техникасини эгаллаб, «бўстонини «гулстон»га қофиялаштира оладиган қаламакшларни рағбатлантирамиз, уларга «оқ йўл!» тилаймиз. Эркин Неъматовнинг «Табиат минбари» тўпламига Мўхаммад Али ёзган сўзбоши бунга мисол бўла олади: «Ҳозиргидек эсимда турибди: Эркин Неъматовнинг бир туркум шеърлари 1964 йилда «Гулдаста» альманаҳида эълон қилинган эди. У шеърларида ўзига хос йўл топилган, бировга ўшамасликка уринган эди. Кўпчилик унинг «Шпинделлар ва чаноқлар» шеърини эсласа керак. Кейинроқ 1970 йилда «Ошиқ булбул» шеърлар тўплами нашр этилди...»

Дарҳақиқат, Эркин Неъматов олтишинчи йиллардан буён шеър машқ қилади. Биринчи тўплами 1970 йилда босилиб чиқди. Бироқ, ўзига хос ижод йўлини тополдим! Китобга ёзилган сўз бошида бу саволга қуйидагича жавоб берилди: «Мана, орадан ўн йил ўтиб, Эркин Неъматов ўзининг иккинчи китобини дасталаб ўқувчиларга ҳавола этмоқда... Эркин Неъматов учун бу йиллар қотиб қолган, лоқайд, бепарволик йиллари бўлгани йўқ. Шоир кўп машқ қилди, ўқиб ўрганди ва ўрганмоқда. Бир шеърда шоир: «Менинг ҳам ўз йўлим бўлсайди шоая...», деб орзу қилади.

Майли, орзу қилсин, бунга ҳеч қандай эътироз йўқ. Бироқ, йигирма йилдан ортиқ ўтган вақт ичида фақат «ўз йўлим бўлсайди» деб орзу қилишининг ўзи бизни қувонтирмайди. Ҳамма гап орзунинг ушалишида, яхши натижаларга олиб келишидадирки, бу ҳақда Мўхаммад Али аниқ фикр айтмайди. У назмчини нима учун мақтаётганини исботлаш мақсадида қуйидагиларни таъкидлайди: «Шоирнинг «Ленин билан» номли шеърда: «Нафасимдан қизармоқда ёр юзи...» деган ажойиб сатр бор. Бу ерда гап ёр юзини қизартираётган нафаси ўткир, қадами кутлуғ кишиларимиз ҳақида кетмоқда».

Чиндан ҳам Эркин Неъматов ўшундай ажойиб кишиларнинг поэтик қиёфасини, интилиш-изланишларини акс эттирибди, эканми дея шеърни ўқиймиз.

Менинг асрим Ленин билан бошланди,  
Ленин билан доврўқ солдим жаҳонга.  
Ленин билан кутлуғ қадам ташланди,  
Шу қадамда кўтарилдим осмонга.  
Мана, бугун кафтимдадир она ер,  
Нафасимдан қизармоқда ёр юзи.  
Кўзларимда сирли қаср — бу аср,  
Юракларни лол этмоқда юлдузим...

Бор-йўғи тўрт байтдан ташкил топган бу шеърда тўғри фикрлар айтилган-у, бироқ конкрет поэтик образ йўқ, қалбларни тўқинлантирадиган жозибали ташбеҳ кўринмайди. Назаримда, Эркин Неъматов ўз олдига улғувор поэтик

вазифани қўймаган, Ленин ҳақидаги мулоҳазаларни қофиялаштириб берсам, шеър тугилаверади, деган ниятда иш тутган. Оқибатда, образ мантиғи устида ҳам жиддий ўйлаб ўтирмаган. Айтилик, у асрни сирли қасрга қиёслайди, аммо асрнинг нималари билан сирли қасрга муштарак эканлиги тўғрисида бор қотирмайди. Шеърда «менинг асрим», «менинг юлдузим» дейилади, бироқ кимнинг қандай асри, қандай юлдузи ҳақида сўзланаётганини идрок этолмайсиз. Ҳар бир одам «менинг асрим», «менинг юлдузим», деб айтишга ҳақли, лекин муайян шахс, ҳар бир инсон ўз асри, ўз юлдузини ўзича тасаввур этади, ўзича тушунади. Қаҳрамоннинг мана шундай ўз тушунчаси, ўз тасаввури поэтик образга сингдирилмасе етук шеър ёзиш мумкин эмас. Яна шуниси борки, ўша тушунча, ўша тасаввур замон ҳақиқати, давр руҳини ўзига хос йўсинда ифодалаб, китобхонлар оммасининг онгу тафаккурини бойитадиган даражадаги мазмунига эга бўлиши лозим.

Эркин Неъматов ҳам Шамси Одил ёки Барот Исроиел сингари масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олмайди. У бир шеърда япроқ «кўёш нурин юзга беркитиб, чирт узилиб тушади бир кун. Она ерни ўпади бориб, ўз кафтида тутгани учун» деса, иккинчисида «Эй, Инсон, меиндан сўрама олтин. Олтин сенинг пойингда, заминдир унинг оти», учинчисида «Инсон ҳаётини ардоқлар замин, унинг ҳаёти ҳам одамда, ахир!» деган аслида тўғри, эътироз тўғдирмайдиган, бироқ шоирнинг ўзи кашф этмаган бошқа ижодкорларнинг шеърларида юзлаб, минглаб марта такрорланган ғояларни баён этадики, бу йўл билан чинакам шеър яратиш асло мумкин эмас...

Шуниси ачинарлики, Мўхаммад Али сингари шеърят «тилли»ни яхши биладиган, ўзи бирқанча салмоқли асарлар яратган шоирлар ҳам муросасозлик қилиб, ҳотамтойлик билан истеъдодсиз қаламакшларни истеъдодли, бўш, нурсиз машқларини эса баркамол деб келмоқдалар.

Борди-ю, биргина Мўхаммад Али шундай муросасозлик қилса, фақат Шамси Одил ва Эркин Неъматов заиф шеърларни дўндириб ташлаётган бўлса, бу ҳақда махсус тўхталиб, алоҳида мулоҳаза юритишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмасди. Афсуски, бу ҳол адабиётимизда кўплаб учрамоқда.

1985 йилда Фозилжон Иминовнинг «Ҳовуз бўйида райҳон», Эрмат Нуратовнинг «Яхшилик», Темур Норбеннинг «Ошиқлар кўприги» тўпламлари босилиб чиқди. Тўпламларнинг номи яхши, уларнинг муаллифлари ҳам яхши ният билан қўлга қалам олганлигини инкор этиб бўлмайди. Лекин баркамол асар яратиш учун яхши ниятнинг ўзи етарлими!

«Ҳовуз бўйида райҳон» тўпламидаги биринчи шеър шундай сатрлар билан бошланади:

Октябрь, Октябрь, Буюк Инқилоб,  
Одил ҳимматинга олам келур тор...  
Мазлумлар бағрига ўт берган офтоб,  
Сенга олқиш бўлсин токи кўёш бор!

Мазкур сатрлардаги бирорта фикргагина эмас, балки шу фикрларнинг шеърый шакл талабига биноан баён этилишига ҳам эътироз билдиролмайсиз. Ҳа, Октябрь инқилоби буюк инқилоб, унинг ҳимматига олам тор келади, у мазлумлар бағрини ёритган, уни абадул абад олқишлаш керак. Ҳа, Октябрь инқилобини ҳар қанча олқишласанг, мадҳ этсанг озлик қилади, аммо ҳар бир ижодкор ўз сўзлари, ўз оҳанглари, оригинал сатрлари билан бу ишни бажариши лозимки, Фозилжон Иминов бундан беҳабар қаламакш сингари мулоҳаза юритади. У ўнлаб, юзлаб шеърларда айтилган фикрларини бир оз ўзгартириб такрорлайди, бирорта янгилик кашф этмайди... Фозилжон Иминов ҳаммамиз кўриб-билиб юрган нарсалар, воқеалар, фикр-мулоҳазаларни шеърга «жойлаштириш»ни давом эттираверади. Бир шеърда «Саховатли қишлоғим», «Саодатли қишлоғим» дейди-да, бунинг исботлаш учун шундай ҳукм-хулосалар, кузатишларни ўртага ташлайди: «Кузи тамом бошқача: ҳатто етмиш ёшгача — далада ҳар жонимиз, кийим-кечак номимиз... Деҳқон йиғар ҳаммасин, боғбон узум, олмасин... Улаб тунларни тонга пахта берар Ватанга».

Битта қишлоқда эмас, бутун Ўзбекистонимизда шундай манзарани кўрамиз, бироқ бунинг мавжудлигини айтиш билан чекланмасдан, рўй бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини поэтик воситалар орқали чуқур ёритилганда, бизнинг нигоҳимиздан четда қолган меҳнаткаш халқимизнинг қалб орзулари, дарду ҳасратлари, интилишу изланишлари ҳароратли мисраларга



сингдирилганда, балки етук асар туғилармиди, деб қоласан киши.

Афсуски, «Ховуз бўйида райҳон» тўпламидаги барча шеърларда ҳам ёниқ қалбнинг ёниқ ҳислари, ҳароратли туйғулари, янги кузатишларини сезиб турмаймиз, уларда ранг-баранг, мураккаб, бой ҳаётимизнинг ўзига хос такрорланмас кирралари кўринмайди.

Мен Фозилжон Иминов ёки Шамси Одил, Эркин Нетьматов ёхуд Темур Норбекнинг яхши ният билан қўлга қалам олганига ишонаман. Уларнинг бетиним изланиб интилаётганини ҳам инкор этмоқчи эмасман. Аммо, уларнинг барча хатти-ҳаракатлари, қурби ҳаммага маълум фикр-мулоҳазаларни қофиялаштириб шеърлар битишга, уларни нашр эттиришга етибди-ю, асл поэтик асар яратишга етмабди...

Айрим кишилар шеърни тушунамани, демак: шеър ёза оламан, деб ўйлашади. Бу хато. Ижодни тушунининг ўзи уни яратишга имкон бермайди. Ахир, яратиш учун фақат истеъдод ва яна истеъдод керак-ку! Албатта, кимда истеъдод бор, кимда йўқлигини дарров аниқлаш қийин. Баъзан заиф шеърлар ёзиб, сўнгра баркамол асарлар ёзган ижодкорлар бор. Аксинча, дастлаб адабиётга «ёниб-ловуллаб» кириб келиб, кейинчалик «сўниб» кетган қаламкашлар учрайди. Шунга қарамасдан, ҳароратли мисралар битиб, истеъдод учқунларини намоён этган шеърларни сезиш, ҳис қилиш унчалик қийин эмас. Масалан, шеърятга энди кириб келаётган Эшқобил Шукров, Мухаммад Юсуф, Сирождиддин Саидов каби бир қанча ёш шоирларнинг илк машқларидаёқ ўзига хос истеъдод учқунларини кўриш мумкин. Аммо негадир Шамси Одил, Эркин Нетьматов, Фозилжон Иминов сингари қаламкашларнинг аксари изланиш-интилишлари салмоқли барака келтирмаётганини, уларнинг ижодий муваффақиятга эришолмаётганини руй-рост айтишга тортинмайди, ийманамиз, уларнинг олдида аччиқ ҳақиқатни тўкиб солишдан ўзимизни четга оламиз.

Абдулла Қаҳҳор ёзувчи бўлишга даъвогарлик қилган бир кимсага қуйидагиларни ёзганди: «Бу ҳикоянгиз сизда талант борлигини кўрсатмайди, ёзувчиликка ҳавас уйғонганини кўрсатади, холос. Ҳавас ҳаммада ҳам бўлиши мумкин, лекин ҳаваснинг ўзи кишини ҳеч қаёққа элтмайди. Мен, масалан, танбур чертиб, ҳаммани қойил қилгим келади, лекин, начораки, дард бор-у, дармон йўқ... Бошқа иш қилинг. Бошқа ишда муваффақият тилайман».

Шоирлиқни даъво қилувчилар ҳам бу гапларни доимо ёдда тутсалар яхши бўларди. Биз, ўзимиз эса, истеъдодли қаламкашни истеъдодсиздан ажратиш бор ҳақиқатни баралла айтишни асло қанда қилмаслигимиз даркор. Тўғри, кейинги пайтда таниқли мунаққидларимиз билан бирга ёш танқидчиларимиз ҳам шеърятдаги ўртаменачиликка, бракка қарши курашни кучайтирди. «Шеър кўп, аммо шоир-чи!» мақоласи билан Озод Шарафиддинов шу курашнинг олдинги сафарида бораётганини кўрсатди. Иброҳим Ҳаққулов таниқли танқидчимиз мулоҳазалари, ташвишлари асосли эканини бир қанча мақолаларида, ёш шоирлар билан сўхбатлари, бахсларида намоён қилди. Бироқ, бу билан дарров ўзгариш ясаб, ҳамма ерда шеърят равнақини таъминлаш мумкинми! Йўқ, албатта. Усиш-ўзгаришни юзага келтирувчи омиллар, воситалар биз ўйлагандан ҳам мураккаброқ бўлиб, улардан ўрнида фойдаланиш ҳам, уларни ижодий тараққиётга сафарбар қилиш ҳам осон эмас. Айтилик, Усмон Азимов биринчилардан бўлиб, Темур Норбек кўп йиллардан буён шеър машқ қилаётгани, аммо кўзга кўринарли натижага эришолмаётгани ва шунинг учун филология фанлари кандидати сифатида мақолалар, тақризлар ёзса-ю, шеър ёзишдан ўзини тийиб турса, балки бу қаламкаш учун фойдали бўлмасмикин, деган фикрни ўртага ташлаган эди. Бу фикр бирқанча танқидчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Темур Норбек-чи! Ўз адресига айтилган танқидий мулоҳазалар мағзини чақиб, улардан ўзига хулоса чиқариб олдимми!..

Ажабки, бу йил Темур Норбекнинг яна бир янги тўплами нашр этилди. У қуйидаги шеър билан бошланади:

Орзуга етиш ахир эмас-ку осон.  
Лекин қасд қилса албат етишар Инсон.  
Табиятда ҳикмат мўл, кузатгил андак,  
Қара, ерни тарс ёриб кўкараб данак.  
У қобикни ёрмаса, бўлмасди ниҳол.  
Қобикни ёрганларга кулади иқбол.

Мана шу олти сатрдан ташкил топган шеърда айтилган

фикрларни бир жиҳатдан маъқуллаш керак: ҳа, инсон қасд қилиб, изланиб интилса, курашса, ўз орзусига эришиши мумкин, бироқ мазкур шеърда қандай орзу назарда тутиляпти! Қандай инсон ҳақида гап кетаяпти! Ахир, бутун жаҳонга машҳур бўлган Обломов ҳам орзу қилган-ку! Ҳа, Обломовга ўхшаш ўта ялқов, ландавур одам юксакларга интилмайди, деб бўлмайди, аммо улар ўз хоҳишларини амалга оширишлари, амалга ошириш учун уларда на куч, на интилиш (оғизда эмас, амалда интилиш керак!) на курашиш бор. Энди масаланин иккинчи томонига диққат қилайлик. Ер, тупроқ ва меҳнатни бутун вужуди билан севмаган одам ҳақиқий деҳқон бўлишни бир умр орзу қилиши мумкин, лекин бу орзун амалга ошириш жуда мушкул. Темир, пўлатнинг «тили»ни тушунишга қодир бўлмаган одамдан слесарь ёки токар ёхуд инженер етишиб чиқадими!.. Бинобарин, Темур Норбекнинг орзу ҳақидаги ўйлари ниҳоятда умумий бўлиб, уларга аниқлик киритилмаса, уларнинг моҳияти ёритилмаса, бундай мулоҳазалар жиддий эътироз туғдиради.

«Ошиқлар кўприги»даги яна бир шеър «Малаксан, ҳур, кўзимга нур. Кел, муштоқинг эрур Темур!» бошқа бир шеър эса «Сўзингга зор Темурман, гулузорим бўласанму!» деб тугалланади. Майли, Темур Норбек ўзининг темирдай метинлигини, гўзал ёрнинг сўзига зор эканлигини билдирсин, аммо буни англиш орқали давр руҳини, замон ҳақиқатини ёритадиган баркамол поэтик образ яратмаган-ку!

Умуман, «Ошиқлар кўприги»даги баъзи шеърлардан бирикки жонли сатрни топшиш мумкин, лекин «ярқ» этиб кўзга ташланиб, ўзига хос истеъдодни намоён қиладиган етук бир асарни учратолмайсиз. Шунча танқидий фикрлардан кейин ҳам бундай тўплами таяёрлаган шоирга, уни нашр қилишга ҳисса қўшган наشريёт ходимига нима дейишга ҳам ҳайрон бўласиз.

Э. Нурматовнинг «Яхшилик» тўплами хусусида ҳам шундай хулоса чиқариш мумкин. Негаки, ундаги барча шеърларда «Яхшилик, сен билан ини тутиндим, бошимга кўтардим мисоли байроқ. Меҳрингдан умрбод бағрим бутундир, эртам бугунгидан кўра ярқироқ!» ёки «Деҳқон элинг саришта, моҳир ҳосил олишда, ерга зийнат беришда устозсан, устозимсан! Парвозга бургут юртим, усту боши бут юртим, тўши кўк барқут юртим, бошимдаги тожимсан!» сингари ниҳоятда умумий, маъҳум, ҳаммага маълум фикрлар баён этилган. Бутун тўпланда онгу тафаккурингизни жиндак бўлса-да бойтадиган ҳаққоний поэтик образ яратилмаган...

Айни чоғда, Темур Норбек ёки Шамси Одилнинг ўнлаб маънавий «ака-ўка»лари, издошлари, «устозлари»ни танқид қилиб, улар ҳақида кўйиниб гапиришининг ўзи етарли эмас...

Гап наشريётларимиз, газета-журналларимиздаги кўпчилик ходимларнинг кўра-билатуриб истеъдодсиз қаламкашларнинг юзига аччиқ ҳақиқатни айтишдан ўзини четга олаётгани, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётгани ҳақида кетяпти. Тўғри, бу ходимларнинг айримлари Темур Норбек ёки Шамси Одилнинг маънавий-руҳий «иттифоқдошлари»дир. Аммо бадий ижоддаги «оқ»у «қора»ни бехато ажрата оладиган муҳаррирлар ҳам истеъдодсиз қаламкашларнинг «ҳужумлари»га бардош беролмайди, кўра-била туриб ҳашаки асарларнинг босилишига йўл очади. Айтилик, Ф. Иминовнинг «Ховуз бўйида райҳон» тўпламига Шамси Одил муҳаррирлик қилганики, буни табиий деб билмоқ даркор. Аммо Темур Норбекнинг «Ошиқлар кўприги», Э. Нурматовнинг «Яхшилик» китобларига жанговарлик руҳи билан суғорилган поэтик асарлар муаллифи, артидорли шоир — Мирзиз Аъзамнинг редакторлик қилганига ҳайратланмасдан иложингиз йўқ...

Баъзи ўртоқлар, «Бўш асарлар, заиф шеърларни танқид қилиб, уларнинг муаллифларини изза қилиш шартми, ахир! Улар вақтинг синовиға бардош беролмасдан ўз-ўзидан йўқолиб, унутилиб кетади-ку», дейишлари мумкин. Дарҳақиқат, асарнинг сарасини сарага, пучини пучга ажратадиган ҳал қилувчи мезон вақт ҳисобланади. Бироқ, шундай экан, деб истеъдодсиз қаламкашларга кенг йўл очиб берилса, адабий-бадий тараққиётга жиддий зарар етиши аниқ. Гап шундаки, нурсиз, ҳароратсиз асарлар, шакли бор-у, аслида «ўлик» шеърлар ўқувчилар дидини ҳеч қачон ўстирган эмас, ўстирмайди ҳам.

Демак, бизнинг бефарқ бўлишга, мурасасозлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар қандай назмбозлик намуналарига қарши аёвсиз курашимиз керак. Айни пайтда, бу кураш номукамал асарларни танқид қилишдангина иборат бўлиб қолмай,

аксинча, яхши асарларни янада кенг пропаганда қилиш орқали ҳам амалга оширилмоғи мумкин. Ҳолбуки, буларга муносиб баҳо бериш билан ҳам, ўқувчиларимизнинг чинакам шеърятдан назмбозликни ажратиб олишларига кўмаклашган бўламиз. Масалан, Анвар Обиджоннинг баъзи учликлари, бир қарашда, оддий сўзлардан иборатдек туюлади:

Пана жойга беркиниб,  
Паст ташвишда сўкиниб,  
Машқ қияпти мардликни

ёки:

Туйғулари боғдадир,  
Орзулари тоғдадир,  
Узи эса... ҳандақда.

Аслида бу сатрларда поэтик конкретлик бор. Биринчи

шеърда аслида қўрқоқ, ношуд одам бўлишига қарамасдан қаҳрамонлик кўрсатишни умид қиладиган, иккинчи шеърда эса, ўзи пастликларда юриб нуқул юксакликларни забт этишни ўйлайдиган кимсаларнинг қиёфасини кўришимиз мумкин. Йўқ, шунчаки кўрмаймиз, балки ўшандай ношудлар, қўрқоқлар каби «баҳодир» бўлишдан ҳазар қиламиз, ҳандақда ётиб, ҳавойи орзуларга берилиш қулгили эканини яққолроқ сезамиз. Албатта, Анвар Обиджон ҳали катта поэтик кашфиётлар яратгани йўқ. Лекин унинг шеърларида буй кўрсатган истеъдод учқунлари бизда бу шоирнинг истиқболига ишонч туғдиради, бу ишончни қай даражада оқлаш, аввало, шоиримизнинг ўзига боғлиқ. Бизнинг вазифамиз эса, эришилган ютуқ, йўл қўйилган камчиликларни рўй-рост кўрсатиб, чинакам талантларни қўллаб-қувватлаш, аксинча, истеъдодсизлик «касали»га қарши шафқатсиз курашишдан иборатдир. Бўш асарларни баркамол деб мақташ, яхшиларини ёмон деб ҳукм чиқариш ҳам аслида ўзига хос кўзбўямачилик-ку! Кўзбўямачилик эса, ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ҳеч қачон барака келтирган эмас, келтириши ҳам мумкин эмас.





**Бегали Қосимов,  
Нусратулла Жумаев**

## Ўқишга кирмоқчиман...

*«Ёшлик» журнаlining 1985 йил 7-сонида «Охириги қўнғироқдан кейин» сарлавҳали публицистик мақола эълон қилинган эди. Унда ўрта мактабни тамомлаб институт оstonасига қадам қўяётган абитуриентлар, уларнинг олий ўқув юртларида ўқиш учун қай даражада тайёр эканликлари, ниҳоят қабул имтиҳонлари ва бу борадаги айрим проблемалар устида гап борган эди. Мақола журналхонларда катта қизиқиш уйғотди. Редакция улардан юзлаб хатлар олди. Қўп сонли ўқувчиларимиз институт ва абитуриент масаласига қизиқишларини инобатга олиб, «Ёшлик» бу мавзуда бир қатор мақолалар, суҳбатлар эълон қилишни назарда тутмоқда. Филология фанлари доктори Бегали Қосимов ҳамда филология фанлари кандидати Нусратулла Жумаевнинг ушбу суҳбати кириш имтиҳонлари, хусусан иншо проблемасига бағишланган.*

Нусратулла ЖУМАЕВ: Ез ҳам йиғим-терим фасли. Деҳқончиликдагина эмас, маориф-ўқув системасида ҳам. Ҳар йили юз минглаб ўғил-қизларимиз ўрта мактабларни битириб, етуклик аттестатига эга бўладилар. Урта-маҳсус ва олий таълим олган ўн минглаб ёшларимиз эса қўлда диплом билан халқ хўжалигининг турли соҳаларига йўлланма оладилар. Шулар орасида ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар ҳам бор.

Мактабларда адабиётнинг ўқитилиши, жумладан, иншо ҳақида ўтган йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида мақолалар эълон қилинди. «Шарқ юлдузи» журнали давра суҳбати уюштирди. Умуман, бу масалалар фақат бизнинг республикамизда эмас, иттифоқ доирасида ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

Бегали ҚОСИМОВ: Бунинг сабаблари маълум. Бугунги тараққиёт, фан-техника революцияси мактаб ислоҳотини келтириб чиқарди. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми Мактаб-маорифни «ривожланган социализм жамиятининг шарт-шароитлари ва эҳтиёжларига мос келади-ган сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш» масаласини қўйди. Негаки, «Бугунги кунда мактаб парталарида ўтирган ёшлар шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улғувор вазифаларни ҳал қиладилар». Бинобарин, улар замонавий фан асосларини пухта эгаллашлари билан бир қаторда, гоёвий-эстетик жиҳатдан ҳам баркамол бўлишлари лозим. Бошқача-роқ айтсак, янги замон кишилари унга муносиб бўлишлари керак. Демак, гап янги инсонни шакллантириш устида кетмоқда. Мактаб ислоҳотида ўқувчиларни жамиятнинг муно-сиб граждани қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Бунда эса адабиётнинг роли ва ўрни ниҳоятда каттадир.

Н. Ж. Лекин мана шундай муҳим ва зурур ишнинг ҳозирги аҳволи кишини қаноатлантирадими!

Б. Қ. Бир неча йилдики, университет кириш имтиҳонларида қатнашиб келаман. Гуманитар факультетларда ўзбек тили ҳамда адабиётидан ёзма ва оғзаки кириш имтиҳони топшири-шади, табиий факультетларда эса фақат иншо ёзишади. Статистика нимани кўрсатмоқда! Масалан, бу йил гуманитар факультетининг сиртқи бўлимига дастлаб 461 абитуриент ёзма имтиҳонга кирган эди. Шундан 129 тасигина ўтди. Демак, тўрт абитуриентнинг биттаси ижобий баҳо олган. Оғзакида яна йигирма бештаси йиқилди...

Тўғри, августдаги натижалар нисбатан дурустроқ. 3876 иншо-дан 1622 тасигина «қониқарсиз» баҳоланди. Лекин шунча иншодан атиги тўққизта «5» чиқди. 1387 абитуриент ўзбек тили ва адабиётидан оғзаки имтиҳон топширган эди. 108 таси йиқилди. 36 таси «5» олди. Ёзма ишда гуманитарларга нисбатан табиий факультетларга ҳужжат топширганлар «саводли»роқ бўлиб чиқдилар. Чунончи, гуманитар факультетларда 2900 иншодан «5» — 5 та, «4» — 316 та, «3» — 1070 та, «2» — 1506 та бўлса, табиий факультетларда «5» — 4, «4» — 212, «3» — 644, «2» — 116 тани ташкил қилди.

Сиртқи бўлимга август ойида имтиҳон топширган абитури-ентларнинг савияси ҳам унчалик баланд эмас. 755 иншонинг 382 таси «2»га баҳоланди. «5» чиқмади. Оғзакининг натижалари ҳам шу атрофда. Бундай ҳол кишини ўйлантиради.

Н. Ж. Бунинг сабаби нимада! Программа мураккаблашган-ми, олий ўқув юртларидаги талаб кучайганми ё университетга бу йил бўшроқ абитуриентлар ҳужжат топширишдими!

Б. Қ. Менимча, учаласи ҳам эмас. Тўғри, қатор пред-метларнинг программалари ўта мураккаблашиб қолганлиги, натижада, уларни ўзлаштиришда қийинчиликлар туғилаётган-лиги маълум. Эҳтимол, она тили ва адабиётини ўқитишда ҳам шундай ҳоллар бордир. Лекин, ҳалиги ҳар тўрт абитуриентнинг бири ижобий баҳо олганлигига келсак, уларнинг иншолари ҳам ҳар йилгидек имло ва адабий саводнинг анъанавий мезонлари асосида текшириб баҳоланган эди...

Н. Ж. Дарвоқе, баҳо нормалари қандай ўзи! Методистлари-миз томонидан пухта ишлаб чиқилиб, қатъий жорийга қўйилган асосли бир кўрсатма борми!

Б. Қ. Умуман, методик қўлланмалар, тавсиялар бор. Лекин қатъий жорий расмий ҳужжатни эслай олмайман. Барча



методик қўлланма — тавсиялардаги баҳо ўлчовлари эса умумиттифоқ нормаларига деярли мос. Масалан, иншо ҳар қанча мазмунли ёзилган бўлмасин, ундаги имло-ҳарф (орфографик) хатолар 7 тага етган бўлса, «қониқарсиз» баҳоланади. Ёки иш «5»га баҳоланиши учун мавзу етарли ва атрофлича ёритилган, ифода равшан, услуб раво бўлишидан ташқари, ундаги хатолар бир пунктуацион (тиниш белгилари қўллашдаги) ва бир кўпол бўлмаган механик характердаги орфографик ёки бир пунктуацион ва бир услубий хатодан ошмаслиги шарт.

Умуман, ўзбек тили адабиётининг баҳо нормаларига оид расмий бир ҳужжати бўлиши лозим. Ушандай ҳужжат ҳозирча йўқ.

Бу энди бошқа масала.

Н. Ж. Тўғри, иншолиқнинг савияси тушиб кетиши кейинги йиллардаги процентчиликнинг кўтарилиб (яхши ўзлаштирмаётган ўқувчини синфида қолдирмаслик, ошириб баҳолашлар), талабчанликнинг пасайганлиги, ўқувчиларнинг баъзан қишлоқ ҳўжалиги ишларига узоқ вақт жалб этилиб, программада мўлжалланган материалларни ўтиш ва ўзлаштиришга улгуролмаётганликлари билан ҳам боғлиқ.

Б. Қ. Абитуриентларнинг саводхонлиги қисман тушиб кетишига субъектив факторларнинг ҳам, чамаси, роли бўлди. Ҳар ҳолда, болани хуш ёқадиган сўз эмас, кўпроқ ҳаётий намуна, ибрат тарбиялайди. Қўш уясида кўрганни қилади, деган қадим ҳикмат бор. Боламининг боғчага етаклаб боришдан олдин боғча опанинг кўнглини олишга йўл қидирасак, мактабда байрам олдидан ўқитувчисига совға-саломга пул йиғсак, ўқувчи буни кўрмайдими! Вақти келганда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишга уринмайди! Агар дадаси ўғлининг ёнида институтга кўнгирик қилиб, уни ўқшига киритиб қўйишини бировга тайинласа-чи! Ё бўлмаса, «совхоз директорининг ўғли ўқишга кирмаса, нима деган одам бўлдим», қабилида иш тўтилса-чи!

Н. Ж. Тўғри, боланинг меҳнаткаш ёки танतिक ўсишида, ҳалол ёки мунофиқ бўлишида ота-онанинг роли бениҳоя муҳим. Бошқа бир мисолни олинг. Телефон трубкаси тагида туриб ўғлингизга «Дадам йўқни ўргатсангиз, тарбиясига таъсири бўладими-йўқми!

Болаларини кўчада ўйнатиб қўйиб, уларнинг уй вазифалари билан шуғулланадиган ота-оналар-чи! Текинхўрлик, ўзгалар меҳнати ҳисобига обрў-этибор топишга ўрганиш, аслида, шундан бошланмайдими!

Бизнингча, шундан бошланади. Болага «ғамхўрлик» имтиҳон пайтида янги босқичга кўтарилади. «Вариант»ни энди ўқитувчининг ўзи ишлаб беради. Ахир, уни ечадиганлар бармоқ билан санарли-да. Бола-чи! У тайёр, ечилган масалани (иншони) мутлақо сесканмасдан (уйда доим ишлаб беришар эди-ку) олади-да, кўчириб қўя қолади. Шу тариха, кейинги пайтларда абитуриентлар ўртасида, (баъзан студентлар ўртасида ҳам) шпаргалка оммавий тус олиб кетди.

Б. Қ. Шу ўқувчини кузатишда давом этайлик. У қўлига аттестатни олиб олий ўқув юртига келади...

Олий ўқув юртларидаги кириш имтиҳонларида бу йил қатнашиб кўрдигиз. Айниқса, «ёзма»ни эсланг. Абитуриентлар аудиторияларга таклиф қилиниши билан «сур-сур» бошланади. Ичкарига киргани-ки, ўзини ўртага уради. Ҳозирги, замонавий аудиторияларнинг аксарияти 100—150 ўринли бўлиб, амфитеатр шаклида пастдан юқорига кўтарилиб бормайди, даставвал ҳар қаторига 15—20 киши кетадиган қоқ ўртаси зич тўлади. Кечикканлар уёқ-буйёққа жовдираб, маъусона чет ва олд ўринларга чўкадилар. Кўлинча, биринчи қатор бўш қолади. Уртада қисилиб (қимтиниб эмас) ўтирганларин олдинга ўтказиш эса таклиф-илтимос билан деярли мумкин бўлмайди. Мана шу сур-сурнинг бошида туриб аудиториянинг ўртасига интилган абитуриент — бизга таншиш ўша ўқувчи. У ахир, чиқадиган вариантга қараб қўни-қўнжидаги шпаргалкаларни тартибга келтириши, кераклисини топиб, бемалол ва эркин кўчириши учун шароит керак-да. Аудиториянинг қоқ ўртасида шпаргалкадан ҳузур қилиб кўчираётган абитуриентни имтиҳондан чиқариб юбориш учун айбини бўйнига қўйиш — шпаргалкасини олиб, ёзган иншоини унга солиштириб чиқиш ва асос етарли бўлгандан кейингина жазолаш мумкин. Ҳар икки томонида саккиз-ўнтадан бола ўтирган абитуриентнинг ёнига бориб, айбини бўйнига қўйиш деярли мумкин бўлмаган ҳолдир.

Н. Ж. Ташвишланарли жойи шундаки, шпаргалка, биринчи-

дан, оммавий тус олмақда. Иккинчидан, бу билан шуғулланадиган, шунинг ҳисобига тирикчилик қиладиган, текин даромад орттирадиган кишилар пайдо бўлмақда. Хусусан, кейинги тўрт-беш йил ичида гугурт кўтис ҳажмидаги тўғри тўрт бурчакли ёки жажжи телефон ён дафтари шаклидаги букланадиган фотошпаргалкалар кўпайиб кетди. Июлнинг сўнги ҳафтасида студентлар шаҳарчасига йўлингиз тушган бўлса, хиёбонлардан секин ёнингизга чиқиб келиб, «а-нундан керакмасми!» деб қулоғингизга шипшийдиган ва битта эмас, ўн та эмас, фабрикадан ҳозиргина чиққандек боғлам-боғлам текис-бежирим иншо карточкаларини пуллаб юрган корчалонларга дуч келгандирсиз. Улардан фойдаланишнинг методи кўрсатмаси йўқ, холос. [Ҳар ким шароитдан келиб чиқиб фойдалансин, демоқчидир-да!]. Қолгани ҳаммаси жойида. Тематика — ўша, «Ўқитувчилар газетаси»да ҳар йили эълон қилинадиган ва бир-биридан унчалик кўп фарқланмайдиган тематика. Деярли, ҳаммаси қамраб олинган. Тўғри, имло хатолари анча кўп. Масалан, пахта ҳақидаги «Ноннинг ўзи ризку рўз бўлмайди», — деб бошланадиган бир эркин темадаги фотоиншонинг дастлабки жумласидаёқ иккита кўпол орфографик хатога йўл қўйилган...

Б. Қ. Ҳаммасида ҳам хато кўп деб бўлмайди. Айримлари жуда профессионал, саводли ёзилган. Масалан, «Мен севган адиб» деган эркин мавзудаги Абдулла Қаҳҳор ижодида бағишланган бир фотошпаргалка бор. «Само тўла юлдузлар, Нур таратиб порлайди. Шулардан бири мени Ўз бағрига чорлайди», деган тўрт қатор шеър билан бошланади. Иншода П. Қодировнинг адиб ҳақидаги мақоласидан иқтибос олинган бўлиб, адабиётга ёшлигидан ҳавас қўйган, Абдулла Қаҳҳорга жуда катта меҳр боғлаган ўсмирнинг хотира ва таассуротлари, ўйлари асосига қурилган иншо жуда жонли, таъсирли ёзилган. Унга дастлаб дуч келганимизда, рост хурсанд бўлиб кетганмиз. Лекин кетма-кет чиқа бошлагач, ҳафсаламиз пир бўлган. Дафтарлардан бирининг орасидан эса иншонинг асп нусхаси — фотошпаргалканинг ўзи чиқиб қолди. «Черновик» ўрнига топширган-да, деб кулишдик.

Ҳа, одамни ўйлатиб қўядиган ҳол. Негаки, ўша абитуриент бу нарсани иснод деб билмайди. Ундан ҳазар қилмайди. Аксинча, уни оддий, нормал ҳодиса деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у қандай бепарво кўчирган бўлса, шундай бепарволик билан топширган. Бу — жуда ҳам аянчли ҳол.

Бу йил ҳуқуқшунослик факультетининг сиртки бўлимида кириш имтиҳонлари кетарди. Чап қанотда икки-уч бола, ичкарида бир қиз шпаргалкани кафтига қўйганча осойишта кўчиради эди. Иззат-нафсингизга тегади, албатта. Шартта бордиму дафтарини олиб, қўлидаги шпаргалкасини талаб қилдим. Бермади. Уридан тураётди, ғижимлаб стол тагига ташлади. Атрофдагиларни бесаранжом қилиб ўтиришни эп кўрмадим. Биринчи қаторга ўтқазиб, ёзма ишни давом эттириши мумкинлигини айтдим. Фамилияси — Полвонова, исми — Ҳабиба. Навоий шаҳар судида ишлар экан. Бир оз «оҳ-воҳ» қилди.

— Сиздан жуда одил ҳакам чиқса керак-а!! — Кесатгандек бўлдим.

— Нима қипти, ҳамма кўчиради, — мутлақо лоқайдлик билан жавоб берди у. Чиқариб юбормаганимга сўнг афсус қилдим.

Н. Ж. Ҳа, афсусланадиган ҳол.

Б. Қ. Худди шу аудиторияда юз берган бошқа бир ҳодиса:

Абитуриентлардан бири кечикиброқ келди. Мавзу эълон қилинган. Иккинчи қаторга ўтқаздик. Имтиҳон варақасини олиб, дафтар бердик. Исми шарифи Зиёнолов Оқилхон экан. Нима қилишини тушунирдик. Қўлида «Жиули»нинг калити, чор-атрофга аланг-жаланг қилганча ўйнаб ўтираверди. Сўнг бирдан безовталанишга тушди. Қўл кўтариб, кўнгли беҳузур бўлаётганини айтди. Чиқиб келишга руҳсат сўради. Тошкент шаҳар Октябрь район ички ишлар бўлимида ишлашини маълум қилди. Кўп ўтмай, навбатчи врач ва ҳамшира айланиб келиб қолишди. Ҳалиги абитуриентга хабар берганди, аҳволи бутунлай яхшилигини, ҳеч қандай тиббий ёрдамга эҳтиёжи йўқлигини билдирди. Имтиҳон давом этарди. Ногоҳ шергим [тартибга кўра ҳар аудиторияда иккитадан ўқитувчи бўлиши керак] абитуриентлари бир айланиб келди-ю, узун буклама шпаргалкани ғижимлаб столга иргитди:

— Мана, ҳалиги касалингизнинг тузалиши шундан экан. Энди бошлати. Қаттиқ танбеҳ бердим. Чиқариб юбормайлик.

Кўп йиллик стажга эга, капитан экан. Бунақа, тажрибали, деярли тайёр кадр қаёқда.

Рози бўлдим.

Имтиҳон яримлаган ҳам эдики, аудиторияни айланб юрган шеригим бирдан тажарг ҳолда ёнимга югуриб келиб деди: — Ҳалиги «тажрибали» «касал» абитуриентимиз «Домла, бир одамгарчилик қилинг энди, иншо чала қолмасин. Боягини келтириб беринг», деяпти...

Ҳам куласан, ҳам куясан.

Н. Ж. Бир вақтлар буклама шпаргалкалар расм эди. Лекин онда-сонда учрарди. Энди унинг сифати ҳам, техникаси ҳам ўзгарипти. Наҳотки, унга муносабат ҳам ўзгарган, бугунги авлод ундан ҳазар қилмай қолган бўлса. Полвонова Ҳ. деганингизнинг гапи ўйлатиб қўяди.

Б. Қ. Мен уни августда яна учратдим. Энди у кундузгига топширган экан. Езмадан ўтипти. Оғзакида йиқилди.

Н. Ж. Демак маълум даражада баҳолар абитуриентнинг билимига эмас, шпаргалка авторининг савиясига, янада тўғрироғи ундан кўчирувчининг маҳоратига қўйилаётган эканда! Профессинал ёзилган шпаргалкалар янада ташвишли, негаки, нопок ишга пок кишилар қўл ураётганидан нишона. Энг ачинарлиси, баъзан тиришқоқ абитуриентлар қолиб, сиз айтмоқчи, иншосининг асл нуҳаси шпаргалка бўлган саводи кам абитуриент студент бўлиб қолмоқда. Шундай эмасми!

Б. Қ. Бизда университетда илгарироқ айрим тилшунослари-мизнинг ташаббуси билан 1-курсда диктант ёзириб кўриларди. Гоҳо мажлисларда ундан «2» олганларнинг салмоқли рўйхати ўртага тушиб қоларди. Қолаверса, одатий имтиҳонларда аудиторияни бир айланиб келсангиз, парта остида уйилиб қоладиган қоғозларга, ҳатто, муаллифларнинг дастхати билан тақдим этилган ноёб китоблар, дарсликлардан аёвсизлик билан йиртиб олинган, фойдаланиб ташлаб кетилган варақларга кўзингиз тушади. Бу, шубҳасиз, ўша бизга таниш собиқ абитуриентдан қолган излар бўлади. Таассуфки, бу қатлам кўпайиб бормоқда.

Н. Ж. Ҳа, «шпаргалка» деган гап барча маънавий-ахлоқий оқибатларидан ташқари, саводнинггина эмас, фикрлашнинг ҳам йўқолишига олиб келади. Бу йил иншо текшириш пайтида ажабтовур «кашфиётлар»га дуч келдим:

«Ғайратул аброр»,

«Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,

Агар мен одам ўлмасам, ушбу басдур».

Юқоридаги аҳвол абитуриентнинг кўчираётган нарсасининг маънисига етмаганлигидан келиб чиққан. Бас, шундай экан, шпаргалкалардан фойдаланишнинг имконини йўқотиш йўллари йўқми? Чунки шпаргалкага чек қўйилмагунча абитуриентнинг имло ва адабий саводида, балки умумий маърифатида бирор жиддий ўзгариш бўлишини кутиб бўлмайди.

Б. Қ. Биз бу йилги тажрибадан келиб чиқиб, қабул комиссиясига қуйидаги таклифларимизни айтдик.

1. Талабчанлик ва назоратни кучайтириш.

2. Назорат учун ноқулай, узун қаторли, кўтарма аудиториялардан воз кечиб, икки ўринлик столлар қўйиладиган ўқув залларига ўхшаш жойлардан кенг фойдаланиш.

3. Шпаргалка ва унинг ўрнини ўтовчи нарсалардан фойдаланган ҳар бир абитуриентни сўзсиз ва истисносиз имтиҳондан маҳрум қилиш. Бу ҳақда улар ўқиган мактабга ҳамда иш жойига ёзиб юбориш.

4. Текшириш давомида иккита бир хил иншо чиққудай бўлса, ҳар иккаласининг ҳам баҳоларини пасайтириш.

Н. Ж. Булар имтиҳон қондаларида илгари йўқмиди!

Б. Қ. Имтиҳон ўтказиш тартиблари ҳақидаги расмий ҳужжатларда буларнинг кўпчилиги қай бир даражада акс этган эди. Лекин бажаришга келганда, унчалик ҳам эътибор қилинавермасди.

Н. Ж. Булар масаланинг битта, абитуриент билан боғлиқ томони. Энди имтиҳон оладиган ўқитувчини олайлик. У — фарштами! Алифни калтак дея олмайдиган баъзи ношуд абитуриентларнинг турли ҳаром-ҳариш йўллари билан олий ўқув юртига жойлашиб олишида имтиҳон олувчининг айби йўқми! Уқишгаки қинғир йўл топа олган бундай абитуриентнинг [тўғрироғи, ҳолийсининг] уни муваффақият билан битиришига [аниқроғи, битиртиришига] ва ўқишга тўғри йўл билан кириб, яхши тугатган қобилиятли мутахассисга нисбатан обрўйроқ, эътиборлироқ, истиқболлироқ бир ишга ғоят осонлик билан

жойлашишига [жойлаштирилишига] ким шубҳа эта олади!

Б. Қ. Тўғри, саводхонликнинг нисбатан пасайиб кетишида шунингдек, имтиҳонларда йўл қўйилган айрим адолатсизликларда ҳам биз, ўқитувчиларнинг маълум айбимиз бор. Буюк Маркснинг «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи зарур», деган фикри ҳозир ҳам ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Пора олиб қўлга тушган, шилқимлиги ёки ароқхўрлиги билан бадном бўлган «домла»лар ҳозирда ҳам ҳар бир институтда озми-кўпми топилади.

Иккинчидан, таниш-билиш деган гаплар ҳам кенг томир отган эди. Шу жиҳатдан қараганда, ТошДУда тажриба қилиб кўрилатган, болалари бу йил мактабни битирган ўқитувчиларнинг қабул имтиҳон комиссиясига киритилмаслиги, ўйлашмики, яхши бўлди.

Учинчидан, олий мактаб ўқитувчилари орасида ҳам саводи [асосан, имло саводини кўзда тутяпмиз] бундайроқлари йўқ эмас. [Домлалардан ҳам бир иншо олиниб текширилса, у қадар яхши манзара бўлмаслиги аниқ].

Университетнинг бу йилги қабул имтиҳонларида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ходимлари ҳам иштирок этдилар. Менимча, бу яхши бўлди. Ва бу тажрибани давом эттириш керак. Негаки, университет гарчи, асосан, педагогик кадр тайёрласа-да, педагогик институтлардан фарқли ҳолда илмий тадқиқот малакаларини ҳосил қилишга — махсус курс, махсус семинарларга, курс ва диплом ишларига, манбашунослик ва матншуносликка махсус ва кенг ўрин ажратади. Масалан, ТошДУ ўзбек филологияси факультетида II курсдан бошлаб «Илмий тадқиқот асослари» деган махсус курс ўтилади. Хуллас, университетда биргина ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси эмас, умуман кенг маънодаги филолог мутахассислиги бўйича кадр тайёрланади. Шу жиҳатдан, факультетимиз филологик йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари учун ҳам мутахассис етказиб берувчи муҳим базадир. Бинобарин, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимларининг бўлажак филолог кадрларни танлаб олишга жалб этилиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Қолаверса, умуман, объективлик нуқтаи назаридан ҳамда университет қабул ишларининг ошқора жорий тартиб ва қондаларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтишини чет, ҳолс вакиллар гувоҳликларида кузатиш ҳам фойдали бўлди. Эҳтимол, улар матбуотда ҳам ўз фикрларини айтарлар.

Н. Ж. Яхши, яна бир гап.

Бир йили шундай воқеа юз берди. Тошкент Халқ хўжалиги институтидаги бир абитуриентнинг иншосини сурштириб беришга тўғри келди. Уни ўқувчилигидан билардим. Ҳар қандай юксак талаб қўйилганда ҳам, «4»дан кам олмаслигига ишонардим. У эса «3» олиб қайтди. Апелляция комиссиясига ариза ёзиб ишни кўришга руҳлат олдик. Хонада бизга ўхшаш даъвогарлар кўп. Ваҳоҳатида хайрхоҳликдан кўра зўравонлик кўпроқ сезилиб турган мутахассис домла [предмет комиссиясининг раиси бўлса керак] қўйилган ҳар бир баҳони истеҳзоли бир димоғдорлик билан тасдиқлар, абитуриент йигит-қизлар эса ўз иншолари ҳимоясида бирор сўз айтишдан батамом ожиз эдилар. Иншони аввал ўзим ёлғиз, осойишта ўқиб чиқишга, сўнг мунозарали ўринларни таҳлил қилишга келишим. Саҳифалар топ-тоза. Лекин кўп жумлалар тагига қизил чизилиб, «стиль» чиқарилибди. Диққат билан ўқиган сари, кўнглим ёришиди. Қизил чизилар ҳам, «стиль» хатолар ҳам нотўғри эди. Эҳтимол, атайлаб қинғир ният билан қилингандир — унисини айтолмайман. Хуллас, деярли ҳар бир «стиль» устида баҳслашишга тўғри келди. Масалан, бир ўринда абитуриент Ойбек ижодидаги такомил босқичлари ҳақида сўз юритган, текширувчи эса унинг ҳам тагига чизиб-чизиб, хато чиқарган эди. Тасаввур қиласизми, «мутахассис» домла билан Ойбек ижодида ўсиш босқичлари бўлганми-йўқми деган масала устида узоқ тортишишга тўғри келди. Хайриятки, апелляция комиссияси раиси Талъат Саъдуллаевнинг хайрхоҳлиги ва принципиаллиги бизга мадад бўлди. Ҳақиқат тикланди. Иншо баҳоси «4»га кўтарилди. Абитуриент ўқишга киришга муваффақ бўлди. Мен, албатта, Т. Саъдуллаевнинг «Адолат бор экан, деб кетадиган бўлдингиз-да, ука», — деган самимий сўзларини миннатдорлик билан эсламан. Лекин айтинг-чи, нима учун оддий ҳақиқатга биз шунчалик қийинчилик билан эришишимиз керак. Наҳотки, ҳар бир абитуриентнинг чинакам баҳосини аниқлаш учун четдан бир адвокат



еллаш лозим бўлса. Юқоридаги ҳодиса баъзи олий ўқув юртларидаги айрим имтиҳончиларнинг ишини шубҳа остга қўймайди!

Б. Қ. Йўқ, менимча, қўймайди. Сиз келтирган факт кўнгилсиз, албатта. Лекин типик эмас. У ҳар замонда бир учраб қоладиган ғайриодатий ҳоллардан. Иккинчидан, мен уни атайин эмас, билим ва ихтисослик малакасининг пастлиги туфайли йўл қўйилган хато деб ҳисоблашга мойилман. Биздаги брак маҳсулотнинг бир қисми шу бўлади. Ва у ҳам ишлаб чиқаришдаги сингари маълум процентни ташкил қилади. Тўғри, бу брак маҳсулотнинг етказган зарарини пул билан ҳисоблаб бўлмайди. Шу маънода, унинг асорати жуда оғир.

Конкрет юқоридаги фактга келадиган бўлсак, бу нарсанинг олдини олиш тадбирлари, умуман олганда, ўйланган. Масалан, қўйган баҳоси ўзгартирилган ҳар бир ўқитувчи, умумий қондага кўра, тушунтириш хати ёзиши ва муайян маълумий жазо олиши лозим. Ҳамма гап кўрсатмаларга қатъий амал қилишда. Шуларга қарамасдан, ҳалигидай ҳодисалар учраб туради.

Масалан, бу йил июнда — сиртқи биринчи потокда сирдарёлик Бектемиров Жумабой деган бир абитуриентга қўйилган «2» баҳосини апелляция комиссияси «3» қилди. Абитуриентнинг ўз аризаси билан! Бошқа киши аралашгани йўқ. Ўқитувчи чиқарган олтита ймло-ҳарф хатосидан иккитасини қисқартиришга тўғри келди. «Саёз фикрланган» (!) деган тақризнинг ўзини тахрир қилди. Августда апелляция комиссияси самарқандлик Нормуродова Нилуфарнинг баҳосини асоссиз ҳисоблаб, ўзгартиришни лозим топди. Оғзаки имтиҳонда у ўзини тўла оқлади — «5» олди, ҳозир яхши кўрган факультети — ўзбек филологиясида ўқияпти. Бундайлар, ҳар ҳолда, кўп бўлмаса-да, бор.

Н. Ж. Дарвоқе, апелляциянинг ўзи нима!

Б. Қ. Маъно-мазмунига кўра, шикоятга доир деган тушунчага тўғри келаркан. Апелляция комиссияси абитуриентнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи комиссия. Масалан, бир абитуриент қўйилган баҳодан норози бўлди. У ўша кунидека апелляция комиссиясига мурожаат этади. Масалани атрофлича ўрганиб, баҳони нотўғри, асоссиз қўйилган деб ҳисоблашга ҳақ бўлса, қабул комиссиясига маълум қилади. Шундан сўнг, баҳони ўзгартириш ҳақида гап кўтариллади. Ва қабул комиссияси у ҳақда қарор қабул қилади. Бироқ ташкилий ишлардаги айрим камчиликларимиз туфайли ҳамма жойда ҳам бунга қатъий амал қилинапти, деб бўлмас. Ҳозирда, менимча, апелляция комиссияларининг суянадиган на илмий-методик, на расмий-юридик асоси йўқ. Шу сабабли, баҳо ўзгартиришларнинг кўпчилиги субъектив — эмпирик амалга оширилмоқда.

Бунинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, «баҳо нормалари» лозим. Лоақал, ўша олий ўқув юрти доирасида ҳар йили май ойида она тили ва адабиётдан ёзма ҳамда оғзаки имтиҳонларнинг баҳо нормалари — илмий-методик совет томонидан тасдиқланб, қонуний, расмий ҳужжатга айлантирилиши ва у предмет комиссияси қаторида апелляция учун ягона асос бўлиши лозим.

Иккинчидан, апелляция комиссиясининг ваколат ва ҳуқуқлари расман белгиланиши керак.

Учинчидан, ўзгарадиган ҳар бир баҳо атрофлича муҳокама қилиниши ва табиийки, оқибатсиз қолдирилмаслиги лозим. Имтиҳон олган ўқитувчи томонидан йўл қўйилган камчиликнинг характери, сабаб-моҳияти ва ўқитувчининг профессионал тайёргарлиги ҳам диққат марказида туриши лозим.

Булар — масаланинг олий ўқув юрти билан боғлиқ томони. Абитуриентга қайтайлик. Апелляциянинг қабул комиссиясида муҳим, зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлаган ҳолда, шунинг ҳам айтишини истардимки, бугунги абитуриент ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан «батамом ожиз» эмас. Мен ҳам Сизга бир мисол айтмай. Бу воқеа шу йил юз берган. Апелляцияга Шерали Ашуров деган йигит ариза топширган экан. «Қатъиятлик — совет кишиларига хос фазилат», деган мазҳақ иншо ёзибди. Ишда илмовий хато у қадар кўп эмас — 5 тава, услубий ғалзлик кўп. Абитуриент сўзларининг ўзаро

муносабати қоидаларини кўпда бузади. Сўзларни нотўғри қўллайди. Тушунтириб бўлмади. Кўчирма гаплардаги хатоларида эса ошкора демагогликка ўтди. «Мен кўрган китобда худди шундай ёзилган», — деб туриб олди. Апелляторни ҳам, предмет ва апелляция мутасаддиларини ҳам чарчатди. «Апелляция деганининг апельсинча ҳам қиммати йўқ. Ҳукумат бекорга сизларга пул тўлайди», — деб эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Н. Ж. Шундай пайтларда Чернишевскийнинг машҳур гаплари эсга тушади: «Инсон том маънода маълумотли бўлмоғи учун унга уч хислат — чуқур билим, фикрлаш кўникмаси ва олижаноб тўғуллар зарур. Кимдаки, билими назар экан, у назокатсиз бўлади; кимки мулоҳаза юритиш одатидан маҳрум экан, у дағал ёки бефаросатдир; кимдаки олижаноблик тўғуси бўлмаса у бемаъни одамдир».

Таълим сўзи деярли ҳамisha тарбия сўзи билан қўшиб ишлатилади. Таълим-тарбия деймиз. Бежиз эмас. Лекин орфографиямизнинг ўзида ҳам баҳсли, ҳал қилинмаган масалалар кўп-да. Бу илмий жамоатчиликка маълум. Абитуриентлар йўл қўядиган хатоларнинг кўпчилиги эса гоҳо ўша чалкашликлар оқибатида келиб чиқади. Масалан, «х» билан «ҳ» нинг жуда кўп сўзларда белгили ё белгисиз ёзилишини абитуриентлар у ёқда турсин, айрим ўқитувчилар ҳам аниқ ажратолмайдилар. Бу нуқсон матбуот саҳифаларида ҳам, босилиб чиқаётган китобларда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Иншоларда бу хатонинг минг мартабала такрорланиши тайин. Лекин унинг ҳаммасини йигиб битта типик хато ҳисоблаш керакми ё ҳар бирини алоҳида чиқариш керакми! Мураккаблик шунда. Азбаройи абитуриентга раҳми келганидан, кўпчилик уни битта типик хато ҳисоблагиси келади. Бир қарашда, бу асослидай туюлади. Гўё абитуриент битта нуқсонга йўл қўяди, яъни «х» билан «ҳ»ни фарқлай олмайди, холос. Бундай хулоса иншо баҳосини абитуриент фойдасига ҳал қилади. Бироқ, нима учун у «ҳар», «ҳамма» сўзларида бу ҳарфларни фарқлайди-ю, «хиёнат», «ҳақиқат» сўзларида фарқлаёлмайди! Бу ҳол «х» билан «ҳ»ни ажратаолмаслики битта типик хато сифатида белгилашга монелик қилади.

Айрим ўқитувчилар бу хатонинг миқдорини ўзакдош сўзларда учрашига қараб (бир ўзакдан ясалган нечта сўзда учраса ҳам, битта хато ҳисоблаш) белгилаш тарафдори. Бу ҳам тўғри эмас. Чунки ўзак — морфологик бирлик. «Х» ва «Ҳ» эса фонетик бирлик. «Х» ва «Ҳ»нинг тўғри-нотўғри ёзилиши ўзакка боғлиқ эмас.

«Х» ва «Ҳ»ни фарқламаслики ҳар бир сўзда битта хато ҳисоблайдиган бўлсак (ҳолбуки, бу нуқсон бир сўзнинг ўзида уч-тўртталаб учраши мумкин), шу битта хатонинг ўзи туфайли кўпгина иншоларга, мазмундан қатъий назар, «2» қўйишга тўғри келади. Бу мураккабликни қандай бўлмасин, ҳал қилиш ва баҳо нормаларига аниқлик киритиш керак бўлади.

Шунингдек, «олижаноб», «хайрхоҳ», «қатъий назар» каби сўзларни хато тарзда «олийжаноб», «хайрихоҳ», «қатъий назар» шаклида ёзилаверади. Бу сўзларни баъзи ўқувчилар, матбуот ва нашриёт ходимлари ҳам хато ёзадилар. Ҳўш, абитуриент иншоюда учрайдиган бундай хатоларни ҳисобга олиш керакми-йўқми!

Услуб-чи!..

Б. Қ. Тўғри, чалкаш масалалар кўп. Ва буларнинг деярли ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. Лекин бир нарса аниқ. Фикрлар ўртага тушса, ҳақиқат ойдинлашади. Аммо бунинг учун фикр очик, рўй-рост бўлиши керак.

Н. Ж. Чиндан ҳам, камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун илмий-педагогик коллективлар, қолаверса, бутун жамоатчилик жиддий ҳаракат қилмоғи лозим. Илмомиз ҳақида, ёшлар — келажак тақдирга доир барча муаммолар юзасидан баҳсу мунозаралар тинимсиз давом этмоғи керак. Шундагина, чалкашликлар ўз ечимини топиб боради. Тегишли ваколатли ташкилотлар ҳам ҳал қилинган муаммолар юзасидан аниқ-қатъий қарорлар, тадбирлар қабул қилиб, уларнинг ҳаётга жорий қилинишини таъминласалар, айни муддао бўларди.





Шокирали Нуралиев

# ОЛАМ ШУМУЛ «ТЎҚҚИЗ ПРОЦЕНТ»

Биз коммунистик меҳнат ғалабасига эришамиз.

В. И. ЛЕНИН

## Муқаддима



деҳқоннинг меҳнати завод ишчисининг меҳнатидан фарқ қилишини биласиз. Аммо бу фарқ деҳқоннинг меҳнати агротехникага, ишчининг меҳнати технологияга асосланишидагина эмас. Фарқ, биринчидан, даланинг томи йўқлигида, расмий тил билан айтганда, қишлоқ хўжалиги табиат инжиқликларидан ҳали лозим даражада (ҳар қалай, саноатдагича) муҳофаза қилинмаганида. Иккинчидан, деҳқон ишчи сингари ҳар куни эмас, бир йилда

бир марта, ортиб кетса йилда икки-уч марта хирмон кўтаради. Ана шу икки жиҳат деҳқон меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишда ҳар доим ўзига хос мўрақабчиликлар келтириб чиқарган, ҳозир ҳам шундай.

Уйлаб кўринг: агар деҳқонга ҳам худди ишчига бўлгани сингари тайёрлаган маҳсулотига қараб ҳақ тўлайман, десангиз, унда бир йилда бир марта, кўп деганда икки-уч марта ҳисоб-китоб қилишингизга тўғри келади. Унда деҳқон рўзгорини тебратишга қийналиб қолиши, умуман олганда, савдо-сотик сушлашиб кетиши мумкин. Энг ёмони — деҳқон, айтайлик, қиш, баҳор, ёзда астойдил ишлаб, кузга келганда табиатнинг бир қалтис ҳазили туфайли йил бўйи қилган меҳнатига қуйиб қолиши мумкин. Хўш, деҳқоннинг манфаати озор топмаслиги учун нима қилиш керак!

Тафсилотларга берилмай айтадиган бўлса, бу масала дастлаб қуйидагича ҳал қилинган эди: даладаги ҳар бир иш турига норма белгиланган, ана шу нормага қараб ҳақ тўлаш йўлга қўйилган эди. Бу усул ишбай ҳақ тўлаш усули деб аталарди. Бироқ, ҳар қандай янгилик ҳам вақти келиб эскириши мумкин. Ўз даврида янгилик бўлган ишбай усули кейинчалик иш бермай қолди. Гап шундаки, кейинчалик, айниқса, КПСС Марказий Комитетининг тарихий март пленуми (1965 йил)дан кейин қишлоқ хўжалигида катта ўсиш-ўзгариш юз берди. Тармоққа материал-маблағ сарфлаш кескин кўпайтирилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мелиорациялаш, химиялаш жадаллашиб кетди. Зонал планлаштириш, ишни дала шароитидан келиб чиқиб нормалаш, маҳсулот харид нархларини зоналарга қараб белгилаш сингари бир қанча иқтисодий-ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Хуллас, далага том қурилмаган бўлса ҳам, энди ҳар қалай, деҳқоннинг табиатга қарамлик даражаси анча пасайди. У етиштирадиган ҳосил тайин бўлиб қолди. Лекин меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби эскилигича қолаверди. Шу сабабли деҳқоннинг хатти-ҳаракатида айтарли ўзгариш бўлмади. У ҳосил ҳақида ҳануз кам ўйлар, фикри-ёди кундалик нормани кўпроқ бажариб, кўпроқ ҳақ олишда эди. Бу иш сифатига салбий таъсир этмай қолмас, сифатни назорат қилиш эса, иш миқёслари ниҳоятда кенгайиб кетган бир шароитда жуда қийин эди. Қарабсизки, сарф-харажат тегишли қайтим бермай қолди. Натижада деҳқоннинг моддий манфаатдорлигини кундалик нормани қанча, қандай бажарганигагина эмас, айни пайтда қанча ва қандай ҳосил етиштирганига ҳам боғлиқ қилиб қўйиш зарурати туғилди. Ишбай — аккорд-мукофотли (ишбай-ҳосилбай, дейиш ҳам мумкин; бундан кейин шундай атаймиз) ҳақ тўлаш усули ана шу зарурат туфайли жорий этилди. Бу усул ҳозир ҳам амал қилиб турибди.

Унга кўра, давлат умумколлектив билан ҳосилга қараб муомала (ҳисоб-китоб) қилади. Яъни, йил бошида коллективга маълум миқдор ер, ўғит, техника, иш ҳақи фонди ажратлади. Коллектив шу ажратма билан шартномадаги ҳосилни етиштирса, ора очик. Кўп етиштирса, раҳмат плюс мана мукофот! Коллектив аъзолари билан эса ишига қараб муомала (ҳисоб-китоб) қилинади. Яъни, иш ҳақи фонди ҳар кимнинг бажарган ишига қараб бериб борилади. Мукофот эса йил давомида ким қанча ҳақ олганига қараб тақсимланади.

Кўриб турибсизки, бу усул деҳқонларни кўп ҳамда мўл ҳосил етиштириш учун сифатли ишлашга рағбатлантириши керак. Рағбатлантиряпти ҳам. Бироқ, тажриба кўрсатаяптики, ҳар доим, ҳамма жойда ҳам эмас. Катта, яъни кўп кишилик коллективларда таъсири айниқса кам сезиляпти. Коллективда

киши кўп бўлгач, уларнинг табиатлари ҳам ҳар хил бўлади. Уша одамларнинг баъзилари шундай мулоҳаза юритишади: «Мукофот насия, кўпчилиكنинг ишига боғлиқ, иш ҳақи эса нақд. Миқдори ўз ишинга боғлиқ. Бинобарин, кўп ишлаб, кўп ҳақ олаверган маъқул. Олганин қолади. Мабодо мукофот чиққан тақдирда ҳам ҳеч нарса ютқазмайсан, ютасан, яъни йил давомида кўп ҳақ олганин учун мукофотга ҳам кўп дахлдор бўласан». Шундай қилиб, бундай одамлар кўп-у, аммо сифатсиз ишларда давом этаверишади. Ва ҳар доим бошқалардан кўра кўпроқ олишга ҳаракат қилишади. Бошқалардан кўра кўпроқ мукофот олишади. Кейин бошқалар ҳам уларга эргашади. Охир-оқибат шу бўладики, ўзларини мукофотдан, давлатни эса қўшимча бойликдан махрум этишади. Махрум этишмоқда. Бирор чора-тадбир кўриш керак. Хўш, қандай чора-тадбир!

Бу ўринда тайёр бир таклиф бор. Лекин ўз таклиф-мулоҳазаларимиз баёнига ўтишдан аввал ўша тайёр таклиф муаллифлари билан мунозара қилишга мажбуримиз.

## I. Мунозара

«Пудрат усулида ишлашга ўтиш керак!», дейишади улар.

Бу усулнинг номи кўп — нарядсиз ишлаш усули деб ҳам юритилади, меҳнатга авансли — аккорд-мукофотли ҳақ тўлаш усули, деб ҳам юритилади. Мазмуни эса битта — деҳқоннинг меҳнатига ишбай эмас, ишбай-ҳосилбай ҳам эмас, балки фақат ҳосилбай ҳақ тўлашни кўзда тутати.

Уқувчи ажабланиши мумкин: бу таклифнинг нимаси янги! Пудрат усулида ишлаётган коллективлар ҳозир ҳам бор-ку. Маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатимизда бундай коллективлар деҳқончилик билан шуғулланаётган жами коллективнинг тўққиз процентини ташкил этади («Правда» газетасининг 1982 йил 17 август сонидagi бош мақола).

— Ҳамма гап ана шунда-да, — дейишади таклиф муаллифлари. — Бор-йўғи тўққиз процент. Тўққиз процент нима бўпти! Оз-да. Оз дейиш ҳам гапми, арзимас кўрсаткич-ку!! Денгиздан томчи...

Кейин бу «прогрессив усулнинг аҳамиятини ҳануз тушуниб етмаган», «унга кенг йўл очиб бермаётган» хўжалик раҳбарлари устидан куйиниб шикоят қила кетишади [Уйлаймизки, кўндалик матбуот нашрлари билан муттасил танишиб бораётган ўқувчи бундай арзи ҳоллардан яхши хабардор]. Хулоса эса равшан: ҳозир пудрат усулида ишлаш ҳам, бундай ишлашни йўлга қўйиш ҳам ихтиёрий. Ишни янгича ташкил этишни қаттиқ талаб қилиш пайти етди.

Таклиф аслида мана шундан иборат. Мунозара худди шу нуқтадан бошланади.

### 1. Дастлабки савол-жавоб

Биз уларга шундай савол берамиз:

— Хўжалик раҳбарлари олдига шундай талаб қўйиб бўлармикин! Тўғри, энг одил ва ҳушёр назоратчи ернинг ўзи. Олий маълумотли агрономни алдаса бўлади, аммо ерни алдай олмайсиз. Ер чинакам меҳнат қилган деҳқонгагина мўл ҳосил беради. Бинобарин, деҳқонга ишбай эмас, ҳосилбай ҳақ тўлаш ҳақиқатда тўғри иш бўлар эди. Аммо то куз келиб, хирмон кўтарилгунча деҳқонга қандай ўлчовга кўра ҳақ тўлаймиз!

— Ҳақ тўланмайди, — дейишади мунозарадошларимиз. — Кузда ҳосилбай оладиган ҳақи юзасидан деҳқонга аванс бериб борилади. Шундай қилинса, ишни ўлчаб бер, ўлчаб ол, ҳисоб-китоб қил ва ҳоказо ташвишлар барҳам топади. Ҳисобчилик шатлари қисқаради. Биласизми, давлат бундан қанча фойда кўради!

— Биламиз. Лекин аванснинг миқдори нимага қараб белгиланади! Ҳосил учун олинган ҳақ қандай кўрсаткичларга кўра тақсимланади!

— Аванс ишчининг вазифаси, қобилияти, имкониятига қараб белгиланади. Ҳақ ҳар бир кишининг йил давомида олган авансига қараб тақсимланади. Еки (шундай дегувчилар ҳам бор) ҳақ ҳосилни етиштиришдаги ҳиссага қараб тақсимланади. Ҳисса бирадир, звено бошлиғи томонидан ҳисобга олиб борилади.

— Шундай қилиш амалда мумкинмикин! Аввало, кишининг қобилияти, имконияти муттасил равишда ўзгариб туради.

Узгармас миқдорда аванс белгилаш ишчининг қобилияти ва имкониятини сунъий равишда чеклаш бўлади-ку! Бундан қочиб, коллективдаги ишчиларнинг аксарияти учун бир хил миқдорда аванс белгиланса, бу ҳол текисчиликни келтириб чиқаради. Текисчилик эса шахсий ташаббусларни рағбатлантирмайди, аксинча, бўғади. Шахсий ташаббусларсиз катта ташаббус ҳам, бинобарин, ривожланиш ҳам йўқ. Энди ҳосилни етиштиришдаги ҳиссани ҳисобга олишга келсак, барибир яна наряд, амалдаги нормалар керак бўлади. Расмийлаштириш бошқача бўлади, холос. Гектар, тонна, куб-метр эмас, энди вақт бирлиги ҳисобга олинади, яъни табель юритилади. Киши бир норма ер текисласа, табелга саккиз соат ишлади, деб, ярим норма ер текисласа, тўрт соат ишлади, деб қайд этилади, вассалом: норма вақтга айлантиради. Бунда ҳисоб-китоб камаймайди, аксинча, ортади. Пудрат усулида ишлашга ўтказилган коллективлар ҳаял ўтмай яна эскича ишлайдиган бўлиб қолишаётганига ана шулар сабаб бўлмаптимикин!

Назаримизда пудрат усулида ишлашни ташкил этишнинг бирмунча қийин кўчаётгани сабаблари ҳам шунда. Фактдан эса қочиб қўтилиб бўлмайди. Бироқ мунозарадошларимиз ҳали бўш келмадилар. Қўлларида яна битта дастак бор. Ушани ҳам ташлайдилар.

— Хўш, унда бошқалар — ҳалиги тўққиз процентни ташкил этганлар нега эскича ишлашни истаб қолишмаяпти!

Бу шундай саволки, унга бафуржа жавоб беришимизга тўғри келади.

### 2. Пудратчилар ким!

Тўққиз процентни ташкил этган коллективлар шунинг учун тарқаб кетмаяптиларки, уларнинг аъзолари сизу биздан бошқачароқ — илғорроқ. Тўғрироғи, улар янги кишилардир.

Хўш, уларнинг нимаси бошқача! Нимаси янги!

Тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Уйлаб кўрайлик, биз нима учун ишлаймиз! Нуқул жамиятга фойда келтириш учунми! Йўқ, жуда ҳам унчалик эмас. Очиғини айтганда, жамият учун, шу билан бирга ўзимиз учун ҳам ишлаймиз. Бинобарин, жамиятга, яъни бошқаларга қанча берсак, улардан ҳам шунча олишимиз керак. Акс ҳолда, ноҳақлик юз берди, деб ҳисоблаймиз. Қарангки, ўша тўққиз процентни ташкил этган пудратчи коллективлар аъзолари бошқача ўйлашади. Улар ҳам аслида худди биз сингари иш бажариш қобилияти, оилавий шароит, иш шароити ва ҳоказо жиҳатларга кўра бир-бирларидан фарқли меҳнат қилишади. Аммо йил давомида ҳаммасига бир хил миқдорда тақсимлангани ҳеч кимда кўнгилхонлик туғдирмайди. Бошқача айтганда, масалан, бақувватроқ ишчи камқувватроқ ўртоғи учун маълум миқдор иш ҳақидан ихтиёрий равишда воз кечади ёки ихтиёрий равишда ўртоғи учун ишлайди. Пудратчиларни сизу биздан фарқлаб турувчи хусусият аввало ана шундан иборат.

«Ҳа, энди... ўртоғи-да, ўртоқчилик шунақа бўлади-да» — дерсиз. Йўқ. Агар жамиятнинг бошқа аъзоларини бегоналар деб ҳисоблайдиган бўлсак, ана шу тўққиз процентли коллектив ўша бегоналар учун ҳам шундай ғамхўрлик қиляпти. Бу коллектив давлат билан ҳосилга қараб йилнинг охирида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида шартнома тузган. Ўз ташаббуси, ўз ихтиёри билан шундай йўл тутган. Шартномадаги ҳосилни етиштириш учун эҳтимол бўлган мўлжалдан бир марта ортиқ сўғоришга тўғри келар. Шундай тақдирда биз давлатдан дарҳол қўшимча ҳақ талаб қиламиз ва бунга ҳақлимиз. Пудратчилар эса, ҳақлари бўла туриб, бир тийин ҳам ҳақ талаб қилмайдилар. Бошқача айтганда, улар табиат инжиқликлари орқасида жамият кўриши мумкин бўлган зарарни аввал бошиданок ўз зиммаларига олишган. Жамият учун жонкуярлик, ғамхўрлик билан ортиқ бўлиши мумкинми! Хўш, айтинг-чи, сизу бизнинг орамизда ҳамма ҳам шундай ватанпарварлик қилишга қодирми! Эҳтимол, кўпчилик маънавий жиҳатдан қодирдир. Лекин масаланинг моддий жиҳати ҳам бор-да. Шунга келганда ўйланга қолишлари мумкин...

Тўғри, агар масалага нуқул ишлаб чиқариш нуқтаи назардан қаралса, бу — арзимас кўрсаткичдир. «Бор-йўғи тўққиз процент бригада-звено етиштираётган кўп ва сифатли маҳсулот ҳозирги юксак талаб-эҳтиёж олдидан нима деган нарса! Денгиздан томчи. Бу коллективлар ҳеч бўлмаганда 40—50 процент бўлганда эди, уларнинг ҳиссаси сезиларди». Ишлаб чиқариш



нуқтаи назаридан қаралса, ҳақиқатдан ҳам шундай. Лекин ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан қаралса-чи! Унда бу — ҳали тарих кўрмаган кўрсаткичдир, оламшумул тарихий воқеадир.

Бу ўринда айтадиган сўнги сўзимиз шуки, янги усулни жорий этмоқ учун аввал янги кишиларни тарбиялаб етиштирмоқ керак. Унда бу усулни жорий этишга ҳожат қолмайди. Чунки у ўз-ўзидан қарор топади. Янги кишилар кўпая боргани сари қарор топа боради. Сизга буни фақат расмийлаштириб қўйиш қолади, холос.

Ўйлаймизки, мунозарарошларимиз бунга эътироз билдиришмайди, аммо олдимизга мана бундай талаб қўйишди:

— Ҳамма гап шунинг устида-да. Бизнинг таклифимиз ҳам аслида шу мақсадга қаратилган эди. Модомики, уни қўллаш қийин экан, ҳўп, қандай усул қўллаш керак! Ахир амалдаги усул иш бермаётгани аниқ-равшан-ку. Айтнинг таклифингизни. Айтишимиз.

### 3. «Тўққиз процент» сари йўл

Оламшумул деб аташга бемалол эрийдиган бу тўққиз процент коммунизм қуриш йўлида сусткашликка ҳам, шошқалоқликка ҳам берилмай изчил курашаётган ҳар бир курашчини қувонтиради. Шу билан бирга ўйлантиради ҳам. Шунинг учун қувонтирадики, бу кўрсаткич кураш бесамар кетмаётганидан бир далолат. Шунинг учун ўйлантирадики, у ҳали энди тўққиз процент холос. Ваҳоланки, юз процент қилмоқ керак. Нега тўққиз процент бўлди-ю, юз процент бўлмади! Нима халақит берди! Шошманг. Аввало бу тўққиз процентнинг ўзи қандай конкрет сабабларга кўра юзага келди! Оламшумул тўққиз процентни оламшумул юз процентга айлантирмоқ учун энг аввал ана шу саволга жавоб топиш зарур.

Олдинданок таъкидлаб қўйлик, янги кишининг камол топиши кўп омилларга боғлиқ. Биз бу ўринда ана шу бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кўллаб омилларнинг фақат биттаси ҳақида — меҳнатга ҳақ тўлаш усулининг таъсири ҳақида сўз юртыямиз. Бу таъсир эса тарбиявий ишлар комплексида ҳал қилувчилардан эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳўп, гап меҳнатга ҳақ тўлаш усулининг тарбиявий таъсири устида бўлса, ҳўш оламшумул тўққиз процентни ташкил этган коллективлар аъзоларини қандай усул тарбиялади! Бизнингча, ҳозир амалда бўлган усул. Бунинг учун энг аввал битта нарса — коллективнинг кичик бўлиши талаб қилинади. Пудрат усулида ишлашни бошлаб берган коллектив — кубанилик Володя Первицкий зеноси шундай ишлай бошлаганда уч киши эди. Кейин саккиз киши бўлишди. Кейин ўн уч киши. Ҳозир ўн тўрт киши. Фарғона областининг Фрунзе районида чинакам пудрат усулида ишлаб келаётган коллектив — Охунбоев номидаги совхознинг Орифжон Жўраев бошлиқ созловчилар бригадаси олти кишидан иборат. Янгича ишлашни бу коллективларда биров жорий этган эмас. Уларнинг янгича ишлай бошлаганларини ҳатто, бир неча йилгача кеч ким билмаган ҳам.

Амалдаги усул кичик коллективлар аъзоларига нима сабабдан бундай таъсир ўтказди!

Маълумки, кичик коллективларда кишилар бир-бирларини яхши билишади, тез тил топишишади. Амалдаги усул эса, ёмон ишлаганга асло йўл қўймайди. Ёмон ишлаб ердан мўл ҳосил ундирриш мумкин эмаслиги барчага аён. Модомики, катта даромад олиш учун мўл ҳосил етиштириш кераклиги шарт қилиб қўйилган экан, демак, ишққмас одам ё коллективдан кетиши керак, ёки ҳамма қатори яхши ишлаши керак. Шундай қилиб, кичик коллективларда ҳар бир киши яхши ишлаганга мажбур. Қарабсизки, ҳосил мўл бўлади. Бу — пудрат усулида ишлаганга ўтиш томон қўйилган биринчи қадамдир.

Давом этайлик: коллектив жамиятга мўл ризқ-рўз бердим, ўз навбатида жамиятдан ҳам мўл ризқ-рўз олади. Бу мўл ризқ-рўз коллектив аъзолари ўртасида одатдагича — ишбай усулда тақсимланади. Яъни кўп ишлаганга кўп, оз ишлаганга оз. Лекин шу оз деганимизнинг ўзи ҳам ҳали бундай ишлашни ўрганиб олмаганларнинг даромадидан аллақанча кўп бўлади. Тайинли ҳосил етиштириш мумкин бўлган ҳозирги шароитда мўл ҳосил етиштириш, катта даромад олиш чил сайин такрорланади. Коллектив аъзолари моддий эҳтиёжларини кўнгилдагидек таъминлайдилар.

Шу ўринда бизга эътироз билдиришлари мумкин: эҳтиёжни

кўнгилдагидек таъминлаб бўладими! Ахир кўнгил нималарни тўсмайди! Бинобарин, эҳтиёж чексиз эмасми! Йўқ, моддий эҳтиёж, агар у соғлом эҳтиёж бўлса, чексиз эмас. Баднафс бўлмаган киши қорни тўйгани заҳоти овқат ейишни бас қилгани сингари, соғлом эҳтиёжли киши ҳам керагидан ортиқча нарсани ортиқча, бемазни дабдабазлик деб билади. Меҳнатга ишбай-ҳосилбай ҳақ тўлашни туфайли кичик коллективларда соғлом эҳтиёжли кишилар сараланиб қолади. Такрорлаймиз, бундай коллективлар тез орада моддий эҳтиёжлари таъминланган коллективларга айланадилар. Бу — иккинчи қадамдир.

Давом этайлик: кўп ва ҳўп меҳнат қилмаса бўлмаслиги амалдаги усул қистови билан ҳамма томондан аллақанча анланган экан, ва бу анланган меҳнат туфайли моддий эҳтиёж аллақанча соғлом бўлган экан, энди меҳнат маънавий эҳтиёжга асосланган меҳнатга, ижодий меҳнатга — жамият учун қилинадиган меҳнатга айланади.

Яна: коллективдаги энг оз даромад ҳам моддий эҳтиёжни бемалол таъминлаётган экан, энди коллектив аъзолари умумий даромадини ўзаро тақсимлаш учун ишни миридан сиригача ҳисоб-китоб қилишга ҳожат сезмайдилар. Бу иш уларга ортиқча оворагарчиликдек туюлади! Ун сўм унга кўпроқ кетди нимаю, ўн сўм бунга озроқ кетди нима! Шугина пулниг юзига бориб ўтирадимми! Ҳа, энди коллектив аъзолари ҳар бир киши учун алоҳида-алоҳида наряд тузишга уялишади, амалда нарядсиз ишлай бошлашади. Ҳақни, мукофотни эса тенг тақсимлаб олишаверади. Володя Первицкий бошлиқ звено ҳам, Орифжон Жўраев бошлиқ бригада ҳам, умуман тўққиз процентни ташкил этган бригада-звеноларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай ишламоқда, яшашмоқда. Бу ерда ҳисобчининг ҳакамлик қилишига ҳожат йўқ.

Дарвоқе, аслини олганда бригадир билан ҳисобчи коллектив учун ким! Иккаласи биргаликда давлатнинг бошқарув вазифасини амалга оширувчи шахслар. Бошқаруви икки жиҳатни ўз ичига олади. Биринчиси — ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Бу вазифа бригадирга юкланган. Иккинчиси — ижтимоий муносабатларни, хусусан, ишлаб чиқаришда иқтисодий муносабатларни тартибга солиш. Бу вазифа ҳисобчига юкланган. Бироқ биз сўз юртаётган коллективларда ҳисобчи, яъни давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат вазифасига эҳтиёж қолмаяпти. Бу ерда кишилар ўзаро ва ўзлари билан жамиятга муносабатларини ҳисобчисиз ҳам тартибга солиб тура оладиган бўлиб қолишибди.

Бу гапларни айтишдан мақсадимиз нима! Ҳамма катта коллективларни кичик коллективларга айлантиришни таклиф қилмоқчимизми! Шунда амалдаги ҳақ тўлаш усули ҳам иш бераверади, демоқчимизми! Йўқ. Бундай фикрдан мутлақо йироқмиз. Сабаби — катта коллективларни сунъий равишда кичик коллективларга айлантириш яхшиликка олиб бормаслигини биламиз. Қолаверса, муаммонинг ечимини фақат коллективларнинг кичик бўлишига боғлиқ қилиб қўйиш жуда тўғри эмаслигини тушунамиз. Амалдаги усул кичик коллективларнинг ҳаммасига ҳам биз айтган даражада самарали тарбиявий таъсир ўтказа олганича йўқ.

Дастлаб нега катта коллективларни сунъий равишда кичик коллективларга айлантириб бўлмаслиги ҳақида.

### 4. Оилавий пудрат можаролари

Катта коллективлар бизда асосан пахтачиликда. Бир бригадда одатда йигирма беш-ўттиз киши ишлайди. Улар олти-етиш гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Майдон миқдорини белгилашда чопиқ тракторини бошқарувчи механизаторнинг ишга улгурши назарда тутилади. Бундай коллективларни кичик коллективларга айлантириш учун уриниш бўлган, ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳўш, бундай уринишларнинг сабаби нимада ва бу уринишлар қандай оқибатларга олиб келяпти!

Пудрат усулини буйруқ билан жорий этиб бўлмаслигини ҳўжалик раҳбарларининг аксарияти аввал бошданок сезишган, бу ишга кўпам ўзларини уришмагани шундан эди. Бироқ матбуотда, мажлисларда «ишни янгича ташкил этиш» кераклиги «қаттиқ талаб» қилинавергач [эътибор беринг, қарор ва низомларда бу ишнинг ихтиёрий экани ёзиб қўйилганига қарамай, қаттиқ талаб қилинавергач], унга йўл излаб қолишди. Аввалига беш-олти кишилик звенолар, кейин эса оилавий звенолар ташкил этиш урф бўлди. Йўқ, урф бўлишдан олдин бригадаларда тажриба тариқасида битта-биттадан шундай



звенолар ташкил этилди. Уларга киши бошига икки ярим-уч гектардан ер ажратиб берилди. Маълум миқдор ҳосил етиштириш юзасидан шартномалар тузилди. Тажриба, кутилмаганда, шундай натижалар бердики, янги тадбир дарҳол кўпчиликке «қўқ-қолди». Бир бўлим бошқарувчиси тўлқинлики билан бизга мана бундай дегани ёдимизда:

— Эр-хотину келинига саккиз гектар ер берасан. Била-чақаси, вақти келса қариндош-уруғи билан ишлайди. Ишга чиқ, фалон жойга бор, тезроқ қимирла, сифатлироқ ишла, деган гап йўқ. Ҳақи ҳосилга қараб бўлганидан кейин, ўз қамчиси ўзи билан, ишлайди-да. Ишлаганидан кейин ҳосил мўл бўлади-да, албатта. Жоннинг ҳузури экан бу — оилавий пудрат.

Оилавий звенолар тузиш ана шундан кейин урф бўлиб кетди. Урф бўлиб кетди-ю, бундай йўл тутиш яхши эмас, деганлар тўғри айтишгани амалда исботланди. «Тўғри, — дейишарди улар. — Моддий манфаатдорлик яққол кўриниб турган пайтда звенолар жон-дилдан ишлайди. Мўл ҳосил етиштирилади. Лекин бундай айримлик коллективчилик руҳини рағбатлантирмайди, аксинча пасайтиради. Тарбияга ёмон таъсир қилади». Худди ана шундай бўлиб қичди. Ҳар ким ўзига ажратилган ер ҳақидагина ўйлайдиган бўлиб қолди. Энди ҳамма нарса талаш. Сув — талаш, трактор — талаш, ўғит — талаш, ҳашарчи талаш ва ҳоказо. Талашмаслиқнинг эса иложи йўқ. Уйлаб кўринг: ҳар бир оила ўз ерда ишлайди. Маълум бир агротехник тадбирни, айтилик, яганлашни ҳаммаси қарийб бир пайтда тугаллайди. Энди ҳаммасига қарийб бир пайтда культиватор керак, ўғит керак. Ундан кейин ҳаммасига қарийб бир пайтда сув керак. Табиийки, уларнинг ҳаммасини қарийб бир пайтда бундай воситалар билан кўнгилдагидек таъминлаб бўлмайди. Аввал таъминлаш мумкин эди-ку! Энди нега мумкин эмас! Нима ўзгарди, тўғрироғи, нима бузилди! Экинни парваришланинг конвейер [кетма-кетлик] усули, ишни ташкил этишнинг коллектив усули бузилди.

Бундай шароитда «уддабурон» кишилар доимо ютиб, «бушашган» кишилар доимо кўтказиши изохсиз ҳам тушунарли, албатта. Лекин, майли, тақсимотда қинғирликка йўл қўйилмади, деб фараз қилайлик. Шунда ҳам барибир ютқициқ мавжуд. Ҳар бир оила ўзига қарашли майдондаги экинни неча кунда чопиқ қилади! Ун кунда дейлик. Ун кунгача бирорта пайкалга ҳам ўғит солинмайди, сув қўйилмайди, трактор киритилмайди. Парвариш кечикади. Парвариши кечиккан экин мўл ҳосил берадими! Йўқ, албатта.

Катта коллективларни сунъий равишда кичик коллективларга айлантириш яхшиликка олиб бормади, деганда биз ана шуларни назарда тутган эдик.

Хўш, асли ўзи кичик бўлган коллективларда аҳвол қандай! Юқорида айтдикки, амалдаги ҳақ тўлаш усулининг тарбиявий таъсири ҳамма кичик коллективларга ҳам бирдек самарали бўлаётгани йўқ. Нега!

## 5. «Договорчи»ликнинг туғилиши

Қишлоқ хўжалигида пахтакор коллективлардан бошқа коллективларни кичик коллективлар дейиш мумкин. Уларда одатда уч-тўрт киши, ортиб кетса, беш-олти киши ишлайди. Амалдаги ҳақ тўлаш усули уларга қандай таъсир ўтказиши аини коллектив деҳқончилиқнинг қандай тури билан шуғулланишига боғлиқ. Айтилик, коллектив ғаллачилик ёки чорва учун озуқа етиштириш билан шуғулланса, самарали таъсир ўтказади. Сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, картошқачилик, шолчилик билан шуғулланса-чи, унда ўтказолмайди. Нега! Негаки, энди бозор масаласи ўртага тушади. Бўғдой, маккажўхори, беда, озуқабон қизилча ва ҳоказолар бозорга олиб чиқиладиган ёки бозорда харидори кўп бўлган маҳсулотлар эмас. Карам, помидор, сабзи-пиёз, қовун-тарвуз, ўрик-шафтоли ва ҳоказолар эса бозоргири маҳсулотлардир. Бундай маҳсулотларнинг бозор баҳоси билан давлат харид баҳоси ўртасида аллақанча тафовут бор. Бозоргири маҳсулот етиштирувчи кичик коллективлар ўртасида эса бу тафовутдан фойдаланиб қолишга ишқибоз бўлганлар истаганча топилди. Улар ишбай-ҳосилбай ҳақ тўлаш усулига ҳам, фақат ҳосилбай ҳақ тўлаш усули, яъни пудрат усулига ҳам жон деб рози бўлаверадилар. Колхоз-совхоз билан маълум миқдор маҳсулот етиштириш юзасидан шартнома тузадилар. Уларни кишилар «договорчи» деб ҳам аташди. Уша «договорчи»лар шартномани [хоҳласангиз буни план денг, планни] ҳар доим юз

процент, жуда ошиб кетса, юз икки-юз беш процент бажарадилар. Аммо пайкаллариди ҳосил бўла туриб ҳеч қачон бундан оширмайдилар. Шундай бўлса ҳам улар планини юз ўн, ҳатто юз йигирма процент бажарган коллективлардан кўпроқ фойда кўрадилар. Бу фойда энди маҳсулотни яшириб қолиб, бозорда сотиш эвазига бўлади...

Эҳтимол, давлат планини ортиғи билан бажариб қўйибди-ку, оши ҳалол-да, қандини урсин, дегувчилар ҳам топилиб қолар. Уларга жавобимиз шундай: жуда унақа содда бўлмаг. Уша «договорчи»лар аввал давлат планини юз беш процент бажариб қўйиб, шундан кейингина ундан органини бозорга олиб боришмайди. Бир пайтнинг ўзида ҳар иккала томонни ҳам таъминлашади. Лекин қандай таъминлашади! Сарак-сараги бозорга, пучак-пучаги совхозга. Ҳатто бир тонна сарак-саракнинг пулига беш тонна пучак-пучак сотиб олиб планини бажарганлар, бажараётганлар ҳам оз эмас. Сиз ўша «договорчи»дан сарак-саракнинг ҳар килосини бир ярим-икки сўмданга эмас, давлатдан эллик-олтмиш тийинданга сотиб олсангиз яхши эмасмиди! Уйлаймизки, энди «қандини урсин» демасангиз керак. Ваҳоланки, «договорчи»нинг чўнтагимизга келтирилган зарари фақат шунинг ўзи эмас.

Давлат плани қандай тузилишини биласизми! Уни тузиш учун минг-минглаб мутахассис йил-йиллаб бош қотиради. Талаб-эҳтиёжни, шарт-шароитни, куч-имкониятни ҳисобга олади. Шунга яраша план белгилайди. Демокчимизки, бир пайтнинг ўзида давлатнинг ҳам, бозорнинг ҳам планини бажариш осон эмас. «Договорчи»лар эса бажаришяпти. Хўш, қандай қилиб! Гап шундаки, қўшимча шарт-шароит, куч-имконият топишади. Топишади эмас, ўғирлашади. Масалан, қўшни бригаданинг оқборидан яширинча икки қоп ўғит олишса, қоровул билан тил бириктириб, тўрт қоп олишади. Ундан каттароғи билан тил бириктириб бир прицеп олишади. Шундай қилиб, бутун режаларимизни айқаш-уйқаш қилиб юборишади. Бу ёғини, яъни бундан сизу бизнинг — ҳаммамизнинг чўнтагимизга қанча зарар етишини энди тасаввур қила оларсиз!

Амалдаги ҳақ тўлаш усули бозоргири маҳсулот етиштирувчи коллективларга асосан шундай сабабларга кўра тарбиявий таъсир ўтказолмаяпти. Ниҳоят, яна шундай сабаблар ҳам борки, ўрни келганда улар ҳақида ҳам тўхталиб ўтайлик.

## 6. Ҳисобда йўқ ер

Ери дафтарда олтимиш гектар, амалда эса етмиш гектар, ҳатто ундан ҳам кўп бўлган бригадаларни учратганмисиз! Учратгансиз. Ортиқча ер уларда қачон, қандай пайдо бўлди! Қўйидагича: бир пайтлар деҳқоннинг асосий иш қуроли кетмон ва иккита молани ортиқроқ тиркаб қўйсанг жойидан қўзғалмайдиган трактор эди. Бинобарин, у пайтларда деҳқон янги ер очиш борасида давлатнинг ёрдамига муҳтож эди. Давлат қўриқ ерни очар, хўжалиқнинг планига киритар, ҳамма иш ўз жойида бораверарди. Бироқ, кейинчалик деҳқоннинг ўзи ҳам кучайиб кетди. Ҳозир қўлида иккита экан-ку, беш-олтита молани ортиқ тиркаб қўйсангиз ҳам парвосига келтирмайдиган тракторлар — бульдозерлар, экскаваторлар, скреперлар бор. Янги ер очиш энди илгаригидай қийин иш бўлмай қолди ва шунақа тезлашиб кетдики... Аммо бу ерлар планга кирмайди. Қарабсизки, ҳужжатда ер мунча, амалда палонча. Планлаштирувчи эса ҳужжатдагига қараб планлаштиради, шунга қараб материал-маблағ ажратади. Хўш, олтимиш гектар ерга мўлжалланган материал-маблағ билан етмиш гектар ерда деҳқончилик қилинса нима бўлади!

Авалло деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги пасаяди. Масалан, ўн беш сотих чопиқ қилсангиз ҳисобчи сизга ўн сотихнинг пулини тўлайди. Қолганини ортиқча ер учун сақлаб қўяди. Демак, ўн беш сотих чопиқ қилиб олишингиз мумкин бўлган ҳақни энди йигирма сотих чопиқ қилиб олишингиз керак. Сифатли ишлаб бунга эришиш мумкинми! Мумкин эмас. Сифатсиз ишлаш туғилади. Сифатсиз ишлаш эса келгусида қўшимча ишлаш, қўшимча харажат қилишни тақозо этади.

Яна: материал-маблағ нима бўлади! Сочилиб кетади. Айтилик, ҳар гектар ерга 200 килограммдан ўғит солиниши керак бўлгани ҳолда 150 килограммдан солинади. Бу эса тегшли самара бермайди.

Яна: ўта «тежамкорлик» қилинганда ҳам бари бир умумий

фонд йил тугамасиданоқ соб бўлади. У сунъий равишда кўпайтирилади.

Ана шуларнинг ҳаммаси қўшиладию бригада ҳосилни оз куч-маблағ билан эмас, балки кўп куч-маблағ билан етиштиради. Оқибатда планин бажарса, ҳатто ошириб бажарса ҳам арзимас мукофот олади, ҳатто ололмайди ҳам.

Шунинг учун бригада аъзолари ўзларида ортиқча ер борлигидан ёки бу ер планга киритилмаганидан норози. Аммо бошлиқлар-чи! Улар рози. Нега рози! Сабаби — план бажарилапти, ҳатто ортиги билан уддаланяпти. Тўғрироғи, ҳосил етмиш гектарга эмас, олтиш гектарга ҳисоб-китоб қилинаётгани учун шундай кўрмияпти. Ношудликлари ошкор бўлма-япти, аксинча, обрў-эътибор топишяпти. Агар олтиш гектар ерда деҳқончилик қилинганда борми, унда план ортиги билан бажарилиши учун бош қотиришларига, ички ҳалол резервларни қидириб топишларига, илғорлар тажрибасини, илм-фаннинг янги тавсияларини ўрганиб, жорий этишларига тўғри келарди. Бу ишни эплай олишармиди-йўқми! Эплашолмас-я!! Қўрқишади. Улар учун ортиқча ер бўлгани яхши.

Шундай қилиб, амалдаги ҳақ тўлаш усулининг мўл ҳосил етиштириши рағбатлантирувчи, ўз навбатида тарбияловчи функцияси йўққа чиқади. Ишчиларда яна юқорида кўрганми-миздек, ҳосилу мукофот билан ишинг бўлмасин, йил давомида нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ ол. Олганинг қолади, деган тасаввур пайдо бўлади.

Бу гаплар кўпроқ марказдан четдаги хўжаликларга тегишли. Марказга яқин хўжаликларда эса бошқачароқ муаммога дуч келасиз.

## 7. Ишчи кўп, ишловчи йўқ

Ҳозирги планлаштиришга кўра ҳар бир пахтакор ишчига икки ярим-уч гектар ер тўғри келиши лозим. Аммо шундай бригадалар ҳам борки, 1,5—2 гектардан ер тўғри келади, холос. Ер кам, ишчи кўп. Бу ҳол қачон, қандай юз берди! Юзани қараганда бу очки-равшан нарсасдек туюлади. Модомики, хўжалик марказга яқин экан, демек унинг янги ер очиб — кенгайиш имконияти чекланган, аҳоли эса тинч осмон остида тез суръатлар билан кўпайяпти. Яна: қишлоқ хўжалиги жадал механизациялаштириляпти, химиялаштириляпти, кўл кучига бўлган эҳтиёж тобора камайяпти. Ишчи кучи ортиқчалиги пайдо бўлади-да.

Юзани қараганда шундай. Лекин масалага чуқурроқ қаралса-чи! Унда муаммо бошқа сабабга кўра пайдо бўлганини кўрасиз.

Асосий тармоқ бизда пахтачилик эди. Ишчи кучининг асосий қисми шу тармоққа жалб этилганди. Фан-техниканинг шарофати, аҳолининг кўпайиши билан ишчи кучи дастлаб ана шу тармоқда тежала бошланди. Хўп, тежала бошланган бўлса, нима қилиш керак эди! Нима қилиш кераклиги ўз пайтида кўрсатилган: тежалган кучни бошқа тармоқларга жалб эта бориш керак. Бошқа тармоқлар ишчи кучи етарли бўлмагани учун шу пайтгача оқсаб келмоқда. Юзага келган имкониятлардан барча тармоқни бирдек ривожлантириш мақсадида фойдаланмоқ лозим. Сўнг, янги ёрдамчи тармоқлар ташкил этиш ва маданий-манший хизматни кенгайтириш зарур. Ниҳоят, мамлакатимизнинг ишчи кучи танқис бўлган зоналарига сафарбар этиш даркор. Партия ана шундай талаб қўйган, қўймоқда. Бу талабни тўғри тушунган кишилар раҳбарлик қилиб турган жойлар аҳолиси эл-юрт дастурхони тўкинлигига қўшаётган ҳиссасини тобора кўпайтирмоқда. Модомики, эл-юртга кўп неъмат бераётган экан, ўзи ҳам кўп неъмат олмоқда. Иш ва турмуш шароитлари муттасил яхшиланмоқда.

Тўғри тушунмаган раҳбарлар бошчилик қилиб турган жойларда-чи! Йўқ, бундай бўлмади. Хўш, улар қандай йўл туттиди? Гап шундаки, аввалига ҳеч қандай йўл туттирмади. Қандай ишлаб келишган бўлса, шундай ишлашаверди. Оқибатда ҳар бир пахтакор ишчига икки ярим-уч гектардан эмас, бор-йўғи бир ярим-икки гектардан ер тўғри келадиган бўлиб қолди. Агар дала ишларида ўқувчилар ҳам иштирок этиши ҳисобга олишса, кўрсаткич янада пасаяди.

Энди айтинг-чи, бир кишига мўлжалланган ерда икки киши деҳқончилик қилса нима бўлади! Моддий манфаатдорлик пасаяди. Ахир, шугина ердаги иш [ҳақ], шугина ердан олинган ҳосил [даромад] ишчини қаноатлантирадими! Йўқ, албатта. Ана шу пайтда ишчилар, асосан эркаклар, шаҳарга, бошқа

ишларга кетиб қола бошладилар. Далада асосан аёл ишчилару ўқувчилар қолишди. Эркакларбоп ишларга, масалан, ғўзани сўғоришга ишчи кучи танқис, аёлларбоп ишларга эса, масалан, ғўзани яганалаш, ўташ, чеканкалаш, ҳосилни теришга ишчи кучи ҳануз ортиқча. Лекин уларга, ортиқчасан, деёлмайсиз-ку. Оилавий шарт-шароитга кўра улар шу ерда ишлашга мажбур. Модомики, ишга чиқишаётган экан, сиз ҳам уларни иш билан таъминлашга мажбурсиз. Қандай таъминлашди! Бошқа тармоқларга ўтказишдими! Йўқ. Ҳалати йўл туттиди: фан-техниканинг ёрдамини сунъий равишда чеклай бошлашди. Чититни аниқ миқдорда экиш, уялаб экиш планлаштирилади, амалда экилмайди. Яганалаш нима бўлади! — деб сўрасангиз, «ишчи кучи етарли, бир ҳафтага қолмай олиб ташлаймиз», дейишади. Бегона ўтга қарши гербицид сепиш масаласида ҳам шундай. Ғўзани машинада чеканкалаш масаласида ҳам шундай. Ҳосилни машинада териш масаласида қандай бўлгани билан ўзингиз яхши танишсиз.

Хуллас, фан-техниканинг ёрдамини сунъий равишда чеклашди. Хўш, шу билан иш яхшиландими! Тўғри, иш кўпайди. Шундай кўпайдики, энди бир киши ўша арзимас бир ярим-икки гектарда деҳқончилик қилиши ҳам маҳол бўлиб қолди. Ҳашарчи бўлмаси уддалаш қийин. Бироқ ҳашарчи бекорга ишламайди. Келса, деҳқоннинг нони ярим бўлади. Келмаса, ҳосил ундиролмайди. Хўп, ана, ундирди ҳам дейлик. Ундиргани билан, барибир, ундан келган даромад шунча одамга нима бўлади! Қарабсизки, энди аёллар ҳам далада номлиганина кўрнадиган ёки ўринларига ўғил-қизларини чиқариб, ўзлари бутун куч-қувватларини томорқага — бозорга сарфлайдиган бўлиб қолишди. Қарабсизки, ишчи кўп, ишловчи йўқ. Далада нуқул ўқувчию ҳашарчи... Бундай шароитда ҳақ тўлаш усули таъсир ўткази оладими! Йўқ, албатта.

Энди мунозарига яқин ясаас ҳам бўлади. Яқуний ҳулоса шуки, ҳа, амалдаги ҳақ тўлаш усули ҳар доим ҳам, ҳамма коллективга ҳам самарали тарбиявий таъсир ўткази олмаппти. Бошқача айтганда, оламшумул тўққиз процентни яратди-ю, лекин оламшумул юз процентни яратолмади. Бунда кўриб ўтганимиздек ҳолатлар халақит берди. Бинобарин, таклиф ана шу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан бўлмоғи лозим. Бизнинг таклифларимиз шу йўналишда бўлади. «Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик», деб бежиз айтилмаган. Меҳнат инсонни яратди. Ҳалол меҳнат, ҳалол даромад уни янада камол топтириши шубҳасиз. Аслини олганда ана шундай меҳнат муҳити яратиш вазифаси турбди олдимизда.

## II. Ҳалол меҳнат муҳити учун

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тарихий XVI пленумидан кейин бу борада жиддий иш бошлаб юборилгани ҳар биримизга маълум. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ишчи кучларидан рационал фойдаланиш, ишлаб чиқариш фондларини, шу жумладан экин майдонларини қайта ҳисобга олиш, бир сўз билан айтганда, раҳбар ва мутахассис кадрларнинг шахси билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Бу чоралар ўз самарасини беради, албатта. Бинобарин, улар ҳақида яна сўз юритиш — ўзи шундоқ ҳам бошланиб кетган ишни бошлашга даъват этиш ортиқча. Лекин ҳақ тўлаш усулининг таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммо — соф иқтисодий-ташкилий муаммо ҳали сақланиб турибди. Давлат ҳали-ҳозир коллектив билан ҳосилга қараб, ишчилар билан эса нормани қанча бажарганига қараб ҳисоб-китоб қилмоқда. Ваҳоланки, норма кўпроқ ишнинг миқдор кўрсаткичларини ифодалайди. Сифат эса бригадир, ҳисобчи, агрономнинг шахсий ҳислатларига — талабчанлигига, ишчанлигига, тажрибасига ва ҳоказоларга, хуллас, субъектив факторларга боғлиқ бўлиб қолади, амалдаги ҳолатни ҳар доим ҳам тўғри акс эттирмайди. Бу — коллективда ҳалол меҳнат муҳити вужудга келишига халақит беради. Ишқамасларга, юлғичларга — жамиятга оз бериб, ундан кўпроқ олиш ишқибозларига қўл келади. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак! Муҳбирлик йўлларида шундай коллективларни учратдикки, уларнинг тажрибасини ўрганиш ушбу саволга жавоб топишга асқотади, деб ўйлаймиз.

## 8. Бир бригада мисолида

Мисолга Фарғона область Фрунзе район «Сирдарё»



совхозининг Энгельс номидаги бўлимидаги Мўминжон Ҳайитов бошлиқ бригадани олайлик. Бригадада тўққизта карта (жаъми олтиш икки гектар ер) бор. Ишчи кучи ўттиз тўртта. Шундан тўрттаси эркак. Бири — механизатор, ўчтаси сувчи. Тўрт аёл турли ишларни бажаришга, масалан, шоҳариқ, марза олиш-бузишга ажратилган. Қолган йигирма олти аёл бевосита ғўза парвариши билан шуғулланади. Чигит унинг, қатор ораси аниқ бўлиши билан ҳар бир карта тенг йигирма олти бўлакка бўлинади ва биринчи чек Хосиятойга, иккинчи чек Оқибатойга ва ҳоказо йигирма олти ишича тақсимлаб берилади. То йигирма терилгача ҳар ким ўз чекидаги ғўзани парваришлайди — яганалайди, ўтайди, чопиқ қилади, чеканкалайди. Иш аниқ. Бу ишга ажратилган ҳақ ҳам аниқ. Қайси иш кимники эканлиги ҳам аниқ. Бундай шароитда ҳисоб-китоб ҳам, ишининг сифатини назорат қилиш ҳам анча осонлашади. Сифатли ишлардан ишчиларининг ўзлари ҳам манфаатдор. Чунончи, биринчи ўтоқни сифатли бажарган ишчи иккинчи ўтоқда қийналмайди. Белгиланган ҳақни қийналмай, кўп вақт сарфламай олади. Акс ҳолда ишни ўз мuddатда бажаришга улгуролмаслиги, кўшнисининг кўмагига муҳтож бўлиб қолиши — ҳақдан ҳам, сифатдан ҳам ютқазishi мумкин.

Иш шундай ташкил этилгани тухайли бригада ҳар йили гектар бошига 40 центнер атрофида ҳосил етиштиряпти. Ҳар бир ишича бор-йўғи 1,8 гектардан ер тўғри келаётганига қарамай йиллик даромад киши бошига ўртача 1650 сўмдани ташкил этмоқда. Парваришчилар учун қизгин меҳнат кунлари фақат йилнинг маълум ойларида бўлишини назарда тутсангиз бу оз даромад эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Унга ипак қурти парваришладан келадиган даромадни, томорқадан келадиган даромадни ҳам қўшсангиз-чи, унда бригада аъзолари эндиликда дангиллама уйлар қуришаётгани, енгил машиналар харид қилишаётгани сабабини яхшироқ тушуниб оласиз. Ишни тўғри ташкил этишда гап кўп.

— Ер танқислиги бизда кейинги икки йил ичида пайдо бўлди. Кун ботар тарафимизда кўриқ ерлар бор. Ҳозир ўзлаштириш ишлари олиб бориляпти. Муаммо ҳадемай ҳал бўлади. Даромадни кўпайтиришда кўшимча имконият юзага келади. Бу яхши, албатта. Лекин фақат шунинг ўзига кўз тикиб ўтиравериш яхши эмас. Тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш, янада сифатлироқ ишлашни ўрганиш ҳам даромадни кўпайтиришда катта омил. Энг аввал ана шу омилга кўз тикишимиз керак. Бунга эришиш учун энди ҳар ким ўз чекидаги ҳосилни ўзи теришини йўлга қўймоқчимиз, — дейди бригада бошлиғи.

Хўш, ҳар ким ўз чекидаги ҳосилни ўзи териши «тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш», «янада сифатлироқ ишлаш»га қандай ёрдам беради!

Айтиб ўтдикки, чек усули ҳозир фақат чигитни экишдан то ҳосил теримигача амал қилмоқда. Ваҳоланки, бир парваришчи сифатлироқ ишлаб, ўз чекида кўшнисининг чекидагидан кўпроқ ҳосил етиштирган бўлиши мумкин. Бироқ теримда кўшниси чақонлик қилиб, кўпроқ пахта териши, кўпроқ ҳаққа ўтishi мумкин. Бунда гўё «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» дегандек бир ҳолат юзага келадики, бу яхши эмас. Бу яна шунинг учун яхши эмаски, ҳозир, айтиялик, сувчи бирор чекидаги ғўзани кўллатиб юборса, чек эгаси кўпам қай-ғурмаслиги мумкин. Сабаби — бундан шахсан зарар кўрмайди. Ҳатто чек эгасининг ўзи чопиқ пайтида шошиб, чекидаги ғўзани кўпроқ нобуд қилиши мумкин. Сабаби яна ўша — бундан шахсан зарар кўрмайди. Мисол кўп. Ҳатто қатор орасида эҳтиёткорлик ёки эҳтиётсизлик билан юришининг ҳам ҳосилга таъсири бор.

Ҳар ким ўз чекидаги ҳосилни ўзи тарадиган қилиб қўйилгач эса бировга, «ҳой, секинроқ юр, шонани тўқасан», деб танбех беришга ҳожат қолмайди. Энди сувчи ҳам, тракторчи ҳам, шоҳариқ олувчи ҳам ишни йўлаброқ қилади. Назорат қилувчи энди фақат бригадининг ўзи эмас, йигирма олтига. Назорат, модомки, шахсий манфаатлар билан боғлиқ экан, энди ҳазилакам назорат бўлмайди.

Дарвоқе, сувчи ўшанда ҳам ғўзани кўллатиб юбориши мумкин. Картанинг шу қисми паст бўлса, нима қилсин!! Хўш, шу қисм нега паст! Еки нега дўнг! Ким текислаган бу қисмини. Қайси тракторчи! Ундан кейин қайси ишчи! Ҳозир тракторчини аниқлаш мумкин у аммо ишчини аниқлаб бўлмайди. Сабаби: то чигит экилгунча чек усули қўлланилмаган. Ҳамма қарийб аралаш ишлаган ёки ким қаерда ишлагани белгилаб қўйилмаган. Шундай қилиб, ҳар ким ўз чекидаги ҳосилни ўзи тарадиган

қилиб қўйилгач, энди чек усулини барвақтроқ қўллаш зарурати туғилади. Барвақтроқ қўлланади ҳам. Бундан фақат сифат ютади. Сифат кўпайган жойда ҳосил ҳам кўпаяверади. Қандай яхши!

Бироқ... шошманг, «Қандай яхши!» дейишга ҳали эрта. Бригадада ҳосили кўп билан териладиган карта битта ҳолос — бор-йўғи уч гектар. Қолганларининг ҳосили машинада териледи. Машинада терилса кимнинг чекидан қанча ҳосил чиққанини қаердан биласиз! Ҳозир ўзи қайси механизатор ҳақиқатда қанча пахта тергани ҳам тахминий ҳисоб-китоб қилинляпти-ю! Ким неча бункер пахта тергани саналади. Кейин бир бункер ҳисобига ўртача неча килограммдан пахта тўғри келгани аниқланади. Шундай қилиб, ўн бункердан пахта терган икки механизатор теппа-тенг кўрсаткичга эришган бўлиб чиқади. Ваҳоланки, бири тез юрган ёки машинасини яхши созламаган, хуллас, пахтани кўп тўккан, ҳар гал прицепга шеригидан юз килограмм кам пахта ағдарган бўлиши мумкин. Қарабсизки, пахтани тоза терган ҳам, тўкиб терган ҳам ҳаққа келганда теппа-тенг. Бундай ҳол ишга, тарбияга халақит бермай қолмайди. Халақит беряпти.

Уйлаймизки, фан-техника тараққийининг ҳозирги босқичида бу муаммони бартароф этиш жуда унақа қийин иш эмас: пахта териш машиналарига тарози ўрнатиш керак, вассалом. Тарози ўрнатилган терим машинасини оруз қилаётган фақат бизми! Йўқ, кўпчилик. Масалан, пахтачиликни механизациялаш соҳасидаги ютуқлари учун Ленин мукофоти лауреати бўлган илғор механизатор Жавод Кўчиев ҳам шундай орзуда юрганидан хабаримиз бор.

Терим машиналарига тарози ўрнатилса, унда механизаторлар ўртасидаги муаммо ҳал бўлади. Унда кимнинг чекидан қанча пахта чиққанини ҳам аниқлаш мумкин.

Ана энди чек усулини бутун йил давомида қўлланиш мумкин бўлади. Оилавий пудратдан фарқли ўлароқ бунда коллективчиликка путур етмайди. Чунки, парваришчининг ютуғи сувчининг меҳнатига, сувчининг ютуғи шоҳариқ олувчининг ишига хуллас, ҳамманиннг ютуғи бир киши, бир кишининг ютуғи ҳаммага боғлиқ бўлади. Иш умумий, манфаатдорлик умумий, аммо шу билан бирга, худди оилавий пудратдаги сингари индивидуал ҳам. Иш ҳақи ким қанча норма бажарганига қараб берилади. Мукофот эса йил давомида ким қанча ҳосил етиштирганига қараб тақсимланади. Бошқача айтганда, давлат фақат коллектив билан эмас, балки энди коллективнинг ҳар бир аъзоси билан ҳам ишбай-ҳосилбай ҳисоб-китоб қилади.

Бунда ғўза парваришининг конвейерлиги — кетма-кетлигига ҳам путур етмайди. Чунки бунда ишчи кучлари сочилиб кетмайди. Ҳамма бир пайкалда ишлайди. Механизаторга, сувчига вақтида фронтни очиб бериб, сўнг нариги пайкалга ўтади. «Қандай яхши!» деб энди айтсангиз ярашади.

Шундай денгу, аммо ҳали олдимизда бозоргир маҳсулот етиштирувчи кичик коллективлар муаммоси турганини унутманг. Энди шу ҳақда, тўғрироғи, яна бозор ҳақида сўз юритмоқчимиз.

## 9. Яна бозор ҳақида

«Яна» дейишимизнинг босми шуки, бу масалага биз «Илдизга назар солсак», «Уддабурон одам», «Отамерос ер» сарлавҳали мақолаларимизда, «Бозор» социологик очеркимизда батафсил тўхталган эдик. Бироқ уларда олдимизга қўйилган вазифа тақозосига кўра асосан томорқачининг фаолиятини кузатган, «договорчи»нинг фаолиятига эса йўл-йўлакай ишора қилиб ўтган эдик, ҳолос. Масалан, «Бозор» очеркимизда мана бундай деган эдик:

«Шаҳарлик чайқовчиникун таниш осон. У қўлидаги молни, айтиялик, кийимлик атласни ўзи тўқимаганини ҳамма билади... Қишлоқлик чайқовчини таниш қийин. У сотаётган қовун томорқаникими, совхоз даласиникими — билиб бўлмайди. Билиш учун махсус текширув олиб бориш керак. Текширсангиз, маълум бўлади: калаванинг учи жомоат даласига бориб боғланади... Мамлакатимизда колхозчиларнинг томорқаси ўртача 0,30 гектар. Совхоз ишчилариники эса бундан оз. Хўш, ниҳоятда тез ва сифатли ишланган, ўғитта ниҳоятда боқилган тақдирда ҳам 0,30 гектар томорқа қанча ҳосил беради! Томорқачилар бозорга қанчадан ҳосил олиб келишяпти! Кўп! Шу қадар кўпки, янаги қовун пишигигача сотишга ҳам етади. Ҳа, калаванинг бир учи катта пайкалга бориб боғланаётгани учун ҳам етади».



Ишорамиз шундангина иборат эди. Бироқ шугина ишоранинг ўзи ҳам, ўйлаймизки, бозоргир маҳсулот етиштирувчи кичик коллективларнинг ери аслида томорқаларнинг давомида айланиб қолганини тушуниб олиш учун кифоя қилади. Бинобарин, томорқа — бозор масаласини мақсадга мувофиқлаштириш юзасидан билдирган таклиф-мулоҳазаларимиз бозоргир маҳсулот етиштирувчи кичик коллективлар масаласига ҳам тўласича тааллуқлидир.

Хўш, қандай таклиф-мулоҳазалар билдирган эдик! Хабарсиз қолган ўқувчиларнинг ишини осонлаштириш учун уларни бу ўринда қисқача баён қилиб беришни лозим топдик.

Ҳамма гап нархдан бошланади. Бозор нархи юқори. Лекин бу сунъий юқорилиқдир. У ғирром нархдир. Сабаби: биринчидан, жамиятнинг беқиёс ёрдами туфайли кейинги йилларда томорқа иши механизациялашди, химиялашди, мелиорациялашди — осонлашди. Шу билан бирга томорқа нисбатан кўп ҳосил берадиган бўлиб қолди;

иккинчидан: транспорт воситалари кўпайди. Маҳсулотни бозорга олиб бориш енгиллашди;

учинчидан: маҳсулотни бозорда сотиш шарт-шароитлари яхшиланди. Чунотчи, сотувчилар қишда ниссиқда, ёзда салқинда ўтирадиган бўлишди.

Ана шу сабабларга кўра бозор нархи пасайиши, давлат харид нархи билан тенг бўлиб қолмаган тақдирда ҳам ҳар қалай унга яқинлашиши керак эди. Бироқ у яқинлашмади, аксинча, узоқлашди. Ҳозир давлат харид нархидангина эмас, ҳатто чакана нархидан ҳам юз фоиз ортқ бўлиб турипти. Ваҳоланки, ўн-ўн беш йил аввал эллик фоиз юқори эди, холос.

Бироқ, бозор нархининг юқорилигидан ҳалол кишилар эмас, фақат ноҳалол кишилар манфаат кўрадилар. Сабаби: ҳалол кишилар ўз куч ва вақтларининг асосий қисмини жамоат даласига берадилар. Шахсий маҳсулотларини нари борса жамоат даласидаги маҳсулот билан бир пайтда етиштирадилар. Жамоат даласи маҳсулот бера бошлаши билан эса бозорнинг дами қирқилади. Нарх пасайиб кетади. Бинобарин, ҳалол томорқачи ишчининг ташвиши ва чиқимини қопламайди. Ноҳалол кишилар аксинча, ўз пул ва вақтларининг асосий қисмини томорқаларига сарфлайдилар. Турли нопок йўллар билан жамоат даласининг маҳсулот беришини кечиктириш эвазига шахсий маҳсулотларини анча барвақт етиштирадилар. Бозор нархини ўзлари белгилайдилар.

Бундай вазиятга барҳам бериш учун қуйидаги таклифни киритган эдик.

Шахсий хўжаликларни жамоат хўжалиги билан умумий бир план асосида юритиш йўлга қўйилиши зарур. Бунинг учун колхоз-совхозларнинг планида маҳсулотнинг бир қисмини шахсий хўжаликлар ёрдами билан етиштириш лозимлиги кўзда тутилиши керак. Шунда колхоз-совхоз маҳсулотнинг турн, миқдори бўйича йил бошида томорқачилар билан шартнома

тузади. Шартномага асосан йиғилган маҳсулотни ўз маҳсулотига қўшиб, тайёрлов идорасига топширади. Агар тайёрлов идорасининг идиши элтмаса, бозорга олиб бориб, давлат чакана нархларида сотади. Шундай қилинса, давлат ерини, бу — колхоз-совхоз ери, бу — томорқа ери, деб ажратиш барҳам топади. Аслида иккаласи умумлашиб кетади. Колхоз-совхоз бозорлари эса энди чинакам колхоз-совхоз бозорлари бўлиб қолади.

Ахир, шартномада иккита томоқ бўлади-ку. Уни тузишга хўжаликлар раҳбарларини план асосида зўрлаш мумкин! Аммо томорқачиларни қандай зўрлаймиз! Ўзлари кўнишармикин! — деган савол туғилиши мумкин.

Жавоб: ҳалол кишилар кўнишади. Бундай зўрлашни зўрлаш деб эмас, аксинча, ғамхўрлик деб кутиб олишади. Улар ҳозир ҳам маҳсулотларини давлат харид нархида тайёрлов идораларига топширишяпти. Тайёрлов идорасининг идиши маҳсулотларини элтмай қолгандагина, нонлож, бозорга боришяпти. Бозорда савдо қилиб ўтиришга вақтлари йўқ, жамоат даласида чигит экишлари, чопиқ қилишлари, пахта теришлари керак, маҳсулотларини олибсатарларга арзон-гаров топшириб келишяпти. Арзимас фойда олишяпти, йўқ, кўпинча зарар кўришяпти. Ҳа, улар маҳсулотларини колхоз-совхозларга жон деб топширадилар. Тайёрлов идораларига топширишди нима-ю, колхоз-совхозларга топширишди нима, барибир эмасми улар учун. Қайтанга яхши. Тайёрлов идорасининг идишига кўз тикиб, идиши элтмаса, бозорга бориб, овора бўлиб ўтиришмайди. Топширишади, вассалом. Вақтдан ютишади. Бу вақтда дам олишади, томорқаларида ёки жамоат даласида қўшимча ризқ-рўз яратишади. Уларга шундан фойда. Бундан жамиятга ҳам фойда.

Ноҳалол кишилар кўнмасликлари мумкин, албатта. Лекин уларнинг кўниш-кўнмасликлари билан бизнинг ишимиз йўқ. Кўрилган чора-тадбир фақат ноҳалол кишиларнинг манфаатларига дахл қилар экан, биз ҳатто бундай чора-тадбирларни янада чуқурлаштириш тарафдоримиз. Кишиларнинг шахсий маҳсулотларини давлат йўли билан реализация қилишларига тўла шароит яратиб берилгач, энди колхоз бозорларида шахсий савдо қилиш тақиқлаб қўйилишига ҳам розимиз. Дарвоқе, биз аслида шундай қилиш керак, деб ўйлаймиз. Шундай қилиб қўйилгандан кейингина томорқачи, бозоргир маҳсулот етиштирувчи кичик коллектив аъзоси даромадини кўпайтириш учун бозорнинг сунъий юқори нархига кўз тикмайдиган бўлади. Бунинг учун жамоат даласида ҳалол меҳнат қилиш, мўл ҳосил етиштиришдан бошқа чора қолмайди. Ҳалол меҳнат муҳити вужудга келади. Ҳалол меҳнат муҳити эса... яна такрорлаймиз ва... очеркимизга яқун ясаймиз: ҳалол меҳнат муҳити буюк тарбиячидир. Тарбия омиллари комплексида ҳал қилувчилардандир. Ўзининг ҳал қилувчи таъсирини кўрсатади. Оламшумул тўққиз процентнинг оламшумул юз процентга айланиши тезлашади. Оламшумул юз процент албатта бўлади.



Шаҳобиддин Одилов

# Шеърят — муқаддас даргоҳ

Ҳаваскор шоирлар билан суҳбат

**Р**едакциямизга ҳар кун и ёнлаб мактублар келади. Уларнинг кўпчилиги шеърлардир. Бу мактубларда биз авторларнинг қуйидаги мазмундаги илтимосларини кўрамиз: «...Албатта, шеърларим камчиликлардан холи эмас. Аммо бу ёзганларим севимли журналимизда эълон қилинса, жуда хурсанд бўлар эдим. Шунга ёрдам беришингизни ўтиниб сўрайман».

Қизиқ! Шеърларингиз номўкамал эканини билиб туриб уларни эълон қилишга интилишингизни қандай тушуниш керак! Ахир, бу камтарлик эмас-ку! Қолаверса, юз минглаб журналхонларимизни нега ўйламайсиз! Ахир, улар ҳам журналда гўзал ва мазмундор шеърларни ўқиймиз, деб орзу қилишади-ку. Сиз эса ў т и н и б и л т и м о с қ и л и б с и з...

Хўш, шеърларингиз чинакам шеърят талабларига жавоб берадими! Келинг, бу саволга жавоб беришни ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола этайлик-да, ўзимиз редакциямизга юборилган шеърларни кўздан кечирайлик.

Уттиз тўрт баҳорни кўрдим,  
Сир бўйида туғилдим.  
Отамни дейдилар — қаҳрамон  
Чунки у одам жангларда бўлган.

Етмиш уч баҳорни кўрган у ҳам,  
Аммо меҳнатда этади давом...

(Наманганлик Н. Ҳақимов)

Автор шу тарзда қариндош-уруғлари билан бизни таништиргач, ўз биографияси баёнига ўтади. Кўп ноаниқ жумлалардан сўнг яна мана бунини ўқиймиз:

Чингизни ҳам ўқиганман роса  
Горький, Лев Толстой, Чехов,  
Лермонтов ҳаётни бирма-бир  
Ёзишни бошладим, ёзишда этаман давом...

Бу пойинтар-сойинтар жумлалар билан ҳаваскор шоирнинг ўқувчига нима демоқчи экани номаълум. Ҳолбуки, Н. Ҳақимов ушбунини бизга шеър деб тақдим қилган. Шеър! — Демак, қалбадаги энг эзгу туйғулар ифодаси. Шеърда шоир ўз қалбини кўрсатмоғи лозим. Шоирнинг сўзлари гўзал ва маъноли, фикрлари доно, лўнда ва аниқ бўлмоғи зарур. Шунда у фикримизга фикр қўшади, захимизни ўткир, қалбимизни бақувват қилади.

Юқоридаги каби шеърларни ўқиб эса, авторни шеър ёзишга ундаган сабаб нима экан деб бошимиз қотади... Ун беш ёшли ўсмир ҳам, олтмиш ёшли отахон ҳам ўзларида шеърлик иқтидор бордек сезадилару тўппа-тўғри «ижод майдони»га кириб келаверадилар. Уларга «Нимага ҳайкалтарошлик қилмайсиз, нега расом бўлмайсиз ёки музика яратмайсиз», десангиз, оддийгина қилиб «қўлимдан келмайди», деб жавоб бераверишади. Гўё шоирлик учун ҳеч қандай иқтидор керакмасдек. Ахир қоғозга ёзишни билиш дегани шоирлик эмас-ку! Ахир, бугун ҳамма ҳам ёзишни билади! Ахир, ахир!.. Йўқ, бу гапларни бақририб, ҳайқириб айтиб бўлмайди... Ва ноилоҳ, юқоридаги каби танқиддан тубан шеърлар авторига ҳам «ёмон эмас», деб қутуласиз. Йўқ! Қутула олмайсиз. Автор ёқангизга ёпишиб «Ахир мен ҳақиқатни ёзганман. Ҳамма ёзганларим ҳаётга тўғри келади. Нега «яхши» дейиш ўрнига, «ёмон эмас» деб қутулмоқчисиз, дейди. Хўш, бу гапга нима дейиш мумкин. «Одам овқатланмаса қорни очиб қолади, кўп овқат еб қўйса...» каби гаплар ҳам ҳақиқат. Аммо шеър эмас. Чунки ҳар биримиз биламиз бунини. Шеър эса ҳамма ҳам билмайдиган, билавермайдиган, кўра олмаётган ҳақиқатлардир. Шоир шунинг учун ҳам шеър ёзадики, у ўзи кўриб турган, аммо кўпчилик пайқамаятган гўзалликини ҳамма кўришини истайди. Аммо бир тўда одамлар кўрмаётган гулли «Ана, қаранглар, гул. Вой, бу мунча чиройли», дейишининг ўзи ҳам ҳали шоирлик эмас.

Шоир гўзалликини қўли билан кўрсатиши эмас, сўзлар ёрдамидагина ифодалаши керак. Лекин, дейликки, мен сизга сиз ҳали учратмаган бир гулли яхшилаб тасвирлаб берай. Шу билан мен шоир бўлиб қоламанми! Йўқ. Шоир мана шу гулнинг, гўзаллигининг моҳиятини ҳам тасвирлаб бера олади. Оддий бир гул тасвиридан катта ҳаётини умумлашмалар чиқара олади. Ойбекнинг «Наъматак» шеърини эсланг-а:

Нафис чайқалади бир туп наъматак,  
Юксақда, шамолнинг беланчагида.

Едингиздами, бу шеър қандай тугалланади:

Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди,  
Юксақда рақс этар бир туп наъматак,  
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд.

Қояда силкиниб турган наъматакнинг қуёшга тақдим этилган оқ гуллари тасвирдан биз беихтиёр чинакам гўзаллик эзгуликда эканини англаймиз. Мана шу нарса аслида ҳақиқий шеърятдир. Иккинчи томондан, шеърдаги кўтаринки туйғулар оқими бизни наъматак ўзимиз-ку, деб ўйлатиб ҳам қўяди. Зеро, инсон умри билан ваҳший тошлар аро танҳо гуллаб турган наъматак ўртасида каттагина ўхшашлик бор-ку! Инсон ҳам наъматак каби бир қарашда ожиз бўлиб кўринади, ўксик бўлиб кўринади. Аммо инсон умрининг эзгулик асосига қурилиши наъматакнинг қуёшга гул тутиши каби гўзалдир. Наъматак шамол беланчагида тебранади. Чунки унинг учун, илдизи ерга жуда ҳам чуқур ўрнашган наъматак учун қояларнинг ваҳшати ҳам, шамолларнинг даҳшати ҳам қўрқинчли эмас. Инсон учун ҳам табнат, ҳаёт ёлғиз даҳшатлардан иборат эмас. Чунки инсон ҳам наъматак каби ерга маҳкам ўрнашган. Инсоният, эзгулик умри наъматак илдизлари каби жуда ҳам узун.

Биз оддий наъматакка қараб бу хаёлларни сурмаган бўлардик. Ойбекнинг «Наъматак» шеъри тўғрисида эса, биз мана шундай гўзал фикрлар оғушида сузамиз. Чинакам шеърятнинг фазилати, сеҳркор қудрати ҳам ана шунда.

Демак, ҳар қандай тўғри сўз ҳам, ҳатто кўпчилик кўра олмайётган ҳақиқатни шунчаки айтиш ҳам ҳали шеърят дегани эмас! Бас, шундай экан, қорақалпоғистонлик Ф. Худойберганов, бухоролик И. Бақоев, фарғоналик М. Аҳмадалиев, самарқандлик Б. Пирназаров, қашқадарёлик М. Қўзиёва, наманганлик Ш. Қосимов, сурхондарёлик Х. Холмиёзов, тошкентлик П. Аъзамов каби юзлаб авторларимизга алоҳида-алоҳида бу гапларни такрорлашимизнинг ҳождати йўқ...

Фарғоналик Б. Ҳамидовнинг куйидаги мисралари ҳам тўғри сўзлардан иборат эканига шубҳа йўқ:

Баланд бино. Унгдан биринчи очик дераза.  
Кимдир куй чалмоқда. Оҳ! Қандай маза.  
Менимча рубоб. Куй ҳам таниш. Ҳа! Бу «Гулиоз»...  
Қаранг, рубобдан чиқар қандай, ёқимли овоз.

Сал кам юз мисралик бу шеър мана шундай тўғри фикрлардан тузилган. Ҳатто бу шеърда «миноралар ҳам куйлайди» деган ажойиб фикр ҳам бор. Аммо юқоридан кўргангиздек, мазкур шеър тўғри ва яхши фикрларнинг оддий баёни бўлиб қолган. Ҳолбуки, шеърда шоирнинг ўзи англаган ҳақиқатни ва фақат ўзи кўра олган гўзалликини образли ифодалаш мўҳимроқ. Шунинг учун ҳам редакциямизга юборилган шеърлар ичида образли ифодани учратиб қолсак, қувонамиз. Шакл жиҳатдан ҳам, мазмунан ҳам бадийлик талабларига мос келувчи шеърлар учраганда эса, уларни ўқувчиларга тезроқ етказишга ҳаракат қиламиз. Масалан, редакциямизга хат йўллаган Олим Тошев шеърлари бу ёш шоирга ишонч билан қарашга ундайди. Хусусан, унинг «Отанинг туши» шеъри ўн етти ёшли бу ёш шоирнинг шунчаки ёзмаётганидан, унинг ўз айтадиган сўзи, дилида дарди борлигидан далолат беради:

Мен тушимда юрар эмишман  
Юрармишман сиздек бемалол...  
Билкиллаган тупроқ кўчада  
Кенжам билан, бегап, бесавол...

Юрармишман. Қайнаган тупроқ  
Қиздирармиш оёқ кафтини...  
Яйрар эмиш жимжилоқларим  
Сезиб ерининг бу хуш тафтини...

Ер чопганда ўғлимга қараб  
Феъллим айнаб кетар эмиш-ей!  
Файрат билан ер чопармишман,  
Қоним қайнаб кетар эмиш-ей!..

Ёғоч оёқ, совуқ оёқнинг  
Қизим сира билмасмиш тусин.  
Узатгин, деб қўлтиқтаёғин  
Бузмасмишман тонгда уйқусин...

Пахса учун лой тепиб туриб  
Кўшинга гап отар эмишман...  
Оёқларим лой!..  
Ҳа-ҳа... Лойга  
тиззагача ботар эмишман!..

Кампирим чой кўтариб мени  
Тўхтатишга зор эмиш аранг...  
Зор эмиш-ей...  
Бугун тушимда,  
Оёқларим бор эмиш қаранг!..

Мен тушимда юрар эмишман  
Худди сиздек, чопиб, бемалол...

Бу шеър урушга лаънат ва тинчликка қасида бўлиб эшитилади. Аммо унда уруш ёки тинчлик ҳақида бирорта жумла йўқ. Шоир кўруқ хитобларсиз ҳам урушини туганмас оқибатларию тинчликнинг нечоғлик саодатли эканини кўрсата олган. Бизни туну кун безовта қилиб турган нарса албатта тушимизга ҳам киради. Юқоридан шеър қахрамони ҳам уруш оқибатларини — оқолда қолиб кетган оёғини ўйлайди. Оқибатда, уни туш кўради. Тушида оёғи борлиги ҳам рамзий ишора, аини пайтда, бу ҳаёт ҳақиқатига ҳам мос келади. У тинч замонда, саодатли кунларда яшамоқда. Шунинг учун ҳам

тушида уруш даҳшатлари уни безовта қилмайди. Аммо уруш бўлмаганда, унинг туши тузалмас армонга айланмас эди. Шунинг учун ҳам, унинг туши урушга лаънат ва тинчликка қасида бўлиб туюлади.

Ҳақиқий шеър, назаримизда, мана шундай бўлмоғи лозим. Редакциямизга юборилган шеърлар орасида ўқувчининг эътиборига арзийдиган бундай асарлар ҳам анчагина учрайди. Аммо, кўпинча бизга юборилган шеърлардаги образли ифодалар ҳам конкрет бир кимсанинг ҳолатини ёрқин ифодаламайди.

Мана, масалан, Ш. Сиддиқовнинг «Соғинганда» номли шеъри шундай бошланади:

Кузатиб қолади ёпилмай китоб,  
Кузатар деворда чиқиллаб соат,  
Зиналар юқори учди шитоб  
Интиқ оёқларга этиб итот.

Биринчи икки мисра шошилиб йўлга чиққан кимса ҳолатини тасаввур қилишга ёрдам беради. Аммо иккинчи иккиликдан аниқ бир ҳолат кўз олдимизга келмайди. Бу ердаги «интиқ оёқлар» ифодаси қандайдир соғинчани англаётгандек. Аммо «Зиналар юқори учди» ифодаси бир қарашда мантисизлиги билан фикрни чалғитади. Бундан ташқари, шеърда кульминацион нуқтадан сўнг ечимнинг чўзилиб кетгани поэтикани бузган. Хусусан, бошқа мисралардан кўра куйидаги сатрларда лирик қахрамоннинг соғинчи кучли ифодаланган, бинобарин, шеърнинг кульминацияси ҳам шу дейиш мумкин:

Вокзал ҳансирайди, ҳансирав поезд,  
Барча ташвишини-ю соғинчани ортиб.  
Тоқатга кўинкан юрак урар тез  
Гўё дегандайин имкон йўқ ортиқ.

Аммо бундан кейин шеър яна саккиз мисра чўзилган. Афсуски, шу саккиз мисра ҳам лирик қахрамон ҳолатини янада ёрқинроқ тасаввур этишга имкон бермайди. Аксинча, шеър охирилган сари тасаввуримиз хиралашиб боради. Бунга эса, бир томондан, конкрет ҳолат ифодаси билан бошланган шеърнинг мавҳум ифодалар билан давом эттирилгани, иккинчи томондан эса, интонациянинг бузилганлиги сабабдир.

Маълумки, шеър ёзишни ўргатиб-ўрганиб бўлмайди. Шоир табиатдаги гўзал оҳанглари билан олиб, уни сўзлар ёрдамида, образлар воситасида тасвирлаб беради. Агар у яхши тасвирлаб берса, шеърни ўқиб биз ҳам шоир илган мўсқани тинглай оламиз. Агар у тасвирлай билмаса, юқоридан кўрганимиздек, қандайдир оҳанглари сезгандек бўламиз, аниқ бир кўини англай олмаемиз... Нафақат Ш. Сиддиқов, балки наманганлик Р. Бозорова, жиззахлик Б. Пардаев каби юзлаб ҳаваскорларнинг шеърларида ҳам қандайдир фикр, туйғу бордек туюлади-ю, аммо улар бизга чинакам шеър каби таъсир қилмайди. Чунки мазкур шеърларда ҳам шоир туйғуларининг кучли ифода этилмагани ва шаклнинг номукамаллиги кўзга ташланади. Ҳолбуки, шеър ўқувчига таъсир қилиши учун унда кучли дард-изтироб бўлмоғи ва у мукамал бир шаклда ифода этилмоғи шарт. Афсуски, редакциямизга юборилган шеърларнинг аксарияти бу талабга жавоб бермайди. Уларнинг кўпчилиги бир қарашда шеърга ўхшайди ҳам. Уларда вазн, туроқ, қофия, ҳатто образли ифодалар ҳам бор. Хуллас, шакл нуқтаназаридан бу шеърларга эътироз билдириш қийин. Очиғи: мазмун жиҳатидан ҳам бу шеърларга эътироз билдириш қийин. Кўпинча авторлар самимий бўлишга интиладилар. Кўпгина шеърларнинг автобиографик характерда экани ҳам мазкур асарлар ҳақида кескин фикр билдирмасликка ундайди. Лекин... Адабиётнинг, шеърятнинг ўз қонун-қондалари бор. Ҳар жиҳатдан мукамал бўлмаган бадий асар кўпчиликка ҳеч вақт маъқул бўлмайди. Демакки, унинг умри боқий эмас. Қизиг-а! Шеърнинг шакли яхши бўлса, мазмуни тўғри бўлса-ю у ўқувчига маънавий озуқа бера олмас! Ахир яна нима бўлиши керак, ўзи, шеърда, — дейди танқиддан безор бўлган «шоир». Мана шу «бўлиши керак» бўлган нарсани, афсуски, йўқдан бор қилиб бўлмайди. Бадий иқтидор бўлмаган ҳаваскор, ҳар қанча тиришмасин, чинакам санъаткор даражасига кўтарила олмайди.

Ёшлигимизда ҳаммамиз ҳам расм чизишни ёқтирганмиз.



Ҳозир ҳам, кўпчилигимиз бўш қолдик дегунча эрмакка расмлар чизамиз. Лекин ҳеч қайсимиз бу «асар»ларимизни тасвирий санъат музейига тақдим қилишга журъат этмаймиз. Чунки, очиги, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов сингари санъаткор расомлар асарлари билан ёнма-ён бизнинг расмларимиз турса, минглаб томошабинлар, санъат шина-вандалари бизни эрмак қилиб кулишини жуда яхши биламиз. Аммо, нима учундир, санъат даражасига етмаган шеърларимизнинг эълон этилишини истаймиз. Қандай йўллар билан бўлмасин, бу нокаментарона орзуимизнинг амалга ошишига астойдил ҳаракат қиламиз.

Кўпинча адабиёт мангуликка дахлдор чинакам санъат асарлари даргоҳи эканини эсдан чиқарамиз. Бадиий асар, ҳусусан, шеър минглаб ўқувчиларга кўп йиллар давомида эстетик завқ бағишлаши лозимлигини унутамиз. Шеър, умуман, ҳар қандай бадиий асар ўқувчини табиатга, ҳаётга файласуфона нигоҳ билан қарашга ундаши лозимлигини ўйламаймиз. Шунинг учун ҳам, редакциямизга шеър деб тақдим этилган минглаб асарларда шакл мукамал бўлгани ҳолда, мазмун жуда бўш бўлади. Чиройли иборалар, оригинал ифодалар оддийгина бир гапни баён қилиш учун ишлатилади. Бу шеърларда ҳамдардликка чорловчи дард-изтироб, файласуфона мушоҳадага ундовчи жиддий, шоирнинг ўзигагина хос фикр кўринмайди. Масалан, Навоий областидан мактуб йўллаган О. Ғозиевнинг «Уйлар» шеърини мисол келтиришимиз мумкин:

Нотинч урар, она-замин,  
Қулоқ солсам қалбингга.  
Сенга боқиб болажоним,  
Босадирман бағримга.

Тилагим шу: айланиб тур,  
Она-ерим, бўл омон.  
Курашларга шайланиб юр,  
Шайланиб юр, болажон.

Кўриб турибсизки, шеър актуал мавзуда битилган. Лекин бунда шоирнинг ўз сўзи кўринмайди. Лирик қаҳрамоннинг қиёфаси ноаниқ. Ана энди Лермонтовнинг «Уйлар» шеърини эсланг:

...Дунё таниш-билиш, гумонлар юкин  
Кўтариб кексаэр бекор ва нафсиз...

Қанчалар ажабланарли бўлмасин, бундан юз эллик йил аввал битилган ушбу шеър баъзи жиҳатлари билан О. Ғозиевнинг «Уйлар» шеърдан кўра актуалроқ туюлади. Зеро, Лермонтов ўз фикрини, дард-изтиробини шеърда аниқ ифодалаган. У бутун инсониятнинг маънавий мукамал бўлиши учун халал берувчи иллатларни фош этган. О. Ғозиевнинг шеъри эса «Уйлар» деб аталишига қарамай, унда лирик қаҳрамоннинг қалбини бетиним безовта қилган ҳислар уммони аниқ ифодасини топмаган...

Бундай дардсиз ёзилган шеърларнинг мавзуи ранг-баранг. Авторларимиз она Ватан, табият, жамият, тирик инсонлар, шахид қаҳрамонлар, шеърят, яхшилик ва ёмонлик, қўйингки, энг эзгу ва муқаддас нарсалар ҳақида ҳам жуда оддий, жўн, юзаки фикрларини шеър қилиб ёзишдан тортинмайдилар. Мана, кўлимизда андижонлик А. Мамажонюв юборган шеърлар. Уларнинг сарлавҳаларини кўрибоқ («Ҳаёт», «Тақдир ва тадбир», «Инсон», «Тафаккурим», «Инсонман», «Дунё», «Буюк инсон» ва ҳоказо) чуқур фалсафий, авторнинг ўзигагина хос фикрларни кутамиз. Лекин, афсуски, шундай жиддий мавзудаги шеърларнинг мазмуни жуда оддий, тўғрироғи, жўн. Бу шеърларда кучли туйғулар, салмоқли фикрлар кўринмайди. Масалан, инсон ҳақидаги учала шеърда ҳам оригинал бир ифода учрамайди. «Инсон» шеърда:

Ешликданоқ ақлнинг тингани яхши,  
Ҳумо қуши бошинга қўнгани яхши.  
Инсонни тик тутувчи яхши гоядир,  
Аксинча йиқитгувчи қора соядир (!)

деган мужмал фикр айтилса, «Инсонман» шеърда: мужмал ва мавҳум жумлалар сўнггида:

Инсонман, минг шукур, она табият,  
Онгли жонзотларнинг онглисиман энг, —

деб хитоб қилинади. «Буюк инсон» шеъри эса:

Тоғни талқон қилмоққа ҳам чўлни бўстон,  
Ҳамма ишга, ҳамма ишга бизда имкон.  
Барча мушкул зехнимиздан бўлмай осон,  
Номимиздир буюк Инсон, суюк Инсон! —

деган жўн, ҳамма ҳам айтиши мумкин ҳулоса билан якунланади. Энг ажабланарлиси шундаки, ҳатто муҳаббат мавзудаги шеърларда ҳам кучли дард-изтироб, авторнинг ўзигагина хос бўлган гўзал туйғулар тасвири кўринмайди. Бу мавзудаги шеърларнинг аксарияти «ўлдим-қийдим» қабилидаги «оҳ-воҳ»лардан иборат бўлади. Мана, мисоллар:

Эй бевафо ёр, этмадинг вафо,  
Кетдингми ташлаб, юрагим ёқиб.

[Н. Отахонов]

Бугуй келинчақдир мени севган қиз,  
Мен-чун айрилиқдан иборат дунё

[Ш. Ражабов]

Шунингдек, бу туркум шеърларда ишқ-муҳаббатга умумий сўзлар билан «қасида» битилади ёки сеvimли ёрга баландпарвоз мадҳия ўқилади.

Севги билан яралган ҳатто бу олам,  
Севги инсонни кўлдирар гоҳи.  
Гоҳида инсонни йиғлатади ҳам.  
Етмаганлар учун дўзах бу олам.

[Б. Аҳмадалиев]

ёки:

Муҳаббат — юракнинг мулки султони,  
Муҳаббат — дилларнинг ёнган чиройи.  
Муҳаббат — қалбларда яшайди мўдом,  
Муҳаббат ўлмайди, билгил, ҳеч қачон.

[С. Тоғоева]

Бундай шеърларни ўқиб, «Наҳотки, авторлар ўзларидан бошқа ҳеч ким бу гапларни билмайди деб ўйласалар», деб ҳайрон бўламиз...

Редакциямизга юборилган минглаб шеърлар орасида публицистик руҳ билан битилганлари, айниқса, диққатни тортади. Авторлар тинчлик, халқлар дўстлиги, озодлик каби замоннинг энг муҳим масалалари ҳақида ёзадилар. Бу мавзуларда шеър ёзиш, демакки, замон ва замин тақдирига бефарқ қарамасликнинг ўзи мақтовга сазовор. Бу шоирликнинг энг муҳим белгиси бўлган граждандликдан далолат. Аммо, афсуски, публицистик руҳдаги шеърлар асосан бадиий бўёқлардан маҳрум хитоблардан иборат.

Масалан:

Хонн, сотқинларга қилмаймиз шафқат,  
Ўқиймиз уларга абадий лаънат.  
Хонн, сотқинларга лаънатлар бўлсин  
Хоннларнинг кўзи тупроққа тўлсин...

[А. Боймирзаев]

ёки:

Минг лаънат урушга, босқинчи ёвга,  
Кўзни олайтирган, гўдак ёш қизга...

[С. Мубоширов]

Маълумки, бу каби хитоблар ўқувчи қалбига етиб бормайди. Бундай сўзларни айтиб хайкиришни ҳамма ҳам эплайди. Одамлар баралла айтаётган гапни шундайлигича шеър қилиб ёзиш ва яна уни уларнинг ўзига тақдим этиш шоирлик дегани эмас. Йўқ, асло! Граждани шоир одамлар айта олмаётган гапларни бадиий ифодалаши керак. Шундагина унинг ёзганлари сеvim бўлиши мумкин. Ғафур Ғулومнинг машҳур «Сен етим эмассан» шеъри ёдингиздадир. Улуғ Ватан уруши йилларида миллионлаб ўзбекларнинг дилида бор эди бу шеърда айтилган гаплар. Ғафур Ғулум миллионлар дилидаги гапни кучли дард-изтироб билан бадиий ифодалади. Натижада, яна миллионлаб одамларнинг қалбини тўлқинлан-

тирди. Бу шеърда дард-изтироб кучли бўлгани учун ва унинг руҳи фақат Ғафур Ғуломга ҳос бўлгани учун ҳам у ҳамон ўқувчини ҳаяжонга солади.

Ҳаваскор шоирларимиз асарларидаги публицистик руҳ эса айнан мана шундай кучли туйғулардан ва ўзига хосликдан маҳрум. Шунинг учун ҳам уларни ўқиганда ларзага тушиш ўрнига «Бунинг нимаси шеър экан!», — деб ҳайрон бўламиз. Кучли дард-изтироб билан, юксак бадийлик билан битилмаган публицистиканинг ҳам, бадий асарнинг ҳам умри қисқа.

Редакциямизга келаётган шеърлар орасида бизга анчадан бери таниш сатрлар, жумлалар, ҳатто кимнингдир асарига айнан ўхшайдиганлари ҳам учрайди. Масалан, самарқандлик Я. Усмонованинг «Она юраги» шеъри А. Исаакянининг она ҳақидаги балладасининг айнан ўзгинасидан иборат. Балки Я. Усмонова А. Исаакяндан кўчириб олмагандир. Аммо муаллифнинг ҳалқимиз орасида машҳур ушбу шеърдан, унинг авторидан беҳабарлигига ишониш қийин... Редакциямизга шеър юборган баъзи авторларнинг эса ҳатто ҳозирги даврдаги ўзбек шоир ва ёзувчилари асарларини ҳам билмасликлари ғоятда ачинарли. Адабиётимизда қандай асарлар мавжудлигини билмаганлари учун ҳам, кўпгина ҳаваскорлар аллақачонлар айтилган гапларни минг биринчи марта шеърга солиб чайналаверишади.

Ўйлайманки, ҳаваскор шоирларимиз ўзбек классик адабиё-

тини, бугунги ўзбек адабиётини, шунингдек, қардош халқлар ва чет эл адабиётини жиддийроқ ўқиб-ўргансалар, ўзлари шеърга солмоқчи бўлган фикрлари, ҳатто туйғулари адабиётда аллақачоноқ акс этганининг гувоҳи бўлардилар. Мен бу гапларни «умуман шеър ёзмаслик керак», деб айтаётганим йўқ... Ижодкорлик масъулиятини жиддий ҳис қилайлик. Зеро, ижодкор — яратувчи, кашф қилувчи демакдир. Бас шундай экан, ҳар бир асаримизга ўзимиз ўзгалар назари билан қарай олайлик. Ёзганларимизнинг қай даражада кашфиёт экани ёки йўқлиги ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрайлик. Редакцияга юборишдан аввал, ёзганларимиз фақат бугун эмас, кўп йиллардан сўнг ҳам ўқувчига эстетик завқ бера оладими, деб ўйлаб кўрайлик. Ва шеърятга, эзгуликка бўлган муҳаббатимиз ҳаққи ҳурмати, пала-партиш тузилган жумлалар, назм либосига беркинган майда-чуйда гапларни, беҳис, бетаъсир айтилган қофияли, ваззли фикрларимизни шеър деб атамайлик! Майли, улар ён дафтарларимизда мангуга қолиб кетсин! Майли, бизни шоир деб атамасинлар! Фақатгина виждонимиз поклигини сақлай олсак ҳам катта бахт. Ахир «Шоир — халқнинг виждони», деган гап ҳам бор-ку! Аслида шоирлик ҳар қандай қофияли жумлаларни, назм либосига беркинган сохта туйғуларни чинакам, асл, булоқ сувидай пок ва тиниқ, туйғулардан, вулқондек шиддатли, қуёш нурларидек ҳароратли мисралардан — шеърдан, шеърятдан фарқлай олиш демакдир.



## Ижобийлик олий бурч

# Замон ва ижобий қаҳрамон

*Журналимизнинг шу йилги 8-сонида бошланган «Замон ва ижобий қаҳрамон» мавзусидаги журналхонларнинг сиртқи конференцияси анкета саволларига кўплаб жавоб мактублари оляпмиз. Турли касб, турли ёшдаги журналхонларимиздан олинаётган бу жавобларнинг барчаси ҳам бирдек бизни қониқтиради дейиш қийин. Бу табиий ҳам. Ҳамма бир хил фикрлаганда ҳеч қандай баҳсга ҳожат йўқ эди. Биз учун муҳими айтилаётган фикрларнинг нечоғлик самимий эканидир. Шу билан бирга, журналхонларимиздан ўз фикрларини иложи борича исботлашни, далиллашни сўраймиз. Зеро, исбот, далилсиз баҳс ўз моҳиятини йўқотади. Куйида айрим мунозарали жавоблардан намуналар эълон қиламиз. Конференциямизда қатнашишни истаганлар учун эса анкета саволларини эслатиб ўтамиз.*

1. «Ижобий қаҳрамон» деганда Сиз кимни тушунасиз? Бугунги кунда у қандай сифат ўзгаришларини бошдан кечирмоқда?

2. Ҳаётда ўзингиз билган, қузатган одамлар бугунги адабиёт учун ижобий қаҳрамон бўла оладими?

3. Ҳозирги адабий асарларда тасвирланаётган қайси ижобий қаҳрамонлар Сизга манзур? Қайси жиҳатлари билан?

Кўпчилик журналхонларимиз истагига кўра анкетамизга яна бир саволни киритишни лозим топдик:

4. Ҳозирги ўзбек адабиётида мавжуд қайси ижобий қаҳрамонлар қай жиҳатлари билан Сизга манзур эмас?

1. Инсон дунёда энг олий насаб. Биров яхши, биров ёмон, яна биров эса ўрта... Бу сифатни яна давом эттириш мумкин. Лекин кишилик жамиятида ҳеч бир қурсиз одам жуда кам учрайди. Орамизда ижобий шахслар эса жуда кўп. Аммо, уларни адабиётга олиб кирганда айрим қусурларини хас-пўшламалик керак. Афсуски, ҳозирги кунда баъзи асарларда қаҳрамонга шундай таъриф бериладик, ҳатто ёзувчига ҳам, қаҳрамонга ҳам ишонмай қоласан, киши. Қаҳрамон оддий ишчиси ёки деҳқонми, интеллигентми, ким бўлишидан қатъи назар, у ўзига, характерига ўқувчини ишонтира олсин. Зеро, ҳозирги ўқувчи ёлгон гапни дарҳол англаб етади.

Инсонлардаги ижобийлик ўзига хос бурч ҳисобланади. Ҳар қандай бурчининг остида масъулият ётади. Шундай экан, ижобий қаҳрамон ҳам ҳар қандай ҳолатда ўз софлигини, ижобийлигини сақлай олиши, шу билан бирга, кези келганда, ҳар қандай нопок шахсни ҳам тўғри йўлга сола билиши керак. Асар қаҳрамони, менимча, ана шуларни ўз олдига шарт қилиб кўйгандагина ижобий бўла олади.

2. Биз бугунги кунда ҳамма соҳада ижобий бўлишга, ҳар бир нарсага ижобий баҳо беришга ҳаракат қиляпмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI—XIX пленумлари бизнинг фикрларимизни янада ойдинлаштирди. Биз ижобий, яхши деб юрган кишиларимиз ўсал чиқиб қолишди. Пленумлар қарорларида совет кишининг маънавий киффаси қандай бўлиши кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Мен бадий асарларни жуда севиб (мақтаниш бўлса-да) ўқийман. Уқиганларимни албатта ўзимча таҳлил этиб ҳам кўраман. Ўзбек совет адабиётига талантли ёшлар кириб келишмоқда. Уларга ҳавасим келади. Лекин, биз билган, ҳар кунни кўриб турган кишилар: оддий ишчилар, пахтакорлар, механизаторлар, соҳибқору боғбонлар, ўқитувчилар, чорвадорлар ҳақида жуда кам бадий асарлар яратилипти. Биз келажак авлодга шу кунги меҳнатимизни мадҳ этувчи асарлар мерос қолдиришимиз керак эмасми?! Еки биз ҳазирда келажак авлоднинг ўзи ёзса маъқулмикин?! Биз бугунимиз ҳақида янада кўпроқ ёзишимиз керак. Айтмоқчиманки, атрофимизда ёзишга арзигулик ишларимиз, одамларимиз бор. Улардан минглаб ижобий қаҳрамон, тема танлаш мумкин.

3. Менга Саид Аҳмад ака, Уткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирозев, Эркин Аъзамовларнинг яратган ижобий қаҳрамонлари кўпроқ ёқади. Чунки, бу ёзувчилар «кашф этган» ижобий қаҳрамонлар характерида мен ўзимча ҳақиқий инсонни қандай тасаввур этсам, шуни кўраман.

Болта КАМОЛОВ,

Қашқадарё область, Усмон Юсупов район,  
Ульянов номи совхоз, Жейнов қишлоғи.

## Олий чўққи

Ҳурматли редакция! «Замон ва ижобий қаҳрамон» мавзусидаги сиртқи конференция саволларига ўз билганимча жавоб бермоқчиман:

1. Ҳар бир кишининг ижобий қаҳрамони бўлади. Ижобий қаҳрамон ўзининг софдиллиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, халқ манфаати йўлида жон куйдирувчилиги билан салбий қаҳрамондан фарқ қилади. Ижобий қаҳрамон деганда киши кўз ўнгига одамийлик белгисининг энг юқори чўққисига турган ҳақиқий инсон гавдаланади. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод, Ширин, Мехинбону, У. Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романидаги Шерзод образи, С. Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясидаги Икромжон Усмонов каби образлар ўз манфаатидан кишилар манфаатини устун қўйиб, халқ манфаати йўлида жон фидо қилишади. Мен шуни истардимки, ижодкорларимиз, кейинги асарларида ҳозирги давримизнинг ёш ижобий қаҳрамонлари образини яратишса.



2. Ҳаётимизда ҳам ижобий қаҳрамонлар мавжуд. Лекин улар асарлардагидек юракларни мафтун этмайди. Шундай бўлса-да, мен баъзи бир кишиларни мисол қилиб кўрсатаман. Ўз ССР Олий Совети депутати, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, «Ҳазорбоғ» совхозы 1-сут товар фермаси соғувчиси Маҳкамой Қурбонова ва шу совхоз директори Ҳусан Едгоровлар ўз манфаатларидан, халқ манфаатларини устун қўйиб келмоқдалар. Улар ўзларининг ажойиб хизматлари билан эл ҳурматиغا сазовор бўлмоқдалар. Бундай кишиларни мен бугунги адабиётимиз учун ижобий қаҳрамон бўлади деб ишонаман.

3. Саид Аҳмад ва Ўткир Ҳошимов асарларидаги ижобий қаҳрамонларнинг кўпчилиги ҳаётий. Чунки уларнинг барчаси ҳаётдаги воқеалар асосида олинади. Шунинг учун ҳам бундай асарлар менга манзур. Шундай ижобий қаҳрамонлар салбий хислатдаги қаҳрамонларнинг йўқолишига катта хизмат қилади.

Ҳабибжон УМАРОВ,

Сурхондарё область, Денов райони, «Ҳазорбоғ» совхозы, 52-мактабининг 9-синф ўқувчиси.

## Ҳаётий қаҳрамонлар керак

Ҳурматли редакция! «Замон ва ижобий қаҳрамон» сиртки конференциясидаги саволларга қуйидаги жавобни йўлламоқдаман.

1. Ижобий қаҳрамон бўлиш учун инсон ҳар томонлама етук бўлиши керак. Ўз виждонини пок сақлаш учун астойдил курашадиган, Ватан олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчини аъло бажаришни шараф деб биладиган, фақатгина ишда эмас, оилада ҳам, кўпчилик орасида ҳам ҳар томонлама яхши характерга эга бўлган кишиларгина ижобий қаҳрамон бўла олади.

2. Тўғри, мен ҳали ёшман. Энди 24 ёшга кирдим. Лекин шу ёшгача озми-кўпми ҳар хил характерга эга бўлган инсонларни кўрдим, лекин шулардан биронтасини «ижобий қаҳрамон» бўла олади, дея олмайман. Кўпчилик менга ҳақиқатдан ҳам виждонан, сидкидилдан яхшилик қилган бўлиши мумкин, яхшилик қилган ҳам. Лекин инсон фақатгина яхшилик қилиш билан «ижобий қаҳрамон» бўла олмайди-ку. Ҳозирги адабиётимиздаги кўпгина қаҳрамонлар образи менга ёқади. Улар менга кучли иродалилиги, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйганликлари, ҳаётда ҳақиқат учун, келажак учун, Ватан учун кураша олганликлари билан ибратли бўлиб кўринади.

3. Агар китоб ўқисанг, ўша ўқиган китобинг катта таассурот қолдирса, ўша асардаги воқеаларни, қаҳрамонларни қайта-қайта эслайсан киши. Масалан, менга Фазу Алиеванинг «Булоқбоши» асаридаги Сидрат, Ҳамид Фуломнинг «Мангулик» асаридаги Маъсуд, Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романидаги Элмурод образи ёқади.

Мен истардимки, ёзувчиларимиз ҳаётий воқеаларни, ҳаётий қаҳрамонларни ёзишса яхшироқ бўларди. Ҳаётий асарлар,

ҳаётий қаҳрамонлар кишида кўпроқ ижобий таассурот қолдиради.

Ҳошимжон ТОНГОТАРОВ,

Андижон область, Балиқчи райони.

## «Буюк орзулардан бўлмасин жудо...»

1. Ижобий қаҳрамон деганда ўз ҳаловатидан кечиб одамларга яхшилик қиладиган, халқ учун жон куйдирадиган, меҳрни, садоқатни қалб тўрига жойлаган олижаноб одамларни тушунаман. «Уч илдиз»даги Маҳкам ва Гавҳардаги поклик, бегуборлик, ишонч, мақсадга эришишдаги қатъиятга ҳавас қиламан. Худди «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларини ўқигандай, қайта-қайта қўлга оламан. У қаҳрамонларни ҳозирги пайтдаги ҳолатлари, ишлари, яшашларини кўп ўйлаб, ҳатто тушларимда кўраман.

2. Беш ўғил ва бир қиз ўстираётган, горпода товаршунос бўлиб ишловчи қўшимиз Ҳафиза опамни ижобий қаҳрамон бўла оладилар, деб ўйлайман. Фарзандларига ҳавас қиламан. Ҳар бирига иш бўлинган, бир-бирига талабчан, меҳрибон, оналари вақтида қаттиққўл, меҳнатга ўргатган, рўзғорга нима керак, ноқеракчилигини тушунишади. «Фидойи аёл» дегим келади, ҳамма ҳавас қилади. Барча учун жон куйдирувчи, моҳир чевар, билимдон ходим, қўли гул пазанда, юрагида ўти бор, яхшилик қилиш учун дунёга келган аёл бу!

3. Менга «Бўронларда бордек ҳаловат»даги Моҳидил, «Дунёнинг ишлари»даги Она образи кўпроқ ёқади. Шоир Сулаймон Раҳмон мана бу шеърда менинг ўйимдаги ижобий қаҳрамон образининг асосий фазилатини тасвирлаган:

Кўрагини буюк орзу макон этган шахс  
Унутолмас чап кўксиди борлигин юрак!  
Буюк орзу учун асло ўз жонин эмас  
Ўзгаларнинг жонин азиз билган мард керак!  
Буюк орзу қонунларни шафқатдан йироқ,  
Ҳисоблашмас асло шахсий истаklar билан.  
Битта ўзи бормас эди ўлимга Широқ,  
Дўст бўлмаса буюк орзу — юксаклар билан!  
Буюк орзу — эзгуликка раҳнамо қуёш,  
Дўст бўл унга, дилдан мижғов ўйларни ҳайда!  
Буюк орзу сўнган куни — тупроқлар талаш,  
Номуслар — ер, орлар — поймол,

одамлар — майда!

Шараф — буюк орзу учун қилмоқ жон фидо.  
Унутмагай бундай зотни тарих хотири.  
Дўстлар, буюк орзулардан бўлмасин жудо  
Элимизнинг ҳар ўғлони, ҳар бир ботири!

Ойша ШОДМОНОВА,

Фарғона область, Қувасой шаҳри.



# «ЧОРАК АСР ҲАМНАФАС»

Журналимизнинг шу йилги 7-, 8-сонларида таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорованинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги «Чорак аср ҳамнафас» сарлавҳали хотиралари эълон қилинган эди. Хотиралар жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Буни редакциямизга ҳамда муаллифнинг номига келаётган мактублар мазмунидан ҳам билса бўлади. Ана шу мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган журналхонларимизга редакция номидан миннатдорлик билдирамиз.



ирматли редакция!

Мен Кибриё Қаҳҳорованинг журналда эълон қилинган хотираларини катта қизиқиш билан ўқидим. Ўзбек совет адабиётининг фахри бўлган, совет адабиётининг ривожига ўзининг улкан улушини қўшган адиб, драматург Абдулла Қаҳҳор ҳақида билганларим янада кенгайди. У кишининг ҳаёт йўли ҳар бир ижодкорга, умуман, ҳар бир ёшга ҳам ўрнак бўлса арзийди, деб ўйлайман.

Биз адиб биографиясига оид асарларни кўп қайта ўқиганмиз. Ҳикояларининг, қиссаларининг, романларининг яратилиш тарихи билан қизиққанмиз. Аммо Кибриё опа ёзган хотиралар бошқаларига ҳеч ўхшамайди. Бу хотираларни ўқир эканмиз, ижод тўғрисидаги тасаввурларимиз янада бойийди; адибнинг оилада ҳам оқил инсон бўлганини теран ҳис қиламиз. Менимча, бу хотиралар Абдулла Қаҳҳор ҳақида яратилажак асарлар хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилади. Айниқса, ҳалигача биз — ўқувчиларга таниш бўлмаган асарлар ва улар тўғрисида берилган хабарлар ёки кўчирмалар ҳам ўрнига тушгандай. Адиб қаламига мансуб ҳар бир иборанинг ишлатилиши ва мазмундорлиги кишини қойил қолдиради.

Хотираларда Абдулла Қаҳҳорни кўрган-билган кишилар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Константин Симонов билан у кишининг ижодий ҳамкорлиги ҳақида ўқир эканмиз, бизни ҳаяжон босади. Бундан сўнг ҳам журнал саҳифаларида бу мавзу тез-тез ёритилиб боради, деган умиддамиз.

Абдулла Қаҳҳор юбилеи олдидан катта-катта адибларимиз, у киши билан яқиндан таниш бўлган кишиларнинг хотиралари ҳам бериб борилса, адиб қиёфаси кўз ўнгимизда яна ҳам бор бўйи билан гавдаланган бўлар эди. Ҳаммамизнинг севимли адибимиз сиймоси ҳамisha ҳурмат билан тилга олинади ва у ҳақида битилган ҳар бир сатр ҳам қизиқиб ўқилади, деб ўйлайман.

М. РАҲМОНОВА.

Жиззах области, Октябрь райони.

\* \* \*

Аҳил эрса икки дил.

Қийинчилик енгилур.

Биз атоқли устоз ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорни «Сароб» деган романидан бошлаб чин қалбимиздан севиб, ҳурмат қилардик. Ёзувчиларимиз ичида А. Қаҳҳор алоҳида ажралиб турибгина қолмай, қаҳрамонлари характерини ёрқин қиёфаларда тасвирлаб беради. Ярамас иллатларни ўткир тилга қалами билан очиб ташлайди. Кишига қандайдир таъсирли сабоқ беради. Китобларини бўлсин, саҳна асарларини бўлсин охиригача зерикмай ўқишга, кўришга шошилтиради. Энг асосийси, воқеаларни худди ҳозир рўй бераётгандек тасаввур этасан. Бугун шу ҳурматли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ҳақида Кибриё опа кўп салмоқли, ибратли хотираларини узукка битталаб кўз қўйгандек одилона ёзибдилар, кўп сирли жумбоқларни ечиб берибдилар. Бу хотираларнинг ёшларга тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Ҳозирги айрим келин-куёвлар А. Қаҳҳорнинг шахсий ҳаётидан ўрнак олсалар бўларди. Янги турмуш қурган кўп йигит-қизларимизнинг ўзаро муомалаларини кўриб баъзида ёқа ушлайман. Сал қийинчиликка чидамай келин куёвга: «Мен сизга чўри бўлиш учун тушганим йўқ!» деса, куёв дарров: «Хотин эмас, елим олибман-ку!», деб қизишади. Оила бўлгандан кейин қийинчилик, етишмовчилик бўлади-да, тўғри эмасми?

Мен область касалхонасида хотини ташлаб кетган одамни ўз кўзим билан кўрдим. Эри касалликка чалинган, хотин бошқа киши билан турмуш қуриб кетибди. Еки тўрт боласи олдида ичиб келиб, хотинини асоссиз шубҳалар билан қон қақшатадиган эрни айтайми? Ҳар иккала оила ҳам менга таниш. Кибриё Қаҳҳорованинг хотиралари, умуман, уларнинг А. Қаҳҳор билан

кечирган умрлари шундай оилаларга ибрат бўлади, деб ўйлайман.

**И. ҚОСИМОВ,**  
Калинин райони

\* \* \*

Салом, Кибриё опа!

Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларингизни ҳаяжон билан ўқидим. Бунинг учун Сизга жуда катта раҳмат! Хотираларингиз А. Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлароқ тасаввур қилишимга катта ёрдам берди.

Энди Сиз устознинг тўла асарлар тўпламини нашрга тайёрлашингиз керак. Биз — ўқувчилар Абдулла Қаҳҳорнинг асарларини битта қўймай ўқигимиз келади.

Мен Тошкентда, пединститутнинг кечки адабиёт бўлимида ўқиганман. Кундузи эса кино архивида ишлаганман. Ишим — ҳужжатли киноленталарнинг сифатини текшириш эди. Бир куни қўлимга устоз Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги ҳужжатли лента тушиб қолди. Кино аппаратимиз ишламагани туфайли, лентани экранда кўролмадим. Дискада айлантириб кўрдим, холос. Фильмни Учқун Назаров суратга олган экан. Шу лентани телевизор орқали халққа намойиш қилиш керак, деб ўйлайман. Устознинг сиймосини кўришни, овозини эшитишни жуда ҳам истардик!

Сизга саломатлик ва узоқ умр тилаб, муҳлисингиз

**Иброҳим ЖАЛИЛОВ,**  
Шаҳрисабз шаҳри

\* \* \*

Ҳурматли редакция!

Мана бир неча йилдирки, «Ешлик» журнали менинг яқин дўстим, маслаҳатчим, ҳаттоки сирдошим бўлиб қолди. Мен бу ҳолдан жуда хурсандман. 7- ҳамда 8-сонларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларнинг берилиши, адабиёт муҳлислари учун катта байрам бўлди, десам янглишмасам керак. Мен илтимос қилар эдимки, севимли журналимиз шу хайрли ишни энди охиригача етказса. Яъни, хотиралар билан бир қаторда А. Қаҳҳорнинг кам эълон қилинган ё шу пайтгача эълон қилинмаган асарларини тўплаб, вақти-вақти билан чоп этиб борса. Масалан, мен ёзувчининг «Қизил конверт» деган ҳикояси борлиги тўғрисида эшитганман, лекин ўқишга мияссар бўлмаганман<sup>1</sup>. Биз бир гуруҳ адабиёт

<sup>1</sup> А. Қаҳҳорнинг «Қизил конверт» ҳикояси «Асрорбобо», «Хотинлар», «Кўк конверт», «Ботирали», «Сей» ҳикоялари билан бирга 1944 йили Ўздавнашр томонидан алоҳида китобча ҳолида чоп этилган. (Ред.)

муҳлислари бу ҳикояни ўқишга ва унинг ёзилиш тарихини билишга жуда муштоқмиз.

**М. ХОЛМИРЗАЕВА,**  
Хўжабод

\* \* \*

Ҳурматли «Ешлик» журнали ходимлари!

Кўплар қатори мен ҳам «Ешлик» журнаlining муҳлислариданман. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Ёш ёзувчиларнинг ҳикоя ва қиссаларини мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, улғу устозлар ҳақида, уларнинг босиб ўтган ҳаёт ўйлари тўғрисида берилаётган материаллар нафақат менинг, балки барча ўқувчиларнинг ҳам кўнглидаги иш бўляпти.

Мана, яқинда улғу адиб — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳақида у кишининг умр йўлдошлари бўлмиш (буни ҳам «Ешлик» орқали билдик) Кибриё ая Қаҳҳорованинг жуда чиroyли хотиралари ёритилди. Мен хотираларнинг бошланишини 7-сонда зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим «8-сон қачон келаркан», деб сабрсизлик билан кутдим. Ростини айтсам, ҳаммасини биратўла ёритмаганларинг учун сизлардан оз-моз ранжидим ҳам. Хуллас, бу ажойиб хотираларни ўқиб, Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг ҳам чиroyли бир асар эканини ҳис қилдим.

Мен ўзим Фарғона областининг Ўзбекистон райониданман. Ҳозир тақдир тақозоси билан Тошкент шаҳрида ишлаб турибман. Ростини айтсам, Абдулла Қаҳҳордек бир инсоннинг юртдоши бўлганимдан фахрландим.

Мусофирликда одам тугилган юртига бошқача назар билан қарар экан. Лекин мен ҳозир ўзимни яна ҳам бўлакча сезяпман. Чунки (тўғриси айтишга одам уялади ҳам) шу пайтгача А. Қаҳҳорнинг Яйпанда тугилганини, болалиги ўша атрофларда ўтганини билмас эканман. Бошқа райондошларим ҳам буни билишадими, йўқми — бунга аниқ, дадил бир нима дея олмайман. Ахир, Яйпаннинг ҳеч қаерида, бу ерда Абдулла Қаҳҳорнинг яшаганини билдирувчи бирор ишорани, ҳатто ёдгорлик лавҳасини кўрмаганман.

Яқинда адибнинг қутлуғ 80 йиллик тўйи катта тантаналар билан ўтказилишини эшитиб қолдим. Менинг битта таклифим бор: юбилейга бизнинг районимиз ҳам жиддий тайёргарлик кўрса; Тошкентдан ва бошқа жойлардан ёзувчи ва шоирлар таклиф қилинса, ниҳоят, А. Қаҳҳорга бирор ёдгорлик қўйилса!

Районимизда Фафур Ғулом номида колхоз бор, энди бирорта хўжаликка Абдулла Қаҳҳор номи ҳам берилса, айни муддао бўлар эди.

Хатимнинг охирида Кибриё аяга мустақкам ирода, сўхат-саломатлик тилайман. Сиз редакция ходимларидан эса, яна шундай ажойиб хотиралардан кўп-кўп ёритиб туришларингизни илтимос қилардим.

**Ж. ЭРГАШЕВ,**  
Ўзбекистон райони





Кибриё Қаҳқорова



Сирожиддин Саидов



Ҳабиб Темиров

## МУКОФОТЛАР

### МУБОРАК!

«Ёшлик» журнали редколлегияси журналнинг йиллик мукофотларини қуйидаги муаллифларга беришга қарор қилди:



Ёқубжон Хўжамбердиев



Темир Саъдуллаев

#### БИРИНЧИ МУКОФОТ

Ёзувчи ва таржимон Кибриё ҚАҲҚОРОВАга — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳқор ҳақидаги «Чорак аср ҳамнафас» номли хотиралари учун (7—8-сонлар).

#### ИККИНЧИ МУКОФОТ

Шоир Сирожиддин САИДОВга — «Саксонинчи йиллар» достони учун (2-сон).

Ёзувчи Ҳабиб ТЕМИРОВга —

«Ҳиёбондаги одам» қиссаси учун (8—9-сонлар).

#### УЧИНЧИ МУКОФОТ

Публицист Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВга — «Охирги қўнғироқдан кейин...» (7-сон) ҳамда «...Ғолиблик отамеросми?» (8-сон) мақолалари учун.

Рассом Темир САЪДУЛЛАЕВга — журналнинг 6-сони муқоваси ҳамда 10-сонда «Хамса» саҳифасига ишлаган безаклари учун.

# МУНДАРИЖА

НАСР

**Султон ҚОЛБЕК.** Гулжон Қисса . . . . . 5

НАЗМ

**Ойгул СУЮНДИКОВА** . . . . . 2  
**Гулчехра ЖУРАЕВА.** Достон . . . . . 20

ҚАЛДИРҒОЧ

**ЗУЛФИҚОР.** Пора. Ҳикоя . . . . . 25

ЖАҲОН АДАБИЕТИДАН

**Федор Михайлович ДОСТОЕВСКИЙ.** Маъсума. Ха-  
ёлий ҳикоя . . . . . 31

ПУБЛИЦИСТИКА

**Жамол ШАРОПОВ.** Мисқоллаб топиб, ботмонлаб со-  
чиш . . . . . 45  
**Бегали ҚОСИМОВ, Нусратулла ЖУМАЕВ.** Уқишга кир-  
моқчиман . . . . . 59  
**Шокирали НУРАЛИЕВ.** Оламшумул «тўққиз процент» . . . . . 63  
**Эркин МАДРАҲИМОВ.** Сўнмас бир ҳайрат . . . . . 49

АДАБИЙ ТАНҚИД


**Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.** Нега шеър ёзасиз? . . . . . 55  
**Шаҳобиддин ОДИЛОВ.** Шеърят — муқаддас даргоҳ . . . . . 70

БОЙЧЕЧАК

**Рустам НАЗАР** . . . . . 30

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

Замон ва ижобий қаҳрамон . . . . . 74  
«Чорак аср ҳамнафас» . . . . . 76



Расми **Ҳ. СОЛИХОВ** чизган

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Гулчеҳра ЖУРАЕВА.** Бухоро обласининг Шофиркон районида туғилган. ТошДУни битирган. Ун бешдан ортиқ шеърий китобларнинг муаллифи. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

**ЗУЛФИҚОР** (Зулфиқор МУСОҚОВ). 1958 йили Тошкентда туғилган. А. Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетини битирган (1981 й.). Тошкент теле-студиясида режиссёр бўлиб хизмат қилади. Матбуотда биринчи марта кўриниши.

**Эркин МАДРАҲИМОВ.** Хива шаҳрида туғилган. 1961 йилда ТошДУнинг журналистика бўлимини тамомлаган. «Иқбол», «Йилга татиган бир кун», «Оҳулар», «Туямўйин тонги», «Ёлғоннинг умри қисқа» каби асарлари чоп этилган. Айти пайтда «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг ҚҚАССР ва Хоразм области бўйича муҳбири бўлиб ишламоқда.

**Шокирали НУРАЛИЕВ.** 1948 йили Фарғона область, Фрунзе районининг Данғара қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини 1973 йили тамомлаган. Утқир

муаммоли бир неча социологик очеркларнинг муаллифи. Ҳозир «Ғалаба» район газетасида муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлайди.

**Ойгул СУЮНДИКОВА.** Самарқанд область, Пойарик районида туғилган. Москвада М. Горький номидаги Адабиёт институтини тугаллаган. Шеърлари матбуотда мунтазам эълон қилиниб келади.

**Жамол ШАРОПОВ.** Ленинобод обласида туғилган. 1965 йили ТошДУнинг журналистика бўлимини битирган. «Ҳорманг, қизлар», «Авлодлар жасорати», «Бу йўлда хато қилма», «Жангда жасур, меҳнатда фидойилар» очерк тўпламлари босилган. Ҳозир «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси редакциясида хизмат қилади.

**Султон ҚОЛБЕК.** Тошкент обласининг Оржоникидзе районида 1938 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тамомлаган. «Тўнғич китоб» шеърий тўпламининг муаллифи. Қорақалпоқ ҳамда ўзбек тилида ижод қилади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ташвиқот бюросида ишлайди.

## АВТОРЛАРИМИЗ

«Ёшлик» («Молодость») —  
ежемесячный литературно-  
художественный, общественно-  
политический журнал

на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза  
писателей Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИХОВ  
Техник редактор: В. УРУСОВА  
Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П,  
Ленин кўчаси, 41.  
Телефонлар:  
Бош редактор — 32-26-01  
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06  
Масъул секретарь — 32-56-27  
Поэзия бўлими — 32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листдан ор-  
тиқ роман, 8 босма листдан зиёд қисса-  
лар кўлэмасини қабул қилмайди. Бир  
босма листгача бўлган асарлар авторла-  
рига қайтарилмайди. Редакция ўз тав-  
сиясига кўра амалга оширилган таржи-  
ма асарлар кўлэмаларинигина қабул  
қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш-  
лик»дан олинди», деб изоҳланиши  
шарт.

Босмаҳонага 31.11.1985 й. да туши-  
рилди. Босишга 6.12.1985 й. да рухсат  
берилди. Р-14120. Қоғоз формати  
84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қоғоз ҳажми 5,25 лист.  
Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳи-  
соб листи 12,6. Тиражи 196833. Буюртма  
№ 2064. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш Гвардия» нашриёти,  
Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ орденли босмаҳонаси.  
Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.